

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг*

**„МУСТАҚИЛЛИК — БАРЧА ЭЗГУ
РЕЖА ВА МАРРАЛАРИМИЗНИНГ
МУСТАҲКАМ МЕЗОНИДИР“**

*рисоласи — Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг йигирма икки йиллигига
бағишланган тантанали маросимдаги табрик
сўзини ўрганиш бўйича*

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент — 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг*

**„МУСТАҚИЛЛИК – БАРЧА ЭЗГУ РЕЖА ВА
МАРРАЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲҚАМ МЕЗОНИДИР“**

*рисоласи — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги
табрик сўзини ўрганиш бўйича*

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

УЎК : 323(575.1)(075)

КБК 66.3(5Ў)0уа722

Ў32

Нашр учун масъул илмий-ижодий гуруҳ:

М. Комилов, У. Фафуров, М. Амонбоев

Тақризчилар:

- Н. ЖЎРАЕВ — сиёсий фанлар доктори, профессор;
А. КАРИМОВ — иқтисод фанлари доктори, профессор;
Б. ҲУСАНОВ — фалсафа фанлари номзоди, доцент.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи „Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир“ деган ном билан „Ўзбекистон“ нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан китоб ҳолида чоп этилди. Мазкур рисолада мустақиллигимизнинг маъно-мазмуни, унинг нақадар улуғ ва азиз неъмат экани, халқимиз истиқлолга эришиш, уни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида қандай оғир синов ва машаққатлардан ўтгани атрофлича очиб берилган. Айни вақтда мамлакатимиз йигирма икки йил давомида эришган ютуқ ва марралар, уларнинг аҳамияти, бугунги кунда олдимизда турган долзарб вазифалар ушбу китобда чуқур ёритилган. Шунинг учун ҳам мазкур рисола мамлакатимиз таълим тизимида кенг ўқиб-ўрганиш ўқувчи ва талаба ёшларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамият касб этади. Айни шу ҳақиқатни инобатга олган ҳолда, Юртбошимизнинг мазкур рисоласини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма тайёрланди.

Қўлланма мамлакатимиз олий ўқув юртларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, илмий ходимларга, талаба ёшларга, умумтаълим мактаблари, академик лицей, касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари ҳамда ўқувчиларига, кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Мазкур ўқув қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2013 йил 11 октябрдаги 4-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.



СЎЗ БОШИ

1991 йилнинг 31 август куни дунёнинг сиёсий харитасида мустақил Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши халқимизнинг ўз юрти, ўз тақдирига ўзи эгалик қилиб, эркин ва озод, тинч ва фаровон яшаш борасида асрлар давомида курашиб, интилиб келган энг муқаддас орзуларининг ушалиши учун кенг йўл очиб берди. Айнан истиқлол туфайли халқимиз миллий қадриятлар ва анъаналарини, бой тарихи, бебаҳо меросини тиклаш, ўзлигини англаш ҳамда юртимиз бойликларидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Шунинг учун ҳам биз Мустақиллик кунини энг улуғ, энг азиз байрам сифатида нишонлаймиз, истиқлолимизнинг ҳар бир тарихий санасини катта шоду хуррамлик билан кутиб оламиз.

Албатта, Ватанимиз мустақиллиги осонлик билан қўлга киритилгани йўқ. Бу йўлда қанчадан-қанча қийинчилик ва машаққатларни енгиб ўтишга тўғри келди. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида аниқ тарихий воқеалар, факт ва далиллар асосида батафсил фикр юритилган. Истиқлол тарихимизнинг кўзгуси бўлган ушбу китобда, жумладан, бундай дейилади: „Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз — бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик иллоти етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узоқ давом этадиган йўлидир“¹.

Ўзбекистон, собиқ мустабид тузумдан қолган ўта оғир муаммолар, мавжуд хавф-хатарларга қарамасдан, ўз мустақил тараққиёт йўлини қатъий танлаб, демократик жамият қуриш сари дадил қадам қўйди. Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини олий қадрият деб биладиган, бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Ана шундай устувор мақсадларга эришиш учун мамлакатимиз аввало ўз умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, дунёда тараққиётнинг „ўзбек модели“ деб тан олинган ўз ривожланиш йўлини танлаб олди. Айрим кучлар четдан туриб тиқиштиришга уринган ислохотларни амалга оширишнинг „шок терапияси“ йўлини эмас, балки ҳар томонлама пухта ўйланган тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олди. Ўзбекистон раҳбари ана шундай ҳал қилувчи паллада қатъий ирода, жасорат ва азму шижоат фазилатларини намоён этиб, халқимизни оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолгани собиқ СССР ҳудудидаги бошқа мустақил давлатларда юз берган воқеалар мисолида ўз тасдиғини топди.

Халқимиз мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб ўз олдига қўйган юксак мақсад ва вазифаларни ўз кучи ва салоҳияти билан амалга оширишга ҳар томонлама қодир экани ўтган 22 йил давомида амалий тасдиғи, исботини топиб келмоқда.

¹ *Ислом Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 28-бет.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилиб, изчил жорий этилаётган тараққиётнинг ўзбек модели негизини ислохотларнинг машхур беш тамойили ташкил этиши бугунги кунда кўпчиликка яхши маълум. Бу тамойиллар қуйидагилардан иборат: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги; давлатнинг бош ислохотчи экани; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат юритиш; бозор муносабатларига босқичма-босқич, тадрижий йўл билан ўтиш.

Таъкидлаш керакки, бу сиёсий таълимот давлат ва жамият қурилиши ҳақидаги илм-фан тарихида ўзига хос янгилик бўлди.

Мамлакатимиз Президентининг 2013 йил 31 августда Ўзбекистон мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи ана шу таълимотни янги-янги фикр ва гоялар билан бойитадиган тарихий чиқиш бўлди. Бу нутқда 22 йиллик мустақил тараққиёт йўли ҳар томонлама чуқур таҳлил этилиб, мустақилликнинг халқимиз, Ватанимиз учун буюк аҳамияти атрофлича очиб берилди.

„Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз аввало ҳуқуқ деб қабул қиламиз. Мустақилликка эришиш — бу ўз тақдиримизни кўлимизга олиб, юртимизнинг ерости ва ерусти бойликлариغا эга бўлиш, биз қандай улуғ тарих, маданият ва маънавиятга эга эканимизни, ўзлимизни чуқур англаб, беқиёс салоҳиятимизни ишга солиш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни тиклаш каби буюк ва муқаддас бурчимизни амалга оширишдир“, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари Ислом Каримов².

Мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимиз, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳоли фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтариш экани мазкур чиқишда алоҳида таъкидланди.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган 22 йил мобайнида, тарихан қисқа бир муддатда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда том маънода улкан ишлар амалга оширилди. Бу давр Ўзбекистон учун ҳар томонлама ривожланиш ва юксалиш даври бўлгани дунё жамоатчилиги, атоқли сиёсатчилар, давлат арбоблари, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари, эксперт ва таҳлил марказлари томонидан эътироф этилмоқда.

Йигирма икки йил мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани ҳам халқимиз босиб ўтган тараққиёт ва юксалиш йўлини яққол акс эттиради. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар — аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробарга кўпайгани, халқ турмуш даражаси сезиларли равишда яхшилангани, бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани биз эришган энг катта ютуқлардир.

2008—2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни, 2010 йилда 8,5 фоизни, 2011 йилда 8,3 фоизни, 2012 йилда эса 8,2 фоизни ташкил этгани — жаҳондаги саноқли давлатларгина эриша олган, бундай ўсиш

² *Ислом Каримов*. Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 4-бет.

суръатлари, чиндан ҳам, мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган изчил сиёсат натижаси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда, айниқса, ривожланган мамлакатларда давлатларнинг ташқи қарзлари кўпайиб бормоқда. Шундай бир пайтда Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизидан ошмасдан, давлат бюджети эса сўнгги беш йилда профицит билан бажарилмоқда. Буларнинг барчаси биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислохотлар стратегияси, тараққиёт йўли нақадар тўғри экани ва халқимиз манфаатларига, замон талабларига тўла жавоб бераётганини яна ва яна бир бор тасдиқламоқда.

Энг муҳими, мустақиллик йилларида халқимиз ўзлигини, кимларнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканини англаб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуси ҳамда қадриятларини тиклаб, ўз кучига, бунёдкорлик салоҳиятига ишониб, бир-биридан улғувор ишларни амалга оширмоқда, эркин ва озод миллатлар қаторида ўзига муносиб ўринни эгалламоқда.

Дунё ҳамжамияти эътироф этганидек, Ўзбекистон — ҳар томонлама бой, улкан имкониятларга эга бўлган, гоят муҳим ва қулай жуғрофий-стратегик ҳудудда жойлашган мамлакат. Унинг энг катта бойликларидан бири, шубҳасиз, халқнинг юксак маънавий мероси, қарийб уч минг йиллик тарих, маданият ва цивилизацияга эга бўлган маърифатли халқи ва аждодлар анъаналарига содиқ юқори салоҳиятли ёшларидир. Мамлакатимизда ёшларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга устувор аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ёшлар — ишонган тоғимиз, эртанги кунимиз эгалари бўлиб, келажагимиз уларнинг қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқ. Бизнинг „...отабоболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган“³. Бу фазилат бугунги кунда ёшларимиз тимсолида давом эттирилмоқда.

Бу борада мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, хусусан, бу улғу вазифани амалга оширишнинг асосий шарти ва гарови бўлган замонавий таълим-тарбия тизимини шакллантириш ва ривожлантириш масаласига улкан эътибор қаратилаётгани беқиёс роль ўйнамоқда. Бу ҳақда сўз юритганда, юртбошимиз томонидан 1990 йил 4 августда, ҳали собиқ мустабид мафкура ҳукмрон бўлиб турган бир пайтда кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ишлаб чиқиш масаласини кун тартибига қўйган эди⁴. Лекин фақат мустақилликка эришганимиздан сўнг бу гоёни амалга ошириш имкони туғилди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг „Таълим тўғрисида“ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Кейинчалик, 2004 йилда ана шу дастурнинг узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилинди ва изчил жорий этилди. Шулар қаторида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, мусиқа ва санъат мактабларининг, олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган дастурлар қабул қилинганини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимининг мазмун-моҳияти, сифати ва самарадорлигини тубдан ўзгартиришда айниқса Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг аҳамияти беқиёс бўлмоқда. Айни шу дастур асосида юртимизда 9+3 схемаси асосидаги 12 йиллик мажбурий бепул таълим тизими шаклланди. Олий таълим тизими бакалаврият ва магистратура босқичидан иборат икки поғонали тизимга ўтказилди.

³ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. 61-бет.

⁴ *Ислом Каримов*. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 16—17-бетлар.

Ўтган даврда мамлакатимизда замонавий талабларга жавоб берадиган 1554 та академик лицей ва касб-хунар коллежлари барпо этилди, мавжуд 9765 та мактабнинг барчасида кенг кўламли қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, 300 га яқин мусиқа ва санъат мактаблари, 1300 дан зиёд болалар спорти объектлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ҳар йили давлат бюджети харажатларининг 35 фоиздан ортиги таълим соҳасига йўналтирилмоқда ва бу ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизини ташкил этмоқда. Бундай кўрсаткичларни дунёнинг бошқа мамлакатларида камдан-кам учратиш мумкин.

Юртимиздаги 59 та олий таълим муассасасида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда.

Агар Ўзбекистонда яшаётган 30 миллиондан ортиқ аҳолининг қарийб 35 фоизини 16 ёшгача бўлган болалар, 60 фоиздан зиёдини эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, таълим-тарбия соҳасида яратилаётган бундай улкан имкониятларнинг моҳияти ва аҳамияти яққол аён бўлади.

Маълумки, ҳозирги кунда дунёнинг жуда кўплаб давлатларида ота-оналар фарзандларининг таълим-тарбияси учун оила бюджетидан жуда катта миқдорда маблағ сарфлайди. Баъзи оилалар бундай оғир „моддий юк“ни кўтаролмайди, натижада уларнинг болалари саводсиз бўлиб қолади. Маълумотларга кўра, айнан шу ва бошқа омиллар сабаб дунё бўйича аҳолининг умумий саводхонлик даражаси 30—40 фоизни ташкил этади, атиги 30 га яқин мамлакатда бу кўрсаткич 90 фоизга тўғри келади.

„Ўзбекистонда эса таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми ялпи ички маҳсулот таркибида 12 фоиздан ортади. Жаҳон тажрибасида эса бу кўрсаткич 3—5 фоиздан ошмайди. Мамлакатда саводхонлик даражаси жаҳонда энг юқорилардан бири бўлиб, бу борадаги кўрсаткич 99,2 фоизни ташкил этади“⁵.

Албатта, янги ўқув муассасаларини барпо этиш, таълим даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш жуда катта маблағни талаб этади. Бу эса кўплаб хорижий мамлакатларнинг таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш имконини чеклаб қўяди.

Ўзбекистон раҳбарияти шундай бир шароитда, халқимиз, Ватанимиз манфаати, ёш авлод келажагини ўйлаб, таълим-тарбия соҳаси равнақи учун зарур барча куч ва имкониятларни топиб, уларни ишга солмоқда. Шу боис мамлакатимиз жаҳон жамоатчилиги томонидан таълим-тарбияга улкан эътибор бераётган давлатлардан бири сифатида эътироф этилмоқда.

АҚШнинг CNN компанияси тайёрлаган дунё мамлакатларидаги таълим соҳасининг аҳволи тўғрисидаги қиёсий ахборотда таъкидланишича, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича дунёда Ирландия 75,70 балл билан биринчи, Ўзбекистон 75,38 балл билан иккинчи ўринни эгаллаган. Дания, Янги Зеландия, Исландия, Бельгия сингари бир гуруҳ ривожланган Европа ва бошқа қитъа мамлакатлари ушбу рўйхатнинг кейинги ўринларидан жой олган. Катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 65,49 балл билан 15-ўринни эгаллаган бўлса, дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлмиш АҚШ 31-ўринни (61,34 балл), Хитой эса 67-ўринни (52,23 балл) банд этган. Белорусь 60,55 балл билан 36-ўринни, Россия 55,18 балл билан 55-ўринни эгаллаган. Собиқ совет ҳудудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар рейтингда қуйидагича жойлашган:

⁵ Саифназарова Ф. Ўзбек оиласи: ижтимоий ва маънавий қадриятлар. Юрист медиа маркази. — Т., 2007. 104-бет.

Қозоғистон 69-ўрин, Қирғизистон 72-ўрин, Арманистон 85-ўрин, Грузия 87-ўрин, Озарбайжон 89-ўрин, Тожикистон 107-ўрин билан кифояланган.

Албатта, мамлакатимиз қўлга киритаётган бундай улкан ютуқлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Бироқ, энг муҳими, Ўзбекистон бугунги давр талаби ҳамда унинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим соҳасида ҳам эришилган натижалар билан кифояланиб қолмасдан, уларни янада мустақкамлаш ва олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, бутун мамлакат билан бирга таълим соҳасини ҳам модернизация қилиш йўлидан қатъий бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида зикр этилган рисоласида уқтириб ўтилганидек, бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ҳамда таҳликали замонда турли минтақалар, ён-атрофимизда қарама-қаршилиқ ва қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, хушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Ана шундай мураккаб бир шароитда биз энг катта бойлигимиз бўлмиш жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустақкамлаш, яқин ва узоқ қўшниларимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатликни янада кучайтиришни ўзимизнинг энг устувор вазифамиз сифатида кўрамиз. Шу маънода, халқимизнинг юрак-юрагига сингиб, ҳаётининг мазмунига айланиб кетган „Бизга тинчлик ва омонлик керак“ деган эзгу даъватни амалга ошириш энг долзарб масала бўлиши керак.

Мазкур рисолада, Юртбошимизнинг бошқа чиқишларида бўлгани каби, ёшларга алоҳида ишонч ва меҳр билан мурожаат қилиниб, қуйидаги фикрлар таъкидланади: „Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб ўтирган, суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ўғил-қизларимизга, менинг фарзандларимга қарата айтмоқчиман: биз ўз олдимизга қўйган келажаги буюк давлат куришдек олижаноб мақсадга етиш йўлида мен сизлар каби мард ва шижоатли ёшларимизга, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдида бош эгмайдиған, бугун ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқаётган соғлом ва баркамол авлодимизга ишонаман“⁶.

Биз истиқлол туфайли, турли кўринишдаги таҳдид ва хатарларга қарамасдан, ўзининг тараққиёт йўлини аниқ белгилаб олган ва шу йўлдан қатъият билан бораётган қудратли салоҳиятга эга бўлган, бунёдкорлик даҳоси билан бошқаларнинг ҳавасини уйғотаётган, соғлом ва баркамол авлоди эртага янада юксак чўққиларни эгаллайдиған, озод халқ, эркин миллатга айландик. Бу бизнинг энг буюк бахтимиздир. Аммо ютуқлардан сармаст бўлиб, бепарволикка асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, халқаро майдонда мафкуравий курашлар, ғоявий ахборот хуружлари тобора кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб ва таҳликали даврда ёшларимизни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилиш, юртдошларимизнинг ҳаётга онгли муносабатини, ён-атрофда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини янада ошириш, мамлакатимиз мустаққиллиги, тинч-осойишта ҳаётимизга хавф туғдириши мумкин бўлган тажовузларга қарши изчил кураш олиб бориш лозим.

Бунинг учун аввало, ҳар биримиз хушёр ва уйғоқ бўлиб яшашимиз, „Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустаққил Ўзбекистон“ деб, шу азиз Ватан, унинг озодлиги ва мустаққиллиги, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти, эл-юртимизнинг фидокорона меҳнати билан эришаётган ютуқ ва марраларимизнинг

⁶ *Ислом Каримов*. Мустаққиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаққам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 13—14-бетлар.

қадр-қимматини чуқур англашимиз, айна вақтда олдинда бизни янада улкан вазифалар кутаётгани, уларни ҳал этиш, бу улғу ишга ўз ҳиссамизни қўшиш учун бор билим ва тажрибамиз, куч-ғайратимизни сафарбар этишимиз лозимлигини унутмаслигимиз зарур. Президентимиз Ислам Каримовнинг „Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир“ рисоласи бизни айна шу руҳда яшашга даъват этади ва бу йўлда барчамизга дастуруламал бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун ҳам бу асарни ҳар томонлама чуқур ўқиб-ўрганиш барчамизга янги билим, қўшимча куч-ғайрат беради, онгимиз, тафаккуримизни юксалтиради.

Ушбу масаланинг катта ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимиздаги етакчи олий ўқув юртларининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари томонидан мазкур қўлланма тайёрланди.

Албатта, мазкур қўлланма давлатимиз раҳбарининг ижтимоий-сиёсий, назарий ва амалий йўналишдаги ғоят теран мазмунга, концептуал фикр ва ғояларга эга бўлган рисоласини ўрганиш йўлидаги дастлабки тажриба бўлиб, у илмий-педагогик жамоатчилик, талаба ва ўқувчи ёшлар томонидан билдириладиган таклиф ва мулоҳазалар асосида кейинчалик янада такомиллаштирилади.

1-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК – ҲУҚУҚ ДЕМАҚДИР

Мустақиллик — бизнинг ўтмишимиз, чунки халқимиз уни қўлга киритиш учун асрлар давомида бир жону бир тан бўлиб шиддатли курашлар олиб борди; мустақиллик — бизнинг бугунимиз, чунки у ҳозирги вақтда эришаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг, тинч-осойишта, обод ва фаровон ҳаётимизнинг, халқаро майдондаги обрў-эътиборимизнинг мустаҳкам замини; мустақиллик — бизнинг эртанги кунимиз, чунки у фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг, олдимизга қўйган юксак мақсадларга эришишнинг асоси, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва ҳеч кимдан кам бўлмаган ва ҳеч кимдан кам бўлмайдиган жамият куришнинг куч-қувват манбаидир.

Мустақиллик — ҳуқуқ демақдир. Собиқ Иттифоқ таркибидаги республикаларда миллий ўзликни англаш, она тилига, маданият ва тарихга, келажакка янгича қараш, инсоний ҳуқуқ ва эркинликлари учун курашиш ҳисси ўтган асрнинг саксонинчи йиллари охирларига бориб кучайди. Ўша пайтда бизнинг юртимиз — Ўзбекистонда кенг мунозараларга сабаб бўлган муаммолардан бири *ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш масаласи* бўлди. Бу муаммони тинч йўл билан, қонуний асосда ҳал этиш юзасидан бошланган ҳаракат қудратли тус олиб, унда зиёлилар, талаба ёшлар, кенг жамоатчилик фаол иштирок этди. Рус тилининг мақоми тўғрисидаги масала теварагида қизгин тортишувлар бўлди — бу тил иккинчи давлат тили бўлиши ёки миллатлараро алоқа тили бўлиб қолиши керакми, деган масала ҳаммани ўзига жалб қилган эди.

Бу масаланинг миллий ўзликни англаб етишдаги аҳамиятини теран англаган Ўзбекистоннинг янги раҳбари Ислоҳ Каримов катта жасорат билан уни ҳал қилишга киришди. Натижада, 1989 йил 21 октябрда ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясида Ўзбекистон ССРнинг „Давлат тили ҳақида“ги Қонуни қабул қилинди⁷. Қонуннинг 1-моддаси 1-қисмига кўра, *„Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир“*⁸ деб белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, ўзбек тили давлат тили мақомига эга бўлди.

Ўзбекистон ССРнинг „Давлат тили ҳақида“ги Қонунининг 4-моддаси 1-қисмини келтирамиз: *„Ўзбекистон ССРда ишловчи давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарлари ўз хизмат вазифаларини бажариш учун республика давлат тилини етарли даражада билишлари шарт“*⁹.

Қонуннинг 5-моддаси (1-қисм)да қуйидаги ҳуқуқий норма мустаҳкамлаб қўйилди: *„Ўзбекистон ССР давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятида съезд, пленум, қурултой, сессия, конференция, мажлис ва кенгашлар республиканинг давлат тилида олиб борилади ва айнан таржимаси таъминланади“*¹⁰.

Юқорида келтирилган моддалар (уларнинг қисмлари)да Ўзбекистонда давлат ҳокимияти органлари ўз фаолиятини давлат тилида юритиши лозимлиги кўрсатилган.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг „Давлат тили ҳақида“ги Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги 1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Қонуни асосида „Давлат тили ҳақида“ги Қонуннинг янги таҳрири тасдиқланди.

⁸ *Қонуннинг матни бўйича қаранг: Она тили — Давлат тили: (Ўқув қўлланма-мажмуа) Ўзбекистон Республикасининг „Давлат тили ҳақида“ги Қонунига оид ҳужжатлар / Тузувчилар: Н.Жумаҳўжа, Р.Жомонов. — Т.: Адолат, 2004. 80-бет. (Давлат ва миллат рамзлари.)*

⁹ Ўша манба, 6-бет.

¹⁰ Ўша манба, 7-бет.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, давлатда ҳоқимиятнинг мавжуд бўлиши мамлакатнинг асосий белгиларидан саналади. Давлатдаги мавжуд ҳоқимият (давлат ҳоқимияти) эса маълум принцип асосида тақсимланади, бўлинади. Бу „давлат ҳоқимиятининг бўлиниш принципи“ деб аталади. Мазкур тамойилга кўра, давлат ҳоқимияти бир-бири билан чамбарчас боғланган, айни вақтда, маълум мустақилликка эга бўлган қуйидаги уч шохобчага бўлинади: қонун чиқарувчи ҳоқимият, ижро этувчи ҳоқимият ва суд ҳоқимияти¹¹. Ана шу уч ҳоқимият биргаликда давлат ҳоқимиятини ташкил этади.



1.1-расм. Давлат ҳоқимиятининг бўлиниш принципи.

Давлат ҳоқимиятининг бўлиниш принципининг жорий этилиши, яъни ҳоқимиятлар бўлинишининг амалга оширилиши ҳар қандай давлатнинг демократик хусусиятини белгилайдиган омиллардан биридир. Давлат ҳоқимиятининг бўлиниш принципи давлат ҳоқимияти органларининг ўзаро мувозанати ва тенглигини таъминлайди. Мазкур тамойилнинг оқилона рўёбга чиқарилиши орқали давлатда бирор орган ёки шахс томонидан *диктатура*¹² ўрнатилишининг олди олинади, давлат бошқаруви амалга оширилишининг идеал мувозанати таъминланади, давлат органларининг самарали фаолият юритиши учун замин тайёрланади.

Давлат ҳоқимиятининг бўлиниш принципи давлат ҳоқимияти органларининг келишиб, бир-бирини назорат қилиб ва ўзаро уйғунликда ишлашига имкон яратади.

¹¹ Кўпинча, оммавий ахборот воситалари „тўртинчи ҳоқимият“ сифатида тилга олинади. Бироқ бу мезон юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган эмас ва мустаҳкамлаб қўйилиши мумкин ҳам эмас. Чунки давлат ҳоқимияти фақат номлари юқорида тилга олинган учта ҳоқимиятга бўлинишни тақозо этади. Оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги юксак ўрнини алоҳида таъкидлаш мақсадида мазкур тушунча кенг қўлланади. Оммавий ахборот воситаларига, яъни „тўртинчи ҳоқимият“га газеталар, журналлар, радио, телевидение ва оммавий ахборот тарқатишнинг бошқа воситалари киради. „Тўртинчи ҳоқимият“ мажбурият органларига эга эмас. Шу маънода, бу тушунча кўчма маънодаги ҳоқимиятни ифодалайди. Шундай бўлса-да, оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи юксакдир. Фуқаролик жамияти тўғрисидаги эзгу гоёларнинг амалга ошишини таъминлаш ва фуқароларнинг ана шу ишга қўшаётган юксак ҳиссаси боис оммавий ахборот воситаларининг хизматлари алоҳида таъкидланиши ўринлидир.

¹² „Диктатура“ сўзи латинча *dictatura* сўзидан олинган бўлиб, „чекланмаган ҳоқимият“ маъносини билдиради. Қаранг: Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: Адолат, 1999. 27-бет.

Шунинг учун ҳам ҳокимиятнинг бўлиниш принципининг қарор топиши демократик давлатга хос тамойилдир.

Ўзбекистонда „Давлат тили тўғрисида“ги Қонуннинг қабул қилинишини барча бирдек хурсандчилик ва мамнунлик билан кутиб олди. Маълумки, бу қонун қабул қилинган вақтда ҳали СССР мавжуд бўлиб, мустабид тузум барҳам топмаган эди. Эски тузум жон талвасасида сўнгги нафасларини оларди. Халқимизнинг ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш борасидаги жўшқин ҳаракатини мустақиллик йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳолаш лозим.

Ўзбекистон ССРнинг „Давлат тили ҳақида“ги Қонунининг қабул қилиниши ўзбек халқининг ўзлигини англашининг ўсиши ва республикада миллатлараро ҳамжиҳатликнинг сақланиб қолишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди, „давлат мустақиллиги йўлидаги биринчи муваффақиятимиз, биринчи ғалабамиз бўлди“¹³. „Республика Олий Советининг сессиясида Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги қонунининг қабул қилиниши республика ҳаётида муҳим тарихий воқеадир“¹⁴.

„Давлат тили тўғрисида“ги қонун қабул қилинганидан сўнг миллий ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш йўлида юртимизда яна бир тарихий аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий қадам қўйилди. Ўн иккинчи чақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатни — Ўзбекистонда президентлик бошқарувини таъсис этиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 мартда Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида таъсис этилди. Ўша куни Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари республика Компартияси Марказий Кўмитасининг Биринчи котиби Ислон Абдуғаниевич Каримовни Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти этиб сайладилар. СССР республикалари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда президентлик бошқаруви жорий этилди. Бу вақтда СССР худудида фақат СССР Президенти лавозими мавжуд эди¹⁵.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март пленумларининг яқунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, *„Энг муҳими шундан иборатки, Президент институтининг жорий этилиши — республикамиз учун суверенитет ва давлатчиликда принцип жиҳатдан янги босқичга ўтилишини билдиради“*¹⁶.

Ислон Каримов ўн иккинчи чақриқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1990 йил 24 мартда бўлиб ўтган биринчи сессиясида сўзлаган нутқида ҳам Президент бошқарувининг жорий этилиши ҳаёт тақозоси эканини уқтириб, бундай деган эди: *„Президент бошқарувини ҳаётнинг ўзи, қайта қуришнинг мантиқи, моҳияти, унинг мураккаб ва зиддиятли жараёнлари тақозо этипти“*¹⁷.

¹³ *Иброҳимов А.* Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар / Сўз боши: И.Фафуров. — Т.: Шарқ, 2001. 213-бет.

¹⁴ *Каримов И.А.* Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқдан, 1989 йил 28 ноябрь. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 91-бет.

¹⁵ 1990 йилнинг 14 мартида СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездига СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, бу лавозимга Михаил Сергеевич Горбачев сайланди.

¹⁶ „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1990 йил 24 март.

¹⁷ *Каримов И.А.* Халқ иродаси билан танланган йўл. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 149-бет.

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгач, мамлакатимизда давлатни идора этишнинг замонавий ва самарали шакли — президентлик тизими тўла қарор топа бошлади. Дунё давлатчилиги тараққиётида давлат бошқарувининг асосан икки шакли — монархия ва республика шакллари мавжуд. Республика, ўз навбатида, парламентар республика ва президентлик республикаси кўринишларига эга. Президентлик республикаси ҳозирги кунда энг кўп тарқалган давлат бошқаруви шаклидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлган 192 давлатдан 142 тасида *Президент*¹⁸ лавозими мавжуд бўлиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир¹⁹.

Ўзбекистон халқининг манфаатларини кўзлаб Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган дастлабки сиёсий ислохотлар президентлик бошқарувининг ўз вақтида таъсис этилганидан далолат беради. 1990 йил 20 июнда республикаимиз Олий Совети томонидан қабул қилинган „Мустақиллик Декларацияси“ шу йўлда муҳим қадам бўлди.

1990 йилнинг 1 ноябрида „Ўзбекистон ССРда ижроия ва бошқарув ҳокимиятининг тузилишини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида“ Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг Қонуни²⁰ қабул қилинди. Давлат бошқарувининг уйғун тизимини яратиш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини қатъий белгилаб қўйиш, давлат органлари фаолиятида параллелчилик ва бир-бирининг иштини такрорлашга, бир орган томонидан бошқа органлар вазифасининг бажарилишига барҳам бериш мақсадида ҳамда бозор муносабатларига ўтиш шароитида ижроия ҳокимиятни мустақамлаш, давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишнинг ҳамма жабҳаларида интизом ва тартиб ўрнатиш муҳим эканини ҳисобга олиб, юқорида номи тилга олинган қонун қабул қилинди.

Иттифоқ раҳбарларининг барча ҳаракатларига қарамасдан, СССРнинг парчаланishi жараёни бошланди: унинг таркибидан дастлаб Болтиқбўйи республикалари (Литва, Латвия ва Эстония), улардан сўнг Грузия чиқди.

Ўзбекистонда янги раҳбарият томонидан ижтимоий-иқтисодий соҳаларни давлат йўли билан бошқариш органлари мустақамланди, солиқ назорати ва жойларда ҳоким лавозими жорий этилди. Республикаимизда жамиятни демократлаштириш, Ўзбекистоннинг ҳақиқий суверенитетини ўрнатиш, турли миллат ва элатларнинг тотувлиги ва тенглигини таъминлашга эришиш Ислом Каримов бошчилигидаги сиёсий раҳбариятнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Ўзбекистон халқи республикаимиз раҳбариятининг юзага келган вазиятни барқарорлаштириш, иқтисодий ва сиёсий мустақилликни таъминлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Чунки Ўзбекистон раҳбарияти ўз халқининг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиб, унинг манфаатларини кўзлаб иш юритди.

СССРнинг юқори мансабдаги раҳбарларидан бир гуруҳи²¹ 1991 йилнинг 18 августда ўзларини Фавқулодда ҳолат давлат қўмитаси (ГКЧП) деб эълон қилиб, давлат тўнтариши содир этишга уриниб кўрди. Ана шу сиёсий авантюристларнинг

¹⁸ „Президент“ сўзи латинча *praesidens (praesidentis)* сўзидан олинган бўлиб, „олдинда ўтирувчи“ маъносини билдиради.

¹⁹ *Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат* / Муаллифлар: М.Абдуллаев, М.Абдуллаева, Ф.Абдуллаева, Г. Абдураззоқова ва бошқ.; Р.Рўзиев ва Қ.Хоназаров умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. — Т.: Шарқ, 2006. 75-бет.

²⁰ *Қонуннинг матни бўйича қаранг:* Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 й., 31—33-сон, 375-модда.

²¹ Булар СССР вице-президенти Г. Янаев, СССР Министрлар Советининг раиси В. Павлов, СССР Давлат хавфсизлиги комитети — КГБ раиси В. Крючков, СССР мудофаа вазири Д. Язов, ички ишлар вазири Б. Пуго ва бошқа юксак лавозимдаги масъул партия ва давлат арбоблари эди.

давлат тўнтаришини содир этишга уриниши муносабати билан Ўзбекистон Ислом Каримов раҳбарлигида ўзининг қатъий позициясида тургани мамлакатимиз ва халқимизнинг мустақилликка эришишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Вужудга келган ўта оғир шароит — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий қийинчиликлар, турли тўсиқларга қарамасдан, халқимиз Ислом Каримов бошчилигида ўзининг асрий орзуси — Ўзбекистоннинг давлат суверенитети ва мустақиллиги сари қатъият билан ҳаракат қилишда давом этди. Ниҳоят, 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ислом Каримов тантанали равишда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилди. У ўзининг том маънодаги тарихий нутқида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади:

„Мамлакат катта фалокат ёқасига, жар ёқасига келиб қолганини кўриб турибмиз. Халқ ўзининг эртанги кунига ишончини кундан-кунга йўқотяпти. Одамлар ўзларининг, оиласининг, бола-чақасининг тинчлигига кафолат истайди. Тўкис, хотиржам ҳаёт талаб қиляпти. Бу истаклар, бу талаблар сафсатабозлик ва ваъдабозлик остида кўмилиб кетяпти.

Бизнинг халқимиз сабр-бардош, яхшилик, осойишталик, бошқа халқларга нисбатан хайрхоҳлик руҳида тарбияланган. Бу халқ бугун биздан ҳимоя талаб қиляпти, тинч-тотув ҳаёт, оғир меҳнатига яраша турмуш шароитларини талаб қиляпти. Бу — ҳаққоний талабдир.

[...] Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қачон, қандай иттифоқ бўлмасин, ким билан иттифоқ бўлмасин, қандай шароит бўлмасин, иккинчи даражали ролга рози бўлмайди, бунга йўл ҳам қўймайди“²².

Ватанимиз тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган ўша унутилмас кунларга назар ташлайдиган бўлсак, айнаи ўша пайтда ёш, мустақил Ўзбекистон давлати раҳбари томонидан мамлакатимизнинг сиёсий-ижтимоий, маънавий тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган қўплаб ўта муҳим ҳужжатлар қабул қилинганини кўрамыз. Мисол учун, 31 август куни қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида“ги Қонун, 5 сентябрда имзоланган „Тошкент шаҳридаги В.И. Ленин номидаги майдонни *Мустақиллик майдони* деб қайта номлаш тўғрисида“ги, 6 сентябрь куни имзоланган „Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш тўғрисида“ги Президент Фармонлари ва бошқа сиёсий ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Халқимиз мамлакатимиз мустақиллигининг остонасидаёқ ўзининг хоҳиш-иродасини ифода этадиган қонунларга асосланадиган демократик ҳуқуқий давлат қуришни мўлжаллади. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб борилган барча ишларнинг асосида қонунга итоаткорлик ётганига алоҳида эътиборни қаратишни истардик. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳаққоний равишда таъкидлаганидек, *„Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир. Минг афсуски, бизда қонунларни менсимасликка, уларни бузишга ўрганиб қолинган. Қонунни бузишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Чунки қонун — халқнинг хоҳиш-иродаси! Уни бузган, менсимаган одам халқнинг юзига оёқ қўйган кишидир. Биз қонунни ҳурмат қилиш, унга бўйсунуш, риоя қилиш йўлидан борсак, истиқболимиз порлоқ бўлади. Ана шунга эришиш учун Президент қонунларнинг энг асосий посбони, ҳимоячиси бўлиши керак, деб ҳисоблайман“²³.*

²² Каримов И.А. Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 401–402-бет.

²³ Каримов И.А. Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди. // Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 435-бет.

1991 йил 31 августда „Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида“ ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни²⁴ қабул қилинди. Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик декларациясига ва Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнотга асосланиб қабул қилинди. Қонуннинг 1-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси, ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга, мустақил, демократик давлатдир. Қонунда Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибни экани белгилаб қўйилди. Хусусан, унда „Ўзбекистон Республикасининг халқи суверендир ва у республикада давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳибидир, у ўз ҳокимиятини ҳам бевосита, ҳам вакиллик идоралари тизими орқали амалга оширади“ (2-модда) дейилди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг *референдуми*²⁵, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилди. Ўзбекистонда президентлик ҳокимиятини мустаҳкамлашда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган „Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида“ ги Қонун²⁶ ва унинг асосида ўтказилган умумхалқ сайлови катта аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги борасида ўтказилган референдумда овоз беришда қатнашганларнинг 98,2 фоизи республикамиз давлат мустақиллигини қўллаб-қувватлаб овоз берди ва Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан эълон қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги умумхалқ томонидан маъқулланди, деб топди²⁷.

1991 йил 29 декабрда Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди. Яширин овоз бериш йўли билан ўтказилган тўғридан-тўғри, умумий ва муқобил асосдаги сайловда президентликка номзод Ислон Абдуғаниевич Каримов учун 8 миллион 514 минг 136 киши ёки овоз беришда қатнашганларнинг 86 фоизи овоз берди. Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонуннинг 35-моддасига асосан Ислон Абдуғаниевич Каримовни 1991 йил 29 декабрдан Ўзбекистон Республикасининг Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблашга қарор қилди²⁸.

Ўзбекистон тарихида биринчи мартаба жорий этилган Президент лавозими мустақил Ўзбекистон давлат ҳокимияти органлари тизимида марказий ўринни эгаллайди. Мамлакатимиз сиёсий тизимида президентлик институтининг узил-кесил мустаҳкамланишида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIX боби „Ўзбекистон Республикасининг Президенти“ деб номланган. Мазкур боб ўз ичига 9 та модда (89–97-моддалар)ни қамраб олган бўлиб, уларда президентликка

²⁴ Қонуннинг матни бўйича қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 й., 11-сон, 246-модда.

²⁵ „Референдум“ сўзи лотинча *referendum* сўзидан олинган бўлиб, „билдирилиши керак бўлган“ деган маънони англатади. Референдумда давлат ҳаётидаги бирон муҳим масала умумхалқ овозига қўйилади. Қаранг: Ҳуқуқ-шуносликка оид ўзлашма терминлар. / Тузувчилар: Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С. – Т.: Адолат, 1999. 55-бет.

²⁶ Бу қонунга 1997 йил 26 декабрда, 1999 йил 19 августда, 2003 йил 24 апрелда ва 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

²⁷ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. / Қ. А. Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 50-бет.

²⁸ Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. / Қ.А. Аҳмедовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон, 1992. 52-бет.

номзод олдига қўйиладиган талаблар, Президентни сайлаш тартиби, Президент қасамёдининг матни, Президентнинг ваколатлари, Президент чиқарадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, Президентнинг парламентни тарқатиб юбориш ваколати ва шу каби бошқа масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар белгиланган.

Юқорида тилга олинган қонун ҳужжатларининг барчасини бирдек тасдиқлаб турган ҳаётий бир ҳақиқат мавжуд. У ҳам бўлса, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ҳақли равишда таъкидлаганидек, мустақиллик — аввало ҳуқуқ демакдир. Қолаверса, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва янги ланишларнинг асосий мақсади Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир.

Мустақиллик — бу ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олишдир. Мустақил бўлиб яшаш, эркин ва озод ҳаёт кечириш ҳар бир халқнинг истагидир. Давлат суверенитети бевосита миллат, халқ тушунчалари билан боғлиқ. БМТ низомида давлатнинг эмас, халқнинг хоҳиш-истаги тўғрисида сўз боради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг номида ҳам миллат атамаси қўллангани бежиз эмас. Биз „Ўзбекистон халқи“, „ўзбек халқи“ ва „ўзбек миллати“ каби тушунчаларни кўп ишлатамиз. Уларнинг барчаси аслида бир маънони билдирадиган тушунчаларми? Дастлаб халқ тушунчасидан бошлаймиз. Хўш, халқ нима? Мазкур саволга жавоб топиш мақсадида „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ни варақлаймиз. Унда бундай дейилади: „Халқ — 1) муайян мамлакатнинг барча аҳолиси; 2) тарихий бирликнинг турли шакллари (қабилла, элат, миллат)“²⁹. Халқ атамаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Ўзбек халқи, немис халқи ва шу каби иборалар халқ атамасининг кенг маънода қўлланишидир. Халқ атамаси тор маънода маълум гуруҳ ёки маълум тоифадаги кишиларни ифодалаш мақсадида қўлланади. Масалан, ёзувчи халқи, талаба халқи ва шу қабиллар.

Халқ — бу кишиларнинг маълум ҳудудда тарихан қарор топган, бошқалардан ягона тили, нисбатан барқарор ўзига хос хусусиятга эга бўлган маданияти ҳамда ўз бирлигини умумий англай олиши ва маълум номга эга экани (номланиши) билан фарқланадиган барқарор уюшмаси. Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг жаҳон тажрибасига кўра, „халқ“ тушунчаси қабилла, қабилалар гуруҳи, элат, миллат, диний жамоа, тил умумийлиги каби қадриятларни ўз ичига олади. Халқ ўз этник номига, ҳудудий тил, иқтисодий-ҳўжалик ва маданий, ўзликни англаш бирлиги ва сиёсий уюшмасига эга. Халқнинг шаклланиш жараёни *этногенез* атамаси орқали ифодаланади. Қабилаларнинг маълум тарихий шароитда ҳудудий, иқтисодий, тил ва маданий умумийлик асосида ягона этник бирликка жипслашуви натижасида халқ вужудга келган. Масалан, Ўрта Осиёнинг қадимий халқларидан бири бўлган ўзбек халқи деярли 3000 йиллик тарихга эга³⁰.

Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ, давлат уларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади (4-модданинг 2-қисми). Ўзбекистон фуқаролари бўлган ана шу миллат вакиллариининг барчаси ягона бўлиб, Ўзбекистон халқини ташкил этади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида бундай

²⁹ *Ўзбекистон миллий энциклопедияси*. 9-жилд. Тўйчи Ҳофиз — Шаршара. / Таҳрир ҳайъати: А. Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов ва бошқ. — Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ давлат илмий нашриёти, 2005. 366-бет.

³⁰ *Қаранг: Аҳмедов Б.* Ўзбек улуси. — Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992; *Азамат Зиё.* Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар) / Масыул муҳаррир: Б.Аҳмедов. — Т.: Шарқ, 2000; *Шониёзов К.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни / Таҳрир ҳайъати: Д.А. Алимова, Э.Х.Арифханова, У.С. Абдуллаев ва бошқ. — Т.: Шарқ, 2001; *Жабборов И.* Ўзбек халқи этнографияси / Масыул муҳаррир: К.Ш. Шониёзов. — Т.: Ўқитувчи, 1994.

дейилган: „*Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади*“ (8-модда). Ўзбекистон Конституцияси турли миллат вакиллари томонидан ташкил топган Ўзбекистон халқи томонидан унинг мухтор вакиллари сиймосида қабул қилинган.

Халқнинг шаклланиши миллатнинг шаклланишини англамайди. Миллат — халқ тарихий тараққиётининг юқори чўққисидир. Халқнинг маълум тарихий шароит ва тараққиёти натижасида янги этник бирлик — миллат вужудга келади. Миллатнинг шаклланиши узоқ давом этадиган тарихий тараққиёт маҳсулидир. Халқнинг ўз тарихий тараққиёти натижасида барпо этган давлати юқори этник бирлик ҳисобланган миллат номи билан аталади. Масалан, Ўзбекистон. Бу ўзбек миллатининг номидан олинган ва ўзбек халқининг тарихий тараққиёти натижасида барпо этилган давлатнинг номи (Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1-модда: „*Давлатнинг [...] „Ўзбекистон“ деган номлари [...].*“). Демак, „Ўзбекистон“ сўзида ўзбек миллати ва у барпо этган давлатга ишора бор, яъни Ўзбекистон — ўзбеклар давлатидир.

Маълум халқ тарихий тараққиётининг юқори чўққиси саналган ва янги этник бирлик сифатида юзага келган миллат сўзлашадиган тил шу халқнинг ўз тарихий тараққиёти натижасида яратган давлати ҳудудида давлат тилига айланади. Бу фикр Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида (4-модданинг 1-қисми) бундай ифодаланган: „*Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир*“. Конституцияга кўра, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, миллати, тили, дини, эътиқоди ва бошқа асослардан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар (18-модда).

Халқларнинг ҳуқуқи — бу халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида халқларнинг (ва давлатларнинг) ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга соладиган халқаро ҳуқуқий нормалар тизимидир. Бу ҳуқуқ баъзида „халқлар ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқи“ деб аталади. Халқлар ҳуқуқи тизимида халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципи, халқнинг ўз табиий бойлик ва ресурсларини эркин тасарруф этиш принципи, ўз ҳудудига эга бўлиш ҳуқуқи, тинчликка бўлган ҳуқуқ, миллий ва халқаро хавфсизликка бўлган ҳуқуқ, тараққий этиш ҳуқуқи ва бошқа шу каби тамойиллар киради³¹.

Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципи — бу ҳозирги замон халқаро ҳуқуқининг императив, яъни ҳеч бир истисносиз барча давлатлар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари учун мажбурий бўлган принципларидан биридир. Бироқ баъзи муаллифлар асосий принципларни сўзсиз халқаро ҳуқуқнинг *ius cogens* нормалари деб ҳисобласа³², баъзилар асосий принципларнинг императив нормалар экани умуман ҳеч ким томонидан исботланмагани боис илм-фанда мавжуд умумий қарашлар, яъни асосий принципларнинг императив нормалар экани ҳақиқатга яқинлигини таъкидлайдилар³³. Мазкур принципнинг тўлиқ номи „халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципи“ (БМТ Низоми, 1-модда, 2-банд) бўлиб, у халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принципи сифатида биринчи марта 1945 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низомида³⁴ ўз

³¹ Додонов В.Н., Панов В.П., Румянцев О.Г. Международное право. Словарь-справочник / Под общей ред. акад. МАИ, д.ю.н. В.Н.Трофимова. — М.: ИНФРА — М, 1997. стр. 234—235.

³² Одиқориев Х.Т., Очилов Б.Э. Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи (халқаро оммавий ҳуқуқ). — Т.: ХЕГА-ПРИНТ, 2002. 52-б.

³³ *Международное право: Учебник* / Под ред. Г.И.Тункина. — М.: Юрид. лит., 1994. стр. 107.

³⁴ *БМТ Низоми бўйича қаранг*: Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва Халқаро Суд Статути. БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази ва Ўзбек халқаро ҳуқуқ ассоциацияси. — Т.: 2002; Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири А.Х. Саидов. — Т.: Адолат, 2004. 2—30-бетлар.

ифодасини (1-модданинг 2-банди, 55, 56, 73 ва 76-моддалар; билвосита боғланган тарзда XI—XIII боблар) топди. Мазкур принципнинг БМТ низомининг принциплар белгиланган 2-моддасида эмас, балки БМТ мақсадлари кўрсатилган 1-моддада келтирилиши унинг юридик табиатига (принципнинг юридик табиати борасида қуйроқда сўз боради) таъсир этмайди. Бироқ низомда принципнинг мазмуни ёритилган ҳуқуқий норма мавжуд эмас. БМТ низомида белгилаб берилган принципнинг халқаро ҳуқуқий таърифи „Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт“да (1-модда, 1-банд) ўз ифодасини топди: „*Барча халқлар ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир. Ушбу асосда улар ўз сиёсий мақомини эркин белгилайди ва ўз иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини эркин таъминлайди*“. Худди шу тарздаги ҳуқуқий норма „Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт“да ҳам (1-модда, 1-банд) ўз аксини топган.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва уларнинг ҳар бири ўзга принциплар билан алоқадорликда кўриб чиқилиши лозим. Бу қоида 1970 йил 24 октябрда қабул қилинган „Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка доир халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида декларация“нинг „Умумий қоидалар“ида белгилаб қўйилган³⁵.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бири халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принциpidир. Мазкур принцип бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган. Улар орасида энг нуфузлилари қуйидагилар:

— *БМТ низоми* (1945 йил 24 ноябрь). 1945 йилда „халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи“ принципининг БМТ Низомида мустақамланиши натижасида халқ биринчи марта халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган субъекти бўлди. Мазкур принципнинг БМТ низомига киритилишида собиқ Совет Иттифоқининг ҳиссаси катта бўлган³⁶. Ўзбекистон Республикаси 1992 йил 2 мартда БМТга аъзо бўлди ва унинг низомини эътироф этди.

— „*Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида декларация*“ (1960 йил 14 декабрь). Декларация БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қабул қилинган. Унинг қабул қилиниши мустамлака мамлакатларнинг озодлик йўлидаги хатти-ҳаракатларида янги босқични бошлаб берди. Декларация халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини эътироф этди. Декларацияни қабул қилиш жараёнида ҳеч бир давлат қарши овоз бермади, фақат 9 та давлат, хусусан, АҚШ, Буюк Британия, ЖАР бетараф қолди.

— „*Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт*“ (1966 йил 16 декабрь). Пакт халқаро шартнома кучига эга. У 1976 йил 23 мартда кучга кирган. Мазкур ва қуйидаги пактларда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган субъектив ҳуқуқи кодификация қилинди.

— „*Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт*“ (1966 йил 16 декабрь). Бу пакт ҳам халқаро шартнома кучига эга. У 1976 йил 3 январда кучга кирган. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1995 йилнинг 31 августида Ўзбекистоннинг „Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт“ ва „Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт“га қўшилиши тўғрисида қарор қабул қилинди ва у 1995 йилнинг 28 декабрида кучга кирди.

³⁵ Қаранг: *Действующее международное право*. В 3-х томах. / Составители Ю.М.Колосов и Э.С.Кривчикова. Том 1. — М.: Издательство Московского независимого института международного права, 1999. стр. 65—73.

³⁶ Шармазанашвили Г.В. От права войны к праву мира. — М: Международные отношения, 1967. стр. 78—79.

— „Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка доир халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида Декларация“ (1970 йил 24 ноябрь). Декларация БМТ Бош Ассамблеясининг XXV сессиясида қабул қилинди. Декларация 7 та принципни, хусусан, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципини ўз ичига олди.

— „Давлатларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва мажбуриятлари хартияси“. 1974 йил 12 декабрда қабул қилинган мазкур ҳужжатда давлатлар ўртасидаги иқтисодий ҳамда сиёсий ва бошқа муносабатлар бир қатор принциплар, хусусан, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципи асосида тартибга солиниши (1-боб) белгиланди.

— „Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Яқунловчи ҳужжати“ (1975 йил 1 август). Европанинг 33 та давлати ҳамда АҚШ ва Канада томонидан Хельсинкида имзоланган ушбу ҳужжат 10 та принципни ўз ичига олди. 1970 йилги „Бирлашган Миллатлар Ташкилоти низомига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка доир халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида декларация“да баён этилган принциплар қаторига яна учта принцип қўшилди. Гарчи минтақавий доирада қабул қилинган бўлса-да, мазкур Яқунловчи ҳужжат умумий халқаро аҳамият касб этади³⁷.

1992 йил 26 февралда Финляндия пойтахти Хельсинкида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов ЕХХТнинг Яқунловчи ҳужжатини имзолади.

Ўз-ўзидан тушунарлики, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципининг тўла рўёбга чиқарилиши халқнинг ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақомини ўзи белгилашини, яъни ўз давлат тузилишини ўзи аниқланишини, иқтисодий ҳаёт устидан мутлақ назорат ўрнатишини, таълим, илм-фан, маданият ва шу каби бошқа масалаларни мустақил равишда ўзи ҳал этишини тақозо этади, яъни мазкур ҳуқуқнинг субъектлари ўз хатти-ҳаракатлари билан шу ҳуқуқнинг объектив томонини рўёбга чиқаришга интилади. Халқларнинг ўз сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий мақомини ўзи эркин белгилашини халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши ҳуқуқининг „ички томони“ деб, халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ўз сиёсий мақомини белгилашга, ўзга мустақил давлат билан қўшилишга бўлган ҳуқуқини унинг „ташқи томони“ деб аташ мумкин³⁸. Аммо мазкур принципнинг икки томони борлигини у икки мустақил принципдан (ўз тақдирини ўзи белгилашнинг ички принципи ва ўз тақдирини ўзи белгилашнинг ташқи принципи) ташкил топган деб тушунмаслик керак³⁹. Ана шу „ички ва ташқи томонлар“нинг бирлиги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади⁴⁰. Бу икки томонни бир-биридан айри ҳолда тушуниш мумкин эмас, чунки бир томон иккинчисини тақозо қилади ва уни тўлдиради.

Ҳар бир халқ ўз тақдирини мустақил тарзда ўзи белгилаш, ўз иқтисодий тараққиёт йўлини эркин танлаш, табиий бойликларидан ўз хоҳиш-иродаси бўйича фойдаланиш, миллий ва маданий анъаналарини сақлаш ва эркин ривожлантириш ҳуқуқига эга. Шу мақсадга эришиш йўлида ҳаракат қилаётган миллатга давлатлар ҳамжамияти,

³⁷ Бараташвили Д.И. Равноправие и право народов распоряжаться своей судьбой. — В монографии: „Во имя мира (международно-правовые проблемы европейской безопасности)“. — М.: Наука, 1977. стр. 131.

³⁸ Hemmer/Wüst/Bartl, Völkerrecht. Hemmer/Wüst Verlagsgesellschaft, 1. Auflage, 1997. S. 113.

³⁹ Бараташвили Д.И. Равноправие и право народов распоряжаться своей судьбой. — В монографии: „Во имя мира (международно-правовые проблемы европейской безопасности)“. — М.: Наука, 1977. стр. 132.

⁴⁰ Völkerrecht: ein Studienbuch / von Knut Ipsen. In Zusammenarbeit mit Volker Epping ... — 4., völlig neu bearb. Aufl. des von Eberhard Menzel begr. Werkes. — München: Beck, 1999. S. 345.

алоҳида давлатлар ҳар томонлама кўмак беришлари ва ҳурмат қилишлари лозим⁴¹. „Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт“ ва „Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт“ да белгиланганидек, „барча халқлар ўз мақсадларига эришмоқ учун ўз табиий бойликлари ва ресурсларига эгаллик қилади, бунда ўзаро фойда принципига асосланган халқаро иқтисодий ҳамкорлик ва халқаро ҳуқуқдан келиб чиқадиган бирон-бир мажбуриятга зарар етказмаслиги лозим“ (ҳар бир пактнинг тегишлича 1-моддасининг 2-банди). Европа Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг яқунловчи ҳужжатида белгиланганидек, „иштирок этувчи давлатлар [...] халқларнинг тенг ҳуқуқлилигини ва ўз тақдирини белгилаш ҳуқуқини ҳурмат қиладилар. Халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини белгилаш принциpidан келиб чиқиб, барча халқлар тўла эркинлик шароитида доим, қачон бўлмасин, ўзлари хоҳлаганидек ўз ички ва ташқи сиёсий мақомини ташқаридан аралашувсиз белгилаш ҳамда ўз хоҳишига кўра ўзининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланишини амалга ошириш ҳуқуқига эга“.

Кўриб чиқиладиган ушбу масалада муҳим жиҳатлардан бири шуки, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи БМТ низомининг 1-моддасида тилга олинган мақсадлар сирасидандир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низомига кўра, БМТ кўзлаган мақсадлар „халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципини ҳурмат қилиш асосида миллатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантириш ҳамда ялпи тинчликни мустақамлаш учун бошқа тегишли чораларни кўриш“ ни (1-модда, 2-банд) ҳам қамраб олади. БМТ низомининг 1-моддасида кўрсатилган мақсадларга эришиш учун ташкилот ва унинг аъзолари низомнинг 2-моддасида белгиланган принциплар асосида иш юритади. Хусусан, БМТ низоми 2-моддасининг 4-хатбошисида⁴² белгиланган принципдан, яъни „Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг халқаро муносабатларида [...] Бирлашган Миллатлар Мақсадларига тўғри келмайдиган [...] бирон-бир тарздаги ҳаракатлардан ўзларини тияди“ принциpidан англашиладики, халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳуқуқий характерга эгадир.

БМТ Бош Ассамблеясининг XV сессиясида қабул қилинган „Мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида декларация“ (1960) ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг субъектлари кимлар экани масаласига ойдинлик киритди. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи давлатнинг эмас, балки халқнинг мавжудлиги билан боғлиқ⁴³. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг субъектлари мустамлака ва суверен мамлакатлардаги халқлар ва миллатлар ҳисобланади. Мазкур ҳуқуққа фақат мустамлака мамлакатларнинг халқлари ёки фақат мустақил мамлакатлардаги халқлар эга деб билиш тўғри эмас. Ҳар иккала ҳолатдаги халқлар ҳам бу ҳуқуққа эга. Бу ҳуқуқ субъектлари сирасига ўз мустақил давлатига эга бўлмаган ва ўз мустақил давлатини тузиш учун курашаётган халқлар ҳам киради. Бу ҳуқуқ халқларга ҳам, миллатларга ҳам бирдек дахлдордир⁴⁴. Миллатлар ва халқларнинг ўз

⁴¹ *Международное публичное право*. Учебник. / Под ред. К.А.Бекяшева. — М.: ПРОСПЕКТ, 1999. стр. 70; Раҳимова М. Халқаро ҳуқуқ. — Т.: Akademiya, 2005, 42-бет.

⁴² БМТ Низоми 2-моддасининг 4-хатбоши халқаро ҳуқуқда *ius cogens* деб эътироф этилган: *Grundgesetz und Völkerrecht*. Ein Studienbuch von Dr. jur. habil. Rudolf Geiger. — 2., überarbeitete Auflage. — München: Beck, 1994. S. 361; Халқаро Суд қарорлари: ICJ Reports 1970, S. 1 [32]; ICJ Reports 1986, S. 14 [100].

⁴³ *Völkerrecht: ein Studienbuch* / von Knut Ipsen. In Zusammenarbeit mit Volker Epping ... — 4., völlig neu bearb. Aufl. des von Eberhard Menzel begr. Werkes. — München: Beck, 1999. S. 355.

⁴⁴ Шармазанашвили Г.В. От права войны к праву мира. — М: Международные отношения. 1967. стр. 111; Бараташвили Д.И. Равноправие и право народов распоряжаться своей судьбой. — В монографии: „Во имя мира (международно-правовые проблемы европейской безопасности)“. — М.: Наука, 1977. стр. 132.

тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципи миллат (халқ) мустақил давлат тузишга интилишга мажбурлигини билдирмайди. Халқнинг ўз тақдирини ўзи белгилашга бўлган ҳуқуқи унинг ҳуқуқидир, мажбурияти эмас⁴⁵.

Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи — бу халқларнинг тарихий, жуғрофий, маданий, диний ва бошқа анъаналари ҳамда тасаввурларига кўпроқ даражада мос келадиган ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқидир⁴⁶. Ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тушунчасини аниқлаштиришда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишнинг шакллари ва поймол этилиши билан боғлиқ ҳолатлар белгиланган „БМТ низомига мувофиқ давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатлар ва ҳамкорликка доир халқаро ҳуқуқ принциплари тўғрисида декларация“ (1970) муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур декларацияда халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи ўзининг кенг ифодасини топди. Декларацияда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини амалга оширишнинг шакллари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

— ўз суверен (мустақил) давлатини ташкил этиш. Ҳар бир халқнинг мустақилликка бўлган ҳуқуқи ўз тақдирини ўзи белгилаш принципи рўёбга чиқарилишининг энг муҳим юридик самарасидир;

- мустақил давлат таркибига эркин интеграциялашув (эркин иттифоқ);
- мустақил давлат билан эркин ассоциация (мустақил давлатга қўшилиш);
- халқнинг ўзи эркин белгилайдиган ҳар қандай бошқа сиёсий мақом.

Декларацияда ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг поймол этилиши ҳолларига бошқа халқларни ўз тобелигига киритиш, бошқа халқлар устидан ҳукмронлик қилиш каби ҳолатлар киритилган.

Масаланинг қуйидаги жиҳатларига алоҳида эътибор бермоқ лозим: биринчидан, БМТ низоми 1-моддасининг 2-хатбошисида белгиланган норма халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ва дунёда тинчликни сақлаш ўртасидаги боғловчи ришта вазифасини ўтайди. Бундан шу нарса англашиладики, маълум бир вазиятда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципининг кўпол равишда бузилиши БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан, БМТ низомининг 39-моддаси мазмунига мувофиқ тарзда, жаҳон тинчлигига таҳдид деб баҳоланиши мумкин. Ана шунда, низомнинг VII боби нормаларига мувофиқ, мажбурлов чораларининг қўлланишига йўл очилади. Демак, бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни сақлашда халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи принципи талабларига қатъий амал қилиш муҳим ўрин тутди. Иккинчидан, мазкур принцип инсоннинг индивидуал ҳуқуқлари тоифасига кирмайди, балки жамоавий ҳуқуқни ифодалайди. Шунинг учун халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқининг рўёбга чиқарилиши инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқаришнинг муҳим шартидир. Халқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ва инсон асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш принциплари халқаро ҳуқуқнинг асосий принциплари тизимига киради⁴⁷. Халқаро ҳуқуқ принциплари маълум асосларга кўра таснифланади. Таснифлашда аксарият мутахассислар халқлар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилиги

⁴⁵ *Международное право: Учебник* / Под ред. Г.И.Тункина. — М.: Юрид. лит., 1994. стр. 123; *Маматқулов А.* Халқаро ҳуқуқ. — Т.: Адолат, 1997. 52-б.; *Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э.* Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи (халқаро оммавий ҳуқуқ). — Т.: ХЕГА-ПРИНТ, 2002. 65-б.

⁴⁶ *Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э.* Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи (халқаро оммавий ҳуқуқ). — Т.: ХЕГА-ПРИНТ, 2002. 66-б.; *Адилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э.* Основополагающие принципы современного международного права. — В кн.: *Международное публичное право.* / Отв. редактор: д.ю.н. Х.Т.Адилқориев. — Т.: Zarqalam: ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003. стр. 81—82.

⁴⁷ *Саидов А.Х.* Халқаро ҳуқуқ. Чизмалар ва таърифларда. Ўқув қўлланма. 2-т. / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. У. Тожихонов. — Т.: Адолат, 2001. 50—51-бетлар.

ва ўз тақдирини ўзи белгилаши принципини ва инсон асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш принципини ягона мезон асосида бир қаторда кўрсатадилар⁴⁸.

Халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши борасида халқаро ҳуқуқда мавжуд бўлган нормалардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон халқининг ўз тақдирини ўзи ҳал этиши, мустақилликка эришиш сари интилиши табиий ҳол. Мустақиллик — халқаро ҳуқуқий нормаларда ифодаланган эҳтиёж, ҳаётий заруратдир. Демак, мустақиллик — бу биз учун ўз тақдиримизни қўлимизга олишдир.

Мустақиллик — бу юртимизнинг ерости ва ерусти бойликларига эга бўлишдир. Бугун Ўзбекистон бошқа мамлакатлар воситасисиз ҳақиқатан ҳам гўзал ва ноёб бўлган диёримиз бойликларини ўзи мустақил тасарруф этмоқда. Ўзбекистон ўз сиёсий мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина бундай имкониятга эга бўлди. Неча ўн йиллар мобайнида мамлакатимиз ерости ва ерусти бойликлари — олтин, газ, нефть, пахта ва бошқа моддий ресурслар собиқ Иттифоқнинг бойлиги сифатида ташиб кетилар эди. Ўзбекистон ўз ресурсларидан халқимиз манфаатлари йўлида фойдалана олмас эди.

Ўзбекистон ўзининг ерости бойликлари билан ҳақли равишда фахрланади. Бу заминда Менделеев даврий системасининг деярли барча элементлари топилган. Ҳозирги кунда турли маъданлар хом ашёсининг юзга яқин турини ўз ичига оладиган 2700 дан зиёд кон ва истиқболли маъданлар манбалари аниқланган. 900 дан ортиқ кон қидириб топилган бўлиб, улардаги захиралар қиймати 970 миллиард АҚШ долларига тенг.

Ҳар йили мамлакатимиз конларидан 5,5 миллиард долларлик қийматдаги фойдали қазилма бойликлар олинмоқда. Янги захиралардан олинаётган бойликларни қўшиб ҳисоблаганда, бу рақам 6—7 миллиард долларга етмоқда.

Ўзбекистон бой ноёб табиий ва минерал хом ашё ресурсларига эга бўлиб, уларнинг асосий қисми ҳали ишлаб чиқаришга тўла жалб этилган эмас. Ҳозирги вақтда 50 дан ортиқ минерал ресурслар турлари излаб топилган ва улардан фойдаланилмоқда, экспертлар уларнинг қийматини 3 триллион АҚШ долларидан ортиқ деб баҳоламоқда. Кўпгина минерал хомашё ресурсларининг жойлашиши, улар жойлашган қатламларнинг қалинлиги ва, одатда, очиқ ҳолда учраши жуда арзон усулда қазиб олиш ва қайта ишлаш имконини беради. Бу иқтисодий жиҳатдан фойдали ва истиқболли ҳисобланади.

Олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолин (гилмоя) сингари бир қатор муҳим фойдали қазилмалар бўйича Ўзбекистон МДХ мамлакатларидагина эмас, балки бутун дунёда ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Жумладан, мамлакатимиз дунёда олтин, кумуш ва бошқа қимматбаҳо ва нодир металлларнинг жуда катта ресурсларига эга бўлган давлатлар қаторига киради.

Ўзбекистон пахта хомашёси етиштириш бўйича жаҳонда учинчи ўринни ва уни экспорт қилиш бўйича иккинчи ўринни, олтин қазиб чиқариш бўйича еттинчи ўринни, унинг захиралари бўйича тўртинчи ўринни эгаллаб турибди. Ўзбекистон мис захиралари бўйича жаҳонда 10—11-ўринни эгаллайди. Ишлаб турган карьерлар мис ва унга йўлдош металлларни 40—50 йил, қалай ва кўргошинни 100 йилдан кўпроқ вақт давомида ишлаб чиқаришни таъминлай олади. Ўзбекистон уран захиралари бўйича жаҳонда 7—8-ўринни эгаллаб турибди. Кумуш, кўргошин, рух, вольфрам ва

⁴⁸ Раҳимова М. Халқаро ҳуқуқ. — Т.: Академиа, 2005. 38—39-бетлар.; *Международное публичное право*. Учебник. Под ред. К.А. Бекашева. — М.: ПРОСПЕКТ, 1999, стр. 51—54; *Маматқулов А.* Халқаро ҳуқуқ. — Т.: Адолат, 1997. 37—38-бетлар.; *Международное право*: Учебник / Под ред. Г.И.Тункина. — М.: Юрид. лит., 1994. стр. 108.

бошқа фойдали қазилмалар ҳамда стратегик материаллар захиралари бўйича Ўзбекистон дунёда етакчи ўринлардан бирида туради.

Ҳозирги вақтда юртимизда баланс захираси 5,3 минг тонна олтинга эга бўлган қимматбаҳо металлнинг 40 та кони разведка қилинган. Улардан фақат 12 та кондангина амалда фойдаланилмоқда. Рангли металл конларининг захиралари, асосан, Тошкент вилоятининг Олмалиқ кон майдонида тўпланган бўлиб, бу ердаги учта конда миснинг 18,5 миллион тоннадан кўпроқ захираси аниқланди. Ўзига хос томони шундаки, кондаги бойликлар асосан очиқ усулда қазиб олинмоқда, бу эса кончиларнинг рентабелли ишлашини таъминлайди.

Евроосиё минтақасида маъдан таркибидаги олтин улуши юксаклиги билан машҳур бўлган энг йирик Мурунгов кони жаҳондаги энг катта конлар сирасига киради. Мурунгов конининг топилишини халқаро геология жамоатчилиги олтин соҳасида XX асрнинг иккинчи ярмидаги энг буюк кашфиёти деб тан олди. Мурунгов карьерининг имконияти 5,5 минг тоннадан ортиқ олтин захирасига тенг деб баҳоланмоқда.

Қизилқум минтақасидаги барча олтин конларининг алоҳида хусусияти — маъдан таркибида олтиннинг кўплиги, унинг очиқ усулда қазиб олинishi ҳамда муҳандислик шохобчалари ва коммуникациялари — сув, газ, электр қуввати, темир йўл ва автомобиль йўллариининг мавжудлигидир. Улар ишчи кучининг катта имкониятлари бўлган ва инфратузилмаси ривожланган, иқтисодий жиҳатдан ўзлаштирилган ҳудудларда жойлашгандир. Шу сабабли айни шу минтақада чет эл сармояси иштирокида йирик қўшма корхоналар ташкил этилган.

Ўзбекистондаги уранныннг разведка қилинган захиралари 120 минг тонна бўлиб, уни қазиб олиш 50—60 йилга етади. Қазиб олиш энг самарали ва экологик жиҳатдан ҳимояланган ер остида ишқорлаш усулида амалга оширилади.

Мамлакатимиз бир қатор нодир ва кам учрайдиган металллар — литий, рений, селен, теллур, осмий, скандий каби ерости бойликларини қазиб олиш ва ишлаб чиқариш учун ишончли хом ашё базасига эга.

Мамлакатимизда 20 та мрамор кони, 15 та гранит ва габбро кони аниқланган. Ранг-баранг пардоз берадиган тошларнинг кўпгина манбалари ноёб табиий бойликлар бўлиб, бутун Евроосиё маконида энг йирик конлардир.

Республикамиз фосфоритларга бой. Жерой-Сирдарё фосфорит конида аниқланган майда донатор фосфоритларнинг захираси 58 миллион тоннани ташкил қилади, истиқболни мўлжаллаб, бу захира 70 миллион тонна миқдорида белгиланган.

Ўзбекистонда аниқланган, захираси 900 миллион тонна бўлган калий тузларининг жуда катта конлари жойлашган. Калий тузлари таъминоти, истиқболли баҳоларга кўра, 100 йилдан ортиқ муддатга етади.

Юртимизда гилмоя — ўта чидамли маъданлар, сопол кошинкорлик тахталари, чинни, электр изоляторлари, дренаж қувурлари, оқ ва рангли цемент, мустаҳкам гишт ва шу сингари маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун керак бўладиган хом ашёнинг жуда катта захиралари бор. Гилмоя захиралари, дастлабки баҳоларга кўра, 78,6 миллион тоннадан, иккиламчи баҳоларга кўра, бир миллиард тоннадан ортади.

Ўзбекистон ноёб ёқилғи-энергетика ресурсларига ва қудратли энергетика базасига эга. Ўзбекистон энергетика тизими Марказий Осий Бирлашган энерготизимининг таркибий қисмидир. Марказий Осийнинг қоқ ўртасида жойлашгани учун мамлакатимиз ҳиссасига Марказий Осий Бирлашган энерготизимидаги барча электр станциялар қувватининг 50 фоизи тўғри келади.

Юртимиз энергия тизимининг асосий йирик иссиқлик электр станциялари Сирдарё, Тошкент, Янги Ангрен, Навоий ГРЭСларидир. Уларда ҳар бирининг қуввати 150 дан 300 меговаттгача бўлган 30 дан ортиқ замонавий энергоблоклар ўрнатилган.

Ўзбекистон катта миқдордаги газ ва нефть захираларига эга. Разведка қилинган газ захираси 2 триллион кубометр, кўмир захираси 2 миллиард тоннадан ортиқдир. Республикамизда 160 дан ортиқ нефть конлари бор.

Нефть, газ ва конденсат захиралари ўз ички эҳтиёжимизни тўла таъминлаб қолмасдан, энергия манбаларини четга сотиш имконини ҳам беради.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистонда жуда катта нефть ва газ захиралари бор. Республикамизнинг салкам 60 фоизи уларни қазиб олиш учун истиқболли ҳудудлар ҳисобланади.

Бешта асосий нефть-газ минтақасини: Устюрт, Бухоро-Хива, Жануби-Фарбий Ҳисор, Сурхондарё, Фарғона минтақаларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Нефть ресурслари бўйича умумий имконият 4 миллиард тоннадан ортиқ, газ конденсати бўйича 630 миллион тонна, табиий газ бўйича салкам 5 триллион кубометрни ташкил қилади.

Нефть ва газ ресурсларининг захиралари қиймати бир триллион АҚШ долларидан ошиб кетади. Нефтнинг 90 фоиздан кўпроғи энг арзон усулда — фаввора шаклида қазиб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон ривожланган кўп тармоқли қишлоқ хўжалигига эга. Юртимизда ҳар йили қарийб 1,5 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда, салкам 5 миллион тоннага қадар мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Бундай рақамларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хулоса эса битта: Ўзбекистон бугунги кунда ўз ҳудудидаги табиий бойликларни ўзининг миллий манфаатларини, ўз халқи, авлодларининг бахтини, келажагини ўйлаб мустақил, эркин тасарруф этмоқда. Бу имконият мустақиллик берган энг улуг неъмат, энг катта ҳуқуқдир. Бундан ташқари, айни ана шу бойликларимиз мустақиллигимизнинг моддий, иқтисодий замини бўлиб, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш учун хизмат қилмоқда.


Мустақиллик — аждодлар хотирасини эъзозлаш, уларнинг меросини ўрганиш, ўзликни англаш демакдир. Дунёдаги халқлар тарихида фидойи инсонлар етарлича топилади. Ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндира олган фидойи инсонлар... Биз илм ва қалам қудрати ила жаҳонни забт этган буюк аждодларимиз билан қанчалик фахрлансак, тенгсиз жасорат ва матонат кўрсатиб, Ватан озодлигини ҳимоя қилган қаҳрамон боболаримиз билан ҳам шунчалик ифтихор қиламиз. Уларнинг сўнмас шуҳрати ва эзгу анъаналари бизни мамлакатимиз мустақиллигини асраб-авайлаш ва ҳимоя қилишга ундайди, қалбимизда миллий ғурур туйғусини уйғотади ҳамда шу йўлда фидокорона меҳнат қилишга руҳлантиради. *„Миллий ғурур — бу миллий ифтихордир. Миллий ифтихор миллат ўзини яхлит ижтимоий бирлик эканлигини онгли равишда ҳис қилишидир. Бу шундай бир кучли руҳий ҳолатки, у туфайли тарихий бирлик, қон-қариндошлик, тил, маданият, маънавият, иқтисодий ҳаёт ва келажак бирлиги миллат вакилларининг қалбидан чуқур ўрин олади“*⁴⁹.

Муҳаммад Хоразмий (783—850) жаҳонга „Алгебра“ни, саноқ сонларни кашф этиб берди. Алломанинг исми Муҳаммад, отасининг исми Мусо, ул зот асли Хоразмдан бўлгани учун Хоразмий дейишган. Муҳаммад ибн Мусо Хоразмийнинг нисбаси лотинча таржималар, кўчирмалар ва қайта ишланган асарларда кўпроқ *Algorithmus* ёки *Algorismus* ва, шунингдек, *Alghoarismus*, *Alkauresmus*, *Alchocharithmus* шаклларида ёзилган бўлиб, кейинчалик янги арифметиканинг номига асос бўлиб

⁴⁹ Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Ёрулуғ. — Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2006. 148-бет.

қолди ва бу *арифметика*, демак, *алгоритм* ёки *алгоризм* деб атала бошлади. Шу тариқа *алгоритм* ёки *алгорифм* ҳар қандай мунтазам ҳисоблаш жараёнини англатадиган математик тушунча бўлиб қолди. Юқорида келтирилган лотинча номларнинг ҳаммаси Хоразмий нисбасини англатишини шарқшунос Ж. Рейно 1849 йили асослаб берган⁵⁰.

Хоразмийнинг „Ал-китоб ал-мухтасар фи ҳисоб ал-жабр вал-муқобала“ („Ал-жабр вал-муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб“) асаридаги *ал-жабр* сўзи янги фаннинг номига айланиб кетди. Хоразмий рисоласининг XII асрда бажарилган лотинча таржималарида „ал-жабр“ сўзи „algebra“ шаклида ёзилиб, Европада ҳам янги фаннинг номи XIV асрдан бошлаб „алгебра“ деб атала бошланди⁵¹. Улуғ аллома арифметика, алгебра, астрономия, мусиқа, география, тарих ва этнография каби фанларга оид 20 га яқин асар ёзиб қолдирган⁵².



Аҳмад Фарғоний (тахминан 798 йилда туғилиб, тахминан 865 йилда вафот этган) ким бўлганини барчамиз яхши биламиз. У кишини Машриқда Аҳмад Фарғоний, Мағрибда эса Алфраганус деб аташган. Унинг номи Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний сингари Машриқ алломалари, Арасту (Аристотель), Афлотун (Платон), Букрот (Гиппократ) сингари Мағриб мутафаккирлари қаторида тилга олинади. Христофор Колумбнинг Американи кашф этишида унга Фарғоний тузган харита ёрдам берган. Буюк италян шоири Данте Алигьери (1265—1321) ўзининг машҳур „Илоҳий комедия“ асарини ёзганида, Дўзах, Аъроф ва Жаннатни жойлаштиришда осмон харитасига асосланган экан. Унинг ўзи эътироф этганидек, „*Мен бунда Альфраганус илмига асосландим, демакки, бунда ёлғон йўқдир*“⁵³.

Алломанинг „Илми нужум асослари“ асари XII асрдаёқ арабчадан лотин ва иврит тилларига ўтирилган. „*Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономия фани ривожига нуфузи шу қадар эдики, аллома бобомизнинг номи Ер қуррасидагина эмас, самода ҳам абадий шухрат топди. Ўн олтинчи асрдаёқ Ойдаги кратерлардан бирига унинг номи берилган эди. Атоқли астроном Ян Гевелий томонидан 1647 йили нашр қилинган „Селенография“ китобида Ойдаги кратерлардан иккитаси икки буюк ватандошимиз — Аҳмад ал-Фарғоний ва Мирзо Улуғбек номи билан аталади*“⁵⁴.

⁵⁰ *Қаранг: Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий*. Танланган асарлар: Математика, астрономия, география. / Масъул муҳаррирлар: С.Х. Сирождидинов, У.И. Каримов, М.М.Хайруллаев. — Т.: Фан, 1983. 42-бет.

⁵¹ *Бу ҳақда кўпроқ маълумот олиш учун, қуйидаги манбага қаранг: Великий ученый средневековья ал-Хоразми*. Материалы Юбилейной научной конференции, посвященной 1200-летию со дня рождения Мухаммада ибн Мусы ал-Хорезми. — Т.: ФАН. 1985.

⁵² *Аҳмедов Б.* Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари: (Био-библиографик маълумотнома): Тарихшунослар ва тарих муаллимлари учун қўлланма. — Т.: Чўлпон, 2003. 5-бет.

⁵³ *Аҳмедов А.* Аҳмад ал-Фарғоний (тах. 798 — тах. 865 йиллар) / Масъул муҳаррир: А.Азизхўжаев. — Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 1998. 3-бет. Данте асарларини чуқур ўрганиб чиққан, унинг „Илоҳий комедия“сининг „Дўзах“ қисмини ўзбек тилига таржима қилган атоқли шоиримиз Абдулла Орипов Данте ўзининг „Базм ва янги ҳаёт“ асарида „Илоҳий комедия“да қўлаган Дўзах, Аъроф ва Жаннатнинг географик ўрнини Аҳмад Фарғонийнинг асарларига таяниб осмон сфераси харитасига мослаб ёзганини эътироф этган деб тасдиқлайди. *Қаранг: Орипов А.* Танланган асарлар: 4 жилдлик. / Таҳрир ҳайъати: О. Шарафиддинов, М. Қўшжонов, Э. Воҳидов ва бошқ. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. 4-жилд: Киносценарий, мақолалар, суҳбатлар, хотиралар / Тўпловчи, сўнгсўз ва изоҳлар муаллифи: Д. Бегимқулов. 242-бет.

⁵⁴ *Каримов И.А.* Аҳмад ал-Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Асарлар, 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 190-бет.

Аҳмад Фарғоний томонидан яратилган, Нил дарёсининг кўтарилиб, тошиб туришининг йиллик ҳажмини ўлчайдиган махсус асбоб Мисрда ҳанузгача сақланади. Аҳмад Фарғоний Испаниядаги Кордова университетининг биринчи профессори бўлган.

Абу Наср Форобий (873–950) қадимги дунёнинг йирик файласуфларидан бири Арасту (Аристотель)нинг барча машҳур асарларига шарҳлар ёзган. Шунинг учун алломани „Ал-муаллим ас-соний“ — „Иккинчи муаллим“, „Шарқ Аристотели“ деб улуғлашган⁵⁵. Форобий илм-фаннинг турли соҳаларига доир 160 дан ортиқ рисола яратган⁵⁶.

Форобийнинг буюк олим бўлганини ифода этадиган бир далил келтирмоқчимиз. Ибн Сино Арастунинг „Маа баъда ат-табиъа“ („Метафизика“) китобини топиб, мутолаа қилишга киришади. Лекин у китобни 40 марта ўқиб ҳам муаллифнинг мақсади нима эканини тушунмайди. Охири бу тушуниб бўлмайдиган китоб экан, деб ундан умидини узади. Лекин кунларнинг бирида унинг қўлига Форобийнинг „Метафизика“ китоби хусусида ёзган шарҳ (аниқроғи „Фусуси ал-ҳикам“) асари тушиб қолади. Дарҳол шу китобни ўқишга киришади ва Арастунинг китобида нималар тўғрисида сўз борганини яхши англаб етади. Хурсанд бўлган Ибн Сино Форобий китобини ўқиб бўлган куннинг эртасигаёқ камбағалларга садақа беради⁵⁷.

Форобий 70 дан ортиқ тилни билган⁵⁸. Бундай инсонларни ҳозирги пайтда полиглот дейишади.

Форобий асарлари XII асрдан бошлаб лотин тилига таржима этилган. Бу эса унинг асарлари Европада кенг тарқалишига олиб келган. Унинг ғоялари Ф.Бэкон, Спиноза сингари йирик файласуфларнинг дунёқарашига катта таъсир кўрсатган.

Илм-фаннинг деярли барча соҳалари билан шуғулланган **Абу Райҳон Беруний** (973–1048) Хоразм Маъмун академияси фаолиятида ўзига хос ўрин тутган, 150 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган.

Ўрта асрларда бутун мусулмон оламида араб тили халқаро мулоқот тили, илму фан тили, ижод тили эди. Бу тилни Беруний мукамал эгаллаган эди. Унга араб тилини устози Абу Наср Ибн Ироқ ўргатган. Беруний 48 ёшида ҳиндларнинг қадимий санскрит тилини ўрганишга киришган.

Беруний „Геодезия“ номли асар ёзади ва шу номдаги фанга асос солади⁵⁹. Мазкур асардаги Ер сайёрасининг меридиан градуси тўғрисидаги маълумотлар айниқса диққатга моликдир. Ернинг меридиан градуси, ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра, 110275 метрни ташкил этади. Берунийнинг ҳисоб-китобига кўра, бу 110895 метрга тенг бўлганди. Беруний ҳозирги замонавий асбоб-ускуналарнинг ҳисоблашига нисбатан 620 метрга янглишган эди. Лекин Беруний эришган натижа ўша давр фани учун энг юқори аниқликдаги кўрсаткич эди.

Фарбий яримшарда яхлит бир қуруқликнинг, кейинчалик Америка деб аталган қитъанинг мавжудлигини Беруний XI аср бошидаёқ, яъни европалик олимлардан 450 йилча олдин тахмин қилган ва бу ҳақда ўз асарларида бир неча бор ёзган.

⁵⁵ Шарқда Арасту, яъни Аристотелни „Муаллими аввал“ — „Биринчи муаллим“ деб аташган.

⁵⁶ Қаранг: *Хайруллаев М.М.* Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. — Т.: ФАН, 1994. 53-бет.

⁵⁷ *Ирисов А.* Ҳаким Ибн Сино. Ҳаёти ва ижоди. — Т.: Ўзбекистон, 1992. 14–17, 63–64-бетлар; *Қориев М.* Танланган асарлар. Ибн Сино: Тарихий роман. Иккинчи жилд. — Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа концерни Бош тахририяти, 2000. 14-бет; *Миркарим Осим.* Карвон йўлларида: Сайланма: Тарихий қиссалар. / Сўз боши муаллифи: М.Сатторов; Тўпловчи: Н.Норқулов. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 77-бет; *Отахўжаев А.* Абу Али ибн Сино (рисола) / Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир: Қ.К.Ражабов. — Т.: „ABU MATBUOT-KONSALT“ нашриёти, 2011. 10-бет.

⁵⁸ *Аҳмедов Б.* Амир Темурни ёд этиб. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 172-бет.

⁵⁹ Қаранг: *Отахўжаев А.* Абу Райҳон Беруний (рисола) / Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир: Қ.К.Ражабов. — Т.: „ABU MATBUOT-KONSALT“ нашриёти, 2011. 21-бет.

Христофор Колумб ўз саёҳатига кўп йиллар мобайнида тайёргарлик кўрган. Шу мақсадда Шарқ сайёҳлари ва олимларининг, хусусан, Берунийнинг асарларини ўқиб чиққан.

Узоқ йиллар давомида европалик олимлар Ер шарининг тасвири бўлган глобусни 1492 йили германиялик олим Мартин Бехайм ясаган деган фаразни ёқлаб келишди. Ҳолбуки, немис олимидан 500 йил аввал, яъни 995 йили Беруний бу ишни илмий асосда амалга оширган эди⁶⁰.

Султон Маҳмуд Ғазнавийнинг тўнғич ўғли Масъуд Ғазнавий отаси сингари Берунийни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган. Бунга жавобан Беруний ўзининг йирик асарларидан бири бўлган „Қонуни Масъудий“ („Масъуд қонуни“)ни Масъуд Ғазнавийга бағишлаган.

1048 йилга келиб, яъни умрининг охирларида Берунийнинг соғлиғи ёмонлашади, кўзлари хиралашади, лекин унинг илм-фан оламига киритган янгилик ва кашфиётлари, кенг фанлар соҳасини, айниқса, унинг асарларини мутолаа қилиш асносида тараққий этган Европа фанининг „кўзини тийран қилиб очиб қўйди“. Беруний ҳар бир асарини ўзгача руҳ, ўзгача кайфият ва янгича иштиёқ билан ёзади. Шунинг учун унинг асарлари китобхонлар қалбида ҳам ўзгача фахр ва иштиёқ туйғусини уйғотади. Унинг асарларидан илҳомланган малик уш-шуаро, яъни шоирлар шоҳи Унсурий форс тилида янги асарлар битган. Берунийнинг ижоди ва фаолияти илм ва ижод аҳлини, олиму тадқиқотчиларни, шоиру ёзувчиларни ҳамон илҳомлантириб, янги асарлар битишга ундаб келмоқда. 1974 йилда „Ўзбекфильм“ студияси „Абу Райҳон Беруний“ номли икки қисмдан иборат фильм яратди. Ўзбекистон халқ шоири Уйғун „Абу Райҳон Беруний“ номли пьеса (1973), академик Азиз Қаюмов „Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино“ номли тарихий асар (1987), Пирмат Шермухамедов „Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати“ номли илмий-маърифий қисса (2009) ёзди.

Қорақалпоғистондаги шаҳар ва туман Беруний номига қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Тошкент техника университети, Тошкентдаги метро бекатларидан бири Беруний номи билан аталади. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида унинг номига қўйилган кўчалар, мактаблар, майдонлар бор. Дунёда биринчи марта Ўзбекистонда топилган минерал моддага Беруний номи берилди. Абу Райҳон Беруний шарафига Хива, Беруний ва Тошкент шаҳарларида ҳайкал ўрнатилган. Мустақиллик йилларида алломанинг хоки Афғонистоннинг Ғазна шаҳридан Беруний шаҳрига олиб келиниб, қайта дафн этилди.

Юртимиз заминидан етишиб чиққан алломалардан яна бири — *Ибн Сино* (980—1037) 980 йилнинг август ойида Бухоро яқинидаги Афшона қишлоғида туғилган. Ҳозир бу қишлоқда алломанинг ҳайкали қад ростлаб турибди. Ҳусайн (алломанинг асл исми шундай бўлган) 5 ёшга тўлганида унинг ота-онаси Бухорога кўчиб келади. Ибн Сино 5 ёшидаёқ ўқиш ва ёзишни ўрганган. У 16 ёшидаёқ машҳур табиб бўлиб танилган⁶¹. Ёш аллома 17—20 яшарлигидаёқ 24 жилддан иборат китобларни ёзиб улгурган эди⁶².

⁶⁰ Шермухамедов П. Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати: (Илмий-маърифий қисса). / Масъуд муҳаррир: М.Маҳмудов. — Т.: Ворис, 2009. 49-бет; Хайруллаев М.М. Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. — Т.: ФАН, 1994. 54—55-бетлар.

⁶¹ Қодиров А.А. Тиббиёт тарихи: Тиббиёт олий билимгоҳлари талабалари учун дарслик. — Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1993. 105-бет.

⁶² Қаранг: Отаҳўжаев А. Абу Али ибн Сино (рисола) / Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир: Қ.К.Ражабов. — Т.: „ABU MATBUOT-KONSALT“ нашриёти, 2011. 13-бет.

Сомонийлар давлатининг 33 яшар амири Нуҳ Ибн Мансур оғир хасталикка чалинади. Сарой табибларининг маслаҳати билан ёш Ҳусайн ҳукмдорни даволайди. Миннатдорчилик эвазига Нуҳ 16 ёшли табибга сомонийларнинг Бухородаги машхур кутубхонасидан фойдаланишга руҳсат беради. Бу кутубхонада Ибн Сино маълум бир муддат машғул бўлади. Лекин кутубхонага ўт кетиб, нодир китоблар ёниб кетади.

Ибн Сино 800 га яқин дорини синчиклаб ўрганиб чиққан ва улардан касалликни даволашда фойдаланган. У ишлатган 396 хил ўсимликдан 165 таси ҳозирги замон медицинасида қўлланади⁶³. „Табиблар қироли“⁶⁴ Ибн Синонинг номидан „Мадади Сино“ — „медицина“ атамаси вужудга келган. Европа олимлари аллома асарларини ўз тилларига таржима қилдилар. Унинг шарафига Кортнейин шаҳри (Бельгия)да ҳайкал қўйишди. Уни Европада *Авиценна* деб аташди. Карл Линней тропик дарахтлардан бирига худди шу номни берди. 1956 йилда Ўзбекистонда топилган минералнинг номи олимнинг шарафига Авиценнит деб аталди. Шогирдлари Ибн Синони *шайх* деб қақришган. Алломалар унга *Шайх ур раис* унвонини беришган.

Ибн Сино улкан илмий мерос қолдирди⁶⁵. Уни шартли равишда тўртга бўлиш мумкин: фалсафий, табиий, адабий ва тиббий соҳаларга доир асарлар. Улар Шарқу Фарб маданияти ва илм-фани ривожига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. XII асрдан бошлаб алломанинг асарлари лотин тилига таржима қилина бошланди, Европанинг йирик олий ўқув юртларида ўқитилди.

Атоқли шоир Абдулла Орипов Ибн Сино даҳосининг абадийлигини „Ҳаким ва ажал“ достонида қуйидагича ифода этади:

*Кўникдилар асрлар ҳам тақдир ишига,
Салтанатлар келиб кетди такрор ва такрор.
Фақат Ҳаким буюк чархнинг айланишига
Сукут ичра қулоқ тутиб ётади бедор.
Бу сукутнинг тугайдиган замони йўқдир,
Бу умрнинг поёни йўқ, у вақтдан холи.
Кўради-ю, сўзлай деса забони йўқдир,
Эшитади, турай деса йўқдир мажоли⁶⁶.*

Сон жиҳатдан бир неча бор кўп бўлган мўғул аскарларига қақшатқич зарба бериб, халқнинг фидойи ўғлони эканини амалда кўрсата билган **Темур Малик** (XII асрнинг охири — XIII асрнинг биринчи ярми) учун армон бўлиб қолган Ватан озодлиги орадан 150 йил ўтгач, бошқа бир буюк саркарда — Соҳибқирон Амир Темур томонидан амалга оширилди. Мажор (венгер) олими Херман Вамбери Темур Маликнинг жасоратига таҳсинлар айтган: „*Соҳилдан мўғуллар таъқиб этган ҳолда ажойиб дарё сафарини давом*



⁶³ Қодиров А.А. Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши. — Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1990. 58-бет.

⁶⁴ Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю: Письма к дочери из тюрьмы, содержащие свободное изложение истории для юношества. Том 1. — М.: Прогресс, 1977. стр. 280; Джавахарлал Неру. Открытие Индии. Кн. 1. Пер. с англ. — М.: Политиздат, 1989. стр. 365.

⁶⁵ Муаррихларнинг ҳисоб-китобларига кўра, Ибн Сино 400 дан ортиқ асар ёзган. Эрон тарихчиси Сайид Нафисийнинг таъкидлашича, Ибн Сино 457 та асар битган. Қаранг: Қодиров А.А. История медицины Узбекистана. — Т.: Изд-полигр. об-ние им. Ибн Сины, 1994. стр. 68.

⁶⁶ Орипов А. Танланган асарлар: 4 жилдлик / Сўнгсўз муаллифи: Д.Бегимқулов; Таҳрир ҳайъати: О. Шарифидинов, М.Қўшжонов, Э.Воҳидов ва бошқ. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 1-жилд: Шеърлар ва достонлар. 389-бет.

эттирди. Бинкант тўғрисида дарёнинг у соҳилидан бу соҳилига занжир тортилган эди. Темур уни бир зарба билан узиб кетди. Сўнгра „Бор қайиқ кетди“ қабилида соҳилга чиқди. Унинг соҳилдаги жанглари ҳақида ажойиб ҳикоялар нақл қилинди. Оқибатда Хоразмга омон-эсон етиб олди“⁶⁷.

„Агар Рустам тирик бўлганида эди, унга навкарликка муносиб бўлар эди“, деб ёзган эди Темур Малик ҳақида XIII аср тарихчиси Алоуддин Атомалик Жувайний ўзининг машҳур „Тарихи жаҳонкушо“ асарида⁶⁸. Темур Маликнинг қаҳрамонона курашлари Миркарим Осим („Темур Малик“ ҳикояси⁶⁹), Мирмуҳсин („Хўжанд қалъаси“ тарихий романи⁷⁰), Шойим Бўтаев („Оққан дарё оқаверади“ қиссаси), Шукур Қурбон („Темур Малик“ достони), Фулом Карим („Турон қоплони“ драматик қиссаси⁷¹) каби адибларни ажойиб асарлар яратишга илҳомлантирди, илҳомлантирмоқда. Энг муҳими, Темур Малик жасорати ёшлар қалбида Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғусини янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётгани шубҳасиз.

1221 йилнинг ноябрь ойида Чингизхон билан **Жалолиддин Мангуберди** (1198—1231) ўртасида даҳшатли жанг рўй беради. Синд дарёси яқинидаги Нилоб деган жойда икки тарафдан деярли 400 минг жангчи бир-бири билан олишган. Ўшанда Синд дарёсида сув эмас, қон оққан экан. Бу жангнинг қандай яқун топганини тарих китобларидан ўқигансиз, биласиз. Жангда Чингизхон ғолиб чиқади. Асир тушиб



қолмасин деб, Жалолиддин онаси, хотини ва фарзандларини дарёга чўктиришга амр этган. Бироқ бу амрни бажаришга ҳеч ким журъат этолмаган. Натижада улар тирик қолишган ва Чингизхоннинг асирга айланишган. Асир ва асираларнинг барчасини мўғул хони минг азобга солиб ўлдиради. Айниқса, Жалолиддиннинг 5 яшар ўғли Жамолиддинни. Чингизхон бу мурғак боланинг бир кун келиб отасидек довюрак, жасур ва мард инсон бўлиб, ёвга қарши курашиб, ўзи сингари қонхўр ганимларга омонлик бермаслигидан қўрққан.

Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк зотлардан яна бири **Соҳибқирон Амир Темур**дир. Ул зот 1336 йилнинг 9 апрелида туғилган. 7 ёшда мадрасага борган. 15 ёшга тўлганида муттасил овчилик билан машғул бўлган. Мадрасада мударрис Оллоҳнинг 99 номини талабаларга ёдлатганида, биринчи бўлиб Темур муборак исмларни тўлиқ айтиб берган.

⁶⁷ *Ҳерман Вамбери*. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 21-бет.

⁶⁸ *Тўлепберген Қаипбергенов*. Аждодларимиз тарихи саҳифалари. Ушбу манбага сўз бошидан: Фулом Карим. Соҳибқирон ва аллома: Тарихий қиссалар. — Т.: Шарқ, 2002. 6-бет; Худди шу фикрни Вамбери ҳам эслаб ўтади: „Темурмалик ҳақида Шарқ тарихчилари ҳақли равишда: „Агарда Рустам тирик бўлсайди, Темурмаликка ходим бўлишга яраб эди“ деб айтадилар“. // Қаранг: *Ҳерман Вамбери*. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 21-бет.

⁶⁹ *Миркарим Осим*. Карвон йўлларида: Сайланма: Тарихий қиссалар. / Сўз боши муаллифи: М.Сатторов; Тўпловчи: Н.Норқулов. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 198—207-бетлар.

⁷⁰ *Мирмуҳсин*. Хўжанд қалъаси („Темур Малик“): Тарихий роман. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 5—346-бетлар.

⁷¹ *Фулом Карим*. Турон қоплони (Олти қисм, ўн саккиз кўринишдан иборат драматик қисса). // Соҳибқирон ва аллома: Тарихий қиссалар. — Т.: Шарқ, 2002. 59—135-бетлар.

1370 йилнинг 9 апрелида, яъни роппа-роса 34 ёшга тўлган кунда Соҳибқирон Мовароуннаҳр ҳукмдори деб эълон қилинади. Амир Ҳусайн устидан эришилган ғалаба унга Мовароуннаҳрдаги ягона ҳукмронлик мавқеини беради. Қозонхоннинг қизи Сароймулкхоним (Бибихоним — „катта хоним“)ни ўз никоҳига олгани боис Амир Темурга, мўғуллар одатига кўра, „Кўрагон“, яъни „хон куёви“ нисбаси берилади.

Нақл қилишларича, Амир Темур Эронга юриш бошлаганида, Исфохоннинг қамали кўпга чўзилиб, кўшинни озиқ-овқат билан таъминлашга маблағ етишмай қолибди. Ниҳоят, Амир Темур Самарқандга чопар йўллаб, Сароймулкхонимга мактуб жўнатибди. Мактуб қисқа бўлиб, „Кўшиннинг захираси тугади, хазинадан зар юборинг“ деган маънода экан. Сароймулкхоним мактуб мазмунидан огоҳ бўлгач, мазкур мактубнинг орқа томонига „Улуғ амир! Зарингиз тугаган бўлса, сиёсатингиз ҳам тугадиму?“ деб ёзади ва мактубни чопарга бериб, йўлга равона қилади. Амир Темур мактубни олгач, Сароймулкхонимнинг сўзларини мушоҳада қилиб, шундай қарорга келади: лашкаргоҳда сўйиб ейилган кўй, қорамол, от ва туя суяқларини ўша кунгидея турли ҳажмда қирқтириб, катта ҳажмдагисига катта қиймат, кичигига кичик қиймат белгилаб, пўлат муҳрни қиздириб тамга босдиради ҳамда муваққат пул ўрнида муомалага киритиш ҳақида фармон беради. Натижада, кўшни шаҳар ва қишлоқлардан ушбу суяк-пулга кўшин учун озиқ-овқат сотиб олинади. Тез кунда Исфохон шаҳри таслим бўлгач, суяк пуллар зар билан алмаштирилади⁷².

Можор (венгер) тарихчиси Ҳерман Вамбери (1832–1913) ёзади: „*Темурнинг аломат белгиси [...] уч ҳалқадан иборат эди. Шиори: „Русту – рости“. Бу ибора „Куч — адолатда“ маъносини билдиради. Бу аломат унинг уч иқлимда, яъни Шимол, Жануб ва Ғарбда ҳокимлигига ишора*“⁷³.

Темурнинг хислатларидан бири шу эдики, у бирор масалани ҳал этишдан олдин шу соҳанинг билимдон одамлари, олимлари билан маслаҳатлашар, кейин эса аниқ қарорлар қабул қилар эди. Бу ҳақда Соҳибқироннинг ўзи мана бундай деб ёзади: „*Салтанатимни ўн икки тоифага бўлиб, уларга таянган ҳолда иш юргиздим. Салтанатим қонун-қоидаларини ҳам шу ўн икки тоифага боғлаб туздим. Бу ўн икки тоифани салтанатим фалакиннинг ўн икки буржи ва давлатим корхонасининг ўн икки ойи деб ҳисобладим*“⁷⁴.

Бу ўн икки тоифага қуйидагилар кирар эди: саййидлар, уламолар, шайхлар, фозиллар (1-тоифа); ақли кишилар ва кенгаш соҳиблари, эҳтиёткор арбоблар, сергак ва ишнинг оқибатини ўйлаб, олисни кўриб иш юритувчи, кекса ва тажрибали кишилар (2-тоифа); дуогўй кишилар (3-тоифа); амирлар, сарҳанглар, сипоҳсолорлар (4-тоифа); сипоҳ ва райят (5-тоифа); ақли, тажрибали, энг ишончли кишилар (6-тоифа); вазирлар, бош котиблар, девон муншийлари (7-тоифа); ҳақимлар, табиблар, мунажжимлар, муҳандислар (8-тоифа); муҳаддислар, пайғамбар, унинг авлодлари ва саҳобалари ҳақида ривоятлар нақл қилувчилар ҳамда қиссахонлар (9-тоифа); машойихлар, сўфилар, худони таниган орифлар (10-тоифа); касбу ҳунар эгалари (11-тоифа); ҳар мамлакат ва диёр саёҳатчиларию мусофирлари (12-тоифа).

„*Темур даврида Самарқанд янгича усулда қайта қурилди. Шунгача Самарқандда мўғуллар — ажнабийлар ҳукмронлиги даврида, 1220—1360 йилларда, демак, кейинги*

⁷² *Файзиев Т.* Темурийлар шажараси. — Т.: Ёзувчи, 1994. 55-бет.

⁷³ *Ҳерман Вамбери.* Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 53-бет.

⁷⁴ *Темур тузуқлари /* Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж.; Б. Аҳмедов таҳрири остида. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 64-бет.

140 йил давомида ҳеч қандай катта бирон бино қурилмаган эди⁷⁵. Буни Соҳибқирон ҳаётига бағишланган машҳур „Зафарнома“ асарининг муаллифи, тарихчи Шарафуддин Али Яздий ҳам, Кастилия ва Леон қироли Энрико III (1390—1407) томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ҳам тасдиқлаган. Дастлаб сўзни Шарафуддин Али Яздийдан эшитайлик. Тарихчи ёзади: „Андин сўнг саодат ва хайрулуқ билан Самарқанд сори мутаважжих бўлуб, ул шахрким, биҳиштбариннинг рашки эрди, пойтахт қилиб ўлтурди. Ва ҳар бир бекни бир саркор устида муҳассил қўйди. Мундин бурун ул шахарға кўб жафо тегиб эрди ва хароб бўлуб эрди. Ҳазрат соҳибқироннинг давлатидин андоқ бўлдиким, ер юзидаги шахарларнинг рашки бўлди ва оламда анинг овозаси тўлди“⁷⁶.

Испания — Кастилия элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ёзади: „Самарқанд ва унинг атрофидаги ерлар ҳайратомуз даражада мўл-кўл ва бой эди. Мана шундай бойлиги туфайли шахар „Самарқанд“ деб аталади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент, яъни катта қишлоқ, демакдир. Самарқанд ана шу номдан келиб чиққан.

Шаҳарнинг бойлиги озик-овқатларнинг мўл ва арзонлигидагина эмас. Бу ерда кўплаб ишлаб чиқиладиган атлас, кимхоб, сандал, тафта ва терсеналь сингари шоҳи газламалар, мўйна ва шоҳидан тайёрланган астарликлар, упа-элик ва (бошқа) пардоз моллари, зиравор-дориворлар, зарҳал ва кўк-ложувард бўёқлар, бошқа нарсалар ҳам мўл-кўл эди. Подшоҳ шахарнинг шуҳратини ошириш ниятида шу қадар кўп сабъ-ҳаракатлар қилдики, қайси бир мамлакатни забт этган ва бўйсундирган бўлса, уларнинг ҳаммасидан (ҳунарманд) одамларни олиб келиб, Самарқанд ва унинг теварак-атрофидаги ерларга жойлаштирди. Подшоҳ ҳар хил касб эгаларини тўплашга, айниқса, кўп ҳаракат қилди⁷⁷.

Самарқанд ер юзининг сайқалига айланди. Шаҳар ва унинг атрофида Соҳибқирон 14 та боғ — айвонли чорбоғлар, гулзор қилинган ва сув ҳавзалари бўлган саройлар бунёд эттирди⁷⁸. Темур қурилиш ва ободончилик ишларига катта эътибор берган.

1380 йилнинг баҳорида Темур Кешда гўзал ва тенгсиз иморат қуришга фармон беради. Испан элчисининг берган маълумотига кўра, Амир Темур бу иморатни отасининг хотирасига атаб бунёд этган⁷⁹. Кейинчалик „Оқсарой“ номи билан машҳур бўлган бу иморат 20 йилдан ортиқ вақт давомида қурилган. Қурилиш ишларига 50 минггача одам доимий суръатда жалб этилган. Иморат тенгсиз қошона бўлиб қад ростлади: баландлиги 74 метр ва узунлиги 250 метр. Мингта хонаси бўлиб, уларнинг бири иккинчисига ўхшамаган. Сарой пештоқига „Кимки бизнинг қудратимизга шубҳа қилса, қурдирган иморатларимизга қарасин“ деган сўзлар ёзилган эди.

Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати ҳам таҳсинга лойиқ бўлган. У 243 нафар аскарни билан 12 минг киши кўриқлаб турган Қарши қалъасини забт этган, 13 нафар ҳамроҳи

⁷⁵ Мўминов И. Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли: Ёзма манбалар маълумоти асосида. 2-нашри. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА „Фан“ нашриёти, 1993. 25-бет.

⁷⁶ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков; Масъул муҳаррир: Б.Эшпўлатов; Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: И.Шоғуломов ва бошқалар. — Т.: Шарқ, 1997. 68-бет.

⁷⁷ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403—1406) / Масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: М.Сафаров; Таржимон: О.Тоғаев. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2010. 199-бет.

⁷⁸ Алимова Д.А., Буяков Ю.Ф., Раҳматуллаев Ш.М. Самарқанд тарихи: (Қадимги даврлардан бугунги кунгача). — Т.: ART FLEX, 2009. 29-бет.

⁷⁹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403—1406) / Масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: М. Сафаров; Таржимон: О. Тоғаев. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2010. 149-бет; Руи Гонсалес де Клавихо. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида. Буюк Амир Темур тарихи (1403—1406). / Таржимон: У. Жўраев.; Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар. / Таржимон: Б.Эрматов; Масъул муҳаррир: А.Х.Саидов. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. 111-бет.

билан 650 асирни қутқарган⁸⁰, 200 киши 4 минг лашкарнинг ҳалқасини ёриб чиқиб кетган.

Амир Темур кечиримли инсон эди. Олтин Ўрда хони Тўхтамишхон ул зотга нисбатан уч марта нонқўрлик қилди. Амир Темур уни кечирди. Зиндаҳошим уч марта хиёнат қилди. Соҳибқирон уни кечирди.

Амир Темурнинг ҳарбий санъатидаги муҳим жиҳати шунда эдики, у бирор марта ҳам жангда мағлубиятга учрамаган. Шунинг учун унинг ҳарбий санъати 1917 йилга қадар, яъни инқилобга қадар Россия ва Франция ҳарбий академияларида махсус ўқитилган. Унинг ҳарбий санъати тўғрисида махсус китоблар ёзилган. Масалан, Россия армияси бош штабининг масъул ходими, генерал-лейтенант М.И.Иванин 1875 йилда Санкт-Петербург шаҳрида „О военном искусстве и завоеваниях монголо-татар и среднеазиатских народов при Чингизхане и Тимуре“ китобини нашр этган⁸¹.

Амир Темур даҳосининг улуғворлиги шундаки, ўз зиммасига юкланган бир нечта буюк тарихий вазифаларни муваффақиятли уддалади: биринчиси — Марказий Осиёни ягона давлатга бирлаштириш. Иккинчиси — Олтин Ўрданинг тор-мор қилиниши. Учинчиси — Европани Ўйлдирим Боязид томонидан забт этилишидан асраб қолиш.

Амир Темур „Тузуқлар“ китобида бундай деб ёзади: „*Мамлакатларни фатҳ этгувчи бахтли фарзандларим ва жаҳонни идора этгувчи қудратли набираларимга маълум бўлсинки, Тангри таоло даргоҳидан умидим шулки, кўплаб фарзандларим, авлодим салтанат тахтига ўтириб, мамлакатларни идора этгай. Шунинг учун салтанат қуриш, давлат тутиш ишларини бир неча тузуққа боғладим ва салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма (дастуруламал) ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим ва авлодидан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин [...]*“⁸².

Кейинги йилларда дунёнинг турли мамлакатларида яна бир улуғ аждодимиз — Бобур Мирзонинг ҳаёти ва ижодига тааллуқли янги илмий маълумотлар топилмоқда. Ана шундай топилмалардан бири Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тўнғич ўғли Насириддин Муҳаммад Ҳумоюнга атаб ёзган махфий васиятномасидир. Бу „Васиятнома“ 1529 йил 11 январда, Агра шаҳри ёнидаги „Нилуфар“ богида дам олаётган пайтида Бобур томонидан ёзилиб, Ҳумоюнга юборилган. Бобур ўғлига васият қилар экан, ҳар бир масалада бобокалони Соҳибқирон Амир Темурнинг ҳукмдорлик услубидан ўрганиш лозимлигига унинг эътиборини қаратади. Бу эса „Темур тузуқлари“дан келтирилган юқоридаги парчада баён этилган Темурнинг истак-хоҳиши унинг авлодлари томонидан амалга оширилганини кўрсатади. Қуйида эса Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ана шу „Васиятнома“сидан парча келтирамиз:

„*Эй фарзанд! [...]*

Ҳазрат Соҳибқирон Амир Темурнинг иш юритишлари доимо ёдингда бўлсин. Шунда давлатинг маъмур ва пухта бўлади.

*Биз етказиб қўямиз, холос“*⁸³.

Ҳа, Соҳибқирон Темурнинг „амал қилсинлар“ деб ўз ортидан қолдириб кетган буюк ва бебаҳо ўғитлари унинг авлодлари томонидан оғишмай амалга оширилди. Амир Темурнинг ўғли, илм-фан ва маданият ҳомийси Шохрух Мирзо 42 йил (1405—

⁸⁰ Чўкалакда бўлган жангда 13 аскар билан 300 кишилик Тўхтамишнинг қўшинига қарши жанг қилиб, зафар кучган ва айни вақтда асирларни ҳам озод қилган Кўча Маликка Темур катта мулк инъом этган.

⁸¹ Қаранг: Аҳмедов Б. Амир Темурни ёд этиб. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 188-бет.

⁸² *Темур тузуқлари* / Форсчадан А. Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж.; Б. Аҳмедов таҳрир. остида. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 53-бет.

⁸³ *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. / Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. / Порсо Шамсиев, Солиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов / Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. — Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. 331-бет.

1447) ҳокимият тепасида бўлган. Соҳибқироннинг набираси, Шоҳрухнинг ўғли, подшоҳ ва олим Мирзо Улуғбек 40 йил (1409–1449) тахтда ўтирган. Шоҳ ва шоир, теурий Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо асос солган „Буюк бобурийлар салтанати“ 332 йил (1494–1826) барқарор ҳукм сурган.

1996 йил мамлакатимизда „Амир Темур йили“ деб эълон қилинган эди⁸⁴. Ўша йилнинг 28 август куни мамлакатимизнинг йирик шаҳарлари — Самарқанд ва Шаҳрисабз Амир Темур ордени билан тақдирланди⁸⁵. 18 октябрда ўша шаҳарларда Амир Темур ҳайкаллари қўйилди.



Мирзо Улуғбек (1394–1449) — буюк аллома ва давлат арбоби. Афсуски, бу улуг зотнинг ҳаёти фожиали якун топди. Ғаламис кимсаларнинг маслаҳатига қулоқ тутган, Абдураззоқ Самарқандий таърифича „бағоят мутакаббир ва жаббор, ёвуз ва қаҳрли“⁸⁶ Абдуллатиф отаси Мирзо Улуғбекни муқаддас ҳажга — Маккага боришга қўндиради. Аллома ноилож рози бўлади. Кичик бир карвон билан йўлга чиққан Мирзо Улуғбекни Абдуллатифнинг одамлари Самарқанд чеккасидаги кичик бир қишлоқда тўхтатишади. Аллома жойлашган уйга кечга яқин Аббос исмли бир киши шериги билан кириб келади, Мирзо Улуғбекнинг қўлларини боғлаб, ҳовлига олиб чиқишади ва бошини танидан жудо қилишади. „Бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилди“⁸⁷. Бу воқеа ҳижрий 853 йил рамазон ойининг саккизинчи⁸⁸ (ёки ўнинчи⁸⁹) кунда (милодий 1449 йилнинг 25 ёки 27 октябрида) рўй беради. Ўшанда Мирзо Улуғбек 56 ёшда эди. Орадан икки ёки уч кун ўтиб, Абдуллатиф ўз укаси Абдулазизни ҳам ўлдиртиради. Лекин унинг ҳукмронлиги узоққа чўзилмайди.

*Падаркуш шоҳликка лойиқ эрмас,
Чу лойиқ ўлса, олти ойдин ошмас*⁹⁰.

Мирзо Улуғбекка содиқ кишилар 1450 йилнинг 8 майида падаркуш Абдуллатифни қатл қиладилар⁹¹, унинг кесилган бошини Улуғбек мадрасасининг пештоқига осиб қўядилар ва тахтга Мирзо Абдулла (Улуғбекнинг жияни ва куёви, Иброҳим Султон Мирзонинг ўғли)ни ўтқаздилар.

⁸⁴ 1994 йилнинг 29 декабрида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди. 1995 йилнинг 26 декабрида эса республикамиз Президенти 1996 йилни „Амир Темур йили“ деб эълон қилиш тўғрисида Фармон эълон қилди.

⁸⁵ 1996 йил 26 апрелда Ўзбекистон парламенти „Амир Темур орденини таъсис этиш тўғрисида“ Қонун қабул қилди.

⁸⁶ *Абдураззоқ Самарқандий*. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К. II / Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2008. 305-бет.

⁸⁷ *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. / Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. / Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов / Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. — Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. 62-бет.

⁸⁸ Тарихчи Мирхонднинг маълумоти бўйича.

⁸⁹ Улуғбекнинг қабр тошига ёзилган лавҳа бўйича.

⁹⁰ *Қаранг: Абдураззоқ Самарқандий*. Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К. II / Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи А. Ўринбоев; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2008. 306-бет.

⁹¹ „... Бобо Ҳусайн томонидан ўлдирилдики, у Улуғбек Мирзонинг мулозимларидан эди“. *Қаранг: Шарафуддин Роқимий*. Тарихи Томм. — Т.: Маънавият, 1998. 39-бет.

Мирзо Улуғбек давлат ишлари билан бирга илму фан масалалари билан ҳам мунтазам шуғулланади. Аллома „Бир даражанинг синусини аниқлаш ҳақида рисола“ (Берлин ва Қоҳирада иккита нусхаси сақланмоқда), „Рисолаи Улуғбек“ (Ҳиндистоннинг Алигарх университети кутубхонасида сақланмоқда), „Тўрт улус тарихи“⁹² каби асарлар муаллифидир. Мирзо Улуғбек қаламига мансуб бўлган машҳур асарлардан яна бири унинг „Зижи жадиди Қўрагоний“ („Қўрагонийнинг янги жадваллари“ Улуғбекнинг энг кўп нусхага эга бўлган асари) номли асаридир⁹³. Улуғбекдан олдин тузилган энг мукамал зижлар Берунийнинг „Қонуни Масъудий“ асари ва Носириддин Тусийнинг 1256 йили ёзиб тугатилган ва Чингизхоннинг невараси Ҳулоғхон (1256—1265)га тақдим этилган „Зижи хоқоний дар такмили зижи Элхоний“ (Элхон — Ҳулоғхоннинг тахаллуси) асари эди⁹⁴.

„Зижи жадиди Қўрагоний“ асари Улуғбекнинг қарийб 30 йиллик меҳнатининг самараси бўлиб, у 1444 йилда ёзиб тугатилган⁹⁵. Асар форс тилида ёзилган, кейинчалик Гиёсиддин Коший томонидан араб тилига таржима қилинган. „Зижи жадиди Қўрагоний“ муқаддима ва тўрт „мақола“дан иборат⁹⁶. Ҳозирги кунда „Зижи жадиди Қўрагоний“ асарининг 150 дан ортиқ нусхаси маълум⁹⁷. Бошқа маълумотларга кўра, „Зиж“нинг 120 га яқин форсий нусхаси ва 15 дан ортиқ арабий нусхаси мавжуд⁹⁸.

*Темурхон наслидин султон Улуғбек
Ки, олам кўрмади султон анингдек.
Анинг абнойи жинси бўлди барбод
Ки, давр аҳли биридин айламас ёд.
Ва лек ул илм сори топти чун даст,
Кўзи олинда бўлди осмон наст.
Расадким боғламиш — зеби жаҳондур,
Жаҳон ичра яна бир осмондур.
Билиб бу нав илми осмоний,
Ки андин ёзди „Зижи Қўрагоний“.
Қиёматга дегинча аҳли айём
Ёзарлар анинг аҳкомидин аҳком⁹⁹.*

(*Маъноси:* Темурхон наслидан бўлган Улуғбекдек султонни ҳали олам кўргани йўқ. Ундан дунёга келган фарзандлар ҳам ўтиб кетди. Бу замон одамларидан ҳеч бири уларнинг бирортасини эсга олмайди. Бироқ Улуғбекнинг ўзи илмни чуқур эгаллаган

⁹² „Тарих-и арбаъ улус“ асари бизгача тўлалигича етиб келмаган, бир неча мухтасар нусхалари сақланган: икки нусхаси Англиянинг Оксфорд ва Бодлеян кутубхоналарида, учинчи нусхаси Ҳиндистоннинг Банкипур шаҳрида ва ниҳоят, тўртинчиси АҚШда, Харвард университетининг кутубхонасида сақланмоқда. Асарнинг ўзбек тилида чоп этилган нашри буйича қаранг: *Мирзо Улуғбек. Тўрт улус тарихи* / Б. Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳририда; Форс тилидан Б. Аҳмедов ва бошқ. тарж. — Т.: Чўлпон, 1993.

⁹³ Улуғбекнинг „Зижи жадиди Қўрагоний“ асари „Улуғбек зижи“, „Зижи Қўрагоний“ каби номлари билан ҳам маълум. „Зиж“ сўзи форс тилидаги „зик“ сўзидан олинган бўлиб, „жадвал“ маъносини билдиради.

⁹⁴ *Мамадазимов М.* Улуғбек ва унинг расадхонаси. — Т.: Ўзбекистон, 1994. 5–25-бетлар.

⁹⁵ *Улуғбек.* Илми нужум. / Таржимон, изоҳлар муаллифи ва нашрга тайёрловчи: А. Аҳмад. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994. 3–бет. Тарихчи Турғун Файзиевнинг ёзишича, Улуғбек ўз асарини 1437 йилда ёзиб тугатган. *Қаранг: Турғун Файзиев.* Мирзо Улуғбек авлодлари. — Т.: „Ёзувчи“ нашриёти, 1994. 22-бет. Худди шундай фикрни атоқли тарихчи олим Бўрибой Аҳмедов ҳам тасдиқлайди. *Қаранг: Бўрибой Аҳмедов.* Улуғбек. (Эссе). — Т.: Ёш гвардия, 1989. 116-бет.

⁹⁶ Улуғбек „Зиж“ининг тўртинчи „мақола“си Ашраф Аҳмад томонидан таржима қилиниб ва изоҳлар берилиб, 1994 йилда ўзбек, инглиз ва рус тилларида нашр қилинди. *Қаранг: Улуғбек.* Илми нужум. / Таржимон, изоҳлар муаллифи ва нашрга тайёрловчи: А. Аҳмад. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

⁹⁷ *Абдурахмонов А.* Улуғбек академияси. — Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993. 12-бет.

⁹⁸ *Ашраф Аҳмедов.* Улуғбек: ҳаёти ва фаолияти (1394–1449). — Т.: „Фан“ нашриёти, 1991. 61-бет.

⁹⁹ *Алишер Навоий.* Фарҳод ва Ширин: (Насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ.; Тузувчи: А. Эркинов; Масъул муҳаррир: В. Раҳмонов. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 346–347-бетлар.

бўлиб, унинг кўзи олдида осмон паст бўлган эди. У барпо этган расадхона дунёнинг кўрки бўлиб, уни жаҳон ичра яна бир осмон, дейиш мумкин. У осмон илмини шу қадар пухта эгаллаб, шу асосда „Зижи Кўрагоний“ асарини яратди. Қиёмат қойим бўлгунга қадар дунёдаги одамлар унинг чиқарган хулосаларига таяниб, янги-янги ҳукм ва хулосалар ёзадилар.)

Буюк аллома дунёда биринчи бўлиб юлдузларнинг тўлиқ жадвалини тузди.

Мирзо Улуғбек бунёдкор ҳукмдор бўлган. Ул зот қурдирган биринчи бино Бухородаги мадраса бўлиб, унинг пештоқига „Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир“, деган ҳадиси шариф ёзиб қўйилган.

Мирзо Улуғбек даврида Самарқанд илму маърифат марказига айланди. Самарқанддаги мадрасада диний фанлар билан бир қаторда, астрономия ва математика фанлари ҳам ўқитилган. Улуғбек асос солган Самарқанд астрономия мактабида Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид, Муҳаммад Хоразмий, Али Қушчи сингари улуғ алломалар фаолият юритганлар.

Улуғбек ва унинг шогирдлари томонидан Самарқанд расадхонасида аниқланган маълумотлар XIX асрда Россия астрономи В.Я. Струве, бизнинг давримизда эса академик В.П. Шчеглов томонидан кейинги маълумотлар билан қиёсланганда, улар ўртасида ниҳоятда кам тафовут борлиги аниқланган.

Темур ва темурийлар даврида меъморлик шундай бир юксакликка кўтариладики, бу ноёб ҳодиса Европада „Темурийлар ренессанси“ деган ном билан тарих саҳифаларида муҳрланади.

Қашқадарёнинг Китоб шаҳрида жуғрофий ўрнига кўра дунёдаги бештадан бири ҳисобланадиган халқаро астрономик кенглик нуқтаси жойлашган. У Мирзо Улуғбек номига қўйилган. Агар тунда уйқунгиз қочиб, ҳовлига чиқсангиз, осмонга қаранг. Гўёки Мирзо Улуғбек билан гаплашгандек бўласиз.

Милодий 1441 йилнинг 9 февраль куни Ҳирот шаҳрида давлат аъёнларидан бўлмиш Фиёсиддин Баҳодир хонадонидан бир ўғил дунёга келади. Чақалоққа яхши ниятлар билан Алишер деб исм қўядилар. У кейинчалик *Алишер Навоий* (1441–1501) номи билан адабиёт оламида шуҳрат қозонади. Алишер тўрт ёшида мактабга борган¹⁰⁰. Мана бу сатрларга эътибор беринг:

*Бани одам аъзои якдигаранд,
Ки дар офариниш зи як гавҳаранд.
Чу узве ба дард оварад рўзгор,
Дигар узвҳоро намонад қарор*¹⁰¹.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тинчлик кенгаши биниси пештоқига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган бу сатрларнинг муаллифи Саъдий Шерозийдир¹⁰². Ушбу шеърий парча эса унинг „Гулистон“ асаридан олинган¹⁰³. Мазкур сатрлар билан илк бора танишган вақтда Навоий 4 яшар бўлган. Фаридиддин Атторнинг „Мантиқ ут-тайр“ асари билан танишган вақтда у 9 ёшда эди. Такрор ва такрор

¹⁰⁰ Қайюмов А. Алишер Навоий: (Улуғ шоир ҳаёти ва ижоди тўғрисида лавҳалар). – Т.: Камалак, 1991. 12-бет.

¹⁰¹ *Маъноси*: Одам болалари ибтидода бир гавҳардан бино бўлганлари туфайли яхлит бир вужуд кабидирлар. Бинобарин, замон унинг бир аъзосига жароҳат етказса, бошқа аъзолари ҳам ўз тинчини йўқотади.

¹⁰² Муслиҳиддин Саъдий Шеърозий (1210–1292) жаҳон адабиётининг йирик вакилларида бири саналади. У тўрт девондан иборат газаллар битган, наср ва назмда кўплаб асарлар яратган. Унинг таниқли асарларидан бири бўлмиш „Гулистон“ асари 1258 йилда яратилган.

¹⁰³ *Саъдий Шерозий*. Гулистон. / Нашрга тайёрловчи, масъул муҳаррир ва тақдим сўзи муаллифи: Сайфиддин Сайфуллоҳ; Таржимон: Мулло Муродхўжа. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси „Фан“ нашриёти, 2005. 47-бет.

ўқийверганидан Навоий бу асарни ёдлаб олган. Унинг бундай хатти-ҳаракатидан хавотирга тушган ота-онаси китобни яшириб қўйган. Агторнинг „Куш тили“ дostonидан илҳомланган Навоий кейинчалик ўзи ҳам шундай руҳда фалсафий асар яратган¹⁰⁴. Алишер Навоийнинг „Лисон ут тайр“ асаридан илҳомланган шоирлар, адиблар, олим ва тадқиқотчилар эса бу асар ҳақида юзлаб, минглаб ашъорлар, рисолалар, диссертациялар ёзганлар ва ҳамон ёзмоқдалар.



Навоий тарихни битишда, яъни тарихга доир асарлар ёзишда ҳам ўз истъодини намоеън этди. Бунга „Тарихи анбиё ва ҳукамо“¹⁰⁵, „Хамса“нинг таркибига кирувчи „Садди Искандарий“¹⁰⁶ каби асарларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Алишер Навоий 6 яшарлик пайтида машҳур тарихчи Шарафиддин Али Яздий билан учрашган. Бу учрашув Тафт шаҳрида рўй берган эди. Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ажойиб асар ёзган тарихчилардан бири Яздийдир. У ўзининг „Зафарнома“¹⁰⁷ китоби билан машҳур бўлган. Бу асар Амир Темур тарихига бағишланган асарларнинг ҳақиқатга энг яқини ва энг мукаммали ҳисобланади. Болалигида Али Яздийдек тарихчи билан учрашиш шарафига муяссар бўлган Навоий кейинчалик ўз замонасининг йирик тарихчиларига ҳомийлик ва устозлик қилган. Масалан, тарихчи Мирхондни олайлик. У Навоийнинг кўрсатмасига биноан умумий тарих бўйича йирик асар яратган¹⁰⁸. Алишер Навоийнинг тарбиясини олган тарихчи Мирхонднинг набираси Хондамир „Ҳабиб ус сияр“¹⁰⁹ асари билан шўҳрат қозонади. Навоийнинг топшириғи ва моддий ҳомийлигида Хондамир бир қатор асарлар яратган. Масалан, „Хулосат ул ахбор фи аҳвол ил-аҳёр“ („Хайрли кишилар аҳволи хабарларининг хулосаси“) Навоийнинг топшириғи бўйича яратилган бўлса, „Дастур ул вузаро“ („Вазирлар учун қўлланма“) эса Навоийнинг моддий кўмагида битилган¹¹⁰.

Шеърят бўстонида бир вақтда икки ёки ундан ортиқ тилда ижод қила оладиган шоирлар саноклидир. Алишер Навоий ана шундай шоирлардан биридир. У 11–12 ёшларида форс ва араб тилларида ўқий олган ва ёза билган. У туркийда битган асарларига Навоий, форсийда ёзган асарларига Фоний¹¹¹ тахаллусини танлаган. Навоий ёшлиқдан зуллисонан, яъни икки тилда ёзадиган шоир сифатида танилган.

¹⁰⁴ „Лисон ут-тайр“ Алишер Навоийнинг жами 6 та (бештасини „Хамса“нинг таркибига кирувчи дostonлар ташкил этади) дostonидан бири бўлиб, шоир уни умрининг сўнгги йилларида яратган. *Қаранг: Алишер Навоий. Лисон ут тайр: (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ.; Тузувчи: Н. Раҳмонов; Сўз боши муаллифи, изоҳ ва лугатлар тузувчиси: В. Раҳмонов. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.*

¹⁰⁵ *Қаранг: Алишер Навоий. Тарихи анбиё ва ҳукамо: (Пайгамбарлар ва ҳакимлар тарихи): (Сўз боши Б.Валихўжаев ва Қ. Тоҳиров. — Т.: Самарқанд: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бўлими, 1990.*

¹⁰⁶ *Қаранг: Алишер Навоий. Садди Искандарий: (насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Қ. Тоҳиров. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.*

¹⁰⁷ *Асарнинг матни бўйича қаранг: Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: А. Аҳмад, Ҳ. Бобобеков; Масъул муҳаррир: Б. Эшпўлатов; Ноширлар ва матбаачилар гуруҳи: И.Шоғуломов ва бошқалар. — Т.: Шарқ, 1997.*

¹⁰⁸ Бу ўринда сўз Мирхонднинг „Равзат ус сафо“ асари тўғрисида бормоқда. Асарнинг тўлиқ номи „Равзат ус сафо фи сийрат ул анбиё ва-лмулк ва-лхулафо“ („Пайгамбарлар, подшолар ва халифларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи“) бўлиб, унда дунёнинг яратилишидан то 1523 йилга қадар Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воқеалар кенг баён этилган.

¹⁰⁹ „Ҳабиб ус сияр“нинг тўлиқ номи қуйидагича: „Ҳабиб ус сияр фи ахбор афрод ул башар“ („Инсон хабарлари ва фардларида дўстнинг таржимаи ҳоли“). Бу асар муаррих томонидан 1529 йилда тўлиқ ёзиб тугатилди. Асар Ўрта Осиё ҳамда Хуросоннинг XV аср охири ва XVI аср биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда муҳим ва қимматли манба саналади.

¹¹⁰ *Қаранг: Ғийёсиддин Бин Ҳумоиддин Хондамир. Буюклик хислати: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақидаги боблар / Масъул муҳаррир: Д. Юсупова; Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: И.Бекжонов; Бобур жамоат фонди. — Т.: Шарқ, 2011. 5-бет.*

¹¹¹ Алишер Навоийнинг форсийда битган шеърлари „Девони Фоний“ номли асарида жамланган.

Лутфийга „ўз замонининг маликул каломи эрди, форсий ва туркийда назири йўқ эрди“, деб таъриф берган Навоий бир куни унинг хузурига боради ва унга ўзининг ушбу байт билан бошланадиган ғазалини ўқиб беради:

*Оразин ёнқач, кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач қуёш*¹¹².

Икки тилда — туркий ва форсий тилларда ижод қилган ва эндиликда қартайиб қолган¹¹³ Лутфий ёш Алишернинг бу ғазалига юксак баҳо бериб, ўзининг ҳар икки тилда ёзган ўн-ўн икки минг байтини шу икки мисрага жон-жон деб алмашишга тайёр эканини изҳор қилган. Навоийнинг Лутфийга берган таърифига ўхшаш таърифни Навоийнинг ўзига ҳам, масалан, Заҳириддин Муҳаммад Бобур берган. У бундай ёзган эди: „Алишербек назири йўқ киши эрди. Туркий тил била то шеър айтубтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас“¹¹⁴. (*Маъноси*: Алишербек ўхшаши йўқ киши эди. Туркий тил билан то шеър битибдилар, ҳеч ким унчалик кўп ва яхши ёзган эмас¹¹⁵.)

„Хамса“нинг қандай асар экани барчамизга яхши маълум. „Хамса“ — бешлик дегани, яъни бешта мустақил асардан таркиб топган асардир. Навоийга қадар ҳам „Хамса“ ёзганлар бўлган. Масалан, Низомий Ганжавий (1141–1209) ёзган. Дарвоқе, „Хамса“ ёзишни айнан ана шу шоир бошлаб берган. Бундай асарни Амир Хусрав Деҳлавий (1253–1325) ҳам ёзган. Абдурахмон Жомий (1414–1492) ҳам „Хамса“ ёзган. Бу „Хамса“ларнинг барчаси форсийда ёзилган. Алишер Навоий эса уни илк бор туркийда ёзди¹¹⁶. Бу ишни у шу қадар ажойиб тарзда уддаладики, бунчалик гўзал „Хамса“ни ҳали ҳеч ким битмаган эди ва Навоийдан кейин ҳам ҳеч ким шунчалик мароқли „Хамса“ни яратмади, яратолмади. Бежизга „Навоий — шеърят мулкининг султони“, деб айтмайдилар¹¹⁷.

Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг „Тарихи Рашидий“ асарида ёзилишича, темурий Умаршайх Мирзо ва Юнусхоннинг қизи Қутлуғ Нигорхонимнинг тўнғич фарзандлари дунёга келганида, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валийдан чақалоққа исм қўйиб беришни сўрашади. У киши Заҳириддин Муҳаммад исми билан мушарраф қилдилар¹¹⁸. Бу гўдак Бобур эди. **Заҳириддин Муҳаммад Бобур** (1483—1530) буюк давлат асосчиси, шоир, маданият арбоби, саркарда, тилшунос, табиатшунос, қомусий олим бўлган.

Бобур — Заҳириддин Муҳаммаднинг адабий таҳаллуси. „Йўлбарс“ маъносини билдирадиган бу сўзнинг ўзаги араб тилидаги „бабр“ сўзидир. Ҳайвонот оламида йўлбарс шердан кейинги ўринда туради. Агар Алишер Навоий шеърят оламининг

¹¹² *Ғазал матни бўйича қаранг: Алишер Навоий. Қаро кўзим. / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов ва бошқ.; Тузувчи: М. Раҳматуллаева; Масъул муҳаррир: В. Раҳмонов. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 298-бет.*

¹¹³ Лутфий 99 йил умр кўрган.

¹¹⁴ *Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. / Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов / Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. — Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002. 132-бет.*

¹¹⁵ *Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов, Х. Султанов, Б. Алимов ва бошқ.; Халқаро Бобур фонди. — Т.: „O'qituvchi“ НМИУ, 2008. 133-бет.*

¹¹⁶ „Хамса“ни ёзишни Навоий 1483 йилда бошлаган ва икки йил ичида уни ёзиб тугатган. Навоий „Хамса“си 51 минг 230 мисрадан иборат.

¹¹⁷ Мулоҳаза юритиш учун ушбу фактни келтиришни лозим деб билдик. „Жаҳон тилшунос олимлари дунё миқёсида эътироф этилган энг улуғ ижодкорларнинг сўз бойликлари бўйича тадқиқот ўтказиб, қуйидаги натижага эришганлар: Алишер Навоий 26 минг 35 та, Александр Пушкин 21 минг 193 та, Улям Шекспир 20 мингдан ортиқ, Мигел де Сервантес 18 мингдан ортиқ, Абдурахмон Жомий 17 минг 600 та, Абдулла Тўқай 14 мингдан ортиқ сўзни ўз бадиий ва илмий асарларида ишлатган, такрорий қўллашлар бу ҳисобга кирмайди, албатта“. *Ушбу манбадан олдик: Абдуқаҳҳор Иброҳимов. Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар / Сўз боши: И. Фафуров. — Т.: Шарқ, 2001. 194-бет.*

¹¹⁸ *Қаранг: Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. / Таржимонлар: Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова. Масъул муҳаррир: академик Азиз Қаюмов. — Т.: Шарқ, 2010. 249–250-бетлар.*

шери бўлса, Бобур бу оламнинг йўлбарсидир¹¹⁹. Иккиси ҳам февраль ойида таваллуд топган, иккиси ҳам Афғонистонда (бири Ҳиротда, иккинчиси Кобулда) дафн этилган.

„Аҳли жаҳондин яхшилиғ“ кўрмаган Бобур умр бўйи ўзгаларга яхшилик қилди:

*Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!*¹²⁰

Буюк бобурийлар империясининг¹²¹ асосчиси Бобур Ҳиндистондек улкан мамлакатнинг подшоҳи бўлса-да, бир умр Андижонни, гўзал Фарғонани қўмсаб ўтади. Ватандин айри тушган инсон қалбини Ватан соғинчи, юрт ишқи чулғаб олади:

*Толе йўқи жонимға балолиғ бўлди
Ҳар ишни ки айладим — хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди!*¹²²

Ривоят қиладиларки, Бобурнинг ўғли Ҳумоюн оғир бетоб бўлиб қолганида, отаси ўғлига бўлган меҳри боис унга ўз ҳаёти эвазига саломатлик беришни сўраб, бутун қалби билан Оллоҳга ёлворибди. Шунда Ҳумоюн соғайиб, Бобурнинг ўзи эса оғир касал бўлиб, бир неча кундан сўнг ҳаётдан мангуга кўз юмган экан¹²³.

Мустақил Ҳиндистоннинг биринчи Бош вазири бўлган Жавоҳарлаъл Неру Бобур Мирзога „дилбар шахс“ деб таъриф берган эди: „Бобур — дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган“¹²⁴. Неру „Жаҳон тарихига бир назар“ асарида Бобур ҳақида бундай ёзади: „Бобур шу пайтгача ўтган маданиятли



¹¹⁹ Қаранг: Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур: (Адабий ўйлар). — Т.: Маънавият, 1999. 16–бет.

¹²⁰ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. / Масъул муҳаррир: А.П. Қаюмов; Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи А. Абдуғафуров. — Т.: Фан, 1994. 32–бет.

¹²¹ Тўғриси ҳам шу: „Буюк бобурийлар империяси“, зинҳор „Буюк мўғуллар империяси“ эмас! З.М. Бобур теурий шахзода. Амир Темур Чингизхон авлодига мансуб бўлган Сароймулкхоним (Бибихоним)га уйланганидан сўнг „хоннинг кўёви“, яъни „Кўрагон“, „Кўрагоний“ унвонини олган. Темурдан кейинги барча эркак авлодлар бу анъанага риоя қилганлар, уларнинг битта хотинлари чингизий хонимлардан бўлган. Шу сабабдан теурийларга „Кўрагонийлар“ унвони кўшиб айтилган. Темурнинг набираси Улуғбек ҳам юлдузлар илмига доир асарини „Зичи жадиди Кўрагоний“ деб номлаганидан хабарингиз бор. Тилга олинган анъана Умаршайх Мирзони ҳам четлаб ўтмаган. Унинг биринчи хотини Чингизхон авлодига мансуб (Қутлуғ Нигорхоним) бўлган ва шу никоҳдан Бобур туғилган. Демак, Бобурнинг насаби она томонидан Чингизхонга, ота томонидан эса Амир Темурга бориб тақалади. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи ҳам „Бобурнома“да аниқ қилиб ёзган. Бобурнинг она томонидан Чингизхонга бориб тақалиши унинг чингизий шоҳ бўлганини билдирмайди. Насл-насабни аниқлаш, аввало, ота томонидан белгиланади. Шубҳасиз, Бобур Мирзо теурий шахзодадир. Бу ҳақда кўп ва ҳўп ёзилган. Қаранг: Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Таҳрир ҳайъати: Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов ва бошқ. / Порсо Шамсиев, Содиқ Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: Саидбек Ҳасанов / Масъул муҳаррир: Ваҳоб Раҳмонов. — Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти, 2002. 38–39–бетлар; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. / Таҳрир ҳайъати: А. Қаюмов, Х. Султанов, Б. Алимов ва бошқ.; Халқаро Бобур фонди. — Т.: „Ўқитувчи“ НМИУ, 2008. 33–34–бетлар; Воҳидов Р. Биз билган ва билмаган Бобур: (Адабий ўйлар). — Т.: Маънавият, 1999. 10–12–бетлар; Жалилов С. Бобир ва Юлий Цезарь: (Қиёсий ҳаётнома). — Т.: Янги аср авлоди, 2001. 18–24–бетлар.

¹²² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Девон. / Масъул муҳаррир: А.П. Қаюмов; Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи А. Абдуғафуров. — Т.: „Фан“, 1994. 101–бет.

¹²³ Қаранг: Джавахарлал Неру. Взгляд на всемирную историю: Письма к дочери из тюрьмы, содержащие свободное изложение истории для юношества. Том 2. — М.: Прогресс, 1977. стр. 60.

¹²⁴ Қаранг: Джавахарлал Неру. Открытие Индии. Кн. 1. Пер. с англ. — М.: Политиздат, 1989. стр. 408.

ва жозибатор инсонлар орасида энг етуқларидан бири эди. У мазҳабпарастлик каби чекланишдан ва мутаассибликдан йироқ эди¹²⁵.

Гай Юлий Цезарь Қадимги Рим давлатининг ҳукмдори бўлган. Шарқда барпо этилган йирик империялардан бири — „Буюк бобурийлар империяси“нинг асосчиси бўлган Бобурни Фарбадаги қудратли империянинг ҳукмдорларидан бири бўлган ана шу Цезарь билан ўзаро қиёслаганлар бор¹²⁶. Можор олими Вамбери „уни (Бобурни — таъкид Алиқул Раҳмоновники) ҳақли равишда Шарқу Фарбнинг энг шарафли шахзодаларидан бири деса арзийди. Ўша замон шарқшуносларининг хотираларида у Шарқ қайсари (Цезарь) деб зикр этилади“¹²⁷, деб таъкидлаганида ҳақ эди.

Шу ўринда биз улуғ тарихга, маънавият ва маданиятга эга эканимизни буюк алломалар орқали кўрсатиб беришга хизмат қилган кичик ҳикоямизга якун ясаймиз. Ўз мустақиллигимиз ва озодлигимизни қўлга киритганимиздан сўнггина кимларнинг авлоди эканимизни том маънода англаб етдик ва ўша улуғ мутафаккирларимиз, кўҳна тарихимиз ва кечмишимизни астойдил ўқиб-ўрганишга, улардан сабоқ олишга киришдик. Бу ҳам мустақилликнинг бизга берган улкан имкониятидир.

Бугунги кунда барчамиз яхши англаймизки, ислом дини Маккада шаклланиб, Туркистонда улғайган. Бурҳониддин Марғиноний, Имом Термизий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд каби буюк алломаларимиз томонидан қолдирилган диний таълимотлар ислом дини ва фалсафасига беқиёс ҳисса бўлиб қўшилди. Ана шундай азиз-авлиёлардан бири **Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий** (1404—1490) эди. Хожа Аҳрор йирик ер-сув ва мол-мулк эгаси бўлган. Унинг Қаршида 150 минг тоноб, яъни 28 минг гектар ери, Самарқандда 200 минг тоноб, яъни 35 минг гектар ери бўлган¹²⁸. Хожа Аҳрор шу даражада бой бўлса-да, мол-мулк уни асло қизиқтирмаган. Шу сабабли ул зот топган барча бойлигини халққа сарфлаган. Мисоллар келтирайлик. Умаршайх Мирзо Тошкент аҳолисига 250 минг динор ҳажмида солиқ солганида Хожа Аҳрор мана шу солиқни халқ манфаати йўлида ўз бойлигидан тўлаган экан¹²⁹. Деҳқонлар бу зотнинг ғалла омборидан доннинг кўп тарқатилишига қарамасдан, не сабабдин камаймаётганини сўраганларида, Хожа Аҳрор уларга қарата: „*Бизнинг молимиз фуқаро учун турур, мундоғ молға хосият шул турур*“¹³⁰, деб жавоб берган экан. Бундай йўл тутиш, аниқки, халққа хизмат қилишни улуғ фазилат деб билганларга хос.

Хожа Аҳрор умрида кўп маротаба воситачи, яъни ўзаро ганим мақомида турган томонларни мурасага келтирувчи вазифасини бажарган. Ул зот ўзи ҳам бу ҳақда ўз ваъзларида бошқаларга билдириб, эслатиб турган. Шу боисдан у халқ орасида тинчликпарвар зот сифатида ҳам шуҳрат қозонган¹³¹.

Хожа Аҳрор бутун умри давомида халқни деб, халққа деб, халқ учун деб меҳнат қилди. Чех олими Феликс Тауэр ибораси билан айтганда, „Туркистоннинг бу табаррук авлиёси“ ўзининг фуқаропарварлик ғоялари нурлари билан ҳамон порлаб турибди¹³².

¹²⁵ *Джавоҳарлал Неру*. Взгляд на всемирную историю: Письма к дочери из тюрьмы, содержащие свободное изложение истории для юношества. Том 2. — М.: Прогресс, 1977. стр. 57.

¹²⁶ *Қаранг: Жалилов С.* Бобир ва Юлий Цезарь: (Қиёсий ҳаётнома). — Т.: Янги аср авлоди, 2001.

¹²⁷ *Херман Вамбери*. Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. 70-бет.

¹²⁸ *Қутибоев З.* Хожа Аҳрор Валий. — Т.: Фан, 1996. 17-бет.

¹²⁹ *Ўринбоев А.* Хожа Аҳрор. // „Буюк сиймолар, алломалар“ тўплами. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996. 52-бет.

¹³⁰ *Фахруддин Али Сафий*. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари): Тарихий-маърифий асар. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003. 308-бет.

¹³¹ *Қаранг: Каримов Э.* Хўжа Аҳрор: Ҳаёти ва фаолияти / Масъул муҳаррир: Д. А. Алимова. — Т.: Маънавият, 2003. 33-бет.

¹³² *Валихўжаев Б.* Хожа Аҳрор тарихи: Тарихий-оммабоп бадиҳалар. — Т.: Ёзувчи, 1994. 77-бет.

„Хоҳласанги, бировга насиҳат қилай десанг, аввал ўзингга насиҳат қил! Агар ўзингни насиҳатга киргузсанг, ўзгаларга нисаҳат қил! Акс ҳолда Худойи таъолодин уялғил!“¹³³.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, „*Ҳожа Аҳрор Валий ўз даврида 25–30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган. „Шайхлар шайхи“ деб ном олган бу улуғ зотнинг гапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Биз ҳам бундай азиз аجدодларимизни бошимизга кўтаришга тайёрмиз*“.

Мазкур тўпламнинг ушбу фаслида баён қилинган фикрларни мухтасар ифода этадиган бўлсак:

- мустақиллик — ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олишдир;
- мустақиллик — юртимизнинг ер ости ва ер усти бойликларига эга бўлишдир;
- мустақиллик — улуғ тарих, маънавият ва маданиятга эга эканимизни англаш, қадриятларимизни, дину диёнатимизни эъзозлаб яшашдир.

Шундай экан, Ватанимиз мустақиллигини қадрлаб, кўз қорачиғидек асраб яшаш, у берган имкониятлар асосида юртимиз тинчлиги, мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги йўлида фидоийлик кўрсатиш — бизнинг муқаддас бурчимиздир.

¹³³ *Ҳожа Убайдуллоҳ Аҳрор*. Табаррук рисоалар. / Нашрга тайёрловчилар: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин. — Т.: Адолат, 2004. 338-бет.

2-БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ АРАФАСИДАГИ ЎТА ОҒИР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТ

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида мустақилликнинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, унинг мамлакатимизда эришилаётган юксак ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги асосда ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг қўламли ишлар, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб боришида мустақкам асос ва қудратли замин бўлганини таъкидлаб ўтди.

Катта муваффақиятлар, ютуқ ва зафарларга бой бўлган, айти пайтда ўта машаққатли ва мураккаб кечган мустақиллик даври тараққиёти тарихига назар ташлар экан, давлатимиз раҳбари: „Барчани ҳайратда қолдираётган бундай улкан ўзгаришларни сарҳисоб қилишда, табиийки, бир саволга мурожаат қилсак ўринли бўлади: яъни, биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?

Кеча Ўзбекистонимиз ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетгани, қолоқ, фақатгина пахта хомашёси етиштирадиган минтақага айланиб қолгани, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва социал аҳволи қандай аянчли ҳолатда бўлгани ва буларнинг барчаси республикаимизни жар ёқасига олиб келгани, ўйлайманки, ҳали-бери кўпчилик юртдошларимизнинг ёдидан чиққан эмас“¹³⁴ деган фикрларни Юртбошимиз ўртага ташлади.

Ҳақиқатан ҳам, мустақилликка эришиш арафаси ҳамда унинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда ўта оғир ижтимоий-иқтисодий вазият вужудга келиб, ёш мустақил давлатнинг келажаги ва тақдири ана шу даврнинг ўткир муаммоларини тезлик билан ҳал қилишга боғлиқ эди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобида ўша даврнинг ҳақиқий манзараси батафсил баён этилиб, республикада узоқ йиллар давомида вужудга келган ижтимоий-иқтисодий муаммолар, зиддият ва кескинликларнинг ҳақиқий сабаблари ҳар томонлама очиб берилган.

Ўтган асрда 70 йилдан кўпроқ вақт ҳукмрон бўлган, сохта коммунистик мафкурага, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган собиқ Иттифоқдаги нотўғри, самарасиз ижтимоий-иқтисодий сиёсат 80-йилларнинг охирига келиб барча иттифоқдош республикалар қаторида Ўзбекистон аҳолисининг ҳам яшаш шароитларини оғирлаштириб, уни кўплаб муаммолар, жумладан: озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасининг пасайиб бориши; транспорт, савдо, соғлиқни сақлаш, уй-жой қурилиши соҳаларидаги хизмат кўрсатиш сифатининг пасайиши; пулнинг тобора қадрсизланиши; кўплаб халқ истеъмоли моллари тақчиллигининг сезиларли ошиб бориши; меҳнат режими ва унга ҳақ тўлаш, дам олиш шароитларининг ёмонлашуви; давлат бюджети камомадининг ўсиши; ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомининг кескин пасайиб кетиши каби муаммолар исканжасига солиб қўйди. Бу муаммоларнинг барчаси 80-йилларнинг охири, 90-йилларнинг бошларида ижтимоий кескинликнинг кучайишига олиб келди.

¹³⁴ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. // „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 1 сентябрь.

Президентимиз ўша даврдаги кўплаб чиқишларида, маърузаларида, оммавий ахборот воситаларига берган интервьюларида Ўзбекистоннинг ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобидида қолиб кетгани тўғрисида қайта-қайта тўхталиб, республикада вужудга келган бундай оғир аҳволнинг сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб берган:

— 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларида зўр берилиб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга жорий этилган яроқсиз ёндашувларнинг тобора кучайиб бориши;

— республикага, асосан, хом ашё базаси, собиқ Марказдаги саноат вазирлик ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи сифатида қараб келиниши;

— ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмагани, баъзан эса бу хусусиятларнинг писанд ҳам қилинмагани;

— иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмагани.

Ана шундай салбий ҳолатлар оқибатида Ўзбекистонда кўплаб ўта кескин ва жиддий муаммолар юзага келиб, улар мамлакатимизда ижтимоий портлаш, тинчлик ва осойишталикни издан чиқариш, парокандаликка дучор этиш хавфини вужудга келтирди.


Бундай муаммолардан энг асосийси — мамлакатнинг амалда очарчилик остонасига келиб қолгани эди. Бу ҳолатни кейинчалик Президентимиз қуйидагича тасвирлайди: „Маълумки, СССР парчаланиб кетганидан кейин собиқ совет ҳудудида жуда кескин ва таҳликали вазият юзага келди. Бу эса бошбошдоқликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва аҳолининг энг зарур, биринчи галда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича зудлик билан тегишли чоралар кўришни талаб этди.

Азиз дўстлар, биродарлар, ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик остонасига келиб қолганини ўзимизга бир тасаввур қилайлик“¹³⁵.

Шундай муаммолардан яна бири — республикада демографик вазиятнинг мураккаблиги эди. Статистик маълумотлар таҳлили аҳоли рўйхатга олинган давр оралиғида, яъни 1979—1989 йиллар давомида республикада жами аҳоли сони 15379,4 минг кишидан 19810,0 минг кишига ёки 28,8 фоизга кўпайганини кўрсатади. Бу даврда аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 2,8 фоизни ташкил қилган. 1991 йилга келиб мамлакатимизда аҳоли сони 20,7 миллион кишидан ортиб, 1990 йилга нисбатан 386 минг кишига ўсган (2.1-расм).

Бу эса Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари Иттифоқ суръатларига қараганда уч баробардан зиёд юқори бўлганини кўрсатади. Бироқ, ачинарли томони шундаки, аҳолининг бундай ўсиши узоқ йиллар давомида саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида иш жойларини кўпайтириш ҳамда аҳолининг ҳаёт таъминоти учун зарур шарт-шароитларни яратиш билан мустаҳкамлаб борилмади. Бу эса одамлар турмуш шароитининг ёмонлашуви, ишсизлар сонининг кўпайиши, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва аҳоли даромадларининг камайиши, пировард натижада халқ фаровонлигининг пасайишига олиб келди.

¹³⁵ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси / <http://uza.uz>



2.1-расм. Ўзбекистонда аҳоли сонининг ўсиш динамикаси, минг киши ҳисобида.

„Ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада бизнинг олдимизда республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда, ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа турар эди.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ўринда айтиш лозимки, Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан саноат захираларига эга бўлганига қарамадан, илгари иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилига 6—7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта миқдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур бўлар эди.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ҳам ўта оғир қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлган эди. Бу муаммоларнинг сабаби аввало шундаки, Ўзбекистон собиқ СССР ва социалистик лагерга мансуб мамлакатлар учун асосан пахта хом ашёси тайёрлар, ғалла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжимизнинг 80 фоиздан ортиғи эса четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ўша йилларда етиштирилган пахта хом ашёсининг 7 фоизигина мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланар, қолган қисми сувтекин нархда четга чиқарилар эди.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари, жумладан, гўшт ва сут, юз фоиз четдан келтириладиган шакар маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам мураккаб вазият вужудга келган эди. Айниқса, аҳолини картошка билан таъминлашнинг аҳволи бунга яққол мисол бўлади. Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Беларус, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилар эди. Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларида келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва чорвага ем бўларди¹³⁶.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибида узоқ йиллар давомида ҳукм сурган маъмурий-буйруқбозлик тизими таъсирида фақат хом ашё етказиб берадиган қоқоқ


¹³⁶ Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // <http://uza.uz>

ўлкага айлантирилди. Бу республика аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасига анча кескин таъсир кўрсатди. Натижада республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирига тушиб қолди. Жумладан, аҳоли жон бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича иттифоқдош республикалар орасида 12-ўринни, даромад даражаси, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан энг охириги ўринлардан бирини эгаллаб келди. Аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан 2 баробар, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш бўйича 2,5 баробар, саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан 2,5 баробар, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса 2 баробар, аҳолининг ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотлари, тухум, сут ва сут маҳсулотлари истеъмоли бўйича 2 баробар орқада қолган.

Республикадаги социал аҳволнинг, одамларнинг кундалик таъминоти ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг мутлақо қониқарсизлиги — кишиларнинг эртанги кунга бўлган ишончи, келажак ҳаётга интилишини сўндирадиган жиддий муаммолардан ҳисобланади.

Шуниси афсусланарлики, мустақилликка эришиш остонасида маҳаллий органлар раҳбарлари ўз қарамоқларидаги аҳоли жон бошига қанча даромад тўғри келиши ва умуман, одамларнинг қандай ҳаёт кечириётгани, бундан кейин шундай паст даромадлар билан яшаш мумкин эмаслигини билмаган. Ҳолбуки, ўша йилларда нафақахўр, колхозчи ойига бор-йўғи 42 сўм олган бўлиб, бу пулга қандай ҳаёт кечиришнинг ўзини тасаввур этиш қийин эди.

1990 йили республикада аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача йиллик пул даромадлари 571 АҚШ долларини, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул даромадлари эса 551 АҚШ долларини ташкил этган. Айтиб ўтиш жоизки, бу кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистон собиқ Иттифоқдаги мамлакатлар орасида энг охириги ўринларда турган. Аҳолининг даромадлари кам бўлгани туфайли унинг асосий қисми истеъмол харажатларига сарфланган (2.2-расм).



2.2-расм. 1990 йилда Ўзбекистонда аҳоли жами харажатлари ва истеъмол харажатларининг таркиби (фоиз ҳисобида).

Расмдаги маълумотлардан кўринадики, ўша даврда аҳоли даромадлари даражасининг ўта пастлиги сабабли унинг 80 фоиздан ортиғи истеъмолга сарфланган бўлса, истеъмол

сарфлари таркибининг деярли 60 фоизини озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этган. Демак, аҳоли даромадларининг асосий қисми озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган.

Ўша даврда кун кечириш учун ойига ўрта ҳисобда камида 85 сўм зарур бўлгани ҳолда, 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши Иттифоқ бўйича 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, Ўзбекистонда 45 фоизга етган, яъни 8 миллион 800 минг кишини ташкил этган.

„Боз устига, амалдаги совет пули ўз қимматини йўқотиб бўлган, янги миллий валютамыз эса ҳали жорий этилмаган эди. Бундай шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин, ҳатто йилига минглаб фоизга ўсиб кетишини жиловлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этар эди. Биринчи галда илгари шакланган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай узилишига барҳам бериш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш зарур эди“¹³⁷.

Маълумки, ўша даврда республика аҳолисининг кўпчилик қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилиб, унинг улуши нисбатан тезроқ ўсиб борар эди (2.1-жадвал).

2.1-жадвал. Ўзбекистонда аҳоли сони таркибида қишлоқ аҳолиси улушининг ўсиш динамикаси (минг киши ҳисобида)¹³⁸

Кўрсаткичлар	Йиллар			1991 йилда 1989 йилга нисбатан ўзгариши	
	1989	1990	1991	+, -	%
Республика бўйича	19810,0	20322,0	20708,0	898,0	104,3
Шу жумладан:					
Шаҳарда	8089,3	8341,3	8405,5	316,2	103,9
Қишлоқ жойларда	11720,7	11980,7	12302,5	581,8	105,0
Қишлоқ аҳолисининг улуши, фоизда	59,2	59,0	59,4	0,2	—

Бироқ, айнан қишлоқ жойлардаги ижтимоий таъминот даражаси ўта паст бўлиб, бунга узоқ йиллардан бери эътибор қаратилмас эди. Айниқса, қишлоқ аҳолисининг канализация ва водопровод билан таъминланиши атиги 5 фоизни, ичимлик суви билан таъминланиши салкам 50 фоизни, табиий газ билан таъминланиши 17 фоизни ташкил этар эди. Аҳолини уй-жой, соғлиқни сақлаш, маданият, маиший хизмат объектлари, мактаблар, болалар боғчалари каби ижтимоий шароитлар билан таъминлаш ишларида силжишлар сезилмади.

Ижтимоий инфратузилма тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволда бўлиб, мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилган. Бу эса ўша даврда инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши у ёқда турсин, кўпинча, яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаганини кўрсатади.

¹³⁷ Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги маърузаси // <http://uza.uz>

¹³⁸ Демографический ежегодник СССР 1990. — М.: Финансы и статистика, 1990. С. 39; Население Республики Узбекистан. 2001. Статистический сборник. — Т.: 2002. С. 34—35.

Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида ҳам аҳолининг ижтимоий турмуш шароити жиҳатидан аҳвол у қадар яхши эмас эди. Шаҳарнинг бир қатор туманларида 600 минг киши яшаб турган, 2 миллион квадрат метрга яқин майдонни қамраб олган хонадонлар урушдан аввал қурилган бўлиб, шу қадар хароба ҳолга келиб қолган эдики, уларни таъмирлашнинг ҳам иложи бўлмаган. Бу хонадонларда марказий иситиш тизими, водопровод, газ ва канализация йўқ, икки-уч хонада бир неча оила тиқилиб яшаб турган, киши бошига 2—3 квадрат метр турар жой тўғри келган. Агар Тошкентда ўрта ҳисобда киши бошига 14,2 квадрат метр турар жой тўғри келса, эски шаҳар қисмида бу рақам икки баробар кам бўлган. Қарийб 7 минг оила шундай яшаганки, ҳар бир оила аъзосига салкам 5 метрдан камроқ майдон тўғри келган. Бу — энг оддий ҳаёт шартларига ҳам тўғри келмайди.

Бу даврда йилдан-йилга тобора кескинлашиб бораётган асосий ижтимоий муаммо — аҳоли ўртасида ишсизлар сонининг жадал равишда ўсиб бориши кузатилди. 80- йилларнинг охирига келиб республикамизда бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг кўлидан келадиган ишни топа олмаган, яъни ишсиз бўлган.

Собиқ Иттифоқ раҳбарлари республикамиздаги бундай оғир муаммога эътибор қаратмас, айниқса, қишлоқ жойлардаги ишсизлик одамларнинг тинка-мадорини қуритиб борарди. Қишлоқларда янги иш ўринларини яратиш имкони деярли йўқ эди. Сабаби — республиканинг барча вилоятларидаги ер майдонлари ишдан чиққан, ернинг „жони“ сўриб олинган эди. Натижада меҳнатни ташкил этишнинг янги усуллари бўлган оилавий пудрат ва бошқа хўжалик юритиш шакллари, ерни деҳқон ихтиёрига берадиган кўплаб тадбирлар жорий этилган тақдирда ҳам қишлоқда яшаётган одамларга тўғри келадиган кўшимча даромад миқдорини ўзгартириш қийин бўлган. Бунга мисол тариқасида Қашқадарё вилоятини олиш мумкин. Аҳолини Қарши чўлларида ташкилий равишда кўчиришнинг бутун даври мобайнида у ерга 600 та оила кўчиб борган, холос. Ана шу кўчиб борган аҳолининг ишлаши учун ўз вақтида муносиб иш ўринлари яратилмаслиги сабабли 1989 йилга қадар улардан атиги 40 та оила Қашқадарё вилоятида яшаб қолган, холос.

Мустақилликка эришиш остонасида одамларнинг моддий таъминоти, даромади, уларнинг яшаши учун зарур бўлган кундалик маҳсулотларнинг энг кам миқдори, ортиқча ишчи кучини банд этиш каби масалалар бўйича мавжуд аҳвол оғир бўлган. Бунинг асосий сабаби — бу йилларда ҳар бир вилоят бўйича аниқ дастурлар, ички резервлар ҳисобидан ишни тўғри ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини реконструкция қилиш, қанча миқдорда, кимга ва қачон кўшимча хом ашё ажратиш эвазига аҳволни яхшилаш имкониятлари тўғрисида амалий тадбирлар бўлмаган.

Яна бир муаммо — республикамиз иқтисодиётининг бирёқлама, ҳаддан ташқари номақбул ихтисослаштирилиши натижасида қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда саноатда ҳам асосан хом ашёни бирламчи қайта ишлаш тармоқлари устунлик қилиб, тайёр маҳсулот, аввало, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган тармоқларнинг улуши жуда паст эди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг талайгина ҳажми (пахта голаси, хом ипак ва бошқа кўпгина хом ашё маҳсулотлари) республикадан олиб кетилган бир вақтда аҳолининг истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун 8—9 миллиард сўмликка яқин тайёр маҳсулот четдан олиб келинган. Ўзбекистонда аҳолини иш билан таъминлаш имконини берадиган электроника, асбобсозлик, радиотехника, мураккаб рўзгор техникаси ишлаб чиқариш каби ва бошқа кўпгина илғор тармоқлар қониқарли ривожлантирилмади. Аксинча, республикада сув кўп сарфланадиган ва зарарли ишлаб чиқаришлар асосиз равишда ривожлантирилди.


Республика иқтисодиёти бирёқлама тарзда ривожланиб, фақат хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб, комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини

қондиришга ўтказилмагани ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур ному-таносибликларда намоён бўлади (2.2-жадвал).

2.2-жадвал. Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистонда ижтимоий ишлаб чиқариш тузилишидаги чуқур номутаносибликлар

Кўрсаткич	Миқдори
Саноатда тайёр маҳсулотнинг улуши	50 фоиз
Қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши	80 фоиздан кўпроқ
Республикадан олиб кетилаётган маҳсулот таркибида хом ашё, материаллар ва ярим тайёр маҳсулотлар улуши	65 фоиздан кўпроқ
Республикага келтирилаётган товарлар таркибида саноат маҳсулотлари (машиналар, асбоб-ускуналар, енгил саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари) улуши	60 фоиз

Совет даврининг кейинги ўн йиллигида иқтисодий ривожлантиришда хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ва четга юбориладиган, меҳнатни нисбатан камроқ талаб қиладиган хом ашё тармоқларини ривожлантиришга устувор аҳамият берилиши ушбу номутаносибликларни янада кучайтирди (2.3-расм).



2.3-расм. Ўзбекистонда 1940—1990 йилларда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида айрим саноат тармоқлари улушининг ўзгариши (фоизда).

Диаграммадан кўринадики, ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида енгил саноатнинг улуши кейинги 50 йил ичида 54 фоиздан 37 фоизга, озиқ-овқат саноатининг улуши 30 фоиздан 14 фоизга тушиб қолган, машинасозликнинг улуши атиги 7 фоизга ўсиб, 16 фоизни ташкил этган. Қисқарган тармоқлар ўрнига ёқилғи саноати, кимё ва нефть кимёси, қора ва рангли металлургия, яъни хом ашё тармоқларининг улуши анча кўпайди. Бу эса меҳнатга лаёқатли аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш жараёнларини янада пасайтириб юборди. Чунки 1 миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондларида иш билан таъминлаш даражаси турлича бўлиб, айрим соҳаларда меҳнатталаблик кўлами ҳатто 300—400 кишига қадар етиши мумкинлиги ҳисобга олинмаган (2.3-жадвал).

2.3-жадвал. Собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистон иқтисодиётидаги турли тармоқларда бир миллион сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳисобидан иш ўринларининг ташкил этилиши

Тармоқлар	Иш ўрни, киши
Ёқилғи саноати ва электр энергетикаси	9
Кимё саноати	16
Нефть кимёси	18
Қора металлургия	34
Рангли металлургия	24
Енгил саноат	168
Ёғочсозлик саноати	143
Машинасозлик	112
Озиқ-овқат саноати	90
Кўп меҳнат талаб қиладиган айрим соҳалар	300—400

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларини таркиб топтириш ва ривожлантиришда қатор нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилди. Жумладан:

— республика машинасозлик комплекси фаолияти пахтачилик, пахтачилик учун машиналар ишлаб чиқариш билан чекланиб, мураккаб уй-рўзгор техникаси, йўл қуриш машиналари, пластмасса буюмлари, озиқ-овқат саноати жиҳозлари, савдо-сотиқ ва маиший хизмат соҳаси учун керакли асбоб-ускуналар деярли ишлаб чиқарилмади;

— кимё соҳасининг ривожланишида йирик корхоналарга афзаллик берилиши республикадаги экологик вазиятни жуда ёмонлаштириб юборди;

— йирик кимё корхоналари нитрон, ацетат, капролактама сингари дастлабки қайта ишланган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиб, уларнинг маҳсулотлари ҳам, асосан, республикадан ташқарига чиқаришга мўлжалланди.

Муаммоли жиҳатлардан яна бири шундаки, ишлаб чиқарувчи кучлар ва аввало саноат объектлари асосан стихияли равишда, аниқроғи, ҳар хил ўзбошимчалик, буйруқбозлик билан қабул қилинган қарорлар асосида, кўпинча, илм-фан вакиллари, билимли ва обрўли мутахассисларнинг тавсиялари мутлақо эътиборга олинмасдан жойлаштирилди. Бу эса республика иқтисодиёти ҳамда аҳоли пунктларининг экологиясига гоят катта зиён етказиб, аҳолининг ҳаёт таъминотига, одамларнинг яшаши ва уйғун камол топиши учун зарур шароитларни яратишга салбий таъсир ўтказди.

30-йиллардан бошлаб Ўзбекистон олдида қўйилган собиқ Иттифоқнинг пахта соҳасидаги мустақиллигини таъминлаш вазифаси катта машаққат билан ҳал қилинган, натижада вужудга келган пахта яккаҳокимлиги қишлоқ хўжалигининг туб мақсадларига хилоф равишда юқоридан зўрлаб ўтказиб келинди. Бунинг оқибатида эса:

- республикада гўшт ва сут етиштириш имкониятлари камайиб кетди;
- республиканинг кўпгина ҳаётий муҳим манфаатларига зиён етди;
- илмий асосланган алмашлаб экиш жараёни бузилди;
- ернинг тинка-мадори қуриб, ҳосилдорлик муттасил равишда пасайиб борди;
- сув манбаларининг имкониятлари тобора камайди.

Ушбу ҳолатларнинг қишлоқ хўжалигига ҳалокатли таъсири натижасида республикада озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш чеклаб қўйилди ва аҳолини шу маҳсулотлар билан таъминлаш муаммолари кескинлашди.

Шундай қилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги хатолар ва яроқсиз ёндашувлар, халқ хўжалигининг тузилишида, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини ривожлантиришда йўл қўйилган катта-катта камчилик ва номутаносибликлар оғир оқибатларга олиб келди.

Пахта яккаҳокимлиги республика иқтисодиётининг бирёқлама ривожланиб, Иттифоқнинг хом ашё базасига айланиб қолишига олиб келди. Натижада, Ўзбекистон энг оддий саноат маҳсулотларига бўлган ўз эҳтиёжининг ярмини ҳам қондиришга қодир бўлмай қолди. Етиштирилган пахтанинг атиги 7 фоизи республикада қайта ишланди. Бир қанча вилоят ва туманларда экин майдонлари нисбатида пахтазорлар 75—80 фоизни ташкил қилди. Оқибатда асрлар давомида четга дон, мева ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари чиқарган минтақа бундай маҳсулотларнинг йирик истеъмол қилувчисига айланди.

Маълумки, ўзбек халқи азал-азалдан зироатчилик билан шуғулланиб, ерга меҳр қўйиб, унда ўзи учун зарур бўлган деҳқончилик маҳсулотларини етиштириб келган. Ҳаттоки, шаҳар жойларда ҳам ўзининг озгина томорқа ерида ўз шахсий эҳтиёжи учун экин экиб, чорва моллари ва паррандаларни боқиб келган. Бироқ мустабид тизимда олиб борилган сиёсат, хусусан, қишлоқ жойлардаги барча ер майдонларининг пахтазорларга айлантирилиши, тобора кўпайиб бораётган аҳолига томорқа учун ерларнинг ажратилмаслиги оқибатида республика қишлоқларида томорқа ери йўқ оилалар сони 240 минг нафарга етди. Қишлоқ жойда яшаб туриб, ўзининг бир парча томорқа ерига эга бўлмаслик — мазкур муаммонинг қай даражада кескинлигини кўрсатар эди. Бундан ташқари, 1,8 миллиондан кўпроқ ҳовлилар сони кўпайиб бораётган аҳоли учун уй-жой қуриш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун кенгайтиришга муҳтож эди. Биргина Тошкент шаҳрида ер участкаси олиш учун навбатда турган оилалар сони 92 минг нафардан иборат бўлиб, ўша даврдаги ер участкаси ажратиш суръатлари шароитида бундай навбатга етиш учун бир неча авлод яшаб ўтиши керак бўларди. Бунинг устига, шаҳарлар, туман марказлари ва шаҳар типидagi посёлкаларда ер ажратилмаслиги сабабли меҳнаткашларнинг якка тартибда уй-жой қуришга, жамоа бўлиб боғдорчилик қилиш ва полизчилик билан шуғулланишга имкони йўқ эди.

Собиқ тузум даврида мавжуд мураккаб муаммоларни ҳал этиш учун собиқ Иттифоқ раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган, аммо бир-бири билан ўзаро боғланмаган турли дастур ва тадбирлар ҳам чала-ярим амалга оширилар эди. Республиканинг айрим минтақаларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш соҳасида йўл қўйилган хатоларни тузатиш учун Марказ томонидан амалда бирон-бир иш қилинмади.

Юртимизда 1989 йил 17 августда „Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида“ Қарор қабул қилинди. Қарорда қишлоқда яшовчи ҳар бир оилага ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди. Бу борадаги амалий ишлар натижасида 1989—1990 йилларда бир ярим миллиондан кўпроқ оилага қўшимча ер ажратилди, 700 минг оилага янги томорқа ерлари берилди.

Бугун тўла ишонч билан айтиш мумкинки, бу мураккаб масалага ана шундай оқилона ёндашув туфайли Ўзбекистон бўйича минг-минглаб одамлар уй-жойли, ишли бўлди, бозорларда маҳсулот кўпайиб, нарх-наво арзонлашди, энг муҳими, ижтимоий кескинликнинг олдини олишга эришилди.

Бундан ташқари, юз минглаб гектар суғориладиган ер техник экинлар оборотидан чиқарилди, пахта етиштириш режаси 700 минг тоннага камайтирилди. Бу — пахта яккаҳоқимлигини бартараф этиш йўлидаги дастлабки, аммо ўта муҳим амалий қадам эди.

Президентимиз қишлоқ жойларда аҳоли учун томорқа ерлар ажратишни кенгайтириш масаласига анча кенг қараб, ушбу тадбир орқали кўплаб муҳим масалаларни ҳал этишни, жумладан, озиқ-овқат дастурини бажаришни кўзда тутган эди. Шахсий хўжаликдаги ернинг бир гектари жамоат секторидигига нисбатан тўрт баробар кўп самара берарди. Шахсий ёрдамчи хўжаликнинг бир гектаридан олинаётган самара 12,5 минг сўми, ижтимоий секторда эса атиги салкам уч минг сўми ташкил этарди.

Республикамизда ҳайдаладиган ерларнинг атиги 5 фоизи шахсий ёрдамчи хўжаликларга берилган, улар қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг тўртдан бир қисмини етиштирмоқда эди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 26 фоизи, шу жумладан, гўштнинг 49 фоизи, сутнинг 65 фоизи, жуннинг 66 фоизи ва сабзавотнинг 43 фоизи шахсий томорқалар ҳиссасига тўғри келарди. 1990 йилда якка хўжаликларда етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг умумий ҳажми 300 миллион сўмдан ошганининг ўзи ер масаласидаги қарорининг аҳамиятини яққол намоён этди.

Иккинчидан, бу қарор уй-жой дастурини ҳал этишга ёрдам берди. Якка тартибда уй-жой қуриш ўз салмоғига кўра, уй-жой дастурида 60 фоиздан кўпроқни ташкил этиб, ўша даврда бу кўрсаткич 89—90 фоиз атрофида бажарилган. Аҳолига ер участкалари, ссудалар ва зарур қурилиш материаллари ажратиб бериш мазкур жараёни анча тезлаштирди.

Учинчидан, мазкур қарор ишсизлик муаммосини ҳал этишда жуда қўл келади. Масалан, Фаргона вилоятидаги мавжуд 149 та жамоа ва давлат хўжалигининг ҳар бирида аҳоли билан шартнома асосида уй-жой қурадиган 50—60 кишилиқ қурилиш бригадасининг тузилиши эвазига 7,5 минг кишини иш билан таъминлаш имкони туғилди. Хоразм вилояти хўжаликларида ғишт, дурадгорлик буюмлари ва бошқа нарсалар тайёрлайдиган ёрдамчи корхоналарнинг бунёд этилиши қурилиш материаллари тақчиллигини бартараф этиш билан бирга уч йил мобайнида ишлаб чиқаришга қўшимча тарзда 2,5 минг кишини жалб этиш имконини берди. Бу одамларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишнинг тўғридан-тўғри йўли эди.

Тўртинчидан, аёлларнинг иш билан бандлиги муаммосини ҳал этиш имкони туғилди. Аёллар ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмаган аҳолининг анчагина қисмини ташкил этиб, кўп болали оилаларда улар болалар тарбияси, рўзгор юмуши билан банд эди. Аёлларнинг ўз томорқаларида хўжалик билан расмийлаштирилган шартнома, меҳнат стажи ҳисоблаш ва кейинчалик пенсия тайинлаш асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириши уларнинг оилалари манфаатига мос келадиган иш бўлди.

Бешинчидан, ижтимоий-сиёсий барқарорлик масаласи ҳал этилди. Маълумки, ишсизлик, бекорчилик жамият учун зарарли хатти-ҳаракатларга, жиноятлар содир этилишига сабаб бўлади. Шунга кўра, аксариятининг касб-ҳунари йўқ, меҳнат қилиш кўникмасига эга бўлмаган ёшларга ер участкаларининг ажратиб берилиши уларни меҳнат қилишга рағбатлантирди, ёшларда ерга эғалиқ ҳисси, меҳнат кўникмалари шаклланди. Ўша даврда республикамиз қишлоқларидаги ҳар беш хонадоннинг бирида бирорта ҳам чорва моли, 37 фоизида сигир, ярмида қўй боқилмагани мазкур муаммонинг ўша даврда нақадар долзарб бўлганини кўрсатади.

Ўша даврда Ўзбекистонда истеъмол қилинаётган кийим-кечакнинг 25 фоизи, трикотаж буюмлар ва ип-газламанинг 30 фоиздан кўпроғи, пойабзалнинг деярли 50 фоизи четдан келтирилди. Президентимиз ўз фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ

республикамизнинг халқ истеъмоли моллари жиҳатидан бундай қарамлигини тугатиш учун зарур шароитларни яратишга катта эътибор қаратди. Жумладан:

— енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг ташиб келиш ва четга чиқариш балансларига асосланган конкрет дастурларини ишлаб чиқиш;

— замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари ва интеллектуал меҳнат кўп сарфланадиган тармоқларини жадал ривожлантириш;

— машинасозлик, радиоэлектроника, асбобсозлик корхоналарини тубдан янгилаш ва янгиларини қуриш ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш;

— фан ва техника тараққиётининг олдинги маррасига чиқиш учун мавжуд барча ресурс ва шарт-шароитлар, илмий-техникавий ва лойиҳа-конструкторлик базаси имкониятларидан фойдаланиш;

— шу асосда бошқа минтақалар ва чет эллар билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида алоқаларни йўлга қўйиш.

Давлатимиз раҳбари ўша даврдаги қалтис вазиятда турли кўринишдаги тазйиқ ва қаршиликлардан чўчимасдан, республикамизни иқтисодий мустақиллигига эришишнинг амалий масалаларини кўрсатиб берди:

— иқтисодиётимизнинг ҳаётий қобилиятини таъминлаб турган Иттифоқ қарамоғидаги барча корхона ва ташкилотларни республика тасарруфига ўтказиш;

— Иттифоқ қарамоғида қолдириш мақсадга мувофиқ бўлган тармоқ ва корхоналар, жумладан, ёпиқ турдаги корхоналар тўғрисидаги масалани ана шу корхоналарнинг республикамиз билан ўзаро иқтисодий муносабатларини тубдан ўзгартириш асосида алоҳида ҳал этиш. Заминимиздан қазиб олинадиган олтин, минерал хом ашё, фойдаланиладиган ер, сув, ишчи кучи учун республикага муайян миқдорда пул тўланадиган, шунингдек, маҳсулотнинг маълум қисми республика корхоналарига топшириладиган ва фойданинг маълум қисми республика бюджетига ўтказиладиган шартнома муносабатларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ;

— конвертация қилинадиган валютада етказиб бериладиган олтиннинг учдан бир қисми қийматини Ўзбекистонга қайтариш;

— халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган деярли барча корхоналар, жумладан, „Ўзмаишийкимё“ ташкилотига қарашли корхоналар, Тошкент заргарлик буюмлари заводи, машинасозлик, электротехника, кимё корхоналарининг анча қисми, газ комплексининг йирик бўлинмалари республика қарамоғига ўтказилиши керак;

— кичик корхона ва ташкилотларни, айниқса, аҳолига хизмат кўрсатиш, одамларнинг кундалик эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ шундай корхона ва ташкилотларни меҳнат жамоаларига ва хусусий кишиларга топшириш.

Ўзбекистоннинг суверен давлатчилик сари ана шундай босқичма-босқич интилиб боришига қарамасдан, Иттифоқ идораларининг сон-саноқсиз низомлари ва йўл-йўриқлари республикамиз учун бирон-бир иқтисодий масалани мустақил ҳал этиш имконини бермас эди. Бундай умрини ўтаб бўлган ҳуқуқий қоида ва низомларга кўр-кўрона итоат қилиниши эса янгидан-янги ижтимоий можароларни келтириб чиқаришга сабаб бўларди.

Шунга кўра, Президент Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида Хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси ҳамда Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитети ташкил этилди. Чунки, олти Иттифоқ ва республика ташкилоти мавжуд бўлишига қарамасдан, енгил саноат хом ашёсини тақсимлаш ва реализация қилишни мувофиқлаштиришга эришилмади, қимматбаҳо хом ашёларнинг ҳаракати назорат қилилмади. Бунинг оқибатида пахта толаси ва қоракўлнинг 90 фоизи, табиий жуннинг 71 фоизи, синтетик толанинг 93 фоизи, пилла ва чармнинг анчагина қисми арзимас

нархларда республикадан олиб кетилаверди. Ички бозорда ҳам, жаҳон бозорида ҳам талаб қилинаётган кўплаб мана шу ғоят қимматли хом ашёнинг кўпчилик қисми Шарқий Европа мамлакатларига экспорт қилинмоқда, улар эса бу маҳсулотларни жаҳон нархларида сотмоқда эди. Ҳолбуки, ўзимиздаги аксарият корхоналар учун хом ашё етишмас, биздан олиб кетилган ресурслардан тайёрланган молларни эса республикамиз бошқа минтақалардан ва чет эллардан уч ҳисса ортиқ нарх билан сотиб олишга мажбур эди. Буларнинг барчаси иқтисодий соҳадаги чидаб бўлмас адолатсизлик эди.

Ислон Каримов раҳбарлигида бошланган ислохотлар туфайли бир-икки йилда аҳвол аста-секин ўнгланди, пахта майдонлари қисқарди (1987 йилда 2 миллион 108 минг гектар ерга чигит экилган бўлса, 1990 йилда 1 миллион 826 минг гектар ерда пахта етиштирилди). Суғориладиган ерларни пахтадан бўшатиб олиш жамоа ва давлат хўжалиги ҳудудларида томорқа участкаларини кенгайтириш ва якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш каби катта ижтимоий масалани қисман ҳал этиш имконини берди. Шуниси диққатга сазоворки, пахта ҳосилдорлигининг ортиши (гектаридан 23,1 центнердан 27,7 центнерга етиши) туфайли ялпи пахта етиштириш камаймади. Пахтачилик бундан буён ҳам қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб қолаверади, лекин пахта яккаҳоқимлигига қайтилмайди, деб Юртбошимиз бу соҳа истиқболини белгилаб берди.

Президентимиз ўз раҳбарлик фаолиятини бошлаган пайтда республикадаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг негизида узоқ йиллар давомида ҳукм суриб келган маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг асоратли таъсири ётишини, шунга кўра, уларни ҳал этишнинг ягона тўғри йўли — бу иқтисодиётда бозор муносабатларини босқичма-босқич шакллантириб ва ривожлантириб бориш эканини қатъий белгилаб берди. Жумладан, ушбу жараённинг мақсадга мувофиқ тарзда, самарали ва энг муҳими, аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда амалга ошиши учун қуйидаги тадбирларга алоҳида эътибор қаратди:

— Ўзбекистон шароитида бозор механизмининг моҳияти ва мазмунига сергаклик билан ва ҳар томонлама реал баҳо бериш, унинг жорий этилишида вужудга келиши мумкин бўлган мураккабликлар ва нохуш оқибатларни кўзда тутиш, ўтиш даври кескинликларини юмшатишга ёрдам берадиган зарур механизмларни олдиндан яратиб қўйиш керак;

— ноннинг чакана нархи, бошқа нархлардан айри ҳолда бир томонлама оширилиши ғалла билан пахта, улардан олинадиган маҳсулотлар нархларининг эквивалентлигига эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни, кўзда тутилаётган ёқилги, металл ва техника нархларининг оширилиши эса пахтага ҳақ тўлашни кўпайтириш тартибларини тамомила йўққа чиқаради;

— республикамиз учун катта аҳамият касб этадиган бошланғич шароитларни ҳисобга олиш ва баробарлаштириш масаласига чуқур эътибор қаратиш лозим;

— бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ҳақидаги СССР ҳукуматининг маърузасида инвестицияларни қисқартириш масаласининг қўйилиши хато ёндашувдир, чунки ишлаб чиқаришнинг мавжуд техникавий ва структуравий даражасида (бу жиҳатдан илғор мамлакатлар даражасидан 15—20 йил ва ундан кўпроқ орқанда қолинган эди) бундай сиёсат баттар қолақликка олиб боради;

— мақсадли, таркибий сиёсатни, капитал қурилишдаги устун йўналишларни, аввало, тугалланмаган қурилишларни кескин қисқартириш мақсадида тубдан қайта кўриб чиқиш зарур;

— аҳоли ижтимоий ҳимоясининг аниқ ва таъсирчан механизмлари зарур;

— уй-жой қурилишига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунда яқин беш йил ичида 67—68 миллион квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, 6 миллиондан зиёдроқ кишининг уй-жой шароитини яхшилаш вазифаси қўйилиши муҳим аҳамият касб этади;

— аҳолига коммунал хизматни кескин яхшилаш, жумладан, аҳолининг марказлаштирилган сув таъминоти даражасини 52 фоиздан 67 фоизга етказиш, Оролбўйи зонасида эса 1995 йилгача бутун аҳолини марказлаштирилган сув таъминотига ўтказиш, қишлоқ аҳоли пунктларини газлаштириш суръатларининг икки баробар ортиши аҳамиятлидир;

— республикадаги ижтимоий ўзгаришларни ҳал этишга бюджет маблағларидан ташқари вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотларнинг ўз ҳиссасини қўшишини таъминлаш керак;

— республикада ўтиш давридаги ресурс ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса, кам таъминланган аҳолининг ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизми ишлаб чиқилиши;

— республикада мулкчиликнинг қандай шакллари бўлишини аниқлаб олиш;

— айрим давлат мулкидаги ишлаб чиқариш объектларини мулкчилик ва хўжалик юритишнинг бошқа шаклларига айлантиришни белгилаб олиш;

— истеъмол моллари, халқ хунармандчилиги, халқ ижодиёти маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган, умумий овқатланиш ва маиший хизмат соҳасидаги ёки ёрдамчи корхоналар, иккиламчи ресурсларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлайдиган катта бирлашмаларнинг айрим буюртмаларини бажарадиган корхоналарни кичик хусусий корхоналар кўринишида ташкил этишнинг қонуний тартибини аниқ белгилаб қўйиш;

— йирик ишлаб чиқариш комплекслари, шу жумладан, мамлакатнинг бошқа минтақаларидаги комплекслар томонидан майда ва ўртача корхоналар, филиаллар ва цехлар ташкил этилишини рағбатлантириш;

— ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмалари тузилишида уларнинг меҳнат жамоаларини уй-жой ва ижтимоий, маданий, маиший объектлар билан тўла таъминлаш;


— қўшма корхоналар ташкил этиш ишини фаоллаштириш ва бошқалар.

Узоқ йиллардан буён давлатимиз раҳбарини Ўзбекистоннинг ҳақиқий иқтисодий мустақиллиги масаласи қаттиқ ташвишга солиб, ўйлантирар эди. Агар республика иқтисодий қувватини ташкил этадиган барча асосий фондлар ўша даврда 100 миллиард сўм деб ҳисобланса, амал қилаётган тартибга кўра, қарийб 30 миллиард сўм пул Иттифоқ ихтиёрида эди. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондларида эса бу мутаносиблик янада ёмон бўлиб, маблағларнинг бешдан икки қисми Иттифоқ тасарруфида, шу жумладан, саноатда ана шу маблағларнинг деярли 70 фоизи, транспортда ҳамда моддий-техник таъминотда, илм-фанда 30 фоизга яқини Иттифоққа тегишли эди (2.4-расм).

Бундан кўринадики, Конституцияда белгилаб қўйилган барча давлат мулки (бу ҳамма асосий фондларнинг деярли 90 фоизини ташкил этади) „Бутун совет халқига тегишлидир“ деган қоида ҳеч қандай реал асосга эга эмас эди. Республикамиз ўз бойликларини ўзи тасарруф эта олмас экан, ундан халқ манфаати йўлида, самарали фойдаланиш ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмасди.

Шунга кўра, республикамиз Олий Советининг доимий комиссияларида Ўзбекистоннинг бутун тарихи давомида биринчи марта Мулкчилик тўғрисидаги қонунни тайёрлашга киришилди. Бунда қуйидаги масалалар энг муҳим деб топилди:

Биринчи: республика мулки мустақил ва у федерациядан ажратилган.



2.4-расм. Ўзбекистондаги асосий фондларнинг собиқ Иттифоқ тасарруфидаги қисми.

Иккинчи: ўлкамиз замини, ер ости бойликлари, корхона ва ташкилотлари Ўзбекистоннинг мутлақо ўз мулки ҳисобланади. Ана шу бойликлар мустақиллигимизни, республикамизнинг маданий ва тарихий қадриятларини таъминлайди.

Учинчи: Ўзбекистонда мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ривожлантирилиб, уларнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар, далил ва маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон мустақилликка эришиш арафасида ўта оғир ижтимоий-иқтисодий муаммолар гирдобида қолиб кетган, иқтисодиёти мўрт, қолоқ, бир томонлама ривожланган, узоқ йиллар мобайнида вужудга келган маъмурий-буйруқбозлик тарзидаги бошқарув ва мамлакат манфаатларига зид ҳолда юритилган иқтисодий сиёсат халқимизнинг ҳаёт даражаси ва ижтимоий аҳволини аянчли ҳолатга тушириб қўйган эди. Энг ёмони, халқнинг эртанги кунга бўлган ишончи кундан-кунга сўниб бораётган эди. Бунга тобора кучайиб бораётган очарчилик хавфи қўшилиб, буларнинг барчаси республикамизни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Эндиликда, орадан йигирма икки йил ўтиб, мустақил тараққиёт даврида эришилган ютуқ ва муваффақиятлар, иқтисодиётнинг жадал ва барқарор ўсиши, аҳоли даромадларининг ошиши ва турмуш даражасининг юксалиб бориши билан яқин тарихимиздаги ушбу қалтис вазият ва муаммоли ҳолатлар балки айримларнинг ёдидан бир оз кўтаришган бўлиши, бугунги кунда энди вояга етиб келаётган ёш авлод бу борада етарли тасаввурга эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, биз бугунги кундаги тараққиётимиз натижаларини бор бўй-басти билан кўришимиз, мустақиллик берган неъматларнинг ҳақиқий баҳосини беришимиз, юртимиздаги тинчлик-осойишталик, тўкинчилик ва фаровонликнинг қадрига етишимиз, ундан қониқиш ва шукроналик ҳиссини туюшимиз учун, албатта, кечаги кунимизни — ёш, мустақил Ватанимизнинг босиб ўтган мураккаб ҳамда машаққатли истиқлол йўли тарихини ёддан чиқармаслигимиз керак. Шу ўринда Президентимизнинг қуйидаги сўзларини яна бир бор эсга олиш мақсадга мувофиқдир: „Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига туҳфа тариқасида берилмагани — буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини қайд этишимиз зарур“¹³⁹.


¹³⁹ Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // <http://uza.uz>

3-БОБ. МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА ЭРИШИЛГАН ЮТУҚ ВА МАРРАЛАР

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги Мамлакатимиздаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига бағишланган маърузасида „Тарихимизга кириб келаётган буюк марра муносабати билан ўтган давр мобайнида ҳаётимиз сифати, мамлакатимиз қиёфаси қандай ўзгариб бораётгани, қандай ютуқ ва натижаларга эришганимиз, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида қандай суръатлар билан ривожланиб бораётганимизни баҳолаш эҳтиёжи туғилмоқда“, деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритиши ўз тараққиёт йўлини мустақил танлаш имкониятини берди. Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски шўролар тизимидан воз кечиб, Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш, очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш моделини ва уни амалга оширишнинг беш тамойилини асослаб берди¹⁴⁰.

Бугун мамлакатимиз иқтисодиёти юқори суръатлар билан ўсиши ва макро-иқтисодий мутаносиблик таъминланиб, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш изчил давом эттирилмоқда. Статистик маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, 2012 йилда ҳам, аввалги йиллардагидек, республикаимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида юқори ўсиш суръатлари таъминланган. Буни ижтимоий-иқтисодий ривожланишни тавсифлайдиган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни йиллар бўйича таққослаш орқали кўриш мумкин (3.1-расм).



3.1-расм. Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллар давомида ўсиш динамикаси, фоизда¹⁴¹.

¹⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. — Т.: Ўзбекистон, 1995. 269-б.

¹⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Расмдан кўринадики, агар мамлакатимизда ЯИМнинг ўсиш суръатлари 2000—2003 йилларда 3,8—4,2 фоиз, 2004—2006 йилларда 7—7,3 фоиз, 2007—2008 йилларда эса 9—9,5 фоиз даражасида кузатилган бўлса, кейинги йилларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози мазкур кўрсаткичга ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, ўсиш суръатларида бир оз пасайиш рўй берди. Бироқ мамлакатимизда чуқур ўйланган ҳолда ишлаб чиқилган ҳамда изчил равишда олиб борилаётган самарали иқтисодий сиёсат натижасида шаклланган омиллар шундай мураккаб шароитда ҳам ЯИМнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолишни таъминламоқда.

Мамлакатимиз ЯИМ ўсиш суръатларининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодиётдаги етакчи тармоқларнинг юқори ўсиш суръатлари мустаҳкам замин бўлмоқда (3.1-жадвал).

3.1-жадвал. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари, фоизда

Кўрсаткич	Й и л л а р					
	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Саноат ишлаб чиқариши	12,1	12,7	9,0	8,3	6,3	7,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш	6,1	4,5	5,7	6,8	6,6	7,0
Чакана савдо айланмаси	21,0	7,2	16,6	14,7	16,4	13,9
Аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш	20,6	21,3	12,9	13,4	16,1	14,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

3.1-жадвалдан кўринадики, юқорида баён этилган мураккаб ва қийин шароитда ҳам иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари сақланиб қолмоқда. Жумладан, 2012 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 2011 йилга нисбатан 7,7 фоизга ошди ва 50,7 триллион сўмни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 7 фоизга ошиб, 24,4 триллион сўмни ташкил қилди. Ўтган йилда кўрсатилган хизматлар ҳажми 14,2 фоизга ўсиб, унинг ЯИМ таркибидаги улуши 52 фоиздан зиёдни ташкил қилди. Ички талабни рағбатлантириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда чакана товар айланмасининг 2011 йилга нисбатан 13,9 фоизга ўсиши кузатилди.

Миллий иқтисодиёт ўсишининг муҳим омиллини ички талаб ташкил этади. Жаҳон молиявий инқирози шароитида мамлакатимизда амалга оширилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида аҳолининг ялпи ички талабини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида истеъмолнинг ялпи ички маҳсулотни такрор ишлаб чиқариш таркибидаги улуши ортиб бормоқда. Жумладан, 2008—2012 йилларда истеъмол ҳаражатларининг ЯИМдан фойдаланиш таркибидаги улуши 64,6 фоиздан 68 фоизга ёки 3,4 пунктга ортди (3.2-жадвал).


Мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз иқтисодиётида туганган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Натижада 2012 йилда кичик бизнес субъектларига тегишли ишлаб чиқариш корхоналари ва микрофирмалар сони 23,3 мингтага ўсиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 219,4 мингтага (фермер

ҳўжаликларини ҳисобга олмаган ҳолда) етди. Кичик бизнеснинг ЯИМ таркибидаги улуши 54,6 фоизни ташкил қилди (3.2-расм).

3.2-жадвал. Ўзбекистон Республикасида ЯИМнинг такрор ишлаб чиқариш таркиби, фоизда

Йўналишлар	Йиллар						
	1991	1995	2000	2005	2010	2011	2012
Жами ЯИМ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Истеъмол	77,0	72,9	83,4	67,1	70,0	65,7	68,0
Ялпи жамғариш	26,8	24,2	15,9	23,0	20,4	26,5	28,9
Соф экспорт	-3,8	2,9	0,7	9,7	9,6	7,8	3,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990–2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011–2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 120-б.



3.2-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликнинг ЯИМдаги улуши, фоизда.


Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Бир сўз билан айтганда, мустақиллик йилларида Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ҳамда изчил олиб борилаётган, пухта ўйланган, самарали иқтисодий сиёсат натижасида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг мутаносиблигини таъминлаш учун мустаҳкам замин яратилди. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, глобал жаҳон иқтисодиётида ҳали-бери сақланиб қолаётган жиддий муаммоларга қарамасдан, 2012 йилда иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан ривожлантиришнинг давом эттирилишига, аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришнинг таъминланишига, мамлакатимизнинг дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлашига асос бўлди.

2012 йил якунларига кўра, Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 2011 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб 100,5 фоизни ташкил этиб, 26,4 миллиард АҚШ доллариغا тенг бўлди. Шу жумладан, умумий экспорт ҳажми 2011 йилга нисбатан 111,6 фоиз ёки 13,1 миллиард АҚШ долларини, импорт эса 109 фоиз ёки 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этди¹⁴². Ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо 1 миллиард 120 миллион доллардан ошди (3.3-расм).

¹⁴² http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/

Диаграммадан кўринадики, 1990—2012 йиллар давомида мамлакатимизда ташқи савдо айланмаси ҳажми 33 марта, экспорт ҳажми 29,8 марта ўсган. Экспортни рағбатлантириш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар ва маҳаллийлаштириш дастурининг изчил амалга оширилиши натижасида республикамиз тўлов балансининг, хусусан, ташқи савдо балансининг барқарорлиги сақлаб қолинди.



3.3-расм. Ўзбекистоннинг ташқи савдо кўрсаткичлари динамикаси (миллиард доллар)

Манба: Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990—2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011—2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011, 60-6; http://www.mfer.uz/uzb/tashqi_savdo/.

2012 йилда экспорт ҳажми сезиларли равишда, яъни 11,6 фоизга ўсди, экспорт қилинаётган маҳсулотлар таркибида хом ашё бўлмаган тайёр товарларнинг улуши 70 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Ривожланган мамлакатларда кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг тобора кескинлашиб бораётганига қарамасдан, мамлакатимизда кузатилаётган барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишида изчил амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсатининг аҳамияти гоят юксакдир. Буни, ўз навбатида, кейинги йилларда кузатилаётган бюджет профицити, режалаштирилган давлат бюджети даромад кўрсаткичларининг орттириб бажарилаётгани, давлат бюджети ижросининг фазначилик тизими янада ривожлантирилиши натижасида бюджет харажатларининг манзилли ва мақсадли сарфланаётгани билан изоҳлаш мумкин (3.3-жадвал).

3.3-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, жами марказлашган жамғармалар таркибида мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадларининг салмоғи 2013 йилда 69,4 фоизни ташкил этиши мўлжалланмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат фискал сиёсатида мақсадли фондларсиз давлат бюджети марказий ўринга эга эканини тасдиқлайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларнинг ҳам аҳамият юқори бўлмоқда. Бу ҳол улар даромадларининг шаклланишида яққол намоён бўлади. Хусусан, мақсадли жамғармалар даромадлари 2012 йилда 10499,8 миллиард сўмга режалаштирилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 13571,9 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган. Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган жамғарманинг даромадлари 2012 йилда 210 миллиард

сўмни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу жамғарманинг даромадлари 227,5 миллиард сўмга етиши режалаштирилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган йирик ва стратегик аҳамиятга молик инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш билан боғлиқ ислоҳотларда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ҳиссаси юқори бўлмоқда. Унинг даромадларининг сўмдаги эквиваленти 2013 йилда 2618,5 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

3.3-жадвал. Жамланма бюджет даромадларининг асосий параметрлари

Асосий бюджет кўрсаткичлари	2012 йил	2013 йил	2013 йилда жамига нисбатан фоизда
Мақсадли фондларсиз давлат бюджети даромадлари	20614,1	25104,9	69,4
Мақсадли жамғармалар даромадлари	10499,8	13571,9	32,7
Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси даромадлари	210,0	227,5	0,5
Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари	4747,6	2618,5	6,3
Жами марказлашган жамғармалар	36071,5	41522,8	100

Манба: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.

Давлат бюджети даромадларининг шаклланиш самарадорлиги ва барқарорлиги амалга оширилиши кўзда тутилган харажатлар ижросининг моддий асосини ташкил этади. Шунингдек, давлат бюджети харажатлари давлат томонидан олиб борилаётган ислоҳотларнинг том маънодаги ифодасини ўзида акс эттиради. Буни қуйидаги 3.4-жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин.

3.4-жадвал. Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатлари тўғрисида маълумот

Кўрсаткичлар	2012 йил		2013 йил	
	млрд.сўм	фоизда	млрд.сўм	фоизда
Давлат бюджети харажатлари, миллиард сўм	21571	100	26312	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	12513	58	15573	59,2
Иқтисодиёт харажатлари	2372	11,0	2791	10,6
Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш	1059	4,9	1300	4,9
Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари харажатлари	629	2,9	825	3,1
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари	191	0,9	287	1,1
Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси	70	0,3	85	0,3
Бошқа харажатлар	4735	21,2	5448	20,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1887-сонли Қарори.

3.4-жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг салмоғи юқори бўлмоқда. Хусусан, ушбу харажатлар 2012 йилда 12513 миллиард сўмга режалаштирилиб, жами бюджет харажатларида 58 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган бўлса, 2013 йил учун ушбу харажатлар 15573 миллиард сўм ҳажмида режалаштирилган ва унинг жами бюджет харажатларидаги улуши 59,2 фоизни ташкил этиши кўзда тутилган. Демак, ушбу соҳага қилинаётган харажатлар, биринчидан, номинал мазмунда ва шунингдек, умумий харажатлар салмоғида ҳам ортиб бормоқда. Ушбу харажатларнинг таркиби қуйидаги диаграммада келтирилган.

2013 йилда юртимизда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркибида 8984,6 миллиард сўм ҳажмидаги маблағлар таълим-тарбия соҳасига сарфланиши режалаштирилган бўлиб, харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган. Қишлоқ жойларда яқка тартибдаги уй-жойлар қуришни ҳамкорликда молиялаштириш учун 374,7 миллиард сўм миқдоридан маблағ сарфланиши кўзда тутилган (3.5-жадвал).

Амалга оширилаётган ислохотларда аҳолининг турмуш фаровонлиги ва даромадларини изчил ошириб бориш устувор аҳамиятга эга бўлмоқда. Ушбу соҳадаги ислохотлар 2013 йилда ҳам давом эттирилиб, давлат бюджетидан жами 1839,9 миллиард сўм маблағ айна шу мақсадлар учун ажратилиши режалаштирилган.

3.5-жадвал. 2013 йилда ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларининг таркиби

Оилаларга ижтимоий нафақалар	1839,9
Ижтимоий таъминот	197,3
Илм-фан	173,1
Маданият ва спорт	279,1
Соғлиқни сақлаш	3768,6
Қишлоқ жойларда уй-жойлар қуришни ҳамкорликда молиялаштириш учун кредит линиялари	374,7
Таълим	8984,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги „Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида“ги ПҚ-1887-сонли Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 йил, 52-сон, 587-модда.

2012 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар миқдорини босқичма-босқич кўпайтириш давом эттирилиб, иш ҳақини инфляция даражасидан юқори бўлган миқдорда ошириш учун Давлат бюджетидан 1,3 триллион сўм маблағ ажратилди. 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб ягона тариф сеткасини қайта кўриб чиқиш ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг базавий даражасини биринчи разряд миқдоридан белгилаш амалга оширилди.

Республикамиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида ҳар йили бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендия ҳамда нафақалар миқдори оширилиб борилади. Жумладан, 2013 йилнинг 15 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш

ҳақи, пенсиялар, стипендия ҳамда нафақалар миқдори ўрта ҳисобда 1,15 баробар оширилди.

Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

— энг кам иш ҳақи — ойига 91530 сўм;

— ёшга доир пенсиялар — ойига 179020 сўм;

— болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 179020 сўм;

— зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 109850 сўм миқдорида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз маърузаларида, аҳоли истеъмол талабининг ўсишига мос ҳолда иш ҳақи миқдорининг мутаносиб ўсишини таъминлаш иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларидан бири эканини кўп бор таъкидлаганлар. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги табрик сўзида Юртбошимиз қуйидагиларни қайд этиб ўтдилар: „.....номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охириги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келаётгани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар, десам, айтиш ҳақиқатни айтган бўламан“¹⁴³.

Маълумки, мамлакатимиз иқтисодиётида таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш ва унинг учун инвестициялар жалб этиш, шу жумладан, хорижий инвестицияларни, аynиқса, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга ислохотларнинг дастлабки босқичларидан бошлаб катта эътибор қаратиб келинмоқда ва бунинг учун ислохотларнинг стратегик мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, давлат сиёсати асосланган. Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартиришдаги давлат сиёсати республикамизнинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини таъминлай оладиган ва халқимизнинг фаровон яшаши учун муносиб шарт-шароитлар яратишга қодир бўлган батамом янги ҳўжалик мажмуасини яратишга қаратилган. Ана шу сиёсатни амалга ошириш учун иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

Биринчидан, қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши таркибини тубдан қайта ўзгартириш.

Иккинчидан, саноатдаги таркибий ўзгаришлар давлат сиёсати билан белгилаб олинган пировард мақсадларга мос бўлиб, улар рақобатдош тузилмаларни шакллантиришга қаратилган.

Учинчидан, иқтисодиётнинг базавий тармоқлари таркибини модернизация қилишнинг муҳим йўналиши — қишлоқ ҳўжалиги машинасозлиги, электр техникаси, электроника тармоқлари, самолётсозлик ва бошқа шу каби кўп илм талаб қиладиган, юқори қўшилган қиймат яратадиган ишлаб чиқариш қувватларини янги техникалар негизида устувор ривожлантиришни амалга ошириш.

Тўртинчидан, таркибий қайта ташкил қилишнинг муҳим йўналиши бўлиб кимё саноатидаги ўзгаришлар ҳисобланади. Ушбу тармоқни ривожлантириш, энг аввало, қишлоқ ҳўжалигига хизмат кўрсатиш — уни минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоялаш воситалари билан таъминлаш ва бошқаларга йўналтирилган.

Бешинчидан, мамлакатимиз саноатини ривожлантириш дастури доирасида, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноати каби йўналишларни ривожлантириш.

¹⁴³ *Ислом Каримов*. Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 8-бет.

Олтинчидан, ишлаб чиқариш инфратузилмалари: муҳандислик-коммуникация тизими, транспорт ва алоқа тармоқларини ҳам устувор ривожлантириш.

Еттинчидан, иқтисодийнинг ҳудудий тузилмасини янада такомиллаштириш масалалари ҳам таркибий сиёсатни амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсатида саноатнинг ана шу йўналишларида маҳаллий хом ашё ва ресурсларни қайта ишлашга асосланган, шунингдек, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган, хорижий инвестицияларни жалб қилиш учун устувор ҳисобланган тармоқ ва ишлаб чиқаришлар белгилаб олинган.

Айни пайтда инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибий тузилишида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди (3.6-жадвал).

3.6-жадвал. **Ўзбекистон Республикасида инвестициялар таркибининг ўзгариши, фоизда**

Молиялаштириш манбалари	Йиллар								
	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1	7,4	5,1	4,5	4,8
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4	28,8	25,3	25,5	23,2
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9	47,3	49,0	42,6	46,6
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6	16,5	20,6	27,4	25,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги маълумотлари.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, инвестицияларнинг молиявий манбалари таркибида давлат бюджетининг улуши 2005 йилдаги 12,7 фоиздан 2013 йилда 4,8 фоизга пасайиши режалаштирилган. Чет эл инвестицияларининг улуши эса, аксинча, 19,2 фоиздан 23,2 фоизга кўтарилиши режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодийнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Бу тармоқ юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига, қайта ишлаш саноати тармоқларининг эса хом ашёга бўлган талабини қондиради. Шу ўринда айтиш жоизи, озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади.

Мустақиллик йилларида муҳтарам Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурслари, капитал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида аграр соҳадаги ислоҳотлар бўйича қуйидагилар таъкидлаб ўтилди: „Истиқлол йилларида ғалла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришганимиз ... бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради“¹⁴⁴.

Аграр тармоқда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда. Ўтган 2005—2012 йиллар оралигида қишлоқ хўжалиги ялпи

¹⁴⁴ *Ислом Каримов*. Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 8—9-бетлар.



3.4-расм. Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ривожланишининг асосий макроекономик кўрсаткичлари, фоизда.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.


маҳсулотининг ўртача йиллик ривожланиш суръатлари ўсиш динамикасига эга бўлди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилда 105,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 107 фоизга тенг бўлди. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти салмоғининг 2005 йилдаги 26,3 фоиздан 2012 йилда 17,5 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу ҳолат мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 1990—2011 йилларда дон етиштириш 3,7 баробарга яқин, картошка 5 баробар, сабзавот 2,2 баробар, мева 2,6 баробар, узум 1,3 баробар, гўшт (тирик вазнда) 1,9 баробар, сут 2 баробардан зиёд ва тухум ишлаб чиқариш 2,4 баробардан кўпроқ ошгани фикримизнинг далилидир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ошиши фақат экин майдонларини кенгайтириш эвазига эмас, балки асосан интенсив ривожланиш, яъни экинлар ҳосилдорлиги ва чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ҳисобидан таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда аҳоли истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли тўлиқ ўз имкониятларимиз билан таъминланмоқда. Жумладан, агар 1991 йилда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, меъёрга нисбатан етиштирилган маҳсулот ҳажми мева бўйича 42,6 фоизни, узум бўйича 93,8 фоизни, картошка бўйича 29,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилга келиб бу кўрсаткич мева бўйича 119,7 фоизни, узум бўйича 156,3 фоизни, сабзавот бўйича 229,2 фоизни, картошка бўйича 135,4 фоизни ва полиз бўйича 245,1 фоизни ташкил этди. 2012 йилда 1991 йилга нисбатан мева ишлаб чиқариш ҳажми 281,2 фоизга, узум 166,7 фоизга, сабзавот 186,9 фоизга ва картошка 453,6 фоизга ошгани бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганини тасдиқлайди.

Кейинги йилларда фермер хўжалиklarини молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Молия



3.5-расм. Ўзбекистонда давлат эҳтиёжлари учун пахта ва ғалла етиштирадиган қишлоқ хўжалик корхоналарига ажратилган имтиёзли кредитлар, миллион сўмда

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги маълумотлари.

вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан ҳисоб-китоб қилиш жамғармаси маълумотларига кўра, 2003—2012 йилларда юртимизда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси ва ғалла етиштирадиган қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратилаётган имтиёзли кредитлар қиймати 2003 йилдаги 309,1 миллиард сўмдан 2012 йилда 1630,7 миллиард сўмга ошди (3.5-расм).

Тижорат банкларининг фермер хўжаликларига ажратаётган имтиёзли кредитларининг йиллик фоиз ставкалари тижорат кредитлари фоиз ставкаларидан 2—3 баробар паст бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фермер хўжаликлари фаолиятини давлат томонидан иқтисодий рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатининг натижаси бўлиб, фермерларнинг молиявий имкониятларини кенгайтиради.

Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишига мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Юртимизда хизматлар бозори хизматларнинг янги истиқболли турлари — туризм, банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация ва бошқа хизматларни ривожлантириш ҳисобидан такомиллашиб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютер ва шахсий автотранспорт билан таъминлашни кескин ошириш уларга кўрсатилаётган хизматларнинг тобора кўпайишига имкон яратди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мазкур йўналишга тааллуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор фармонлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилди. Мамлакатимизда туризм соҳасига катта эътибор берилиб, кўплаб оммавий ахборот воситаларида ҳам туризм тўғрисида кўрсатув ва материаллар берилаётганига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 майда қабул қилинган „2012—2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида“ги Қарори ушбу соҳани янада ривожлантиришга кучли туртки бўлди. Президентимиз Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожлангани ва ушбу йилда аҳолига кўрсатилган хизматлар

ҳажми қарийб 15 фоизга ўсгани, соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этгани таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига ва бу соҳада қўшимча иш ўринларини ташкил этиш учун шароитлар яратилаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Қуйидаги 3.7-жадвалда аҳолига кўрсатилган кенг кўламли хизматларнинг юртимиз минтақалари бўйича ривожланиш даражаси акс эттирилган.

3.7-жадвал. Ўзбекистон минтақалари бўйича хизматлар ривожланишининг ҳолати ўтган йилга нисбатан фоизда (солиштирма нархларда)

Худудлар номи	Хизматлар ҳажми ўсиши									
	2008 йил		2009 йил		2010 йил		2011 йил		2012 йил	
	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда
Ўзбекистон Республикаси	118	121,3	118,9	116,7	121,8	114,9	115,0	113,2	114,9	114,2
Қорақалпоғистон Республикаси	118,5	123	118,7	116,2	119	116,4	114,1	117,7	115,5	106,7
вилоятлар										
Андижон	117	123,5	117,2	120,1	118	116,6	114,3	116,2	116,8	116,3
Бухоро	118	123,5	118,2	121,2	119	118,4	117,2	116,5	116,5	116,8
Жиззах	119,7	120,2	122	114,8	125	119,6	113,3	118,8	116,5	118,6
Қашқадарё	117,7	117,7	118,2	117,1	121,6	115,1	116,7	118,0	117,0	118,5
Навоий	120,6	124,6	121,2	120,6	125	116,4	111,4	116,8	115,0	111,9
Наманган	119,4	120,6	122,1	122,8	125	121,6	114,2	119,4	116,0	117,3
Самарқанд	117	135,6	117,2	121,6	120	121,6	115,5	117,3	117,4	117,6
Сурхондарё	122	120,7	122,1	120	124	116,4	114,2	120,4	116,5	117,3
Сирдарё	116,2	126,6	116,7	124,3	120	117,2	115,1	124,4	117,0	112,3
Тошкент	122,2	132	122,5	123,7	125	119,6	114,4	114,2	116,5	112,2
Фарғона	120	125,6	120,1	124,5	122,5	120,5	113,6	116,5	116,0	117,5
Хоразм	120	121	120,1	118,9	122	115,8	115,9	119,1	115,9	116,8
Тошкент шаҳри	114,5	124,3	116,2	116,6	121	115,4	117,4	117,2	117,0	114,8

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳка-

масининг мажлисидаги маърузасида ўтган 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсгани қайд этилди.

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳа ва тармоқлари қатори аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи ҳам Президентимиз ва ҳукуватимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Аввало, бу борада янги, замонавий тизимни барпо этиш, кенг қўламли ислоҳотлар самарадорлигини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий, амалий-ташкилий пойдевор яратилди.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятнинг энг катта бойлиги бўлган инсон саломатлигини яхшилаш, унинг манфаати, турмуш фаровонлигини таъминлаш, касалликларни камайтириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг ўртача умр кўриш даражасини узайтириш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаб вояга етказишга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир. Айти шу мақсадлар асосида юртимизда замонавий, халқаро андозалар даражасидаги тиббий хизмат тизимини барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш — бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Шу ўринда, мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: „...энг муҳими, юртимизда аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайгани бизнинг қандай катта юксалиш йўлини босиб ўтганимиздан ва халқимизнинг ҳаёт сифати ўсиб бораётганидан далолат беради“¹⁴⁵.

Мустақиллик йилларида республикамызда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг умр кўриш даражаси йил сайин узайиб бормоқда (3.8-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 1990 йилда Ўзбекистонда аҳолининг умр кўриш даражаси 69,3 ёшни ташкил этган бўлса, 2012 йилда у 73,5 ёшга етган ёки 4,2 ёшга узайган. Бу даврда шаҳар аҳолисида ўртача умр кўриш даражаси 3,9 ёшга, қишлоқ жойларда эса 4,9 ёшга ўсган.

Бундай натижалар аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхшиланиши, соғлиқни сақлаш тизимида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши, даволаш масканларининг замонавий ускуналар билан жиҳозланиши, бу соҳада юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда соҳани юқори малакали кадрлар билан таъминлашга эътиборнинг кучайгани самарасидир. Ана шундай омиллар туфайли Ўзбекистонда сўнгги йилларда аҳоли, айтиқса, оналар ва чақалоқлар ўртасида ўлим ҳолатларининг пасайиб бораётгани кузатилмоқда (3.6-расм).

Расмдан кўринадик, 1991—2012 йилларда ҳар 1000 та тирик туғилган болага ҳисоблаганда, чақалоқлар ўлими 34,6 тадан 9,8 тага ёки 24,8 бандга камайган. Олиб борилган илмий изланишлар чақалоқлар ўлимининг камайиши, биринчи навбатда, демографик омилларга боғлиқлигини кўрсатмоқда. Бу омилларга асосан оилада туғилаётган болалар сонининг камайиши, фарзандлар туғилиши орасидаги даврнинг узайиши, туғиш ёши юқори чегарасининг пасайиши каби ҳолатлар киради.


¹⁴⁵ Ислам Каримов. Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. —Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 8—9-бетлар.

Шунингдек, гўдак ёшидаги болаларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, оналикни муҳофаза қилиш, эмизишни тарғиб қилиш, болаларда ўткир респиратор ва диарея касалликларига қарши курашиш ҳам болалар ўлимининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этди.

3.8-жадвал. Ўзбекистон Республикасида умр давомийлиги динамикаси* (ёш)

Кўрсаткичлар	Й и л л а р			
	1990	2000	2005	2012
Барча аҳоли	69,3	70,8	71,8	73,5
аёллар	72,4	73,2	74,1	75,6
эркаклар	66,1	68,4	69,6	73,2
Шаҳар аҳолиси	69,3	70,2	71,1	73,2
аёллар	73,2	73,5	74,3	75,3
эркаклар	65,0	66,8	67,9	72,2
Қишлоқ аҳолиси	69,0	71,2	72,2	73,9
аёллар	66,4	72,9	73,8	75,1
эркаклар	70,7	69,6	70,7	72,4

* Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.



3.6-расм. Ўзбекистон Республикасида оналар (ҳар 100 мингта тирик туғилган болага) ва чақалоқлар (ҳар 1000 та тирик туғилган болага) ўлим коэффициентининг ўзгариши.

Туғуруқ ёшидаги аёллар ва болалар учун шифохона ва поликлиникаларда махсус профилактика ва даволаш марказларининг очилгани, турли замонавий контрацепция воситаларидан фойдаланиш имкониятларининг кенгайгани, шунингдек, фарзандлар кўриш оралиғининг нисбатан узун бўлишининг кенг тарғиб этилиши оналар ва болалар соғлиғини яхшилашда муҳим омил бўлди. Расмдан кўринадики, ҳар 100 мингта тирик туғилган болага нисбатан оналар ўлими 1991 йилдаги 65,3 нафардан 2012 йилда 21 нафарга камайган. Бу ҳолат кўп жиҳатдан туғиш оралиғининг узайгани ва туғаётган аёлларнинг ёши ўзгариши билан изоҳланади. Жумладан, 1991 йилда

республикамизда бир йил оралиғида туғиш 5,9 фоиздан 0,3 фоизга камайган. Шунингдек, сўнгги йилларда жуда ёш аёллар ўртасида туғиш ҳоллари кескин озайган. Масалан, 20 ёшгача бўлган аёллар орасида туғиш 1991 йилдаги 7 фоиздан 2012 йилда 2,6 фоизга тушган. Лекин, таъкидлаш жоизки, кўриляётган давр оралиғида 20—30 ёшдаги аёллар орасида бу кўрсаткич 69,3 фоиздан 84,3 фоизга кўтарилган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган шароитда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш мамлакатимизда олиб бориляётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бош мақсадларидан бири ҳисобланади. Чунки Юртбошимиз таъкидлаганидек, айти шу масала иш билан банд аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг энг муҳим шартидир. Шу боис, юртимизда изчил амалга ошириляётган ислоҳотлар негизида аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринлари яратиш, одамларимиз турмуш даражасини ошириш ва халқ фаровонлигини таъминлаш вазибалари мужассам.

Мамлакатимизда аҳолининг 60 фоизга яқинини меҳнат ресурслари ташкил этади. Меҳнат ресурслари жисмоний ва ақлий қобилиятга эга бўлиб, меҳнат жараёнида моддий неъмат ва хизматларни яратади.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва меҳнат ресурслари сони мунтазам кўпайиб бормоқда (3.9-жадвал).

3.9-жадвал. Ўзбекистон Республикасида аҳоли сони ва меҳнат ресурслари таркиби динамикаси (минг киши ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Аҳоли сони	27072,2	280001,4	29123,4	29555,4	29994,6	2922,4	110,8
Меҳнат ресурслари сони	15644,9	16123,6	16504,2	17309,8	17663,1	2018,2	112,9
Шундан:							
Меҳнат ёшидаги меҳнатга лаёқатлилар	15458,7	15872,7	16263,6	17156,8	17550,2	2091,5	113,5
Ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар сони	186,2	250,9	240,6	153,0	112,9	-73,3	60,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

3.9-жадвалдан кўриниб турганидек, 2008—2012 йилларда мамлакатимизда аҳоли сони 10,8 фоизга, меҳнат ресурслари сони 12,9 фоизга ўсган. Бу даврда аҳоли таркибида меҳнат ресурсларининг улуши 57,8 фоиздан 58,9 фоизга ошган.

Юртимизда аҳоли сони йилига ўртача 450—500 минг кишига кўпаймоқда. Таҳлиллар эса 2010 йилда 2009 йилга нисбатан аҳоли сонининг 1122 минг кишига ошганини кўрсатмоқда. Мазкур ҳолат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги „Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини

тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 71-сонли қарорига¹⁴⁶ асосан мамлакатимизнинг ҳар бир тумани ва шаҳрида аҳоли сонининг 10 фоизини қамраб олган ҳолда ўтказилган аҳоли сонининг танлама статистик кузатувида 642,5 мингта кишининг механик кўпайгани аниқлангани билан боғлиқ.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига қараганда, 2008—2012 йиллар давомида меҳнат ресурслари сонининг ўсиш суръати Андижон (14,2 фоиз), Жиззах (15,8 фоиз), Қашқадарё (15,9 фоиз), Наманган (18,3 фоиз), Самарқанд (16,8 фоиз), Сурхондарё (17,1 фоиз), Фарғона (16,4 фоиз) вилоятларида мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий фаол аҳоли таркибида иш билан банд аҳоли сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Бундай ўсиш тенденцияси мамлакатимизнинг барча ҳудудларига хос хусусиятга айланмоқда (10-жадвал).

3.10-жадвал. Ўзбекистон Республикасида иш билан банд бўлган аҳоли сони динамикаси (минг киши ҳисобида)¹⁴⁷

Кўрсаткичлар	Йиллар					2012 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши	
	2008	2009	2010	2011	2012	фарқи	фоиз
Қорақалпо- ғистон	561,1	566,1	580,8	590,0	600,2	39,1	107,0
Вилоятлар:							
Андижон	1047,3	1063,0	1112,1	1144,8	1176,4	129,1	112,3
Бухоро	729,1	748,5	768,1	784,7	804,5	75,4	110,3
Жиззах	360,6	396,6	381,6	392,4	403,0	42,4	111,8
Қашқадарё	908,7	934,9	971,7	1003,8	1036,6	127,9	114,1
Навоий	396,7	404,6	408,0	413,4	418,6	21,9	105,5
Наманган	763,3	790,1	815,3	841,7	872,2	108,9	114,3
Самарқанд	1152,0	1186,7	1229,9	1269,8	1314,5	162,5	114,1
Сирдарё	304,1	318,9	320,0	327,5	334,8	30,7	110,1
Сурхондарё	722,5	744,6	784,5	817,8	843,0	120,5	116,7
Тошкент	1097,5	1127,0	1155,4	1183,5	1215,5	118	110,8
Фарғона	1280,1	1318,0	1340,5	1367,6	1398,8	118,7	109,3
Хоразм	571,1	583,0	606,7	625,2	643,4	72,3	112,7
Тошкент ш.	1140,8	1145,8	1153,8	1156,7	1162,3	21,5	101,9
Мамлакатимиз бўйича	11035,4	11328,1	11628,4	11919,1	12223,8	1188,4	110,8

2008—2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида иш билан банд бўлган аҳоли сони 1188,4 минг кишига ёки 10,8 фоизга ўсган. Олиб борилган таҳлиллар барча ҳудудларда иш билан банд аҳоли сонининг ортганини кўрсатди. Жумладан, ўтган

¹⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 14 мартдаги „Аҳоли сонининг танлама статистик кузатувини тайёрлаш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги 71-сонли қарори // www.lex.uz.

¹⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари асосида тузилган.

5 йил давомида банд аҳоли сонининг ўсиш суръати Андижон (12,3 фоиз), Жиззах (11,8 фоиз), Қашқадарё (14,1 фоиз), Наманган (14,3 фоиз), Самарқанд (14,1 фоиз), Сурхондарё (16,7 фоиз) ва Хоразм (12,7 фоиз) вилоятларида мамлакатимиздаги ўрғача кўрсаткичдан юқори, қолган ҳудудларда эса паст бўлган.

Айтиш жоизки, сўнгги йилларда юртимизда минглаб янги иш ўринларини яратишга эътибор қаратилгани боис аҳолининг бандлик даражаси йил сайин ортиб, 2012 йилда бу кўрсаткич 95,1 фоизни ташкил этмоқда. 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизнинг барча ҳудудларида прогноз параметрлари бажарилишини таъминлади. 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ, 967,4 мингта иш ўрни ташкил этилиши кўзда тутилган. Амалда эса 973,5 мингта иш ўрни яратилди ёки дастур ижроси 0,6 фоизга ортиғи билан бажарилди.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг маълумотларига кўра, 2012 йилда мамлакатимизда 973 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган (3.11-жадвал).

3.11-жадвал. Ўзбекистон Республикасида яратилган иш ўринлари сони, бирлик

№	Йўналишлар	Йиллар		
		2010	2011	2012
	Барча йўналишлар бўйича яратилган янги иш ўринлари, жами (иш ўрни)	950 001	956 247	973 497
	Шу жумладан:			
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қувватларни янгилаш	56 316	57469	58 631
2.	Кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш	347 408	365888	484 954
	Шундан:			
2.1.	Саноатда	52 882	54941	55921
2.2.	Қурилиш-пудрат ишларини кенгайтириш, жумладан, уй-жой қурилиши ва таъмирлаш	43 632	43863	43988
3.	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	129 177	111871	117180
4.	Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш	207 972	216165	218 560
4.1.	Шу жумладан, корхоналар билан кооперацияда меҳнат шартномалари асосида касаначиликни ташкил этиш	62 518	55357	—
5.	Фермер хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқалар)	127 732	122399	123 622
6.	Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш	61 320	72850	72994
7.	Ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш	8889	9605	13594
8.	Бозор, инфратузилмасини ривожлантириш	11 187	—	—

Манба: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари.

3.11-жадвалда келтирилган статистик маълумотлар юртимизда ташкил этилган иш ўринларининг қарийб ярми кичик корхона ва микрофирмалар ташкил қилиш, якка тартибдаги тадбиркорликни ҳамда уй меҳнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобидан яратилганидан далолат беради.

Республикамызда аҳоли сонининг мунтазам кўпайиб боришига қарамасдан, ушбу ўсиш суръатлари аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ошишини таъминлаб борган. Ушбу кўрсаткич 2012 йилда 2000 йилга нисбатан 1,8 баробарга ошгани бунинг яққол далили ҳисобланади. Шунини таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда бундай ўсиш суръатлари, авваламбор, ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодий модернизация қилиш ва таркибий ўзгартиришларни изчил ва мутаносиб амалга ошириш орқали таъминланмоқда. Буларнинг ҳаммаси пировард натижада аҳоли бандлиги ҳамда даромадлари ошишига хизмат қилмоқда.

Бундай натижага эришиш, авваламбор, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг тамал тоши тўғри қўйилгани, ривожланиш стратегияси ва унинг амалга ошириш йўллари, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтиришга қаратилганининг исботидир. Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида эришилган ютуқлар нафақат бугунги кун учун, балки мамлакатимизнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кейинги даврдаги барқарор тараққиётига, давлатимизни дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашига муҳим манба ва асос бўлиб хизмат қилади.

4-БОБ. ДУНЁДА „ЎЗБЕК МОДЕЛИ“ ДЕБ ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ТАРАҚЎИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ВА „ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ“ ҒОЯЛАРИНИНГ УЙҒУНЛИГИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий ҳаётида мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Ижтимоий ҳаётда рўй бераётган ва кучли илмий асосда олиб борилаётган ислоҳотлар Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси манфаатларини кўзлаб олиб борилаётгани учун ҳам салмоқли натижалар бермоқда.

Шу ўринда, Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқидаги қуйидаги фикрларига эътибор бериш муҳимдир: „Биз олдимизга қўйган буюк мақсадларни амалга оширишда ўтган йигирма икки йил давомида эришган ва жаҳон тан олган ютуқ ва марралар — миллий демократик давлат қуриш, иқтисодиётимизни янги аснода ташкил этиш, ҳаётимиз даражаси ва сифатини ошириш борасидаги кенг кўламли ишларимизни, шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун мамлакатимизнинг қиёфаси тобора очилиб, обод бўлиб бораётганини кўз ўнгимиздан ўтказадиган бўлсак, қани, айтинг, азиз дўстларим, қадрдонларим, истиқлолга эришмасдан туриб, бундай юксак натижаларга етиб боришимиз мумкинмиди?

Бунга жавоб битта: Йўқ ва асло йўқ“¹⁴⁸

Муҳтарам Юртбошимизнинг табрик сўзида Ўзбекистоннинг тарихан қисқа даврда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда эришган улкан ютуқлари илмий асосда ҳар томонлама чуқур асослаб берилган. Жумладан, бутунги кунда 2000 йилга нисбатан мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулоти 3,1 баробар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 карра ўсгани, экспорт ҳажми 4,4 баробар, номинал иш ҳақи солиштирма нархларда 22 марта, пенсияларнинг ўртача миқдори 12,7 баробар ошгани, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромад эса 8,4 баробар кўпайгани ва охириги олти йил давомида иқтисодиётимизнинг ўсиши 8 фоиздан ошиб келадигани — буларнинг барчаси дунё миқёсида камдан-кам учраётган рақамлар эканига эътиборимизни қаратади.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Ватанимизда ёқилғи-энергетика, ғалла мустақиллигига, ўзимизни энг зарур истеъмол моллари билан тўлиқ таъминлашга эришилди, аҳоли саломатлиги мустаҳкамланиб, оналар ўлими 3,2 баробар, болалар ўлими 3,4 баробар камайиб, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 66 ёшдан 73,5 ёшга узайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов эришилган бундай ютуқлар, натижаларни сарҳисоб қилиб, вақт ўтиши билан биз танлаган, чуқур ўйланган демократик ислоҳотлар, дунёда „ўзбек модели“ деб эътироф этилган тараққуёт стратегияси нақадар тўғри эканига, халқимизнинг манфаатига тўла жавоб бераётганига яна ва яна бир бор иқроор бўлмоқдамиз, деб қайд этди¹⁴⁹.

Ҳақиқатан ҳам, „ўзбек модели“ жаҳондаги барча халқаро эксперт ва таҳлилчилар, олимлар, мутахассислар томонидан эътироф этилмоқда. Аммо бугун, халқимиз мустақилликнинг йигирма икки йиллик маррасидан ўтган бир пайтда истиқлол

¹⁴⁸ *Ислон Каримов*. Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 5–6-бетлар.

¹⁴⁹ Уша манба, 8–9-бетлар.

арафасида ва унинг дастлабки даврларида Ўзбекистондаги реал ҳолат қандай бўлганига бир назар ташлаб кўрайлик.

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг „Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида“ китобидан олинган айрим иқтибосларни келтирамиз. Юртбошимиз 1990 йил 4 июнда қуйидагилар ҳақида куюниб гапирган эди: „Шу нарса шак-шубҳасиз ва очиқ-ойдиндирки, республика барча асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича Иттифоқдаги ўртача даражадан ҳам анча орқада бўлиб, мамлакатда охириги ўринлардан бирида турибди. Биз бу рақамларни илгари ҳам неча марталаб айтганмиз, аммо бугун уларни яна бир бор идрок этмоқ керак. Ўзбекистон киши бошига ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича мамлакатда 12-ўринда турибди, аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш бўйича кўрсаткич эса Иттифоқдаги ўртача даражадан икки ҳисса паст.

Саноатдаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан республика мамлакатдан 40 фоиз, қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги жиҳатидан эса икки баробар орқада қолмоқда. Республикада аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ўртача Иттифоқ даражасининг атиги 40 фоизини ташкил этади. Биз даромад даражаси жиҳатидан, асосий турдаги маҳсулотларни истеъмол қилиш жиҳатидан иттифоқдош республикалар орасида энг охириги ўринлардан бирида турибмиз.

Ўзбекистон аҳолиси ўрта ҳисобда гўшт маҳсулотларини, сут ва сут маҳсулотларини, тухумни, умуман мамлакат аҳолисига нисбатан икки баробар кам истеъмол қилмоқда. Ойига ўрта ҳисобда 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши мамлакатда 12 фоиздан сал кўпроқ бўлса, бизнинг республикамизда 45 фоизга боради. Бир миллионга яқин киши ижтимоий ишлаб чиқаришда ўзининг қўлидан келадиган ишни топа олмаяпти.

Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя. Жуда ўткир иқтисодий ва ижтимоий муаммолар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Буни аввало шундан кўрса бўладики, инсоннинг ҳар томонлама уйғун камол топиши, унинг шахс сифатида маънавий ривожланиши бир ёқда турсин, кўпинча, яшаш учун керак бўлган энг оддий нарсалар ҳам етишмаяпти.

Бундай аҳвол вужудга келганининг боиси нимада?

Шу қадар катта бойликларга, ишлаб чиқариш ва фан-техника имкониятларига, қулай табиий-иқлим шароитларига эга бўлган республикамиз, асосий иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича мамлакатда охириги ўринлардан бирига — ҳақли равишда танг ҳолат, деб аталган аҳволга тушиб қолганининг сабаби нимада?

Республиканинг тақдири, унинг келажаги учун қайғураётган, ёш авлод тақдири учун куюнаётган соғлом фикрли ҳар бир киши ҳозир ўзига ўзи шу саволни бермоқда.

Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари ғалаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди. Хўш, бу иллатлар нималарда намоён бўлди? Аввало шундаки, бизнинг республикамиз асосан хом ашё базаси, саноат министрликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи деб ҳисобланар эди. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмади, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмади“.¹⁵⁰

¹⁵⁰ Ислон Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011. 166—168-бетлар.

Бу даражада катта ҳажмдаги иқтибос келтиришимизнинг сабаби шундаки, собиқ совет даврида шаклланган бошқарув тизими, „марказ“нинг Ўзбекистонга ўтказган зуғуми айнан ўша фикрларда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Ҳақиқатан ҳам, мустақиллик арафасида Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий аҳволи ўта оғирлашиб, инқирозли ҳолатга тушган эди.

Бундай вазиятдан чиқиш учун эса бутун бир тизимни сифат жиҳатдан янгилаш, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўлини қидириш, уни илмий жиҳатдан асослаш, юртимиз фуқароларини ягона мақсад йўлида жипслаштириш лозим эди. Шундай ҳам бўлди. Президент Ислон Каримовнинг тарихий хизматлари шундан иборатки, у Ўзбекистоннинг барча хусусиятларини, миллий характерини эътиборга олган ҳолда, ривожланишнинг янги моделини ишлаб чиқди.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, „Ўзбек модели“ мустақиллик йилларида катта синовлардан ўтди. Айниқса, жаҳон ҳамжамияти, иқтисодчи, сиёсатчилар ушбу атамага 2008 йилдан бошлаб, жаҳонда давом этаётган молиявий-иқтисодий инқироз пайтида кўпроқ эътибор бера бошлади.

„Ўзбек модели“нинг назарий-концептуал асослари асосан Юртбошимизнинг „Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли“ (1992 йил), „Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли“ (1993 йил), „Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик“ (1993 йил) каби асарларида чуқур, ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислон Каримов мамлакатимизни чуқур инқироздан чиқариш, уни дунёнинг ривожланган давлатлари қаторига қўшишнинг илмий жиҳатдан асосланган дастурини ишлаб чиқиш зарурлигига эътиборни қаратди. „Халқимизни, жамиятимизни жалб қиладиган мақсадларни, — деган эди Юртбошимиз, — яъни тараққиёт дастурини белгилар эканмиз, бу дастурга кўпчилик қандай муносабатда бўлмоғини билишимиз зарурдир. Бу дастур ишчига маъқулми? Деҳқонга-чи? Даштда қўй-қўзисини боқиб юрган чўпонга-чи? Муаллимлар, шифокорлар... Хуллас, Ўзбекистонда яшаётган ва меҳнат қилаётган инсонларга бу дастур маъқул тушадими ёки йўқми? Ана шу саволга жавоб излашимиз керак. Бу муҳим масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Хўш, биз ўзимиз танлаган ва маъқул деб топган ғояни таърифлашга, тушунтиришга, одамларни шунга эргаштиришга тайёрмизми? Бу улўф ғояни одамлар юрагига етказа оламизми, йўқми?

Хуллас, қалбга бориб етадиган, ғурурни, қад-қоматни тик этадиган, онгимизга ёруғлик бағишлайдиган буюк мақсад бўлсагина, биз барча ватандошларимизни ўзимизга эргаштирамиз, жипслаштирамиз, кейин эса тоғни ҳам толқон этишимиз мумкин.

Шуни комил ишонч билан таъкидлашимиз зарурки, олдимизда турган буюк вазифаларни, миллат ва халқ тақдирини белгиловчи, ҳар қайси тоифанинг, ҳар бир фуқаронинг юрагига етиб борадиган олижаноб мақсадларни шу бир ярим йиллик муддат — истиқлол даврида тугал англаб олдик.

Энди ана шу мақсадларни амалга ошириш учун тўғри, аниқ йўл керак. Адашишга, гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа огишиб юришга, ўтмиш хатоларини такрорлашга вақтимиз ҳам, ҳаққимиз ҳам йўқ. Бу йўл замонамизга, халқимизнинг удумларига, анъаналарига, турмуш тарзига, миллий идрок ва ифтихоримизга мос бўлиши шарт¹⁵¹.

„Ўзбек модели“нинг энг муҳим жиҳатларидан бири — республикаимизда туб иқтисодий ислоҳотлар ўтказишда стратегик мақсадларнинг белгилаб олинганидир. Улар қуйидагилардан иборат эди: одамлар турмушини яхшилайдиган, мунтазам

¹⁵¹ *Ислон Каримов*. Буюк мақсад йўлидан оғишмайлик. — Т.: Ўзбекистон, 1993. 5—6-бетлар.

ривожланиб борадиган иқтисодий тизимни барпо этиш; кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш; корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинлик бериш; жаҳон иқтисодиётига интеграциялашиб бориш; иқтисодиётни, молиявий аҳволни барқарорлаштириш; иқтисодиётнинг таркибини қайта қуриш, илғор технологияларни жорий қилиш; кенг кўламда аграр ислоҳотлар ўтказиш; аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш; мамлакатимиз экспорт қувватини жадал ривожлантириш; хорижий сармояларга нисбатан очиқ эшиклар сиёсатини юритиш.

Юқорида санаб ўтилган стратегик мақсадлар аслида жуда пухта ўйлаб, илмий жиҳатдан асослаб берилган амалиётнинг натижасидир. Бунда, шубҳасиз, мамлакатимиз иқтисодиётининг ўтган асрнинг 90-йиллари бошидаги ҳолати, миллий хусусиятлар, шунингдек, дунёнинг ривожланган давлатлари амалиёти уйғунлигига эътибор берилган. Бошқача айтганда, таъкидлаб ўтилган стратегик мақсадлар пировард натижада „ўзбек модели“нинг таркибий қисмлари ҳам ҳисобланади.

Тараққиётнинг „ўзбек модели“ давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг 5 тамойилини ўз ичига олади, улар қуйидагилардан иборат:

— биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши зарур. Шунингдек, ички, ташқи ва иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш лозим;

— иккинчидан, ўтиш даврида давлат асосий ислоҳотчи бўлиши керак. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши шарт;

— учинчидан, қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни барча ҳеч истисносиз ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

— тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш керак;

— бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, яқин ўтмишдаги „инқилобий сакрашлар“сиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Энди „ўзбек модели“нинг айрим хусусиятларига тўхталсак. „Ўзбек модели“ фақатгина иқтисодий соҳаларнигина ўз ичига олмайди. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, иқтисодий тараққиёт масалалари билан бир вақтнинг ўзида миллий давлатчилигини ва маданий-маънавий меросини тиклаш, ривожлантириш, жамиятнинг ижтимоий-синфий тузилмасини такомиллаштириш ва мустақил ривожланиш талаб қиладиган янги кадрлар корпусини шакллантириш масалаларини ҳал қилиши лозим эди.

Германия, Швеция, Япония, Жанубий Корея, Франция, Хитой моделлари кўпроқ иқтисодий моделлар эди. Бу моделларда сиёсий, ижтимоий ва маънавий жиҳатлар алоҳида ажралиб турган эмас. Чунки мазкур мамлакатларнинг бирортасида миллий давлатчилиқни, маданий меросни ва она тилини тиклаш масаласи кун тартибда долзарб бўлган эмас (фақат Жанубий Корейда давлат қурилиши долзарб бўлган).¹⁵²

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар „ўзбек модели“нинг босқичма-босқич, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий,

¹⁵² Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. — Тошкент, 2009. 244-бет.

маънавий-маърифий соҳаларда мақсадли равишда амалга оширилаётганининг исботидир. Шунингдек, „Ўзбек модели“нинг устувор жиҳатларидан яна бири — ҳар бир йилнинг алоҳида номланиши ва шу аснода махсус дастурнинг ишлаб чиқилиши ҳамда унинг амалга оширилиши билан боғлиқдир. Бошқача айтганда, 2013 йилнинг юртимизда „Обод турмуш йили“ сифатида эълон қилиниши „Ўзбек модели“нинг ижтимоий соҳага, инсон манфаатларига катта эътибор қаратиши ифодасидир. Бу аввало қуйидагиларда кўринади:

— **биринчидан**, обод турмушни тинчлик, миллий хавфсизлик ҳамда миллатлараро тотувликни таъминлаш орқалигина шакллантириш мумкин. Ҳозир дунёнинг қатор минтақаларида тинчлик-осойишталик одамларнинг ягона орзуси бўлиб қолмоқда. Шундай шароитда мамлакатимизда мустақкам тинчликни, юртимизда истиқомат қилаётган 136 миллат ва элат вакиллариининг тотувлигини таъминлашдан ҳам муҳимроқ иш йўқ;

— **иккинчидан**, обод турмуш мамлакатимизда истиқомат қилаётган 30 миллиондан ортиқ аҳолининг яхши ҳаёт кечириши ва турмуш фаровонлигини таъминлашни тақозо этади. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан мустақилликнинг дастлабки йилларидан то ҳозиргача аниқ манзилли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши ҳар бир фуқаронинг манфаати давлат ҳимоясида эканини англатади;

— **учинчидан**, обод турмуш жамият аъзоларининг соғлиғи, турмуш даражасининг ортиб бориши натижасида яшаш индекслари яхшиланиши, соғлом турмуш тарзининг шаклланишига олиб келишини талаб этади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими муттасил такомиллашмоқда, энг замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминланмоқда, касалликларнинг олдини олиш ишлари янада кучайтирилмоқда;

— **тўртинчидан**, обод турмуш фуқароларнинг ҳаёт сифати, даражасини юксалтиришни тақозо этади. Янги уй-жойлар, замонавий йўл, коммуникация тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, сифатли озиқ-овқат билан таъминлаш, коммунал хизмат доирасини кенгайтирмасдан туриб обод турмушни таъминлаш мумкин эмас;

— **бешинчидан**, халқимиз жамоавийликни азалий қадрият деб билади, ўзи якка яшашни, фақат ўзи билан ўзи овора бўлишни мутлақо ёқтирмайди. Аслида, халқимизнинг ўзига хос хусусияти ҳам шунда. Ўзини ўзи бошқариш органларининг энг олий даражаси сифатида маҳалла институтига алоҳида эътибор берилишининг боиси ҳам шунда деб биламиз. Шунинг учун ҳам аслида обод турмуш одамларнинг ўз уйдан, ўз маҳалласидан бошланади;

— **олтинчидан**, халқимизнинг миллий ўзига хослиги аёл зотига бўлган муносабатида ҳам яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда хотин-қизлар турмуш шароитини яхшилаш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш устувор аҳамият касб этмоқда;

— **еттинчидан**, обод турмуш фақатгина моддий ҳаёт билан боғлиқ эмас. Аслида, кўнгил ободлиги турмуш ободлигини шакллантиради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда фуқароларнинг дунёқараши, онги, тафаккурини юксалтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бунинг натижасида аввало кишиларда ўзликни англаш, дахлдорлик ҳисси кучаяди, уларда теварак-атрофдаги воқеа-ҳодисаларга онгли муносабат, уларни мустақил таҳлил қилиб, амалий хулосалар чиқариш кўникмаси шаклланади, ижтимоий фаоллик, сиёсий-хуқуқий маданият даражаси ортади.

Бугунги кунда халқимиз, айниқса, ёшларимизда фаоллик, ватанпарварлик, интилувчанлик фазилятлари доимий равишда ортиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз. „Ижтимоий фикр“ жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан „Обод турмуш йили“ Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалар доирасида ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижаларидан шу нарса аён бўлдики, мустақиллик йилларида юртимизда амалга оширилаётган таълим-тарбия соҳасидаги давлат сиёсати ёшларнинг онгу тафаккури шаклланишида муҳим ўрин тутмоқда. Масалан, йигит-қизларнинг олий маълумот олишга қизиқиши ўтган даврда анча ўсган. 2011 йилда ушбу мавзу доирасида ўтказилган сўров натижаларига кўра, уларнинг учдан бир қисми олий маълумотга эга бўлишни истаган бўлса, 2013 йили ҳар икки йигит-қиздан бири шундай фикрни билдирган.

Тадқиқот натижаларига кўра, навқирон авлод вакиллари одоб-ахлоқнинг асосий сифат кўрсаткичларини ўз халқининг тарихини билиш (56 фоиз), ҳалоллик (53 фоиз), миллий гурур ҳиссининг ўсиши (43 фоиз), миллий анъаналарга ҳурмат (53 фоиз), миллатлараро бағрикенглик, қалб тозаллиги, камтарлик ва бошқа фазилятларда, деб билади. Йигит-қизларнинг кўпчилиги Ўзбекистоннинг ягона, бетакрор ва беқиёс Ватан эканини таъкидламоқда. Аксарият респондентларнинг фикрига кўра, улар Ватан тарихини етарли даражада яхши билишади (72 фоиз). Шунга мос равишда ёшларимизнинг асосий қисми учун ватанпарварлик ҳисси она юртига муҳаббатиди (63 фоиз), Ватанга хизмат қилиш, унинг ҳимоясига ҳозирлигида (53 фоиз) акс этмоқда. Ёш авлоднинг кўпчилиги (95 фоиздан кўпроғи) халқимиз менталитетига ёт гоё ва қарашлар таълим-тарбия, одоб-ахлоққа салбий таъсир кўрсатишини тўлиқ англаб, бу каби иллатларга салбий муносабат билдиради.

Биз нима учун ушбу тадқиқот натижаларига алоҳида тўхталиб ўтишга қарор қилдик? Гап шундаки, ҳар доим, ҳар бир замонда, ҳар бир мамлакатда ривожланишнинг энг муҳим омили жамият аъзоларининг давлат сиёсатига муносабатида акс этади. Кишиларнинг давлат сиёсатидан миннатдорлиги, фуқаро ва давлат манфаатларининг уйғунлиги, одамларда эртанги кунга ишонч туйғусининг ортиб бориши — буларнинг барчаси мамлакат ва миллат тақдирини белгиловчи омиллардир. „Ўзбек модели“, „Обод турмуш йили“ Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ҳам аслида худди шу борадаги қадриятлар ташкил этади.

Шубҳасиз, мамлакатимизда жамият аъзоларининг тинчлик ва осойишталикда яшаш имконияти, эртанги кунга ишончи, ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларнинг реаллиги, фуқаролар, айниқса, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, ижтимоий фаоллиги ортиб бориши Давлат дастури бажарилишининг кафолатидир. Айни пайтда юқорида таъкидланган омилларнинг моддийлашувини таъминлайдиган ишончли база мавжудлигини сира эсдан чиқармаслик муҳимдир. Айрим рақамларга мурожаат қилсак: бугунги кунда Ўзбекистонда 700 та фойдали қазилма кони топилган. Мамлакатимиздаги ва хорижий экспертларнинг баҳолашига кўра, юртимизда жами қиймати 3 триллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 95 турдаги минерал хомашё захиралари мавжудлиги аниқланган. Ҳозирги кунда Ўзбекистон худудида умумий захираси 5 минг тоннадан ортиқ бўлган 38 та олтин кони мавжуд. Давлатимиз олий қийматдаги олтин қазиб олиш бўйича МДХ мамлакатлари бўйича иккинчи ўринда, жаҳонда эса саккизинчи ўринда туради.

Шунингдек, республикаимиз қудратли ривожланган энергетика базасига эга. Ўзбекистон дунёдаги табиий газ экспорт қиладиган 10 та йирик давлат қаторига киради. Юртимизда табиий газнинг излаб топилган захираси 5 триллион куб метрни

ташқил этади. Мамлакатимиз ҳудуди бошқа энергетика захираларига ҳам бой: бугунги кунда жами кўмир захираси 2 миллиард тоннадан зиёд, умумий миқдори 5 миллиард тоннадан ортиқ бўлган 140 та нефть кони очилган.

„Обод турмуш йили“ Давлат дастурида энергетика масаласига жуда катта аҳамият берилиши ҳам бежиз эмас. Мамлакатимизнинг бундан кейинги ривожланиши юксак технологияларга асосланган саноат билан боғлиқдир. Бу эса, ўз навбатида, энергетика соҳасининг жадал ривожланишини талаб этади. 2013 йили 26 та инвестиция лойиҳаси Ўзбекистонда янги энергетика қувватларини барпо этишга имкон беради. Талли-маржон ва Тошкент иссиқлик электр станцияларида буғ-газ қурилмалари, Ангрен иссиқлик электр станциясида энергоблок, Фарғона водийсида янги энергетика қувватлари барпо этилса, Сирдарё ва Янги Ангрен иссиқлик электр станцияларини бир-бири билан боғлайдиган юқори вольтли электр узатиш тармоғи қурилади. Шунингдек, Устюрт газ-кимё мажмуасининг ташқи энергия таъминоти ташқил этилади. Умуман, мамлакатимизда яратилган қулай инвестиция муҳити, Ўзбекистон иқтисодиётидаги туб сифат ўзгаришлари энергетика, газ-кимё соҳасини жиддий ривожлантиришни талаб этмоқда. Қувонарли томони шундаки, ҳозирги кунда хорижлик шерикларнинг Ўзбекистонга ишончи тобора ортмоқда. Хусусан, нуфузли „Диложик“ консалтинг компанияси (Буюк Британия) томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси дунёнинг 10 та глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олган.

Қайд этиш лозимки, лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларидан ортиқдир. Шундан 2,54 миллиард доллари Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолатисиз 16 та банк, суғурта компаниялари ва молиявий институтлардан иборат халқаро кредит консорциуми томонидан лойиҳавий молиялаштирилиши кўзда тутилган. Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасида йирик Сурғил газ конини ўзлаштиришни янада жадаллаштириш, табиий газни ажратиб олиш, крекинг ва якуний маҳсулот ишлаб чиқариш заводларининг барпо этилиши назарда тутилган. Ушбу мажмуа 4,5 миллиард куб метр табиий газни қайта ишлаш натижасида 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради. Йиллик экспорт ҳажми 750 миллион доллардан ошади.

Обод турмуш, энг аввало, қишлоқларимиз инфратузилмасини яхшилаш, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришни талаб қилади. Ўзбекистон индустриал-аграр мамлакат ҳисобланади. Йирик саноат корхоналари, замонавий технологиялар асосида қурилаётган завод ва фабрикалар юртимиз иқтисодиётининг пойдеворини ташқил этмоқда. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодий секторида алоҳида ўринга эга. Умуман, халқимиз миллий характерида ерга, она тупроққа яқинлик доимо устувор аҳамият касб этган. Шунинг учун ҳам эл-юртимиз қишлоқни, қишлоқ ҳаётини, ўлкамизнинг қиру адирлари, яйловлари, бепоён далалари, шарқираб оқиб турган сою дарёларини ҳеч нарсага алишмайди. Ҳозирги кунда Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 50 фоизи, яъни 15 миллионга яқини қишлоқ жойларда яшашининг боиси ҳам шунда.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб Юртбошимиз қишлоқ аҳолисининг фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатни қатъий амалга ошириб келмоқда. Қишлоқнинг ободлиги — юртнинг ободлиги, қишлоққа эътибор — Ватанга эътибор, қишлоқ аҳолиси фаровонлигини таъминлаш, соғлиғини мустаҳкамлаш, яшаш шароитини яхшилаш аслида келажак сари қўйилган қадамдир. Ушбу стратегия

мустақиллик йилларида изчил амалга оширилмоқда. Ўзбекистонда қишлоқ аҳли учун замонавий уй-жойлар барпо этилаётгани бу борадаги янги, улкан қадам бўлди.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, замонавий уй-жойлар қуриш ва шу билан бирга, ривожланадиган инфратузилмани барпо этиш, ушбу жараёнга инвестицияларни жалб қилиш, шу аснода энг мураккаб ва жиддий ижтимоий муаммолардан бири — аҳоли бандлиги масаласини ҳал этиш мақсадида мамлакатимизда 2009 йилдан бери жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бу масалалар 2013 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган „Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили“ мавзусидаги халқаро конференцияда, шунингдек, мазкур анжуманда Юртбошимиз томонидан сўзланган нутқда яна бир бор чуқур таҳлил этилди.

Ўтган давр мобайнида намунавий лойиҳалар асосида юртимизда 159 та қишлоқ ҳудудида 56 та янги қишлоқ уй-жой массиви барпо этилди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 75,8 фоизни ташкил этмоқда.

2013 йили 353 та қишлоқ массивида бошланган қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Уларда намунавий лойиҳалар асосида умумий майдони 1,4 миллион квадрат метр, барча шарт-шароитларга эга 10 мингта уй-жой қуриш кўзда тутилган бўлиб, бу 2010 йилга нисбатан 17,5 фоиз кўпдир. Шу билан бирга, узунлиги 300 километрдан ортиқ ичимлик суви тармоқлари, 280 километрдан зиёд электр тармоқлари ишга туширилади, қарийб 240 километрлик автомобиль йўллари қурилади, кенг кўламли ижтимоий ва бозор инфратузилмаси яратилади. Бу мақсадлар учун 2013 йили салкам бир миллиард доллар миқдоридаги инвестиция йўналтирилади.

Обод турмушни соғлом авлодсиз тасаввур этиб бўлмайди. Юртимизда она ва бола ҳуқуқларини, жумладан, фаровон, соғлом ҳаёт кечириш ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг мустақкам ҳуқуқий асоси яратилганини қайд этиш муҳим. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг „Бола ҳуқуқлари тўғрисида“ги конвенцияси мамлакатимизда ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳужжатлардан биридир. Шунингдек, мустақиллик йилларида юртимизда оналар ва болалар ўлими 3 баробар камайганини ҳам алоҳида қайд этиш ўринли.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазалар, факт ва рақамлар „Обод турмуш йили“нинг том маънодаги ҳаётий фалсафасини, мазмун-моҳиятини очиқ беради. Обод турмуш фуқароларнинг яшаш шароитидан тортиб, уларнинг саломатлигини мустақкамлаш, уй-жой, озиқ-овқат муаммоларини ҳал этиш, фаровон турмуш инфратузилмасини яратишгача бўлган жараённи қамраб олади.

Яна шу нарсага эътибор бериш муҳимки, обод турмуш фалсафаси, унинг назарияси авлоддан авлодга ўтиб боради. Азал-азалдан обод турмуш кечириш, яшаш сифатини яхшилаш миллий тарихимиз, урф-одат ва анъаналаримиз билан чуқур уйғунлашиб кетган. Зардуштийлик таълимотининг бош китоби — „Авесто“даги кишиларнинг табиат ва жамиятга муносабати ҳозирги экологик қарашларнинг асосини ташкил этишини эндиликда исботлашга ҳожат йўқ. Мамлакатимиз ҳудудида яшаб ўтган ва жаҳон цивилизациясига муносиб ҳисса қўшган давлат арбоблари, алломаю мутафаккирларнинг асарларига мурожаат қилсак, бунинг яна бир тасдиғини кўриш қийин эмас. Хусусан, буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг „Тузуқлари“да бундай дейилади: „Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса ёки кориз курса, ё бирон боғ кўқартирса, ёҳуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиғи билан

берганини олсинлар, учинчи йили (эса олиқ-солиқ) қонун-қоидасига мувофиқ ҳирож йиғилсин.

... Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, (лекин) обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига (янги) кўприклар қурсинлар, йўл устида ҳар манзилгоҳга работлар қурсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ўшаларнинг зиммасида бўлсин“¹⁵³.

Дарҳақиқат, юртни обод қилиш халқимиз миллий-маданий қадриятларининг асосини ташкил этади, десак хато бўлмайди. Масалан, Алишер Навоий даврида бу ишлар „бинойи хайр“ деб аталган. Дарҳақиқат, Мир Алишер Навоий „бинойи хайр“ ишларга, яъни жамият учун фойдали иморатлар (мадраса, шифохона, хонақоҳ ва бошқалар) солишга, ариқ ва каналлар очиш, қудуқлар қазилш, дўкон ва расталар тиклаш, боғлар яратишга ўз умрини бахшида этган. Мирзо Бобурнинг эътирофича, Алишер Навоий катта мулкдор бўлгани сабабли деҳқончиликни санъат даражасига етказган, ундан катта фойда олган. У даромаддан бир оддий кишининг „иссиқ-совуғи“га етарли қисминигина ўзида қолдириб, қолган ҳаммасини ўзи жамият учун керакли деб ҳисоблаган биноларни („бинойи хайр“) қуришга, мадраса, муаллим ва ўқитувчиларнинг таъминотини яхшилашга, муҳтожларга ёрдам кўрсатишга сарфлаган.

Шеърят султони Алишер Навоий ўз умрини асосан туркий шеърятнинг ривожига ҳамда „бинойи хайр“ ишларга сарфлагани тўғрисида кўплаб маълумотлар мавжуд. Жумладан, Хондамир „Хулосат ул-ахбор“ асарида Алишер Навоий қурган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк ва тўғон ҳамда 9 ҳаммом ва кўпгина масжидлар номини келтиради“, дейилади адабиётшунос олим Иззат Султоннинг „Навоийнинг қалб дафтари“ китобида.

Юрт ободлиги, Ватан равнақи, шу мамлакатда бир мақсад ва улғу гоёлар асосида яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат ва элатлар манфаатини ҳимоя қилган ҳар қандай раҳбар, ҳукмдор элнинг ардоғи, мақтови, иззат-икромига сазовордир.

Президентимизнинг „Ободлик кўнгилдан бошланади“ деган чуқур мазмунли ибораси кейинги пайтда эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, юртдошларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келмоқда.

Кўнгилнинг ободлиги моддий ва маънавий ҳаёт омилларининг уйғунлиги асосида шаклланади. Ҳозирги кунда юртимизда 10 мингдан ортиқ моддий-маданий мерос объектлари давлат муҳофазасига олинган. Самарқанд вилоятида Имом Бухорий, Фаргона ва Қувадаги Аҳмад Фарғоний меъморий мажмуалари, Самарқанд шаҳридаги Имом Мотурудий, Марғилондаги Бурхониддин Марғиноний ёдгорликлари, Тошкентдаги „Мотамсаро она“, „Шаҳидлар хотираси“ мажмуалари, буюк шахслар — Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоийга қўйилган ҳайкаллар — буларнинг барчаси бир томондан юртнинг ободлиги, иккинчи томондан кўнгиллар ободлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлар мевасидир.

„Обод турмуш йили“ Давлат дастурининг ярим йил ичида бажарилишини таҳлил қилган ҳолда, икки жиҳатга эътибор қаратиш керак, деб ўйлаймиз. Биринчиси, шу

¹⁵³ Темур тузуқлари. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 99-бет.

йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган VI инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар республика ярмаркаси билан боғлиқ. Хўш, 2013 йил давомида мамлакатимизда юзлаб турли халқаро, республика тадбирлари, кўрик-танловлар ўтказилгани ҳолда нега энди айнан ўша ярмарка хусусида сўз юритгимиз келди? Бунинг сабаби шундаки, ярмарка нуфузининг тобора ортиб бориши, иштирокчилар сонининг кўпайиши, ёш иқтидор ва истеъдодлар сафининг кенгайиши кишида шундай фикр-мулоҳаза уйғотади: ҳар бир иштирокчининг ўз иқтидорини намойиш этиш асносида юрт ободлиги учун ҳисса қўшиш масъулияти ошмоқда. Келинг, яхшиси, рақамларга мурожаат қилайлик: уч кун давом этган ярмаркада юздан ортиқ илмий, илмий-тадқиқот муассасалари, олий ўқув юртлари ва тажриба-конструкторлик ташкилотларининг 550 та ноёб ишланма ҳамда технологияси тақдим этилгани, уларни амалиётга жорий қилиш бўйича умумий қиймати 12 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ 360 дан кўпроқ шартнома имзолангани бунга мисол бўла олади. Шубҳасиз, ушбу ишланмалар мамлакат ободлиги, аҳоли фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракат мевасидир. Қолаверса, мазкур ярмарка Ўзбекистон ноёб иқтидорлар ватани эканидан ҳам даракдир. 2013 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон ёшларининг 2 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритгани эса мамлакатимизда илм-фаннинг эртанги истиқболига бўлган ишонччи янада юксалтирмоқда.

Иккинчи жиҳат эса мамлакатимизда яратилган барқарор ижтимоий-сиёсий муҳит, бунинг натижасида жаҳон ҳамжамиятининг Ўзбекистонга бўлган қизиқиши тобора мустаҳкамланиб бораётгани билан боғлиқ. Дарҳақиқат, сўнгги йилларда Ўзбекистонда турли халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар ўтказилиши анъанага айланиб қолди. Шу йилнинг май ойида Навоий вилоятининг Навбаҳор туманидаги Сармишсой дарасида „Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми“ жамғармаси ҳамда ЮНЕСКО-нинг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида „Асрлар садоси“ маданият фестивали ўтказилди. Фестивал доирасида „Ўзбекистон маданий ва маънавий меросида меъморий битикларнинг ўрни: тадқиқот, кашфиёт ва истиқбол“ мавзусида халқаро конференция ташкил этилди, юртимизнинг турли ҳудудларига уюштирилган экспедицияларда кўплаб зиёратгоҳлар, ёдгорликлар пештоқидаги мингга яқин ҳикматли сўзлар ўрганилди. Бу каби тадбирлар, шубҳасиз, обод юртда ўтказилади, бошқа томондан, бундай тадбирлар юртни янада обод қилади. Хорижий давлатлардан юртимизга келган кўплаб меҳмонлар ҳам бу фикрни қайд этдилар.

Яна бир гап: обод турмуш кишиларнинг мазмунли яшаши, соғлом турмуш кечириши, замонавий уй-жойда истиқомат қилиш, зарур коммуникацияларга эга бўлишидан ҳам кенгроқ тушунчадир. Таъбир жоиз бўлса, обод турмуш фуқароларининг бугунги кундан мамнунлиги, эртанги кунга ишончининг ортиб бориши ва юртда яшаётганидан шукроналик ҳиссини туйишида ҳам ўз аксини топади.

Обод турмуш кишиларда теварак-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик ҳиссини йўқотади, салбий ҳолатларни бартараф этиш ва ўзида комилликка интилиш ҳиссини кучайтиради. Бу эса, ўз навбатида, юртдошларимизда ўз кўнглини обод қилишга бўлган интилишни янада оширмоқда. „Ижтимоий фикр“ жамоатчилиги маркази ходимлари томонидан „Оила ва ахлоқ“ мавзусида социологик тадқиқот ўтказилганида шу нарса аён бўлдики, фуқароларнинг маданий-маърифий ва таълим соҳасидаги савиясини аниқлашга оид „Сизнинг уйингизда қандай китоблар бор?“ деган саволга 44,5 фоиз респондент бадиий адабиёт, 32,5 фоизи дарслик ва

ўқув қўлланма, 12,8 фоизи мутахассисликка оид китоблар борлигини билдирган. 40,3 фоиз ватандошимиз эса роман мутолаа қилишга қизиқишини айтган.

Кишилар орасида, айниқса, ёшларда бадиий адабиёт ўқишга қизиқишни кучайтириш ҳам кўнгил ободлиги йўлидаги қадамдир. Кўнгилга йўл, аслида, улуғларнинг маслаҳати, миллий урф-одат ва анъаналарга содиқлик ҳамда эзгу ғоялар билан суғорилган китоблар орқали топилади. Агар ушбу йўлни маҳкам ушласа, ундан узоқлашмаса, том маънодаги кўнгил ободлигига эришиш мумкин.

„Обод турмуш йили“ Давлат дастури ҳаққонийлиги, амалга оширилиши аниқ бўлган имкониятларни ифода этиши билан ўзига хос ноёб ҳужжат, ноёб ҳодисадир.

5-БОБ. БЕҒАМЛИК ВА БЕПАРВОЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАСДАН, ХУШЁРЛИК ВА УЙҒОҚЛИК БИЛАН ЯШАШ — ҲАЁТ ТАЛАБИ

Дунёнинг турли минтақаларидаги нотинчлик, таҳликали қарама-қаршилик, қонли тўқнашувларга бепарво ва беғам бўлмаслик. Тинчлик ва тараққиёт, фаровонлик ва ободлик ўз-ўзидан келмайди. Бу неъматларнинг барқарор ва мустаҳкам бўлиши учун танлаган йўлимизда собитқадам бўлиб, тинчликнинг маъно-мазмунини амалий ишларимиз билан бойитишимиз, халқимизни, айниқса, ёшларимизни истиқлол шарофати билан эришган бугунги саодатли кунларимиз ва осуда ҳаётимиз қадрига етиб яшаш руҳида тарбиялашимиз даркор.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳамда миллатлараро тотувликни кўз қорачиғидек асраш энг катта вазифамиздир. Бинобарин, 22 йиллик мустақил тараққиётимиз йўлида элу юртимиз бошидан кечирган оғир синовларни ёддан чиқармаслигимиз, мустақиллигимизни, тинч, осойишта ҳаётимизни асраш учун ҳар биримиз масъул эканимиз ва бу борада доимо курашиб яшашимиз лозимлигини унутмаслигимиз керак. Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида таъкидланганидек, „Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, хушёр ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда“¹⁵⁴.

Тинчликни асраш ва мустаҳкамлаш учун турли бало ва офатларни аввалдан англаш, уларнинг олдини олишга доимо ҳаракат қилиш керак. Бугун жаҳонда рўй бераётган мураккаб ва қалтис жараёнлар ҳамиша сезгир, огоҳ ва уйғоқ бўлишни, бепарволикка, беғамликка йўл қўймасликни қатъий талаб сифатида олдимизга қўймоқда.

Аслида **беғамлик** — бепарволик, лоқайдлик маъносини англатади¹⁵⁵. Беғам кишилар турмушда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг ечимини излашга интилмайди, ҳамиша лоқайд яшайди. Аммо юксак ахлоқли ва одобли инсон одамларга ва жамиятга нисбатан бепарво бўлиши мумкин эмас. Беғамлик кайфияти охир-оқибат теварак атрофдагиларга, жамиятга моддий ва маънавий зарар келтириши, мавжуд муаммоларнинг кескинлашувига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, бепарволик (бефарқлик, эътиборсизлик, лоқайдлик) кишидаги ўзгалар ҳаётига, атрофдаги воқеликка эътиборсиз қарашни англатади¹⁵⁶. Айниқса, давлат ва жамият ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлаётган, Ватан тақдири ҳал бўлаётган паллаларда кишилардан юксак фаоллик, масъулият талаб қилинган шароитдаги бефарқлик нафақат иллат, балки ўз халқи, ўз юртига хиёнат ҳамдир. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг келажагини гайрат-шижоатли, иродаси бақувват,

¹⁵⁴ Ислом Каримов. Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 10—11-бетлар.

¹⁵⁵ Маънавийят: асосий тушунчалар изоҳли луғати. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. 70-бет.

¹⁵⁶ Ўша манба, 73-бет.

имон-эйтиқоди бут, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган инсонларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шунинг учун Президентимиз „Юксак маънавият — енгилмас куч“ (2008) асарида куйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаган эди: „Бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиб керак. Улардан ҳеч қачон яхшилик чиқмайди. Чунки уларда на имон, на ирода бўлади. Улар ҳатто ўз халқи ва Ватани тақдирига ҳам бамисоли бегона одамдек қарайди.

Азалдан маълумки, бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир. Чунки душманнинг кимлиги, асл қиёфаси сиз учун олдиндан маълум бўлади. Бироқ лоқайд ва бепарво одамнинг қиёфасини бирданига билиб бўлмайди. Шунинг учун у ичингизда юриб, сизга қарши тиш қайрайдиган душманлар учун имконият яратиб беради.

Машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, куйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: „Душманлардан қўрқма — нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан қўрқ — улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади“¹⁵⁷.

Демак, бепарволик иродаси заиф, қатъиятсиз одамларга хос бўлиб, инсонни маънавиятдан, умуман, инсонлик мартабасидан маҳрум этадиган иллатдир.

Халқимизнинг бир кун жанжал бўлган жойдан қирқ кун барака кетади, деган нақлида катта ҳикмат бор. Орамизни бир дарё ажратиб турган қўшни Афғонистонда, мана, 35 йилдирки, нотинчлик. Уруш жафокаш афғон халқи бошига не-не кулфатларни солмади, дейсиз. Беқарорлик туфайли мамлакат иқтисодиёти издан чиқди, юртдан қут-барака кетди. Шимолий Африка, Яқин Шарқ минтақасидаги кўплаб мамлакатлар халқларининг ҳам ҳаловати бузилган. Деярли ҳар куни бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилаётир. Ушбу давлатларда мактаблар, шифохоналар, маданият ва маърифат масканлари, йирик ишлаб чиқариш иншоотлари, аҳоли турар жойлари харобага айланмоқда. Уруш оловида ёниб кул бўлган шаҳарлар бундан атиги бирикки йил аввал ҳаёт жўшқин қайнаган обод масканлар бўлганига ишонгингиз келмайди. Лекин, минг афсуски, бу — ҳақиқат.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарларга қараганда, уруш ва оммавий тартибсизликлар туфайли Тунисда 300 нафардан, Мисрда 800 нафардан зиёд, Ливияда 14 минг нафар одам ҳалок бўлган. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари ҳисоботида қайд этилишича, Сурияда давом этаётган қуроли тўқнашувлар оқибатида ҳар ойда 5 минг киши ҳалок бўлмоқда. Можаро бошланганидан буён эса 93 мингдан зиёд одам қурбон бўлган¹⁵⁸. Мамлакат аҳолиси бомбардимонлар, зўравонликлар, тинимсиз отилаётган снаряд ва ўқлардан жабр чекиб, ўз жонини асраш учун уйини, Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлаётир.

Сайёрамизнинг турли минтақаларида рўй бераётган бундай мудҳиш воқеаларга уйғоқ кўз, теран тафаккур билан қараш ва баҳо бериш лозим. Бу муаммоларга менинг даҳлим йўқ, деган тушунча билан яшашнинг, бепарво ва лоқайдлик билан қарашнинг даври ўтган. Инсон қалбини тилка-пора қиладиган қонли можаролар тўсатдан пайдо бўлиб қолмаганини, ушбу мамлакатларга нисбатан узоқ йиллар давомида аниқ мақсадга қаратилган ахборот хуружлари олиб борилганини эйтибордан соқит қилиб бўлмайди. Хунрезликлар, ғалаёнлар ортида қандай ғаразли мақсад яширинганини соғлом фикрлайдиган ҳар бир инсон ўзи тушуниб олади.

¹⁵⁷ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. 124-бет.

¹⁵⁸ *Туракулов О.* Тинчлик ва тараққиёт. // „Халқ сўзи“, 2013 йил, 26 июнь.

Бахтли яшаш учун дунёга келган миллионлаб одамлар бошига беҳисоб кулфат ёғдираётган бу урушларнинг келиб чиқиш сабабини чуқурроқ таҳлил қилганимиз сари уларни бошлаганларнинг асл мақсадлари намоён бўлаверади. Бир халқни бир-биридан айириб, улар ўртасида можаро чиқариб, уруш оловига ёғ пуркаб турган кучларнинг нияти ўша юртни ўз таъсир доирасига тортиш, ноғорасига ўйнатиш, унинг табиий бойликларини фораг қилиш экани бугун ойдек равшан. Бу қабиҳ йўлдан уларни минглаб бегуноҳ инсонларнинг бевақт хазон бўлаётган умри ҳам, ота-онасидан айрилган норасидаларнинг қайғу ва алами ҳам, ўн гулидан бир гули очилмаган фарзандидан жудо бўлган онаизорнинг оху ноласи ҳам қайтара олмаётгани гоят аянчлидир.

Халқаро тадқиқот институтларининг хулосаларига кўра, сўнгги тўнтариш ва зиддиятлар натижасида 2012 йилда дунё миқёсида қарийб 307 миллиард АҚШ долларига тенг қурол-яроғ сотилгани, харбий операциялар чоғида отилган ҳар бир бомбанинг нархи 30 минг долларни ташкил қилгани мисолида ҳам ер юзида нима учун уруш ўчоқлари тобора кўпайиб бораётганининг сабабини англаб олиш қийин эмас.

Бугунги глобаллашув даврида ҳеч бир мамлакат ҳаёти ва истиқболини замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан айри ҳолда тасаввур қилиш қийин. Инсон тафаккурининг меваси бўлган мазкур интеллектуал ресурслар изчил иқтисодий тараққиёт омилига, билим ва ахборот манбаи ҳамда фаол мулоқот воситасига айланган. Айни пайтда ғаразли кучлар улардан ҳам ўз мақсадлари йўлида устамонлик билан фойдаланмоқда. Интернет ва турли тармоқлар одамларнинг онгини захарлаш, уларни ёллаш, ғайриахлоқий гуруҳларга жалб этишда, маънавий ва ахлоқий тубанликни кенг тарғиб қилишда жуда қўл келмоқда. Интернетдан фойдаланувчиларнинг аксариятини ёшлар ташкил этади. Шу сабабли, биринчи навбатда, ҳали мустақил дунёқарашга эга бўлмаган ёшлар ташқи кучларнинг таъсир доирасига тушиб қолмоқда. Буни турли мамлакатлардаги тўс-тўполонларнинг биринчи қаторида, асосан, ёшлар тургани, ҳатто, ўсмирлар қўлини қонга ботираётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Дунёда кейинги ўн йилликларда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар шуни қайта-қайта тасдиқламоқдаки, бирор жойда тўнтариш қилиш учун жиддий сабаб бўлиши шарт эмас экан. Ғаразли ниятдаги кучлар шунга қасд қилса, бас. Бузғунчилик қилиш учун эса турли сиёсий найрангу баҳоналар топилади. Бу — бугунги замоннинг аччиқ ҳақиқати. Марказий Осиё минтақаси ҳам бундай хавф-хатарлардан холи эмас. Чунки заминимиз минерал ресурслар ва энергия манбаларига бой, ўта муҳим геостратегик маконда жойлашган. Шу боис минтақамизда янги хавф-хатарларнинг пайдо бўлишига бефарқ қараб бўлмайди. Ҳар кун, ҳар он хушёрлик, огоҳлик зарур. Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистон — табиий ресурсларга бой давлат. Бу бойликлардан бошқа бировлар биздан сўрамасдан фойдаланган замонлар ўтганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Лекин ўзини шу муқаддас Ватаннинг асл фарзанди деб билган юртдошимиз борки, энди бу неъматларни бировларга тутқазиб қўйишни ҳеч ҳам истамайди. Ўзбекистон тараққиётида жуда катта ўсиш суръатларига, бошқаларнинг ҳаваси, эътиборини тортадиган натижа ва марраларга эришмоқдамиз.

„Чиндан ҳам, тинчлик бўлган жойда тараққиёт бўлади. Бир-бирини кўролмасдан гижгижлашган, низо-адоватга борган жамоада ҳам, эл-юртда ҳам ҳеч қачон ривожланиш, равнақ бўлмайди. Бу ҳақиқатни онгу шууримизга чуқур сингдириб, унинг қадр-қимматини унутмаслигимиз зарур“¹⁵⁹.

¹⁵⁹ *Ислом Каримов. Ўзбек халқига тинчлик ва омонлик керак. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 30-бет.*

Хушёрлик ва уйғоқлик билан яшаш — ҳаёт талаби. Хушёрлик — инсон, ижтимоий гуруҳ ва табақанинг жамият, миллат, давлатнинг тинчлиги, барқарорлиги, фаровон ҳаёти ва мустақиллигини мустаҳкамлаш ҳамда сақлаб қолишга қаратилган ижтимоий-маънавий туйғусини ифода этади¹⁶⁰. У оқ-қорани, дўст-душманни, ҳақ-ноҳақни, пок ниятли инсонни мунофиқдан фарқлаш имконини беришга ундайдиган туйғу. Хушёрлик жамият зиммасига жуда катта масъулият юклайди. Кишиларда хушёрлик ҳиссини шакллантириш, камол топтиришда ижтимоий-иқтисодий, маданий-мафкуравий омиллар муҳим ўрин тутаяди. Ҳозирги кунда ўзининг ғаразли ва жирканч ниятларини амалга ошириш мақсадида юртимизга ҳар хил йўллар билан кириб келаётган, мустақил дунёқараши шаклланиб улгурмаган ёшларимиз қалби ва онгини зарарли ва бузғунчи ғоялар билан эгаллашга ҳаракат қилаётган ёвуз кучларга қарши курашадиган ва ўз юртини ҳимоя қилишга чорлайдиган даъват — бу хушёрликдир. Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, „... агар биз бугунги ҳаётимизга, бунёдкорлик ишларимизга, эришаётган ютуқларимизга тўғри баҳо бермасак, уларнинг қадрига етмасак, ўз хушёрлигимизни йўқотиб, бизни ҳар қадамда кутаётган таҳдидларни, тинч-осойишта турмушимизга, хавфсизлигимизга раҳна солаётган, оёқ остидан чиқаётган ҳар хил бало-қазоларни ҳам пайқамай, сезмай қолишимиз мумкин“¹⁶¹.

Хушёрлик шахснинг ҳар қандай фавқулодда вазиятларга тайёр туриши ва хавф-хатар келмасиданоқ уни олдиндан кўра билиши билан характерланади. Бу психологик ҳолат, айниқса, давлат ва жамият бошқарувидаги раҳбар ва ходимлар фаолиятида яққол кўзга ташланади. Раҳбарнинг масъулияти ва маҳорати — қўл остидаги жамоани, халқ ва миллатни турли кўринишлардаги хавф-хатарлардан, бало-қазолардан асрай билишдан иборат. Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг „Агар шоҳсен — огоҳ сен. Агар огоҳсен — шоҳ сен“ деган ғояси хушёрлик учун ҳаётий тамойил ҳисобланади.

Бугунги глобаллашув ва модернизация жараёнида турли ахборотлар дунё бўйлаб шиддат билан тарқалаётган бир пайтда хушёрликка бўлган талаб ва эҳтиёж беқиёс даражада ортиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда, маҳаллаларда „Ўз уйингни ўзинг асра“ даъвати асосида хушёрликни таъминлаш борасида қатор амалий ишлар, чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Табиийки, халқ ва миллатнинг демократик қадриятлар асосида ижтимоий-сиёсий ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, янгиликлардан хабардорлиги хушёрликнинг муҳим омили ҳисобланади. Шу боис халқимизнинг, шу жумладан, ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти, маънавиятини юксалтириш, мустақил тафаккурини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Халқимиз шуурида, онгу тафаккурида „Шу азиз Ватан — барчамизники“ деган ҳаётий шиор орқали Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини шакллантириш лозимки, токи ҳар бир Юртдошимиз истиқлол неъматини ва имкониятини теран англаб, бор куч-салоҳиятини Ватанни, истиқлолни ҳимоя қилишга сафарбар этсин. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг пировард натижаси сарҳадларимизнинг дахлсизлиги, Ватанимизнинг тинч ва осойишталиги билан белгиланади. Шундай экан, ҳар бир ватандошимиз огоҳ ва хушёр бўлиши лозим. „Ўз-ўзидан равшанки, бугунги замон воқеликка очиқ кўз билан, реал ва хушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган,

¹⁶⁰ Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-мағбаа ижодий уйи, 2009. 20-бет.

¹⁶¹ *Ислоҳ Каримов*. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. — Асарлар, 8-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2000. 20-бет.

тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда¹⁶².

Умуман, „Маънавий таҳдид“ иборасини таҳлил қиладиган бўлсак, у икки сўзнинг бирикувидан иборат: „маънавий“ деганда инсоннинг ички дунёси, онги ва қалби назарда тутилади¹⁶³. „Таҳдид“ деганда эса ҳадик, яъни тажовуз қилиш, йўлдан чиқаришга асосланган хавф-хатарлар тушунилади¹⁶⁴. Таҳдид, хавф-хатардан фарқли равишда, дарҳол кўзга ташланмаслиги, узоқни кўзлаши ва хавф-хатарга нисбатан зарари кўплиги билан фарқ қилади.

Маънавий таҳдид иборасига Юртбошимиз қуйидагича таъриф беради: „Маънавий таҳдид деганда, аввало, тили, дини, эътиқодидан қатъи назар, ҳар қайси одамнинг том маънодаги эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган, унинг айнан руҳий дунёсини издан чиқариш мақсадини кўзда тутадиган мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружларни назарда тутиш лозим, деб ўйлайман“¹⁶⁵.

Бизнингча, бу тўлақонли таъриф бўлиб, у бир неча жиҳати билан диққатни тортади. Шу маънода, қуйидагиларга эътибор бериш лозим: 1. Маънавий таҳдиднинг хусусиятлари: а) тил танламайди; б) дин танламайди; в) эътиқод танламайди. Бошқача айтганда, маънавий таҳдид одамнинг қайси тилда сўзлаши, қайси динда экани ва эътиқодининг қандайлигидан қатъи назар, инсонга дахл қилади. 2. Маънавий таҳдидлар: а) инсон эркинлигига дахл қилади; б) инсоннинг руҳий дунёсини издан чиқаради; в) мақсадли амалга оширилади. 3. Маънавий таҳдидларнинг турлари: а) мафкуравий; б) ғоявий; в) информацион.

Диққат қилинса, маънавий таҳдидлар фақат инсон томонидан яратилади ва фақат инсонга тажовуз қилиши билан зарарлидир. Шу ўринда Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилган маънавий таҳдидларнинг уч турини идрок қилиб олиш лозим бўлади.

1. Мафкуравий таҳдидлар. Бу турга кирадиган таҳдидлар кенг қамровли ва узоқни кўзлаш хусусиятига эгаллиги билан ажралиб туради. Мафкуравий таҳдидларнинг бугунги кунда қуйидаги кўринишлари кўзга ташланмоқда: миллий қадриятларни камситиш, миллий ахлоқ қоидаларини инкор қилиш, мўътадил қарашларни писанд қилмаслик ва буларнинг ўрнига муайян давлатлар иродасига итоат қилиш, космополит қоидаларни мақташ ва ўзга жамиятлар манфаатларига мос дунёқарашни мутлақ ҳақиқат сифатида тарғиб қилиш.

Диққат қилинса, ижтимоий онгда нотўғри мақсад-муддаолар, туйғу ва фикр-мулоҳазаларни ҳосил қилиш мафкуравий таҳдидларнинг негизини ташкил қилади.

Мафкуравий таҳдидлар „бизлар учун мутлақо бегона мафкура ва дунёқарашни аввало беғубор ёшларимизнинг қалби ва онгига сингдиришга қаратилгани билан, айниқса, хатарлидир“¹⁶⁶. Мисол учун, ана шундай бегона мафкуралардан бири — миллий тараққиёт моделига ишончсизлик билан қарашни тарғиб қилишдир. Унга кўра, инсонда миллий тараққиёт моделига шубҳа билан қараш ҳисси ҳосил қилинади ва ўзга давлатларнинг тараққиёт моделига ҳавас қилиш туйғуси уйғотилади.

Биз учун бегона дунёқарашлардан бири — мутаассибликдир. Унга кўра, шахс ўз тушунчаларини мутлақ ҳақиқат деб қабул қилади ва ўзга қарашларни эса асоссиз инкор қилади.

¹⁶² *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — энгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. 118—119-бетлар.

¹⁶³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 3-жилд. —Т.: Фан, 2008. 91-бет.

¹⁶⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 4-жилд. —Т.: Фан, 2008. 201-бет.

¹⁶⁵ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — энгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 13—14-бетлар.

¹⁶⁶ *Ислом Каримов*. Юксак маънавият — энгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 14-бет.

Биз учун ёт бўлган мафкураларда Фарб ҳаётини идеаллаштириш, биз учун ёт бўлган дунёқарашларда эса Шарқ консерваторлигини тиқиштириш кўзга ташланади. Бошқача айтганда, ёт мафкураларда маънавийни заифлаштириб, гегемонлик қилиш, ёт дунёқарашларда эса догматик фикрлар воситасида шахс онгини динийлаштириш устувор даражада намоён бўлмоқда. Шу маънода, мафкуравий таҳдидлар кўлами кенгайиб бориши мумкин¹⁶⁷.

2. Ғоявий таҳдидлар. Бу турга кирадиган таҳдидлар инсон маънавий оламида ёт ғоялар, қараш ва мақсад-муддаоларни шакллантиришга интилади. Бугунги кунда ғоявий таҳдидларнинг қуйидаги кўринишлари намоён бўлмоқда: ахлоқий бузуқлик, зўравонлик, эгоцентризм, „оммавий маданият“, миллий давлатнинг тараққиёт моделига ишончсизлик уйғотиш, миллий низолар келтириб чиқаришга уриниш, иқтисодий танглик жорий қилиш, қўшни давлатларни бир-бирига қайраш, ёшлар онгини заҳарлаш, бундан кўзланган мақсад ривожланаётган давлатнинг моддий ва маънавий бойликларига эгалик қилишдир. Чунки, ғоявий таҳдидлар охир-оқибатда давлатни инқирозга олиб келади, нега деганда, бунинг натижасида фуқароларда худбинлик, лоқайдлик, манфаатпарастлик, ҳасад, сотқинлик, иродасизлик, бепарволик каби ижтимоий-ахлоқий иллатлар таркиб топади¹⁶⁸.

Шундай қилиб, маънавий таҳдидларнинг мазмун-моҳияти, кўринишлари ва хусусиятларини англаб олиш бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Англаш орқалигина жамиятда уларга қарши курашиш руҳини тарбиялаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш мумкин.

„Ҳозирги кунда ғоявий муҳолифларимиз, маънавийтимизга қарши кучлар аҳолимизга, айниқса, ёшларимизга нисбатан ахборот хуружлари уюштиришга, „оммавий маданият“ шаклидаги пухта ниқобланган таҳдид ва таъсирлар ўтказишга уринмоқда“¹⁶⁹.

Миллатлараро ва фуқаролараро аҳиллик — энг катта бойлигимиз. Президентимиз Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги табрик сўзида бизнинг энг катта бойлигимиз бўлмиш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги дўстлик ва аҳиллик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш¹⁷⁰ масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Конституциясининг 4-моддасида „Ўзбекистон Республикаси ўз худудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиб беради“, деб қатъий белгилаб қўйилган. Юртимизда яшаётган турли миллат ва элат вакиллари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилгани, миллий тили, ўзига хослиги, анъаналари ва урф-одатларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалаларининг ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ таъминланганлиги ушбу конституциявий кафолат самарасидир.

Ўзбек тили ўзбек халқи маънавий маданиятининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ҳали собиқ Иттифоқ парчаланмасдан туриб Ўзбекистонда „Давлат тили ҳақида“ги

¹⁶⁷ Қаранг: Аббосхўжаев О., Умарова Н., Қўчқаров Р. Мафкура полигонларидаги олишув. — Т.: Akademiya, 2007.; Адресон Р., Шихиров П. Дельфины. — М.: Дело ЛТД, 1994.

¹⁶⁸ Қаранг: Кучуради И. Философия перед лицом мировых проблем. // Вопросы философии. 2004. №3. стр. 5—11.; Ганиев А. Фарб оламидаги ахлоқий муаммолар. — Т.: Ворис, 2007.

¹⁶⁹ Ислон Каримов. Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2009. 12-бет.

¹⁷⁰ Ислон Каримов. Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 11-бет.

қонун қабул қилинди. Ўзбек тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, уни том маънодаги миллий қадриятга айлантириш йўлидаги ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Конституциясида ҳам давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустақамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили мустақил давлатимизнинг Байроғи, Мадҳияси, Герби, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсоллардан бирига айланди. Она тили — миллатнинг руҳи. Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади.

Бу борада юксак марраларга етиб боришимизнинг замирида ётган энг муҳим омилларнинг яна бири — халқимиз кўз қорачиғидай асраб-авайлаб келаётган тинчлик-осойишталик, ҳамжиҳатлик ва тотувлик. Бу ҳар томонлама чуқур ўйланган, биринчи галда, халқимизнинг манфаатини кўзда тутиб, изчиллик ва қатъиятлик билан олиб борилаётган сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар натижаси. Бу — узоқ ва яқин қўшниларимиз билан ҳамжиҳатлик ва ҳамкорликни янада мустақамлаш, жаҳон ҳамжамияти билан биродарларча яшаш ва унда ўзимизга хос, ўзимизга мос ўринни эгаллаб олишдек эзгу мақсадлардир¹⁷¹.

Вақт ўтиши ва замон ўзгариши билан ҳар қандай холис кузатувчига бир ҳақиқат аён бўлмоқдаки, биз ички ва ташқи сиёсатимизни амалга оширишда кимнингдир тазйиқ ёки амрига итоат қилиб, турли ўйинларга қўшилган эмасмиз ва доимо мустақил сиёсат олиб борганмиз. Биз учун ягона ва устувор мақсад — Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаатидир.

Ҳеч кимдан кам бўлмаган бамисоли эркин қуш каби парвозга шай бўлиб турган, билагаи кучга тўлиб, салоҳияти юксалиб бораётган, умид-ишончимиз, таянчимиз ва суянчимиз бўлган навқирон авлодимизнинг майдонга дадил чиқаётгани мана шу сиёсатнинг дастлабки нишонасидир.

Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркобизнес каби бало-қазолар инсоният ҳаётига таҳдид солиб турган бир шароитда ўз уйимиз, ўз муқаддас юртимизни асрайлик, ўзимиз ҳимоя қилайлик, деган даъват ҳар бир юртдошимизни доимо ҳушёрлик ва огоҳликка чорламоқда.

Террорчилик мафқураси бошқа динларни инкор этиш мафқураси асосида шаклланади. Бунга бир пайтлар тинчликни тарғиб қилувчи ташкилот сифатида майдонга чиқиб, бугунга келиб эса ўта ашаддий террорчи қотиллар ва зўравонларни етказиб берадиган ташкилотга айланган „Ҳизб ут-таҳрир“ни мисол қилиб келтириш мумкин. Афсуски, террорчиликка қарши кураш ниқоби остида дунёнинг асосий геостратегик ўйинчилари бўлмиш давлатлар ҳар жиҳатдан ғоят муҳим бўлган Марказий Осиё минтақасида ўз таъсирини ошириш учун кураш олиб бормоқда.

Бундай вазиятда ҳар доим огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлишимиз даркор. Шу билан бирга, ҳаётда воқеаларни бефарқ ва лоқайд кузатувчи сифатида эмас, уларга бевосита дахлдор, тинчлик ва осойишталик, фаровон ҳаёт ва тараққиёт курашчилари бўлиб яшашга ўрганишимиз зарур.

Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатларнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзини издан чиқараётгани, ахлоқ, одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

¹⁷¹ Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! Услубий қўлланма. — Т.: Маънавият, 2013. 176-бет.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ислон Каримов бундай деган эди: „Агарки биз бундай хатоларга қарши ўз вақтида қатъият ва изчиллик билан кураш олиб бормасак, турли зарарли оқимлар бизнинг юртимизга ҳам шиддат билан ёпирилиб кириши, ёшларимизни ўз гирдобига тортиб кетишини, фақат бир кунлик ҳаёт билан яшайдиган худписанд кимсаларга айланиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Мана шу аччиқ ҳақиқатни юртимиздаги ҳар бир инсон, ҳар бир ота-она, энг муҳими, ҳар қайси йигит-қиз чуқур англаб олишини истаймиз“.

Бугунги шиддатли даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзликни англаши мумкин. Шу орқалигина инсон эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олади.

Дарҳақиқат, ҳар қандай тараққиёт маҳсулидан икки хил мақсадда — эзгулик ва ёвузлик йўлида фойдаланиш мумкин. Агарки башарият тарихини, унинг тафаккур ривожини тадрижий равишда кўздан кечирадиган бўлсак, ҳаётда инсонни камолотга, юксак марраларга чорлайдиган эзгу ғоя ва таълимотлар билан ёвуз ва зарарли ғоялар ўртасида азалдан кураш мавжуд бўлиб келганини ва бу кураш бугун ҳам давом этаётганини кўрамиз.

Бугунги замон ҳаёт воқелигига очиқ кўз билан, реал ва ҳушёр қарашни, жаҳонда ва ён-атрофимизда мавжуд бўлган, тобора кучайиб бораётган маънавий таҳдид ва хатарларни тўғри баҳолаб, улардан тегишли хулоса ва сабоқлар чиқариб яшашни талаб этмоқда. Шу боис юртдошларимиз, айниқса, ёш авлод онгида мураккаб ва таҳликали ҳаёт ҳақида, унинг шафқатсиз ўйинлари тўғрисида бирёқлама ва сохта тасаввур бўлмаслиги керак.

Ҳозирги кунда маънавият дунёсига нисбатан мавжуд бўлган хавф-хатарлардан, албатта, кўз юмиб бўлмайди, лекин ишочимиз комилки, халқимиз тарихнинг мураккаб жараёнларида иродаси чиниқиб, ҳар қандай ҳужум ва тазйиқларга қарамасдан, маънавий олами кучайиб ва юксалиб бормоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 136 миллат ва элат, 16 диний конфессия вакиллари ягона оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қилиб келмоқда. Уларнинг Ўзбекистон қонунларида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари тўлиқ таъминланган. Хусусан, таълим олишлари, меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Жамиятни маънавий янгилашдан кўзланган бош мақсад — юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ эркинлиги ва фаровонлиги, комил инсонни тарбиялаш, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик масалаларидан иборат.

Мамлакатимиз этник таркибида туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Юртимизда истиқомат қиладиган аҳолининг 80 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Кўп миллатли мамлакатимиз сиёсатининг асосий мақсади миллатлараро ҳамжиҳатлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашдан иборат.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида „Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни кўз қорачигидек сақлаш ва мустаҳкамлаш бундан буён ҳам энг муҳим, ҳал қилувчи вазифамиз бўлиб қолиши даркор“ деб таъкидлади. Ўзбекистон Республикасида миллий сиёсатнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1) миллатлар ва этник гуруҳларнинг ўзаро муносабатида дўстлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат тамойилларини сиёсий барқарорлик омили сифатида ривожлантириш;

- 2) сиёсат ва сиёсий жараёнларда миллий, этник гуруҳлар манфаатларининг акс этиши;
- 3) миллий ўзликни англаш, миллий гуруҳ туйғусини ривожлантириш;
- 4) сиёсатда миллий хусусиятларни инкор этишга йўл қўймаслик;
- 5) миллатчиликнинг сиёсий тусга киришининг олдини олиш;
- 6) миллий тотувликни фуқаролик жамиятининг асосий шарт сифатида ривожлантириш;
- 7) давлатнинг этник сиёсатида шахс ҳуқуқларининг устуворлиги;
- 8) сиёсий ҳокимият ва ижтимоий-сиёсий жараёнларда миллатлар, этник гуруҳлар иштироки ҳамда манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш;
- 9) Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон фуқаролари ташкил этади.

Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда. Республика байналмилал маданият маркази эса ушбу миллий маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб, уларга ташкилий ва услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда Республика байналмилал маданият маркази диёримизда яшаётган турли миллат вакиллариининг маънавий-маърифий мулоқот масканига, ўзига хос дўстлик уйига айланган. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар барча миллатлар вакиллариининг ижодкорлари билан учрашувлар, семинар ва конференциялар ўтказиб келинади.

Ўтган йиллар мобайнида Республика байналмилал маданият маркази томонидан 20 дан зиёд илмий рисола ва тўпламлар, шунингдек, мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик, бу борада истиқлол йилларидаги ютуқларимизни акс эттирадиган „Ўзбекистон — умумий уйимиз“ альбом китоби, „Ўзбекистон — бағрикенг диёр“, „Ўзбекистон Конституцияси — буюк келажагимиз кафолати“, „Мустақил Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожини“ каби мақолалар тўпламлари чоп этилди.

Бугунги кунда республикаимиздаги олий ўқув юрғларида турли миллатга мансуб талабалар таҳсил олмоқда. Дунёнинг камдан-кам мамлакатларида кузатиладиган яна бир ҳолат шуки, Ўзбекистонда таълим етти тилда олиб борилади. Булар сирасига ўзбек ва қорақалпоқ тилларидан ташқари рус, қозоқ, туркман, тожик ва қирғиз тилларини киритиш мумкин. Яна бир диққатга молик жиҳат — республикаимиздаги оммавий ахборот нашрлари ҳам турфа тилларда чоп этилади, қардош халқлар тилида радио ва телекўрсатувлар тайёрланиб, эфирга берилаётгани юртимизда миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Марказ томонидан ҳар йили икки марта тил байрами ўтказилади. Булар — ЮНЕСКО Бош конференцияси 30-сессиясида (1999 йил) 21 февраль — Халқаро она тили куни деб эълон қилинган ва 2000 йилдан 195 аъзо давлатларда нишонланиб келинаётган „Халқаро она тили куни“ ва ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун ҳисобланади. Шу муносабат билан ҳар йили анъанавий тарзда ўзбек тили бўйича нотиклик санъати танлови ташкил этилади. Унда, асосан, русийзабон талаба ёшлар иштирок этишади.

Хорижий тилларни ўрганиш масаласи — замон талаби. Ўқиш-ўрганишнинг эрта-кечи бўлмайди. Чунки, хорижий тилларни мукамал билиш дунё эшикларини очади. Бугун дунё ҳамжамиятида тарихи бой, бугуни шуқуҳли, келажаги буюк Ўзбекистон ўз ўрни ва нуфузига эга. Эътироф этиш керакки, мамлакатимиз тарихан қисқа давр — 22 йил мобайнида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Ўзбекистонни бутун дунё таниди ва тан олди. Юртимизда кечаётган

бунёдкорлик ишлари, ёшларнинг билим олишлари, ўз салоҳиятини намоёништириш этишга берилган имкониятлар, спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда қўлга киритаётган галабалари, интеллектуал салоҳиятли ёшларимизнинг халқаро олимпиадалардаги муваффақиятлари — буларнинг барчаси мамлакатимизда мустақиллик сабаб қўлга киритилган ютуқлар, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг амалдаги самараси.

Ўзбекистон — бағрикенг диёр. Бу иборани ҳамиша ифтихор билан тилга оламиз. Бунга тўла асосимиз бор. Тарихдан маълумки, халқимиз бошидан кечирган оғир қатоғонлар даври ва Иккинчи Жаҳон уруши йиллари кўп ситамларга юзма-юз бўлган корейлар, немислар, турклар, поляклар, греклар, қрим-татар ва бошқа миллат вакиллари Ўзбекистонни Ватан тутдилар. Уларнинг ҳозирги авлодлари учун эса Ўзбекистон она-Ватанга айланди. Чунки улар шу ерда туғилиб камолга етди, ҳаётда ўз ўрнини топди.

Бугун юртимизда барча миллат ва элат вакиллари тинч-тотув, фаровон ҳаёт кечирмоқда, келажаги буюк Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти эртанги истиқболга муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, ўз қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришлари учун барча имкониятлар яратиб берилган. Ҳозирги вақтда юртимизда мавжуд барча миллий маданий марказлар ўз халқларининг анъаналари, маросимларини тиклаш, уларни Ўзбекистонда яшовчи бошқа миллат вакиллариغا яқиндан таништириш, қолаверса, ўзбек халқининг маданияти, санъати, тили, урф-одатларини тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар, табиийки, мамлакатимизда миллатлараро муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Яқин ва узоқ кўшнилариимиз билан ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва 2012 йил сентябрда қабул қилинган қонун асосида „Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси“ халқаро ҳамжамиятда катта ақс садо берди. Давлатимиз раҳбари ушбу ҳужжатнинг ўта муҳим аҳамиятга эга эканини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида ва Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ташқи сиёсий фаолият концепцияси миллий хавфсизлигимизни янада мустаҳкамлаш, барқарор тараққиётни таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичларини сақлаб қолиш, юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ҳамда фуқаролик жамиятига асосланган очиқ демократик давлат қуриш вазифаларини амалга оширишни давом эттириш учун имкон қадар қулай ташқи шароитларни яратиш талабларига жавоб беради.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси — давлатимиз ташқи сиёсатининг фундаментал принциплари ва стратегик устувор йўналишларини, халқаро майдондаги мақсад ва вазифаларини, ўрта ва узоқ истиқболда Ўзбекистон миллий манфаатларини илгари суриш механизмларини белгилаб берадиган қарашларнинг яхлит тизими.

Концепцияда Ўзбекистон ўз кўшниларига нисбатан очиқ, яхши кўшничлик, дўстлик ва хайрхоҳлик принципларига асосланган сиёсат олиб бориши белгилаб кўйилган. Ўзбекистон минтақадаги барча долзарб масалаларни ўзаро манфаатдорлик,

бир-бирининг ички ишларига аралашмаслик принципларига асосланган ҳолда, музокаралар йўли билан, халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда ҳал этиш тарафдори. Марказий Осиёдаги мавжуд муаммолар ташқи кучларнинг аралашувисиз минтақадаги давлатларнинг ўзлари томонидан ечилмоғи зарур.

Мазкур ҳужжатда Афғонистондаги оғир ва мураккаб шароитга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаб ўтганидек, „AYSEF“ деб аталмиш коалицион қўшинларнинг 2014 йилгача ва ундан кейин қўшни Афғонистон ҳудудидан олиб чиқиб кетилиши билан боғлиқ равишда ушбу мамлакат ва унинг атрофидаги вазият янада кескинлашиб, терроризм, экстремизм ва наркотрафикнинг кучайиш хавфи борлиги, ҳатто, мамлакатда аҳвол чегарадан чиқиб кетиши мумкинлиги қўшни давлатларда жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Воқеаларнинг шундай йўналишда ривожланиши бугунги қаршиликларнинг миллатлар ва элатлар ўртасидаги можарога айланиб кетиши, Афғонистонда фуқаролар урушининг янгитдан авж олиши, минтақада турли хавф-хатарлар пайдо бўлиши кўпгина нуфузли мутахассислар томонидан истисно этилмаяпти.

Шуни ишонч билан қайд этиш мумкинки, вужудга келаётган вазиятда воқеаларнинг бундай салбий равишда ривожланишининг олдини олиш учун анча вақтдан буён муҳокама этилаётган энг мақбул вариант — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолигида Афғонистонга қўшни мамлакатлар, шунингдек, Америка Қўшма Штатлари, НАТО ва Россия иштирокида мулоқот гуруҳини шакллантириш.

Бу гуруҳ хатти-ҳаракатларининг бош мақсади ўзаро кураш олиб бораётган кучлар ўртасида муросага эришиш ва коалицион афғон ҳукуматини шакллантиришдан иборат бўлиши керак. Ана шу ҳукумат таркибида Афғонистондаги асосий миллий этник ва диний гуруҳлар ўз ўрнини топган бўларди.

Таъкидлаш керакки, бу ечимнинг бошқа муносиб муқобил варианты йўқ. Ушбу ҳолат юқорида зикр этилган Концепцияда Ўзбекистоннинг қўшни Афғонистонга нисбатан тутган позицияси аниқ белгилаб берилган. Чунки, Ўзбекистон Афғонистонда барқарорлик ва бардавом тинчлик ҳукм суриши тарафдоридир.

Ўзбекистон ўзининг қўшни Афғонистон билан муносабатларини икки давлатнинг миллий манфаатларини ҳисобга олиб, афғон халқининг ўз мамлакати келажагини ўйлаб танлаган йўлини ҳурмат қилган ҳолда, икки томонлама асосда шакллантириб келмоқда ва бундан буён ҳам шу тамойилга амал қилади.

Концепциянинг иккинчи бўлимида Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий принциплари баён этилган. Жумладан, қуйидагилар белгилаб қўйилган:

— дунёда тинчлик ва хавфсизлик сақлашга ҳамда умумэътироф этилган халқаро норма ва принципларга риоя этишга содиқлик;

— мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун очиқлик;

— тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, чегаралар дахлсизлиги, ички ишларга аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид солмаслик.

Концепцияда принципиал аҳамиятга эга бўлган қуйидаги қоида ҳам муҳрлаб қўйилган:

— Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадидан келиб чиқиб, мамлакатни модернизация қилишнинг устувор йўналишларига, амалдаги миллий қонунчилик

ҳамда қабул қилинган халқаро мажбуриятларга риоя қилган ҳолда, иттифоқлар тузиш, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш, шунингдек, улардан ажралиб чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

— Ўзбекистон тинчликсевар сиёсат юритади ва ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди, ҳар қандай давлатлараро тузилмалар ҳарбий-сиёсий блокка айланган тақдирда улардан чиқиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади;

— Ўзбекистон Республикаси қўшни давлатлардаги қуролли можароларга ва кескинлик ўчоқларига тортилишининг олдини олиш юзасидан сиёсий, иқтисодий ва бошқа чора-тадбирларни кўради, шунингдек, ўз ҳудудида хорижий давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари жойлаштирилишига йўл қўймайди;

— Конституцияга, „Мудофаа тўғрисида“ги Қонунга ва ҳарбий доктринага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари фақат давлат суверенитети ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади ҳамда хориждаги тинчлик-парварлик операцияларида иштирок этмайди.

Концепциянинг мазкур бўлимида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалари ҳам аниқ ва равшан белгилаб берилган. Бунда қуйидагилар алоҳида аҳамият касб этади:

1) миллий манфаатларни қатъий ҳимоя қилишга ва илгари суришга йўналтирилган изчил ва фаол ташқи сиёсат стратегиясини олиб бориш;

2) Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, мустаҳкамлаш, минтақани хавфсизлик ва барқарор тараққиёт ҳудудига айлантириш. Марказий Осиёда турли низолар, можароли вазиятлар, кескинлик ва танглик ҳолатлари эскалациясининг олдини олиш мақсадида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, керакли ўринларда превентив дипломатия усуллари қўллаш;

3) Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан стратегик шерикчилик муносабатларининг мувозанатли ва кўп қиррали тизимини шакллантириш; минтақада геосиёсий мувозанатни сақлаш; ташқи сиёсий, иқтисодий, савдо-сотиқ, транспорт ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенг диверсификация қилиш, юксак технологияларни жалб этиш;

4) миллий иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ва илғор технологияларини жалб этишнинг самарадорлигини ошириш учун икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларини ишга солиш;

5) минтақанинг очик денгизлардан йироқ жойлашгани, унинг географик ёпиқ ҳолати билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишга йўналтирилган истиқболли транспорт-коммуникация лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этиш, мамлакатимизда халқаро миқёсда фаолият юрита оладиган мультимодал транспорт-логистика марказларини шакллантириш жараёнига амалий кўмак бериш ва уни жадаллаштириш;

6) Ўзбекистоннинг минтақада ва халқаро майдонда тинчлик ҳамда барқарорликни мустаҳкамлашга қаратилган халқаро ташаббусларини изчиллик билан илгари суриш, мамлакатнинг халқаро ҳамжамиятдаги имижини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни кўриш;

7) хориждаги Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахсларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш.

Концепциянинг учинчи бўлимида ташқи сиёсатнинг яна бир нозик ва мураккаб жиҳати — ташқи алоқаларнинг географик устувор йўналишлари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг бош устувор йўналиши деб Марказий Осиё минтақаси кўрсатилган. Бошқа бир устувор йўналиш сифатида МДХ давлатлари билан бўлган алоқалари белгиланган.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир йўналиш сифатида жаҳон сиёсий ва иқтисодий тизимида етакчи ўрин тутадиган, модернизация жараёнлари учун керакли илғор технологиялар манбаи саналган, саноати ривожланган Фарб давлатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш кўрсатиб ўтилган. Ташқи сиёсатимизнинг асосий устувор йўналишлари қаторига глобал сиёсат ва иқтисодиётда тобора асосий ўринлардан бирини эгаллаб бораётган Осиё — Тинч океан минтақаси киритилган.

Бундан ташқари, яна бир жиҳат таъкидланадики, Ўзбекистон Ўрта ва Яқин Шарқда жойлашган давлат ва мамлакатлар билан анъанавий, тарихий-маданий алоқалар ҳамда дунёнинг мазкур қисмида рўй бераётган кескин ўзгаришларнинг келгусидаги хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ўзаро манфаатли муносабатларни ҳар томонлама ривожлантириш ва мустаҳкамлашда давом этади.

Лотин Америкаси ҳамда Кариб денгизи минтақасидаги етакчи давлатлар ва Африка қитъасидаги мамлакатлар билан ҳам икки томонлама алоқаларни, шунингдек, халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш Ўзбекистон миллий манфаатларига жавоб бериши ушбу ҳужжатда алоҳида эътироф этилган.

Ташқи сиёсатимизнинг муҳим устувор йўналишларидан яна бири сифатида Ўзбекистоннинг халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятидаги иштироки кўрсатилган. Бу йўналишда, авваламбор, БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан бўлган алоқалар назарда тутилган. Шунини таъкидлаш керакки, Ўзбекистон БМТни глобал хавфсизлик ва барқарорликни сақлаб туриш, давлатлараро долзарб муаммоларни ҳал этиш борасидаги ягона универсал ташкилот деб билади. Биз барқарор ривожланиш, „Минг йиллик тараққиёт мақсадлари“, Марказий Осиё минтақасидаги қатор масалаларни, хусусан, экологик муаммоларни ҳал этиш соҳаларида БМТ ва унинг ихтисослашган тузилмалари билан ҳамкорликни изчил давом эттирамиз.

Концепциянинг тўртинчи бўлимида мамлакат ташқи сиёсий фаолиятини амалга ошириш учун халқаро майдонда сиёсий, дипломатик, шартномавий-ҳуқуқий, савдо-иқтисодий ҳамда бошқа механизмлар, усул ва услублар, шакл ва воситалар мажмуасидан фойдаланишни кўзда тутадиган, кенг кўламли, ягона ва яхлит давлат сиёсати олиб боришга асосланган ёндашув талаб этилиши таъкидланади.

Концепцияда мамлакат ташқи сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ва бу борада алоҳида масъул бўлган давлат органлари тизимида иштирок этувчи Ташқи ишлар вазирлиги марказий бўғин вазифасини бажариши ва бу борада умумий фаолиятни мувофиқлаштирувчи сифатида алоҳида ўрин тутиши белгилаб қўйилган.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги дунёда миллий хавфсизлигимизни таъминлаш нафақат ён-атрофимизда юз бераётган жараён ва ҳодисаларга муносиб жавоб бериш, балки уларнинг салбий оқибатлари олдини ўз вақтида олиш, юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий хавф-хатарларни олдиндан кўра билиб, тегишли эҳтиёт чораларини ишлаб чиқиш ва таҳдидларни бартараф этишни тақозо этмоқда.

Концепцияда алоҳида эътибор қаратилган яна бир масала — дунёда сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва бошқа соҳаларда юз бераётган жараёнларни тўғри ва аниқ

тушуна оладиган, ҳозирги замон фан ва техникаси ютуқларидан самарали фойдаланадиган, давлат томонидан халқаро майдонда қўйилган мақсад ва вазифаларнинг мазмун-моҳиятини англаб етадиган, профессионал касбий малакаси юқори бўлган миллий кадрларни тайёрлаш ва етказиб бериш тизимини такомиллаштириш вазифаларидир.

Ўзбекистоннинг жаҳондаги обрў-эътибори юксалиб бораётгани қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

— юртимизда демократик ва бозор иқтисодиёти ислоҳотларини амалга ошириш натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришлар ва уларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишида мужассам бўлмоқда;

— давлатимизнинг жаҳон аҳлига яхши маълум бўлган, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларининг амалий самарасида ўз ифодасини топмоқда;

— мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган, ҳар томонлама пухта ишланган, чуқур ўйланган ташқи сиёсатининг натижаси сифатида намоён бўлмоқда.

6-БОБ. СОҒЛОМ ВА БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАГИ БУЮК ЎЗБЕКИСТОНДА РИВОЖЛАНГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ЯРАТИШНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ёшлар сиёсатига доир қарашлари ва концептуал йўл-йўриқлари. „Эртанги кунимиз, — деган эди Президентимиз Ислом Каримов, — ҳаётимизнинг фаровонлиги, замондан орқада қолмаслик, тараққий топган давлатлардан ва халқлардан кам бўлмаслик, бир сўз билан айтганда, эртанги истиқболимиз, барча эзгу ниятларимизнинг амалга оширилиши, биринчи навбатда, бизнинг ўрнимизга келаётган ёш авлодимизни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялашга, вояга етказишга чамбарчас боғлиқдир...“.

Шу боис ҳам халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсоннинг барча ҳаракатлари, эзгу ниятлари марказида фарзандларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, бошқа халқлар фарзандларидан ҳеч ҳам кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради. Негаки, фақат ҳар томонлама етук авлодгина бугун ҳаёт олдимизга қўяётган ўта мураккаб, оғир синов ва қийинчиликларни енгиши, кўзланган юксак марраларни эгаллаши мумкин.

Бугунги кунда бутун дунёни қамраб олган молиявий-иқтисодий инқироз даврида юртимизда тинчликни сақлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, айти шундай оғир шароитда халқимиз ҳаётининг тобора юксалишига эришиш асосида ёшларимизнинг чуқур билим ва касб-ҳунар эгаллаши учун замин яратилгани, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис кадрлар қилиб тайёрлангани, юртимизнинг эртанги ривожини йўлида тузилган дастурлар, бу режаларни бажариш учун яратилган моддий асос ва имкониятлар, сафарбар этилган сармояларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли омил — бу юқори малакали ишчи кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшлар ҳисобланади.

Ҳар бир инсон мамлакатнинг буюк келажагини яратиш деганда, биринчи навбатда, ўз келажагини, фарзандлари, эл-юрти келажагини назарда тутмоғи керак. Буюк аждодлари, алломалари, бой маънавий мероси билан фахрланиб яшаётган халқимиз орасидан бугунги кун хоразмийлари, фарғонийлари, берунийлари, ибн синолари етишиб чиқмоғи даркор. Бунинг учун эса ҳар бир катта ёшли фуқаро шу Ватан фарзандларига фидойи кўмакчи бўлмоғи лозим. Ёшларга катта умид ва ишонч билан қараётган Президентимиз, халқимиз, уларга таянган ҳолда, „Ўзбекистон — келажаги буюк давлат“, деб ғурур билан таъкидламоқда. Яъни, мустақиллик берган имкониятлар туфайли ёшлар ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга киряпти. Шунинг учун ҳам Президентимиз: „Бугунги кунда ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга дадил қадам қўймоқда. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман“¹⁷², деб таъкидлади.

Ўзбекистон давлатининг буюк келажаги ҳозирги кунда, асосан, мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган истеъдодли, ижодкор ва ташаббускор ёшларга боғлиқ. Чунки, бу ёшлар мамлакатимиз иқтисодиёти,

¹⁷² *Ислом Каримов. Тарихий хотира ва инсон омили — буюк келажагимизнинг гаровидир.* — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2012. 36-бет.

маданияти ва ишлаб чиқариш соҳаларида ижод қиладиган, келажагимиз пойдеворини яратадиган ёшлардир. Халқимиз ҳаётимизни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий янгилаш дастурини бажаришда ёшларнинг имкониятларига умид билан қарамоқда. Негаки, „...биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одам бошқаларга фойдаси тегади, бировдан алданиб қолмайди, шу билан бирга, бошқаларга ортиқча юк ҳам бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл ва мантиқ, адолат тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади“¹⁷³.

Президентимиз қарашларига кўра, ҳуқуқий давлат ва очиқ демократик фуқаролик жамияти асосларини барпо этишда истеъдодли болалар, ўсмирлар ва ёшларни тўғри танлаш ва излаб топишни ташкилий жиҳатдан уюштириш билиш лозим. Ана шу ёшларнинг истеъдод ва қобилиятини ўрганиш, юзага чиқариш, уларни буюк мақсадлар сари йўналтириш алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга. Истеъдодли болаларнинг интилишларини ёшлигидан бошлаб аниқлаб, мактабда, мактабдан ташқари таълимда, ўрта махсус, касб-ҳунар коллежларида, олий таълим даргоҳларида тарбиялаш, руҳлантириш ва замонавий билимлар асосида ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио, газета, журнал ва бошқа матбуот органларида уларнинг ютуқларини тарғиб қилиш келажакда етук илмий-техник кадрлар танқислигини ечишда катта амалий ёрдам экани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир.

Етарли даражада моддий мулкка эга бўлиб, жамиятда ўз мавқеини юқори кўтариб олган мулкдорлар бугунги кунда энг қимматбаҳо мулк — интеллектуал (ақлий) мулк эканини англаб етишди. Жамиятда қадриятлар имижи янги маъно касб этиб, интеллектуал мулк энг муҳим қадрият сифатида маҳалла, оила, таълим каби ижтимоий институтлар, ахборот воситаларида турли кўринишда намоён бўлиб бораётганини кузатиш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримов „Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари“ концепциясини илгари суриб, ёшларни демократик тамойиллар асосида тарбиялашда ижтимоий-сиёсий институтлар, оммавий ахборот воситалари, яъни „тўртинчи ҳокимият“нинг алоҳида ўзига хос ўрни ва роли мавжудлигини таъкидлаб ўтган эди¹⁷⁴. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз келажаги, ривожланиши кўпроқ ёшларнинг, истеъдод эгаларининг, олимларнинг бугунги изланишларига, уларнинг ижодий, илмий қобилиятлари ва фидоийлиги, ташаббускорлигига, янгиликка интилиб яшашига боғлиқ.

Истеъдод эгалари мамлакатни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, жамиятнинг ижтимоий онгини ривожлантиришда, маънавий-маърифий тараққиётни йўлга қўйишда муҳим қудратли куч бўлиб қолмоқда. Дунёқарашнинг қайта шаклланиш даражаси ёшларнинг касбий истеъдоди, одоб-ахлоқи ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Сиёсий билимдонлик, сиёсий тафаккур ва сиёсий маданият, ўз навбатида, истеъдод эгаларининг жамиятдаги мавқеини янада оширади, мамлакатнинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишини янада тезлаштиришга олиб келади. „Албатта, биз бугун таълим-тарбия соҳасида, маънавий-маърифий соҳада

¹⁷³ *Ислом Каримов*. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 134-бет.

¹⁷⁴ *Ислом Каримов*. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 23–24-бетлар.

кўп ишларни амалга оширмоқдамиз. Юзлаб академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, замонавий спорт масканларини барпо этдик ва барпо этмоқдамиз. Айни пайтда мактабларга, айниқса, қишлоқ мактабларига эътиборни кучайтирмоқдамиз“ — деб таъкидлаган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Ҳақиқатан ҳам, ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, қайси мамлакат ҳукумати зиёбахш интеллект эгаларига, истеъдод соҳибларига эътибор бериб, уларнинг моддий таъминотига кўмаклашган бўлса, ўша мамлакатда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тез суръатлар билан ривожланган. Бу жараёнда илм-фан ва техника тараққиётини таъминловчиларни, истеъдодли ёшларни ҳар томонлама рағбатлантириб бориш бениҳоя катта аҳамиятга эга. Президентимиз АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Германия, Малайзия каби юксак тараққий этган давлатларнинг равнақини мазкур мамлакат халқларининг ўз интеллектуал бойликларидан, истеъдод эгаларидан оқилона фойдаланишида кўради. Шу боисдан ҳам Юртбошимиз нутқ ва маърузаларида маънавиятимиз пойдеворини барпо этиб, миллий интеллектуал бойлигимизни яратишга муносиб ҳисса қўшган, жаҳонга машҳур зотларнинг муборак номларини қайта-қайта тилга олиб, улар меросини ўрганиш, чинакам халқ мулкига айлантиришга мудом даъват этиб келмоқда.

XX асрнинг охири ва XXI асрнинг бошларига келиб инсониятнинг иқтисодий, маданий тараққиётида буюк кашфиётлар, улкан ютуқлар, беқиёс ўзгаришлар содир бўлди, фан ва техника тараққиёти жадаллашди. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакатимиз фуқаролари онгида янгича тафаккурни, миллий онгни шакллантириш, истеъдод эгаларини, айниқса, иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларни тарбиялашдек олижаноб вазифаларга алоҳида эътибор берилди бошланди. Шу жиҳатдан қараганда, жаҳондаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаш учун истеъдод эгаларини аниқлаб, тарбиялашнииг манбалари ва воситаларини кўриб чиқиш, давлат ва нодавлат, олий ва ўрта махсус, халқ таълими ва бошқа тармоқ вазирликлари ҳамма соҳаларидаги ахлоқий тарбия масалаларини комплекс ечиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий жараёнлар мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини оширишни янада тезлаштирмоқда.

Мустақиллик йилларида жамият ҳаётининг барча соҳаларида, айниқса, интеллектуал салоҳиятни ривожлантириш борасида назарий-методологик асосларни яратган „Таълим тўғрисида“ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури жамият тараққиётида интеллектуал салоҳиятни шакллантиришнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда, фан-техника жадал тараққий этаётган бир шароитда ҳар бир давлат ўзининг истиқбол режаларини белгилар экан, келажакда ушбу режаларни амалга оширадиган ёш авлодни жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом қилиб тарбиялаш, унинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга, маънавиятини бойитишга алоҳида эътибор бериши давр талабидир. Шу сабабли мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ҳамда унинг ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2010 йилдан бери ҳар йили Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳаларга йўналтирилаётгани ҳам ёшларга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин ифодасидир. Чунки, ёшлар бугунги ниятларимизни эртага рўёбга чиқарадиган, мамлакатимиз тараққиётини таъминлайдиган, ҳар бир соҳада ўз иқтидори ва истеъдодини тўла-тўқис намоеън эта оладиган авлод сифатида шаклланиши зарур.

Мамлакатимизда интеллектуал салоҳиятни ривожлантиришнинг манбалари, хусусан, оила — истеъдодли ёшларни вояга етказиш ва тарбиялашнинг муҳим ўчоғи

саналади. Чунки, ёш авлод ўз ҳаёти йўлида оилани камолот бешиги, деб ҳисоблайди. Ёш авлод камолотида оиланинг ўрни ва таъсири беқийёслигини Президентимиз Ислон Каримов бундай баҳолаган эди: „*Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характери, табиати ва дунёқараши белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.*

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдига умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

...Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруф дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзод ҳамшиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди“¹⁷⁵.

Шу ўринда ҳурматли Президентимиз И.А.Каримовнинг „Ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръати ва ижобий самарасини ҳатто тасаввур ҳам қилиш осон эмас“¹⁷⁶ деган даъваткор сўзларини эслаш мақсадга мувофиқдир.

Болалар ва ёшлар истеъдодини тарбиялашда узлуксиз таълим тизимининг алоҳида ўзига хос ўрни мавжуд. Бугунги кунда „Камолот“ ёшлар ижтимоий ҳаракати, „Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми“, „Соғлом авлод учун“ ва „Сен ёлғиз эмассан“ жамғармалари ўсиб келаётган ёш авлоднинг орзу-истаклари, ўй-хаёлларини рўёбга чиқариш йўлида самарали хизмат қилмоқда. „Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми“ жамғармаси ва „Камолот“ ЁИҲ Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган „Келажак овози“ республика танлови каби хайрли ишларни давом эттириш мақсадида „Баркамол авлод йили“ Давлат дастурида ёшларнинг қобилиятларини аниқлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиш ва иқтидорли ёшларни илмий ишларга жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Президентимизнинг „Юртимизда яшаётган ҳар бир боланинг ўзига хос қобилияти ва истеъдодини ўз вақтида пайқаш, тарбиялаш ва рўёбга чиқариш — бу ўта муҳим вазифани нафақат ота-оналарнинг эзгу мақсади, балки жамиятимизнинг бурчи сифатида ўртага қўйиш керак“ деган фикрлари бу борада дастуруламал бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

Глобал дунёда инсон онги ва қалби учун кураш кетаётган бир шароитда кадрларни тарбиялаш борасида миллий истиқлол ғоясининг бош мақсадларини рўёбга чиқариш эҳтиёжи ортиб бораётгани сир эмас. Шу сабабли мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Истеъдодли ёшларни маънавий, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашда тарихий ёдгорликларни қайта тиклаш, ўзбек халқининг маънавий мероси ва маданий турмуш даражасини ошириш каби омиллар катта роль ўйнамоқда.

Буюк мутафаккирлар ва маърифатпарварларнинг тарбияга оид қарашлари ХХ аср бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир. Чунки, фан-техника тараққиёти, замонавий кашфиётлар инсониятнинг қудратини оширади

¹⁷⁵ *Ислон Каримов*. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 52–53, 56–бетлар.

¹⁷⁶ Баркамол авлод орзуси/ Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Ҳ.Саидов, Р.Аҳлиддинов. — Т.: „Шарқ“ НМБК, 1999. 173–бет.

ва янги имкониятларни вужудга келтиради. Бундай ҳолат инсондан янада юксак маънавий даражасига кўтарилишни талаб этади. Ўз навбатида, шахнинг маънавий юксалиши унинг ижтимоий фаоллигини оширади ва жамиятнинг тараққиётини тезлаштиради. Юртбошимиз Ислон Каримов, тараққиётнинг ривожланиш қонуниятларини чуқур англаган ҳолда, „Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай ҳамда мустақамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди“¹⁷⁷, деб таъкидлагани бежиз эмас.

Дарҳақиқат, маънавийни юксалтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири, келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшлар қалби ва онгига бой маънавий меросни сингдириш асосида баркамол авлодни шакллантириш эса ундан ҳам долзарброқдир. Чунки, Ватанимиз келажаги, халқимиз олдида турган улкан мақсадларга эришиш, аввало, ёшларимизга, уларнинг ҳар томонлама баркамол инсон бўлиб вояга етишига боғлиқ.

Президентимиз Ислон Каримовнинг „Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли“ (1992), „Ўзбекистон — келажаги буюк давлат“ (1992), „Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли“ (1993), „Юксак малакали мутахассислар — тараққиёт омили“ (1995), „Фан равнақисиз буюк давлат қуриб бўлмайди“ (1995), „Юксак маънавийсиз келажак йўқ“ (1996), „Янгича тафаккурга кенг йўл“ (1997), „Замонавий кадрлар — тараққиётимизнинг муҳим омилидир“ (1997), „Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори“ (1997), „Тарихий хотирасиз келажак йўқ“ (1998), „Юксак маънавий — жамият тараққиётининг асоси“ (1998), „Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт“ (1998), „Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз“ (2000), „Юксак маънавий — енгилмас куч“ (2008) каби кўплаб асарлари, маъруза ва нутқларида юксак тараққиётни таъминлашда баркамол авлод тарбиясига алоҳида жиддий эътибор қаратилиб, ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган концептуал йўл-йўриқлар, мавжуд муаммолар ечими бўйича амалий фикр ва гоёлар, таклифлар илгари сурилган.

Баркамол авлод ва янги авлод кадрлари уйғун тушунча бўлиб, бунда: 1) янги авлод мустақил, янгича онгу тафаккур эгаси ҳисобланади; 2) собиқ якка ҳукмрон коммунистик гоё таъсиридан халос бўлган; 3) миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбияланган; 4) ҳозирги замон илм-фани ютуқлари асосидаги янги миллий таълим стандартлари бўйича билим олган, тайёрланган, қайта тайёрланган ёки малакасини оширган; 5) мамлакатимизда ва дунёда илм-фан соҳасидаги тизимлашган билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган, уларни ўзлаштириб олган мутахассис кадрларнинг янги авлодини англатади. Бунда „кадрларнинг янги авлоди“ тушунчаси муҳим натижа сифатида эришилган ютуқни ифодалайди.

„Баркамол янги авлод“ тушунчаси эса демократик тамойилларни қадрлайдиган, юксак салоҳиятга эга, замонавий илм-фан ва технология ютуқлари билан қуролланган, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга амалий ҳисса қўшиш масъулиятини чуқур англаб етган янги қатламдир. Бу авлод жамият ҳаётининг барча соҳаларини ривожлантиришга, демократик жамият қуришнинг мураккаб ва қийин вазифаларини ҳал этишга қодир бўлган ўзига хос қатлам, баркамол авлоддир.

Баркамол авлод кадрларни тайёрлаш давлат сиёсатининг демократик моҳиятида яққол намоён бўлади. У амалга оширилаётган демократик ижтимоий, сиёсий исло-

¹⁷⁷ *Ислон Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997. 137-бет.*

хотлардан кўзланган мақсадлар билан узвий боғлиқ бўлиб, демократик жамият куриш йўлини танлаган Ўзбекистон учун янги сиёсий воқелик ҳамдир.

1991 йилнинг 20 ноябрда „Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида“ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун бош ислохотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир асосий стратегик йўналишлардаги фаолиятини изчил ва тизимли равишда босқичма-босқич амалга оширишга имконият яратиб берди.

Ёшларнинг билим даражаси, касбий малакаси, маънавий ва руҳий баркамоллик каби фазилатлари ва ижтимоий сифатлари бутун жамиятнинг ривожланиш даражасига салмоқли таъсир кўрсатмоқда.

Бундай тамойиллар ёшларнинг алоҳида ижтимоий демографик қатлам сифатида сиёсатнинг фаол субъектига айланиб бораётганини билдиради. Ёш авлодга бўлган муносабатдаги туб ўзгаришларни Президентимиз қуйидагича баҳолайди: ёшлар билан ишлаш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади. Бугун ёшларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Шу боисдан ҳам ҳозирги даврда улғайиб келаётган ёш авлоднинг муаммоларини ўрганиш ва шу асосда уларнинг ечимини топишга бўлган эҳтиёжлар тобора ортиб бормоқда.

Ёшларга оид давлат сиёсати ҳақидаги қонунда ёшлар сиёсатини амалга ошириш ҳар бир инсоннинг бурчи эканига, бу борада миллати, ирқи, тили, дини, жинси, маълумоти, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, давлат томонидан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароитлар яратилишига эътибор қаратилди.

Мазкур қонуннинг яна бир диққатга сазовор томони шундаки, унда ёшларимизнинг пухта билим олиши билан бир қаторда халқаро майдондаги фаоллиги ва иштирокини таъминлаш, шунингдек, вояга етмаган, боқувчисини йўқотган, ёш ҳамда кўп болали оилаларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофаза қилиш, истеъдодли ёшлар орасидан алоҳида ёрқин иқтидор эгаси бўлганларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш каби масалалар аниқ белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишланган маърузасида бундай деган эди: „Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар“¹⁷⁸.

„Таълим тўғрисида“ги Қонун (1992 йил 2 июль). Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда „Таълим тўғрисида“ги Қонунни тасдиқлади. Бу дастуруламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятлари аниқ белгилаб берилди.

Мустақилликкача бўлган даврда бизнинг таълим тизимимиз жаҳоннинг илғор цивилизацияси ютуқларидан, ўз халқимизнинг тарихий илдизларидан ажралиб қолган эди. Мустақиллик бундай ҳолатни тубдан ўзгартирди. Истиқлол даврида жамият ижтимоий ҳаётининг муҳим таркибий қисми сифатида таълим ҳам ўзгармоғи, янгиланган жамиятнинг манфаатлари йўлида хизмат қилмоғи нуқтаи назаридан ёндашилди. Чунки, жамиятнинг мавжудлиги, мактабнинг ҳам мавжудлигидир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь). Конституция барча фуқаролар қатори ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий

¹⁷⁸ *Ислом Каримов. Ўзбекистон Конституцияси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2009. 30-бет.*

ва меъёрий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттирди. Жумладан, унинг 41-моддасида: „Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир“; 45-моддасида: „Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир“; 66-моддасида: „Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар“, деб белгилаб қўйилгани фикримизнинг далилидир.

„Таълим тўғрисида“ги (1997 йил 29 август) Қонун (янги таҳрири) ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Президентимиз Ислам Каримов 1996—1997 йилларга келиб, таълим-тарбия тизимидаги жиддий камчиликларни бартараф этиш ва бу соҳани тубдан ислоҳ этиш бўйича муҳим дастурий ҳужжатлар қабул қилиш лозимлигини кун тартибига қўйди. Шу боисдан ҳам тезда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини тузиш комиссияси ташкил этилиб, унга Юртбошимиз бевосита раҳбарлик қилди. 1997 йил 5 июнда Тошкентда ана шу комиссия йиғилишини Президентимиз бошқарди. Давлатимиз раҳбари томонидан маънавиятни юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани эътироф этилиб, шу билан бирга, республикада кадрлар тайёрлаш, таълим-тарбия тизимида жиддий ўзгаришлар рўй бермаётгани танқид остига олинди ва мавжуд муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари аниқ кўрсатиб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги „Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида“ги Фармони мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу Фармон асосида „Таълим тўғрисида“ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги „Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида“ги қарорига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 60 кишидан иборат Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташкил этилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалий ижросига, шунингдек, бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланган Ўзбекистон Президентининг ўндан ортиқ Фармон ва Фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „2004—2008 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Фармойиши, 2004 йил 21 майда „2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида“ги Фармонининг қабул қилиниши миллий таълим ривожига янги тарихий босқични бошлаб берди.

2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг „Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида“ги Фармойиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маъно-мазмунига уйғун тарзда ёш авлодни, комил инсонни шакллантириш, унинг ғоявий ва мафқуравий онгини ривожлантиришга қаратилди. Шунингдек, 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида“ги Қарори қабул қилинди. Юртбошимиз ташаббуси билан халқимиз ўз олдига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш каби эзгу мақсадни қўйди. Ана шу

мақсадни амалга ошириш, юртимизда демократик тамойилларга асосланган жамиятни барпо этиш учун бизга ёт ва бегона бўлган зарарли гоёлар тажовузига қарши тура оладиган, ҳар томонлама баркамол, комил инсонларни вояга етказиш, ёшларнинг онгида мафкуравий бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик, мамлакатимизнинг юксак тараққиётини таъминлаш учун миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майда „Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги Фармони қабул қилинди. Бу Фармонда ёш оилаларга давлат томонидан моддий ва маънавий ёрдам бериш, уларга айрим енгилликлар яратиш кўзда тутилди. Ушбу Фармонда қуйидаги ҳолатлар таъкидлаб ўтилди: ёш оила тоифасига 30 ёшдан ошмаган (14—30 ёшдаги фуқароларга тааллуқли) ёшлар киради. 1. Ёш оила аъзоларини ишга жойлаштириш. 2. Уй сотиб олишда уларни қўллаб-қувватлаш, уларга микрокредитлар ажратиш. 3. Уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиш асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш. 4. Ёш оилаларни маънавий, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш. 5. Никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларида ёшларга давлат томонидан моддий ёрдам бериш. 6. Иш ҳақи ва бошқа даромадларга солинадиган солиқ ва тўловлар бўйича уларга енгилликлар бериш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралда „Ёшлар йили“ Давлат дастури тўғрисидаги Қарори эълон қилинди. Қарорда „Ёшлар йили“да бажарилиши лозим бўлган асосий ва муҳим вазифалар белгилаб берилди ва уларнинг ижроси 9 та йўналишда амалга оширилди.

Ўтган даврда ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база такомиллаштирилди. Ўтган давр мобайнида бу йўналиш бўйича Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан 13 та қарор, 1 та фармойиш қабул қилинди ва 2 та қонун лойиҳаси кўрилди ва қабул қилинди. Худудлардаги ёш оилалар учун уй-жой қуриш ишларига 46 миллиард сўмлик кредит ажратилиб, 15 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди ва 530 та ёш оила алоҳида квартирага эга бўлди¹⁷⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Баркамол авлод йили Давлат дастури тўғрисида“ги Қарори 2010 йил 27 январда қабул қилинди ва уни амалга ошириш учун 11 та устувор йўналиш ва вазифа белгилаб берилди. Бу масала бўйича тузилган республика комиссиясига „Баркамол авлод йили“ Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклатилди. Дастурда белгиланган улкан ва кенг кўламли вазифалар концептуал характерга эга экани билан ажралиб туради.

Тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида таълим ва соғлиқни сақлаш соҳалари олдида янгидан-янги мураккаб вазифалар пайдо бўлмоқдаки, уларни талаб даражасида ҳал этиш учун ушбу соҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш талаб этилмоқда. Ана шу талабни чуқур англаган ҳолда, давлатимиз ушбу соҳаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига устувор йўналишлардан бири сифатида қараб, бу борада кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда.

Демак, ёш авлоднинг қобилияти ва истеъдодини рўёбга чиқариш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида давлатимиз томонидан муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилиниб, ёшлар сиёсати маъно ва мазмун жиҳатдан бойитилиб, такомиллаштириб борилмоқда.

¹⁷⁹ *Ислом Каримов*. Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш — бизнинг олий мақсадимиздир. Асарлар, 17-жилд. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2009. 49, 58-бетлар.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — баркамол ва соғлом авлодни тарбиялашнинг ҳуқуқий асоси: изланишлар ва натижалар.

Юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда.

Бундан 22 йил олдин халқимиз ўзининг мард ва донишманд раҳбари бошчилигида мустақилликка эришди. Бу мустақиллик мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаёт ва миллий маънавият соҳаларида янги бир даврни бошлаб берди. У таълим тизимини ривожлантириш соҳасида ҳам буюк ислоҳотларга йўл очди. Таълим-тарбия ишларини собиқ тузум даврида 70 йил давомида шаклланиб қолган иллатлардан халос қилиш таълимдаги ислоҳотларнинг туб моҳиятини ташкил қилди. Истиклолнинг дастлабки йилларидан бошлаб таълим соҳасини ислоҳ этишга қаратилган меъёрий ҳужжатлар, жумладан, „Таълим тўғрисида“ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши натижасида республикамиз таълим тизимида муҳим ижобий янгиланишлар юз берди ва бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда. Мамлакатимизда мактаб таълимини ривожлантириш мақсадида 2004—2009 йилларга мўлжалланган умуммиллий Давлат дастури ишлаб чиқилди ва ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилди. Ушбу дастур доирасида 8500 дан зиёд мактабда қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Дастур доирасида қайта тиклаш ишлари амалга оширилган мактабларнинг 1326 таси ёки 16 фоизи шаҳарларда, 6887 таси ёки 81 фоизи қишлоқларда, 288 таси эса бориш қийин бўлган ҳудудларда жойлашган. Шу тарихи шаҳар ва қишлоқ мактабларининг моддий-техник базаси орасидаги тафовут барҳам топди. 1607 та мактаб тоза ичимлик суви билан таъминланди, 1163 та мактаб газлаштирилди, 1607 та мактабга телефон ўрнатилди. Ўқитувчилар ва умумтаълим муассасалари ходимларини моддий рағбатлантириш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг мутлақо янгича усуллари жорий этилди. Мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган дастурга кўра, махсус ишлаб чиқилган замонавий лойиҳалар асосида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 278 та болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этиш, 2 та республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида қурилиш-таъмирлаш ва моддий-техник базасини халқаро стандартларга мос равишда ташкил этиш ишлари давом этмоқда.

Мактаб ўқувчиларининг дарсликлар билан таъминланиш даражаси ўтган йигирма икки йил давомида 55,4 фоиздан 99,4 фоизга ортгани, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари эса давлат томонидан дарсликлар билан бепул таъминланаётгани мамлакатимизда ёш авлоднинг таълим-тарбиясига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик намунаси дур. Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган умумий ўрта таълим мактабларининг деярли барчаси янгидан қурилган ва капитал таъмирланган, қарийб 9,5 мингта мактаб замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Ҳозирги вақтда 9 минг 400 дан зиёд ёки жами мактабларнинг 96 фоизи „ZiyoNet“ электрон-ахборот тармоғига улангани ҳам бу борадаги энг муҳим ютуқларимиздан саналади¹⁸⁰.

Айни вақтда, умумтаълим мактаблари битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш таъминланди. Бу борада умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда, олис аҳоли пунктларида яшайдиган қизларни касб-хунар коллежларида ўқишга тўлиқ жалб этиш

¹⁸⁰ Қаранг: М.Қуроно, Ф.Мирзаев, Қ.Қуранбоев ва бошқалар., Кадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон! Услубий қўлланма. — Т.: Маънавият. 2013.

масаласини текшириш бўйича олиб борилган кенг кўламли ишлар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Янги касб-ҳунар коллежлари ва уларнинг филиалларини қуриш ниҳоясига етказилди. 2012—2013 ўқув йилида мамлакатимизда 12 йиллик мажбурий бепул таълимга ўтиш тўлиқ таъминланди.

Олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиб олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига жуда катта эътибор қаратилиб, таълим муассасалари ва бошқа тегишли идора ҳамда ташкилотлар зиммасига масъулиятли вазифалар қўйилмоқда. Коллежларнинг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг турли шаклларида фойдаланиши, бу масалага туман ва шаҳар жамоатчилигини жалб этиш мазкур вазифани адо этишнинг энг муҳим, ҳал қилувчи йўналиши бўлди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида коллежларни тугатган 450 минг нафардан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди, уларнинг 43 фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашди.

Ўтган даврда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини малакали, педагогик ва амалий иш тажрибасига эга бўлган раҳбар ва ўқитувчи кадрлар билан янада мустаҳкамлаш ишлари давом эттирилди. 2012 йилда 687 та касб-ҳунар коллежининг директори аттестациядан ўтказилди. Бунинг натижасида уларнинг 119 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг барча ўқув муассасалари танловлар орқали саралаб олинган раҳбар кадрлар билан тўлиқ таъминланди.

Етарли касбий кўникма ва малакага эга бўлмаган 2 минг 100 нафардан зиёд ишлаб чиқариш таълими устаси ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлган малакали кадрлар билан алмаштирилди. Барча раҳбар ва педагог кадрларнинг 21 минг 700 нафардан ортиғи ёки 18 фоизи ўтган йили махсус курсларда ўз малакасини оширди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими шаклидаги ноёб тизим шаклланди. Республикаимизда янги типдаги 1537 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси қурилиб, ёшларимиз энг замонавий талаблар асосида ўқитиляпти. 1998—2011 йилларда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими даргоҳларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникалари билан уларни таъминлашга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 132,1 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Сўнгги ўн йил давомида хорижий инвестиция лойиҳалари доирасида қарийб 234 миллион 600 минг АҚШ доллари миқдоридagi маблағ ўқув-лаборатория ва устахона жиҳозларини харид қилишга йўналтирилди. 1616 номдаги 7 миллион нусхада нашр этилган дарслик ва қўлланмалар, 131 номдаги электрон дарслик ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари базасида ташкил этилган ахборот-ресурс марказларига етказилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизда „Таълим жараёнини ислоҳ этиш ва меҳнат бозорида талаб қилинадиган юқори малакали кадрлар тайёрлашда олий ўқув юртлиари муҳим ўрин эгалламоқда. Ўтган давр мобайнида уларнинг сони икки баробар ортди ва бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан зиёд талаба таълим олмоқда“¹⁸¹. Олий таълим тизимида бакалаврият ва магистратурадан иборат икки босқичли халқаро стандартга ўтиш амалга оширилди. Бу борада, айниқса, мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 20 майдаги „Олий таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори

¹⁸¹ „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti“ мавзусидаги халқаро конференция материаллари. —Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2012. 6—7-бетлар.

малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарори олий таълим муассасаларини модернизация қилиш, уларни замонавий ўқув ва илмий лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, илғор педагогик технологиялар, ўқитиш шакллари жорий қилиш, педагоглар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш борасида янада самарали ишларни амалга ошириш имкониятини яратиб берганини таъкидлаш жоиз. Мазкур Қарордан келиб чиққан ҳолда, 2011—2016 йилларга мўлжалланган дастур талабларини амалга оширишга 277 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилгани ушбу йўналишдаги ишлар нечоғлиқ кенг кўлам касб этаётганидан далолатдир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида Президентимиз 2012 йилда бу борадаги ишлар изчиллик билан давом эттирилганини таъкидлаб, Давлат бюджетининг 59,2 фоизи ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга қаратилгани, унинг 35 фоизи таълим тизимида йўналтирилганини таъкидлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги „Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қарори олий ўқув юртидан кейинги таълим мазмунини тубдан ислоҳ қилиш, хусусан, илмий тадқиқотларнинг сифати ва амалий аҳамиятини ошириш, бу борада ёшларга ўзининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини намоён этиш имконини яратиб беришга хизмат қилади.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб биз учун янги бўлган олий ўқув юртидан кейинги таълим, докторлик илмий ишларини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш, илмий даража ҳамда илмий унвонлар бериш тизими жорий этилди. Президентимиз таъкидлаганидек, илмий кенгашлар нафақат юқори малакали кадрлар тайёрлаш маскани, айтилиши вақтда илмий тадқиқотлар олиб бориладиган марказга айланиши лозим бўлган етакчи олий ўқув юртлири қошида ташкил этилиши муҳим аҳамиятга эгадир. Янги тизимнинг яна бир афзаллиги шундаки, унда бакалавр илмий даражасига эга бўлган кадрларга ҳам докторлик диссертацияси ҳимоя қилиш имконияти берилди. Бу илмий тадқиқотлар сифатининг юқори бўлиши, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўтарилишида муҳим аҳамиятга эга.

Таълим тизимида ҳаётга татбиқ этилаётган бу ислоҳотлар устоз-шогирд анъаналарини мустаҳкамлаши, илмий тадқиқотларнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлиги ошиши, жамиятимизда юқори илмий салоҳиятга эга шижоатли ёшлар сафи кенгайишига, пировардида мамлакатимиз тараққиётига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

2013 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатимизда олий ўқув юртлири фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизими жорий этилди. Олий ўқув юртлири фаолияти баҳоланадиган мезонларни шакллантиришда олий ўқув юртлиридаги ўқитиш сифати ва илмий салоҳият даражаси индексига асосий эътибор қаратилди ва уларнинг ҳар бири натижасига кўра, 35 фоиздан энг юқори баллар қўйилди. Шунингдек, талаба ва битирувчиларнинг иш берувчилар ўртасида сўров ўтказиш натижасида аниқланадиган малака индекси 20 фоиз, қолган 10 фоиз бошқа кўрсаткичлар бўйича берилди.

Рейтинг тизимини жорий этишнинг маъноси ва аҳамияти олий ўқув юртлири ўртасида соғлом рақобат ва мусобақа муҳитини шакллантириш, эътибордан четда қолиб келаётган жиҳат ва резервларни баҳолаш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш

даражаси ҳамда сифатини янада ошириш бўйича аниқ таклифларни ишлаб чиқиш имкониятини беради.

Мамлакатимизда жаҳоннинг етакчи олий ўқув юртлири филиаллари ташкил этилган. Айти вақтда Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган Халқаро Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Г.Плеханов номидаги Россия давлат иқтисодиёт университети, И.Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиалларида талабалар жаҳон таълим стандартлари бўйича таълим олаётгани эътиборга моликдир. Шунингдек, таълим муассасаларининг Европадаги таълим жамғармаси, Германиядаги Техникавий ҳамкорлик ташкилоти, Япониядаги JICA халқаро ташкилоти, Кореянинг KOICA агентлиги, UNESCO, Жаҳон банки, TESIS-TEMPUS очиқ жамият институти, АҚШ, Англия, Франция, Япония, Хитой ва бошқа давлатлар олий таълим вазирликлари билан ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов ташаббуси билан Тошкентда 2012 йил 16—17 февраль кунлари „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Ушбу конференцияда дунёнинг 48 давлатидан 8 халқаро ташкилот ва таълим жамғармалардан 270 нафар вакил иштирок этди.

Президентимизнинг Ўзбекистоннинг таълим тизимини ислоҳ қилиш борасидаги тажрибаси, таълим тизимини ислоҳ қилишга оид принцип ва ёндашувлар тўғрисидаги нутқи анжуман иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Таълимни ислоҳ қилиш соҳасида мамлакатимиз эришган ютуқлар негизида эзгу мақсадлар ётгани ва улар давлатимиз раҳбарининг машаққатли меҳнати ва узоқни кўзлаб халқимизни ишонч билан олға бошлаётгани эвазига қўлга киритилгани халқаро конференция иштирокчилари томонидан қўллаб-қувватланди.

Халқаро анжуман қатнашчилари мамлакатимиздаги қатор умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар, олий таълим муассасаларида бўлиб, уларнинг фаолияти билан танишиш асносида бунинг исботини кўрдилар ва ҳайратларини яшира олмадилар ҳамда ўз эътирофларини билдирдилар. Ўзбекистонда жорий этилган 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими ўзининг юксак самараларини бераётгани таъкидланди.

Конференцияда Президентимиз анжуман қатнашчилари эътиборини қуйидаги муҳим фактга қаратди. Яъни, ўтган давр мобайнида касб-хунар коллежлари ва академик лицейларни икки миллион уч юз мингдан ортиқ ёшларимиз битириб чиққан. 2012 йилда 500 мингдан ортиқ ёшларимиз ўрта тоифадаги мутахассис дипломига эга бўлди.

Ҳозирги пайтда нафақат иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, айти вақти мамлакатимиз кадрлар таркибини сифат жиҳатидан янгилашнинг қудратли омили бўлган бу ёшларни тўлиқ ва улар хоҳлаган соҳалар бўйича ишга жойлаштириш юзасидан изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда ҳар 8 нафар ўсмирдан биттаси ишсиз бўлган (ЮНЕСКО маълумоти) ҳозирги шароитда 2012 йилнинг ўтган 9 ойида мамлакатимизда 773 мингта янги иш ўрни ташкил этилгани ва уларнинг катта қисми айнан ёшларимиз учун яратилгани Ўзбекистонда бу борада салмоқли ва ғоят аҳамиятли натижалар қўлга киритилаётганидан далолат беради.

Ўқувчилар умумтаълим мактабидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўзлари қизиққан соҳа бўйича 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик

лицейларда таҳсил олишлари, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларга иш ўринлари яратиш учун давлат томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрилиши халқаро экспертларни ҳайратга солди ва улар бундай тажриба, таълим моделидан бошқа мамлакатлар ҳам ибрат олса арзийди, деган хулосани билдирдилар.

Аман Агарвал (Ҳиндистон молия институти профессори) Ўзбекистон таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганига гувоҳ бўлиб, бу орқали ёш авлоднинг жисмонан соғлом ва маънан баркамоллигига эришилаётгани мазкур ҳаракатнинг улкан самараси, деб баҳолади. Айниқса, Жозе Рибиерал Кастро (Португалия Ассамблеяси таълим, фан ва маданият қўмитаси раиси) таълим тизимидаги муваффақиятли ислохотларни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кучли ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтаётгани билан боғлади.

Ҳар йили таълим соҳасини ривожлантириш ва ислоҳ қилишга ялпи ички маҳсулотнинг 10—12 фоизи ва Давлат бюджети харажатларининг 35 фоизини йўналтираётган Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш халқаро конференция резолюциясида қайд этилгани, мамлакатимизда таълимни ривожлантириш учун жуда кенг имкониятлар яратилаётганининг дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши ҳар биримизни гурурлантиради.

Бугунги кунда таълим соҳасидаги барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастлабки қувончли меваси сифатида бир неча хорижий тилларда эркин гаплаша оладиган ва шу билан бирга, ўз фикрини она тилида раво, гўзал ва лўнда ифода эта оладиган янги мутахассислар авлодини кўрганда, ҳеч шубҳасиз, юртимиздаги ҳар бир ота-она, устоз-мураббий, эзгу ниятли ҳар қайси инсоннинг қалби гурур-ифтихор туйғуларига тўлади.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, спорт соҳалари ривожига оид тизимли ислохотларнинг амалга ошириб келинаётгани мамлакатимиз ёшларини бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлмоқда.

Миллий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ижобий натижалари ёшларимизнинг халқаро майдондаги ютуқларида ёрқин ифодасини топмоқда. Мисол учун, Астана шаҳрида ўтказилган кимё фани бўйича Халқаро олимпиадада ўқувчиларимиз 1 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза медалини қўлга киритганлари таҳсинга лойиқ. Жорий йилда Ўзбекистон мезбон бўлган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида дунёнинг 17 та давлатидан келган 117 нафар иқтидорли йигит-қиз сафидан ўрин олган 20 нафар ҳамюртимиз билим ва иқтидорда ҳеч кимдан кам эмаслигини амалда намойиш этиб, юртимизда таълимга қаратилган эътибор, саъй-ҳаракатлар, интилишлар самарасини амалда яна бир карра исботлади. Терма жамоамиз аъзоларидан 2 нафари олтин, 5 нафари кумуш, 8 нафари бронза медаллари билан тақдирланди.

Таълим соҳасидаги ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Франциядаги дунёнинг энг яхши бешта бизнес мактаби қаторига кирадиган „Инссад“ халқаро бизнес мактабининг 2012 йилги „Инновацияларнинг глобал индекси“ маърузасида баён этилган маълумотларни келтириш ўринли, деб ўйлаймиз. Ушбу маърузада дунёнинг 141 мамлакатидagi инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган. Таҳлилнинг асосий таркибий қисмларидан бири инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўлиб, мазкур кўрсаткич бўйича бизнинг мамлакатимиз 35-ўринни эгаллаган. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса Ўзбекистон дунёнинг 141 мамлакати орасида иккинчи ўринни банд этган. Яъни, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон дунёда иккинчи ўринни эгаллади,

дейилади мазкур хабарда. Бизга қўшни давлатларнинг бу борадаги рейтингига разм соладиган бўлсак, Россия — 55, Қозоғистон — 69, Қирғизистон — 72, Тожикистон эса 102-ўринда эканини кўриш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, дунёдаги 141 мамлакат орасида инновацион ривожланиш борасидаги 80 та кўрсаткич бўйича биринчи ўринда турган Ирландия 75,70 балл тўплаб, Ўзбекистоннинг кўрсаткичларидан (75,38 балл) атиги 00,32 балл фарқ билан олдинда экан.

Айниқса, катта молиявий ресурсларга эга бўлган Саудия Арабистони 69,05 балл билан 15-ўринни эгаллагани ёки дунёнинг энг қудратли давлатлари бўлмиш АҚШ (61,34 балл) 31-ўринда, Хитой эса (52,23) 36-ўринда экани таълим тизимини ривожлантириш бўйича мамлакатимиз кўплаб давлатлардан илгарилаб кетганини яққол тасдиқлайди.

Ўтган 22 йил давомида республикамызда ёшларга тааллуқли юзга яқин қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу борада ўндан ошиқ қонунлар, ўттиздан ортиқ Президент Фармонлари ва Қарорлари, қирқдан ошиқ Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ёшларимизнинг маърифатли, маънавиятли бўлиб, янгича дунёқараш, демократик тафаккурга эга бўлган янги авлод сифатида шаклланиши учун хизмат қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлардир.

Республика ёшларини сиёсий билимли, ҳуқуқий саводли, иқтисодий омилкор ва маънавий етук қилиб тарбиялаш йўлида амалга оширилган ишлар, имкониятлар ва шароитлар. Ҳозирги кунда тараққиёт йўлидан изчил ривожланиб боришимизда, эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган муҳим бир мезон борки, у ҳам бўлса, инсон капитали, яъни инсон омили, замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ҳаётга дадил қадамлар билан кириб келаётган ёшларимиздир.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши туфайли мамлакатимиз очиқ демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш имкониятига эга бўлди. Бу бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, уни янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан қатъият билан иш олиб боришни белгилаб берди. Шу билан бирга, Ўзбекистонда „Кучли давлатдан — кучли жамият сари“ концептуал сиёсий дастур вазифаларини изчиллик билан амалга ошириш жараёнларида ёш авлоднинг фаол иштирок этишига муҳим эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз томонидан кейинги йилларда ёш авлод камолоти учун зарур бўладиган улкан ишлар бажарилмоқда ва изчиллик билан давом эттирилмоқда. Аввало, болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар қилинди.

Кейинги ўн йил давомида юртимизда 11 та перинатал марказ ташкил этилди. Уларда 158 минг нафардан ортиқ она ва бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда.

ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва МДХ мамлакатлари бўйича офиси томонидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларни жорий қилишда, хотин-қизлар учун қулай шароитлар яратиш ва оналикни муҳофаза қилишда Ўзбекистон дунёнинг 125 давлати орасида минтақада намунавий модель сифатида эътироф этилди ҳамда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Таълим соҳасида моддий-техник базани шакллантириш ва ундан самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услугий адабиётларни такомиллаштириш юзасидан ибратли ишлар амалга оширилди.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг амалга оширилиши натижасида 1 минг 536 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, умумтаълим мактабларининг қарийб 9 мингтаси, яъни, деярли ҳаммаси, 1 минг 800 дан ортиқ спорт зали намунавий лойиҳалар асосида барпо этилди ёки капитал реконструкция қилинди.

Ўқув муассасаларининг моддий-техник базасини мунтазам янгилаб бориш, тизимли асосда замонавий компьютер техникаси, ўқув-лаборатория ускуналари, мебель ва ўқув анжомлари билан қайта жиҳозлаш, уларни талаб даражасида сақлаш ҳамда яратилган бу улкан салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида мутлақо янги бир тузилма – Молия вазирлиги хузурида махсус жамғарма ташкил этилди. Жамғарманинг ҳисоб рақамига ҳар йили 370 миллиард сўм ажратилмоқда.

Олий таълим бакалавриат босқичининг 50 та йўналиши ва магистратура босқичининг 74 та мутахассислиги унификация қилинди, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларининг янги классификаторлари жорий этилди.

Мамлакатимизда умумий ва ўрта махсус таълим давлат томонидан кафолатланмоқда. 7—15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олиниши, шунингдек, аҳолининг саводхонлик даражаси бугунги кунда юз фоизни ташкил этади. Бу эса БМТнинг бошланғич ва ўрта мактабларда таълим сифатини ошириш соҳасидаги минг йиллик ривожланиш мақсадларининг Ўзбекистон томонидан етакчи давлатлар қаторида бажарилаётганини тўла тасдиқлайди.

Баркамол авлодни шакллантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув-лабораториялари базасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам улуғвордир.

„Баркамол авлод йили“ деб аталган 2010 йили 560 та етакчи кластер мактаби қиймати қарийб 6 миллион АҚШ доллари бўлган 13 минг 500 та компьютер техникаси билан таъминланди. 750 дан ортиқ қишлоқ мактаби замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва мультимедия воситалари билан жиҳозланди, 1,5 мингта қишлоқ мактаби ўқитувчилари умумий қиймати қарийб 13 миллион АҚШ доллари бўлган 3 минг 400 та шахсий компьютер билан таъминланди.

Замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг тармоқли телекоммуникация алоқа воситалари ва Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ҳам диққатга лойиқдир.

Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда.

Ўзбекистонда мобиль алоқа хизматидан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2000 йилга нисбатан 200 баробар ошиб, 19 миллиондан ортиқ абонентни ташкил этмоқда. Агар ўн йил олдин мамлакатимиз аҳолисининг ҳар минг нафарига 4 донадан кам мобиль телефон тўғри келган бўлса, бугун бу кўрсаткич 600 донадан ошиб кетди.

Ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спорти соҳасида ҳамда ёшларнинг спорт билан доимий шуғулланишлари борасидаги ишларни кучайтириш,

янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган ишлар натижалари халқаро жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури доирасида ушбу спорт тури билан шуғулланадиган қизлар сони 2010 йилнинг ўзида 6—7 баробар, айрим вилоятларда эса 10—12 баробар ортди. Хитойда бўлиб ўтган ўн олтинчи ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз Осиё қитъаси вакиллари орасида шарафли иккинчи ўринни эгаллашди.

Касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ ёшларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш бўйича жуда кўп ташкилий ишлар ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чоратадбирлар тўғрисида“ги Фармони асосида битирувчиларга ўз бизнесини ташкил этиши учун имтиёзли кредитлар бериш бўйича банклар томонидан имтиёзли кредитлар бериш тизими йўлга қўйилди.

Ёшларда меҳнат кўникмаларини тарбиялаш ва тадбиркорлик ташаббускорлигини шакллантириш мақсадида тажриба тариқасида аграр йўналишдаги касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ўқув-ёрдамчи хўжаликлар, саноат, қурилиш, архитектура, конструкторлик ва сервис корхоналари, ишлаб чиқариш цехлари, устахоналар, сервис хизмати кўрсатадиган кичик корхоналар ташкил этилди.

Узлуксиз таълим тизимида ўқувчи ва талаба ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини ошириш учун мажбурий зарур энг кам кўникма ва малакаларни шакллантириш чоратадбирлари кўрилди.

„Келажак овози“ минтақавий ёшлар ташаббуслари марказлари базасида ёш тадбиркорлар учун, микрокредитлар берган ҳолда, тадбиркорликни ва замонавий менежерлар тайёрлашни ривожлантириш бўйича махсус мактаблар ташкил этилди, ёшларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш маркази фаолияти янада фаоллашди.

Ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш, фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга фаол жалб этиш бўйича амалга оширилган ишлар салмоғи ҳар қанча фахрланишга арзийди. Жумладан, олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш натижасида илмий кадрлар тайёрлашнинг аспирантура ва докторантура каби эскирган шакллари ўрнига мамлакатимиз олий ўқув юртлири ва илмий тадқиқот муассасаларида катта илмий ходим-изланувчилар институти жорий этилиб, бир йўла фан доктори илмий даражасига эга бўлиш имкониятлари очилди. Энг муҳими, ана шу тадқиқотчиларнинг иш ҳақи 1,6 баробар кўпайтирилди.

Юртимизда болалар ва ёшларнинг ижодий истеъдоди ва қобилиятини ривожлантириш бўйича 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар учун „Янги авлод“ ижодиёт фестивали, „Ягонасан, муқаддас Ватан!“, „Ниҳол“ республика танловлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини ташкил қилишни таъминлаш, соғлом ва мустақкам оилани қарор топтириш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича амалий ишлар қилинди.

Оила институтини қўллаб-қувватлаш натижаларига кўра, 2,5 минг ёш оилага уй-жой қуриш ва жиҳозлаш учун тижорат банклари томонидан 107 миллиард 600 миллион сўмлик ипотека ва истеъмол кредитлари берилди. Ёшлар ўртасида оилавий кадриятларни тарғиб қилиш бўйича биргаликда яшаётганига 5 йил, 10 йил ва 25 йил

бўлган аҳил ва бахтли оилалар тўғрисида ҳикоя қиладиган „Ибратли оила“ теле-кўрсатувлари тайёрланмоқда.

Ёшларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш, уларни гиёҳвандлик, маънавиятсизлик, ўзга ёт маданиятлар, таҳдидлар ва ташқи таъсирлардан сақлаш бўйича давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ёшларда „Оммавий маданият“ (оммавий бемазагарчилик) ниқоби остидаги хуружлар, диний экстремизм, халқаро терроризм, халқимизга ёт бўлган ғоя ва қадриятларнинг четдан „экспорт“ қилинишига қарши қатъий позицияни шакллантириш бўйича ахборот ва педагогик технологияларнинг замонавий, янги шакллари жорий қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарида бугунги кунда фаоллашаётган оммавий маданиятга қуйидагича изоҳ берган. „Коммунистик мафкура ва унинг ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган „оммавий маданият“ ёпирилиб кириб келиши мумкинлигини унутмаслик керак“¹⁸².

Ёшларнинг келажагига таҳдид соладиган омиллар жуда кўп бўлиб, айрим молиявий имкониятларга эга бўлган хориждаги сиёсий кучлар ўз ғаразли ниятларини амалга оширишда мафкуравий қурол сифатида „Оммавий маданият“дан фойдаланмоқда, уларнинг мақсади одамларнинг, ёшларнинг онгу тафаккурини, маънавий оламини издан чиқаришга қаратилган. Уларнинг сохта ғоя ва мафкуралари ахлоқий бузуқлик ва зўравонликни тарғиб қилишга қаратилган. Индивидуализм, эгоцентризм (шахснинг ўз қизиқиш доирасига боғланиб қолиши, ўз фикрини ўзгартира олмаслиги), бюрократия, манфаатпарастлик, порахўрлик, маҳаллийчилик, шуҳратпарастлик, лоқайдлик, бефарқлик, сотқинлик каби иллатларга қарши курашиш ҳам „Баркамол авлод йили“ Давлат дастурининг бош мақсадларидан бири бўлди.

Миллий ғоя ва мафкура, мамлакатимиз тарихи мавзулари бўйича веб-ресурслар янада кенгайтирилди. Республика олий ўқув юртлари, лицейлари, коллежлари ва мактабларида „Ziyo-Net“ тармоғи имкониятлари ва ахборот ресурсларидан кенг фойдаланилмоқда.

Қатъий эътиқод ва қарашларга эга бўлган, маънавий таҳдидларга ва четдан кўрсатилаётган таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга эътибор қаратилмоқда. Ахлоқий маданиятни ва Интернетдан фойдаланиш маданиятини ошириш, паст савияли „оммавий маданият“нинг кириб келишига қарши чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Оммавий ахборот воситаларида тушунтириш ишларини ташкил этиш бўйича аҳолининг барча қатламлари ўртасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 ва 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғишларидаги маърузаларида баён қилинган „Баркамол авлод йили“ Давлат дастурининг мақсади, мазмуни ва аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб борилди.

Бу каби ишлар Президентимиз айтганларидек, „Мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини туғдирди“.

¹⁸² *Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. —Т.: Маънавият, 2008. 117-бет.*

Биргина 2010 йили „Баркамол авлод йили“ Давлат дастурини бажариш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм ва 165 миллион доллар маблағ йўналтирилди.

Баркамол авлоддан талаб этиладиган биринчи фазилат — маърифатли инсон бўлишдир. Маърифатли киши эса ўқимишли, зиёли, илмли, ориф, фозил, олим, муаллим, устоз, мураббий, ахлоқан комил инсондир. Маърифатли инсон комил инсон билан тенглаштирилади. Маънавият таянчи маърифатли инсонлардир.

Инсон ҳаётининг фаровонлиги — унинг ижтимоий, жисмоний, интеллектуал, эмоционал, маънавий ва акмеологик ҳолатининг уйғунлашуvidан юзага келади. Агар бу жиҳатларнинг бирортасида оқсоқлик юзага келса, самарали натижаларга эришиш мушкул.

Бугунги кунда мамлакатимизда 362 та академик муассаса, олий ўқув юртлари ва тармоқ муассасалари мавжуд. Уларнинг 101 таси илмий тадқиқот институти, 55 таси олий ўқув юртлари тасарруфидаги илмий тадқиқот лаборатория ва бўлимлари, 32 таси илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва экспериментал корхоналар, 30 таси ахборот-ҳисоблаш марказларидир. Фан соҳасида 46 мингга яқин киши тадқиқот ишлари билан шуғулланмоқда.

Албатта, маънавий-маърифий салоҳиятимизга оид мисолларни кўплаб келтириш мумкин, асосий масала шуки, юксак маънавият, интеллектуал салоҳият, замонавий билимларга эга авлодгина халқимиз эришган мустақилликни асрайди, маънавий ва иқтисодий тараққиётга муносиб ҳисса қўшади. Шундагина халқимизнинг орзуси бўлган фаровон ва обод ҳаётга эришиш мумкин.

Мустақиллик ва Ватан тараққиёти ғояларига содиқ бўлган янги инсонни тарбиялаш ва вояга етказиш шу куннинг муҳим вазифасидир. Чунки мустақил, озод ва обод ўлкамизнинг келажагини кўп жиҳатдан юксак маънавиятли комил инсонлар ҳал қилади. Шундай экан, юксак маънавий фазилатлар, эзгу ғояларни ёшлар онгига сингдирмасдан, маънавий ва ахлоқий кадриятларни ривожлантирмасдан туриб баркамол инсонларни тарбиялашдек юксак вазифанинг истиқболини тасаввур эта олмаймиз.

ХУЛОСА

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бир неча бор юксак минбарлардан туриб таъкидлаганидек, мустақиллик — бу ҳеч кимга қарам бўлмасдан, ўз миллий манфаатларимизни, узоқ ва давомли мақсадларимизни кўзлаб, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсишини таъминлаш, аҳолимизнинг фаровонлигини, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини муносиб даражага кўтаришдир.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 июндаги „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида“ги Қарорига мувофиқ бу йилги истиқлол байрамига „**Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!**“ шиори остида улкан тайёргарлик ишлари амалга оширилди. Ана шундай ишлар асносида халқимиз, ҳар биримизнинг қадр-қимматимиз, таянчимиз ва ифтихоримиз, маънавий-моддий бойлигимиз ва албатта, ўзлигимиз бўлган она-Ватанимизга бўлган муҳаббат туйғуси янада юксалди, мустақиллик нақадар буюк неъмат эканини янада чуқур англаб етдик.

Ҳақиқатан ҳам, одамзоднинг бахти аввало у туғилиб ўсган муқаддас Ватан билан боғлиқ. Камолот сари йўл олган ҳар қандай киши, биринчи навбатда, ўз юрти, халқи, миллатининг қадр-қимматини англаб етиши, туғилиб ўсган гўшаси ва шу макон билан боғлиқ ҳамма қадрият ва неъматларни эъзозлаб яшаши керак. Ўзликни англаш — Ватанни англамоқдир. Ватанни англамоқ эса, ҳеч шубҳасиз, уни севмоқлик, унинг ҳар бир гўшасини, ҳар бир қарич ерини, ҳатто бир сиқим тупроғини ҳам жон қадар асраб-авайлаш, ёт кўзлардан, ёмон ниятлардан сақлаш, демакдир.

Президентимиз таъкидлаганидек, „Бугун биз бошимиздан кечираётган нотинч ва таҳликали замонда турли минтақаларда, ён-атрофимизда қарама-қаршилик, қонли тўқнашувлар тобора кучайиб бораётганини кўриб, кузатиб, бегамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшашни ҳаётнинг ўзи барчамиздан талаб этмоқда“¹⁸³.

Ёшлар онгида бегамлик ва бепарволикка йўл қўймаслик учун нима қилмоқ керак? Бу саволга ҳам муҳтарам Президентимиз ўзининг „Юксак маънавият — енгилмас куч“ асарида атрофлича жавоб берган: „Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча теран бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади“¹⁸⁴. Шу боис биз ёшларни ўзликни теран англаб етиш руҳида тарбиялашимиз, уларнинг ватанпарвар, етук мутахассис, энг муҳими, мустақиллигимизни асраб-авайлайлаш руҳида тарбиялаш борасида изчил фаолият олиб боришимиз зарур. Бу борада, айниқса, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи — „Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир“ рисоласини ҳар томонлама чуқур ўқиб-ўрганиш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу китоб, ҳажман гарчи кичкина бўлса-да, бугунги ва келгуси

¹⁸³ Ислом Каримов. Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013. 10–11-бетлар.

¹⁸⁴ Ислом Каримов. Юксак маънавият — енгилмас куч. — Т.: Маънавият, 2008. 90-бет.

ҳаётимиз, мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлиги учун ўта муҳим фикр ва ғоялар, амалий ҳулосаларни ўзида мужассам этади.

Рисоланинг маъно-мазмуни, концептуал йўналишини шартли равишда уч қисмга бўлиш мумкин.

Биринчи қисм. Мустақиллик деган бебаҳо неъматнинг дунёдаги ҳар бир халқ ва миллат ҳаёти ва тақдирида, жумладан, ўзбек халқининг ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти.

Иккинчи қисм. Ўзбекистон мустақиллиги қандай оғир ва машаққатли тарихий шароитда амалга оширилгани, халқимиз истиқлолга эришиш, уни асраш ва мустаҳкамлаш, мустақил тараққиёт йўлини танлаш ва амалга ошириш борасидаги нақадар мураккаб синовлардан ўтгани, ўзининг фидокорона меҳнати, мардлик, матонат кўрсатиш фазилатлари билан улкан ютуқ ва марраларга эришиб, бугунги кунда дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзосига айлангани, ана шу ғалабаларни янги-янги натижалар билан мустаҳкамлаётгани.

Учинчи қисм. Ҳозирги ғоят кескин ва таҳликали замонда Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини ошириш, Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътиборини юксалтириш бўйича замоннинг ўзи олдимизга янги-янги долзарб вазифаларни қўяётгани, уларни амалга оширишда халқимиз, аввало, ҳозирги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётимизга кириб келаётган ёшларимизга, уларнинг улкан салоҳиятига таянишимиз лозимлиги.

Азиз ўқувчи, қўлингиздаги ўқув қўлланмада Президентимизнинг рисоласи ана шу учта асосий йўналиш бўйича таҳлил этилиб, уни ўқиб-ўрганиш бўйича зарур илмий-услубий тавсиялар берилди. Ўйлаймизки, мазкур ўқув қўлланма Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси, ривожланишнинг ўзбек модели ҳамда миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларини янги назарий фикр ва ҳулосалар, таҳлилий материаллар, концептуал ёндашувлар билан бойитадиган яна бир ғоят муҳим манба бўлиш Президентимизнинг юқорида зикр этилган рисоласини ўрганишда методик йўлланма бўлиб хизмат қилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. „Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир“ деган иборанинг маъно-мазмунини тушунтириб беринг.
2. Ўзбекистон халқининг мустақилликка эришиш учун олиб борган курашлари ҳақида қайси манбаларда кенг маълумот берилган?
3. Мустақиллик — ўзликни англаш демакдир, деган фикрни сиз қандай изоҳлайсиз?
4. Ўз табиий бойликларини ўзи тасарруф эта олмаган ёки тасарруф этмайдиган халқ мустақил бўла оладими?
5. Мустақиллик буюк алломаларимиз, шоиру ёзувчиларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш ҳуқуқини берди. Ана шундай улуғ инсонлардан қайси бирининг бизга қолдирган мероси хусусида батафсил тўхталишни истайсиз?
6. „Амир Темурни англаш — тарихни англашдир“, деган ибора ким томонидан айтилган ва нима учун Амир Темурни англамасдан туриб тарихни англаб бўлмайди?
7. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов қандай улкан жасорат билан иш олиб боргани ҳақида гапириб беринг.
8. Ўзбекистон мустақиллигининг ҳуқуқий асослари хусусида нималарни биласиз?
9. Ўзбекистоннинг ер ости ва ер усти бойликларининг умумий манзарасини тасвирлаб беринг.
10. Мустақиллик тарихни англаш, қадриятларимизни, динимизни қадрлаш борасида бизга қандай имкониятлар берди?
11. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон иқтисодиётининг юқори ўсиш суръатларини таъминлаётган омиллар нималардан иборат?
12. 2012 йилда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг асосий тармоқ ва соҳаларидаги ўсиш суръатлари қандай бўлди?
13. 2012 йилда Ўзбекистонда ташқи савдо соҳасида эришилган ижобий кўрсаткичлар ҳақида гапириб беринг.
14. Кейинги йилларда мамлакатимиз экспорти ва импорти таркибида қандай ўзгаришлар кузатилмоқда?
15. Мамлакатимизда инфляциянинг прогноз даражасида сақланиб қолишида қандай чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда?
16. Кейинги йилларда Ўзбекистонда давлат харажатлари ҳамда давлат бюджети бажарилишининг параметрларида қандай тенденциялар кузатилмоқда?
17. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашдан мақсад нима?
18. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашнинг иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланишга кўрсатадиган таъсири қандай?
19. Давлат инвестиция дастурига инвестицион лойиҳани киритиш тартиби қайси ҳуқуқий ҳужжат асосида амалга оширилади?
20. Хорижий инвестициялар қайси манбалар ҳисобидан амалга оширилади?
21. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш борасида қандай чоралар кўрилди?

22. 2013 йил мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш мақсадида Президентимиз томонидан қандай устувор йўналишлар белгилаб берилди?

23. Иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилишда инвестицияларнинг тутган ўрнини қандай изоҳлайсиз?

24. Маҳаллийлаштириш дастурини ҳаётга изчил татбиқ этишдан кўзланган мақсад нима?

25. Иқтисодиётимизга йўналтирилаётган инвестициялар динамикасини таҳлил қилиш натижасида қандай хулосаларга келиш мумкин?

26. Президентимиз Ислом Каримовнинг „Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустақкам мезонидир“ рисоласида давлатимиз раҳбарининг қайси нутқи ўрин олган?

27. Ушбу рисола, маъно-мазмунига кўра, неча қисмга бўлиб ўрганиш мумкин?

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қачон қабул қилинган?

- А. 1992 йил 6 декабрь.
- Б. 1992 йил 7 декабрь.
- В. 1992 йил 8 декабрь.
- Г. 1992 йил 9 декабрь.

2. Ўзбекистоннинг пойтахти қайси шаҳар?

- А. Самарқанд.
- Б. Бухоро.
- В. Навоий.
- Г. Тошкент.

3. Ўзбекистонда қайси тил давлат тили ҳисобланади?

- А. Рус ва ўзбек тиллари.
- Б. Ўзбек ва қорақалпоқ тиллари.
- В. Ўзбек тили.
- Г. Рус тили.

4. Ўзбекистон Республикаси қачон БМТ аъзолигига қабул қилинган?

- А. 1992 йил 2 март.
- Б. 1995 йил 12 октябрь.
- В. 1992 йил 3 март.
- Г. 1993 йил 1 июнь.

5. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи қачон қабул қилинган?

- А. 1991 йил 18 ноябрь.
- Б. 1992 йил 3 июнь.
- В. 1992 йил 10 декабрь.
- Г. 1991 йил 5 октябрь.

6. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси қачон қабул қилинган?

- А. 1991 йил 18 ноябрь.
- Б. 1992 йил 3 июнь.
- В. 1991 йил 5 октябрь.
- Г. 1992 йил 10 декабрь.

7. Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби қачон қабул қилинган?

- А. 1991 йил 5 октябрь.
- Б. 1992 йил 2 июль.

- В. 1991 йил 18 ноябрь.
- Г. 1992 йил 10 декабрь.

8. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти нималардан иборат?

- А. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан.
- Б. Парламент, Президент ва Олий суддан.
- В. Ҳокимиятлар, Олий Мажлис ва Олий хўжалик судидан.
- Г. Судлар, ҳокимиятлар ва Қуролли Кучлардан.

9. Давлат тили тўғрисидаги ҳуқуқий норма Конституциянинг қайси моддасида белгиланган?

- А. 3-моддада.
- Б. 4-моддада.
- В. 5-моддада.
- Г. 6-моддада.

10. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ривожланиши учун шароитни ким яратиб беради?

- А. Ўзбекистон Республикаси.
- Б. „Ҳар ким ўз тақдирининг дурадгори“.
- В. Чет эл элчихоналари.
- Г. Ҳеч ким яратиб бермайди.

11. Қайси олий ҳокимият идораси халқаро шартномаларни ратификация қилади?

- А. Ўзбекистон Президенти.
- Б. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги.
- В. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси.
- Г. Ўзбекистон Олий Мажлиси.

12. 2012 йилда касб-ҳунар коллежларини тугатган ўқувчиларнинг нечтаси иш билан таъминланган?

- А. 430 минг нафардан ортиғи.
- Б. 440 минг нафардан ортиғи.
- В. 450 минг нафардан ортиғи.
- Г. 460 минг нафардан ортиғи.

13. 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг неча фоизи ўзлари ишлаб чиқариш амалиётини ўтаган корхоналарга ишга жойлашган?

- А. 56 фоизи.
- Б. 49 фоизи.
- В. 43 фоизи.
- Г. 74 фоизи.

14. Ўзбекистон 2012 йилда инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича дунёнинг 141 та мамлакати орасида нечанчи ўринни эгаллаган?

- А. 15-ўринни.
- Б. 25-ўринни.
- В. 35-ўринни.
- Г. 45-ўринни.

15. Ўзбекистон 2012 йилда таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича дунёнинг 141 та мамлакати орасида нечанчи ўринни банд қилган?

- А. 7-ўринни.
- Б. 2-ўринни.
- В. 3-ўринни.
- Г. 13-ўринни.

16. 2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига неча минг киши иш билан таъминланган?

- А. 218 минг киши.
- Б. 485 минг киши.
- В. 384 минг киши.
- Г. 416 минг киши.

17. 2012 йилда мамлакатимизда бандликни таъминлашнинг қайси йўналиши ҳисобидан 218,5 минг киши иш билан таъминланди?

- А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш.
- Б. Хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантириш.
- В. Уй меҳнатининг барча шакллари ривожлантириш.
- Г. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш.

18. 2013 йилда давлат бюджети харажатлар қисмининг неча фоизи ижтимоий эҳтиёжларни молиялаштиришга қаратилган?

- А. 59 фоизга яқини.
- Б. 60 фоиздан ортиғи.
- В. 60 фоизга яқини.
- Г. 58 фоизи.

19. Юртимизда, 2000 йил билан таққослаганда, реал даромад аҳоли жон бошига неча баробар кўпайган?

- А. 8,4 баробар.
- Б. 12,4 баробар.
- В. 6,3 баробар.
- Г. 23 баробар.

20. Ёшларга оид давлат сиёсатининг мақсади ва қоидалари қайси ҳужжатда ўз аксини топган?

- А. „Таълим тўғрисида“ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида.
- Б. „Ёшлар йили“ Давлат дастурида.

В. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида.

Г. „Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида“ги Қонунда.

21. Ижтимоий фаоллик — бу:

А. одамлар томонидан амалга оширилувчи фаолият тури сифатида намоён бўлади.

Б. айна вақтда ижтимоий фаоллик муайян одамнинг у ёки бу тарзда амалга оширилган фаолиятининг жамият манфаатига йўналтирилганида намоён бўлади.

В. А ва Б жавоблар тўғри.

Г. жамият манфаатларини четга суриб қўйиш билан намоён бўлади.

22. „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti“ мавзусидаги халқаро конференция қачон бўлиб ўтган?

А. 2011 йил 25—26 ноябрда.

Б. 2012 йил 16—17 февралда.

В. 2010 йил 12—13 ноябрда.

Г. 2011 йил 28—29 августда.

23. Бугунги кунда Ўзбекистонда 7—15 ёшдаги болаларнинг бошланғич ва умумий таълимга қамраб олиниш даражаси неча фоизни ташкил этади?

А. 98,8 фоизни.

Б. 99,8 фоизни.

В. 90 фоиздан кўпроқни.

Г. 100 фоизни.

24. Ўзбекистонда ҳар йили таълим учун сарфланаётган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг неча фоизини ташкил этмоқда?

А. 10—12 фоизини.

Б. 34—35 фоизини.

В. 3—5 фоизини.

Г. Ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгариб туриши сабабли, бу кўрсаткични аниқ ҳисоблаб бўлмайди.

25. Президентимизнинг мустақиллик тўғрисидаги „Мустақиллик деганда, унинг маъно-мазмунини биз, аввало, _____ деб қабул қиламиз“ деган фикрини тўлдирувчи тўғри жавобни кўрсатинг:

А. эркинлик.

Б. озодлик.

В. ҳуқуқ.

Г. ўз фикрини билдира олиш.

26. Йигирма икки йил мобайнида Ўзбекистонда:

А. ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,5 баробарни ташкил этди.

Б. ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 2,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 4,5 баробарни ташкил этди.

В. ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 4,5 баробарни ташкил этди.

Г. ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,5 баробарни ташкил этди.

27. Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини Ислон Каримов қачон тантанали равишда эълон қилган?

А. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари саккизинчи сессиясида.

Б. 1991 йилнинг 1 сентябрида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари еттинчи сессиясида.

В. 1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида.

Г. 1991 йилнинг 30 августида Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида.

28. „Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида“ги Қонун қачон қабул қилинган?

А. 1991 йил 31 август куни.

Б. 1990 йил 24 июль куни.

В. 1989 йил 21 октябрь куни.

Г. 1991 йил 1 сентябрь куни.

29. Ўрта Осиёнинг қадимий халқларидан бири бўлган ўзбек халқи неча йиллик тарихга эга?

А. Деярли 2000 йиллик.

Б. Деярли 3000 йиллик.

В. 4000 йилдан кўпроқ.

Г. Деярли 5000 йиллик.

30. Ўзбекистонда қанча миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади?

А. 100 дан ортиқ.

Б. 200 га яқин.

В. 150 дан ортиқ.

Г. 130 дан ортиқ.

31. Муҳаммад Хоразмий жаҳонга нималарни кашф этиб берди?

А. Дунё харитаси ва дарёнинг кўтарилиб, тошиб туришининг йиллик ҳажмини ўлчайдиган махсус асбобни.

Б. „Алгебра“ни ва саноқ сонларни.

В. „Геодезия“ асари ва Ер сайёрасининг меридиан градуси тўғрисидаги маълумотларни.

Г. 800 га яқин дори ва тиббиёт тўғрисидаги асарларни.

32. „Ал-муаллим ас-соний“ — „Иккинчи муаллим“, „Шарқ Аристотели“ деб улуғланган аждодимизнинг асл исми-шарифи қандай?

- А. Муҳаммад Хоразмий.
- Б. Аҳмад Фарғоний.
- В. Абу Райҳон Беруний.
- Г. Абу Наср Форобий.

33. Беруний Ернинг меридиан градусини ҳисоблашда ҳозирги замонавий асбоб-ускуналарнинг ҳисоблашига нисбатан қанча янглишган эди?

- А. 420 метрга.
- Б. 620 метрга.
- В. 1220 метрга.
- Г. 520 метрга.

34. Амир Темурнинг ҳарбий санъатдаги муҳим жиҳати нимадан иборат эди?

- А. У тезлик билан кўп сонли қўшин тўплай олган.
- Б. У осонлик билан душманни сулҳ тузишга кўндира олган.
- В. У бирор марта ҳам жангда мағлубиятга учрамаган.
- Г. У душманга нисбатан ўта шафқатсиз бўлган.

35. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тинчлик кенгаши биноси пештоқига зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилган шеърини сатрларнинг муаллифи ким?

- А. Алишер Навоий.
- Б. Фаридиддин Аттор.
- В. Заҳриддин Муҳаммад Бобур.
- Г. Саъдий Шерозий.

36. „Бобур — дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган“. Ушбу таърифнинг муаллифи ким?

- А. Жавоҳарлаъл Неру.
- Б. Гай Юлий Цезарь.
- В. Херман Вамбери.
- Г. Муҳаммад Ҳайдар мирзо.

37. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистонда юзага келган ўта жиддий муаммолар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

А. Республикада ишсизлар сонининг кўплиги, замонавий технологияларнинг жадал ривожланганлиги.

Б. Республика иқтисодиётининг номақбул ихтисослаштирилиши, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқлар улушининг юқорилиги.

В. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг самарали жойлашуви, саноат объектларининг етарли эмаслиги.

Г. Республикадаги ижтимоий аҳволнинг қониқарсизлиги, демографик вазиятнинг мураккаблиги.

38. Қуйидаги қайси жавобда республикадаги оғир аҳволнинг вужудга келиш сабаблари нотўғри кўрсатилган?

- А. Республика табиий ва иқтисодий ресурсларининг етарли эмаслиги.
- Б. Республикага асосан хом ашё базаси, саноат вазирликлари ва идораларининг мўмай хом ашё манбаи сифатида қараб келиниши.
- В. Ўлканинг маҳаллий, ижтимоий-иқтисодий хусусиятларига баъзан етарлича, баъзан мутлақо баҳо берилмаган, баъзан эса бу хусусиятлар писанд ҳам қилинмаган.
- Г. Иқтисодий ва ижтимоий соҳани комплекс, жадал ривожлантиришнинг, умумиттифоқ меҳнат тақсимоотида Ўзбекистоннинг мавқеи ва ўрнини ўзгартиришнинг муқобил йўллари эътиборга олинмаган.

39. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистон қишлоқларида ери йўқ оилалар сони қанчани ташкил этган?

- А. 10,5 минг нафар.
- Б. 240 минг нафар.
- В. 350 минг нафар.
- Г. 1,5 миллион нафар.

40. 1989 йил 17 августда қабул қилинган „Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида“ги Қарорда қишлоқда яшовчи ҳар бир оиллага қанча ер ажратиш кўзда тутилган эди?

- А. Ўртача 6 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 15 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.
- Б. Ўртача 4,5 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 10 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.
- В. Ўртача 25 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 4,5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.
- Г. Ўртача 20 сотихдан ер ажратиб бериш ва томорқа майдонларини қарийб 5 баробар кўпайтириш кўзда тутилган эди.

41. Қайта ишланмасдан, республика ташқарисига чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг улуши қанчани ташкил этар эди?

- А. 80 фоиздан кўпроқ.
- Б. 60 фоиздан кўпроқ.
- В. 50 фоиздан кўпроқ.
- Г. 20 фоиздан кўпроқ.

42. Қуйидаги қайси жавобда деҳқонларнинг фаровон яшашини таъминлаш, уларнинг даромадини кўпайтиришнинг асосий манбалари тўғри белгиланган?

- А. Қишлоқ аҳлининг иш ҳақини ошириш.
- Б. Қишлоқдаги ижтимоий муаммоларни зудлик билан ҳал этиш.
- В. Шахсий томорқаларни кенгайтириш.
- Г. Барча жавоблар тўғри.

43. Мустақилликка эришиш арафасида Ўзбекистондаги барча асосий фондларнинг қанча қисми собиқ Иттифоқ тасарруфида эди?

- А. 70 фоизи.
- Б. 60 фоизи.
- В. 40 фоизи.
- Г. 30 фоизи.

44. Мустақиллик арафасида ишлаб чиқариш билан банд бўлмаган меҳнат ресурси неча кишини ташкил этар эди?

- А. 1 миллионга яқин кишини.
- Б. 1,5 миллионга яқин кишини.
- В. 2 миллионга яқин кишини.
- Г. 3 миллионга яқин кишини.

45. Мустақиллик арафасида кун кечириш учун ойига ўрта ҳисобда камида 85 сўм зарур бўлгани ҳолда, 75 сўмдан камроқ ялпи даромад оладиган аҳолининг улуши Ўзбекистонда қанчани ташкил этган?

- А. 54 фоизни, яъни 8 миллион 800 минг кишини ташкил этган.
- Б. 50 фоизни, яъни 9 миллион 800 минг кишини ташкил этган.
- В. 45 фоизни, яъни 8 миллион 800 минг кишини ташкил этган.
- Г. 48 фоизни, яъни 9 миллион 800 минг кишини ташкил этган.

46. „Қишлоқда яшовчи ҳар бир оилани томорқа билан таъминлаш, уларга якка тартибда уй-жой қуриш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш ҳақида“ги Қарор қачон қабул қилинди?

- А. 1989 йил 17 августда.
- Б. 1989 йил 21 октябрда.
- В. 1990 йил 24 мартда.
- Г. 1990 йил 22 июнда.

47. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми қачон берилган?

- А. 1989 йил 17 августда.
- Б. 1989 йил 21 октябрда.
- В. 1990 йил 24 мартда.
- Г. 1990 йил 22 июнда.

48. Мустақиллик учун қўйилган қадамлар қайсилар?

- А. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши.
- Б. Президентлик бошқарувининг жорий этилиши.
- В. Мустақиллик декларациясининг эълон қилиниши.
- Г. Ҳамма жавоблар тўғри.

49. Ислон Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлаган сана:

- А. 1986 йил 23 июлда.

- Б. 1989 йил 23 июнда.
- В. 1990 йил 24 мартда.
- Г. 1990 йил 20 июнда.

50. Ўзбекистон тарихида биринчи марта президентлик лавозими қачон жорий қилинди?

- А. 1990 йил 24 мартда.
- Б. 1989 йил 23 июнда.
- В. 1990 йил 20 июнда.
- Г. 1991 йил 15 февралда.

51. Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгандан кейинги қалтис ва мураккаб даврда юртимизда қанча миқдорда буғдой ва ун захираси қолган эди?

- А. Ўн-ўн беш кунга етадиган.
- Б. Бир-икки ойга етадиган.
- В. Уч-тўрт ойга етадиган.
- Г. Бир-икки йилга етадиган.

52. Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича улкан захираларга эга бўлишига қарамай, илгари йилига қанча миқдорда нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтирар эди?

- А. 2—3 миллион тонна.
- Б. 3—4 миллион тонна.
- В. 4—5 миллион тонна.
- Г. 6—7 миллион тонна.

53. Собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистоннинг галла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжларининг қанча қисми четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди?

- А. 20 фоиздан ортиғи.
- Б. 50 фоиздан ортиғи.
- В. 60 фоиздан ортиғи.
- Г. 80 фоиздан ортиғи.

54. Собиқ Иттифоқ таркибидаги Ўзбекистонда етиштирилган пахта хом ашёсининг қанча қисми мамлакатнинг ўзида қайта ишланар эди?

- А. 50 фоизи.
- Б. 30 фоизи.
- В. 10 фоизи.
- Г. 7 фоизи.

55. 2013 йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган халқаро конференциянинг мавзуси қандай?

А. „Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили“.

Б. „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шarti“.

В. „Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини бошқаришни замонавий талабаларга мувофиқ такомиллаштириш: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари“.

Г. „Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: „Соғлом она — соғлом бола“.

ТЕСТ КАЛИТЛАРИ

1В	2Г	3В	4А	5А	6Г	7Б	8А	9Б	10А	11Г	12В	13В	14В	15Б	16Б	17В	18В	19А	20Г
21В	22Б	23Г	24А	25В	26Г	27В	28А	29Б	30Г	31Б	32Г	33Б	34В	35Г	36А	37Г	38А	39Б	40В
41А	42Г	43Г	44А	45В	46А	47Б	48Г	49Б	50А	51А	52Г	53Г	54Г	55А					

ГЛОССАРИЙ

АРИЗА — фуқаролар мурожаатларининг бир тури бўлиб, унда фуқаролар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимосни баён этадилар.

АСОСИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР — инсон ва фуқароларга яшаши, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ўз манфаат ва эҳтиёжларини қондириши учун имконият берувчи ҳуқуқ ва эркинликлар йиғиндиси.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ — бу алоҳида шахс ёки оила (уй хўжалиги) томонидан турли манбалардан маълум давр мобайнида олинадиган ва истеъмол, жамғарма, турли йиғин ва солиқларга сарфланадиган пул ва натурал тушумлар мажмуидир.

АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ — бу давлат томонидан муносиб турмушни, яъни жамият ривожининг замонавий босқичидаги стандартларга мос моддий таъминотни ва инсоннинг эркин ривожланишини таъминлаш мақсадида давлат томонидан кафолатланадиган ва амалга ошириладиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий тавсифдаги чора-тадбирлар мажмуасидир.

АҲОЛИНИНГ НАТУРАЛ ДАРОМАДЛАРИ — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг барча тушумлари: деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари, боғдорчилик, сабзавот-полиэ экинлари, шахсий томорқа, табиат инъомларидан шахсий, оилавий эҳтиёжлар учун тайёрланадиган маҳсулотлар каби тушумлар.

АҲОЛИНИНГ ПУЛ ДАРОМАДЛАРИ — бу аҳолининг барча пул маблағлари тушуми: пенсия, стипендия, нафақа; мулкдан фоиз, дивиденд, рента, акция, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, чорва моллари, томорқа маҳсулотлари, турли буюмлар ва бошқа товарларни сотишдан тушадиган, турли хизматлар кўрсатишдан келадиган пул тушумларидир.

АҲОЛИНИНГ РЕАЛ ДАРОМАДЛАРИ — нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори, яъни аҳоли ихтиёрида бўлган даромаднинг харид қуввати.

АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — бу аҳоли фаровонлиги, неъматлар ва хизматлар истеъмолининг даражаси, инсонларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини қондириш меъёрини тавсифловчи шароитлар ва кўрсаткичлар мажмуидир.

БАЙРОҚ — давлат ёки бирор-бир ташкилотнинг ёғоч даста (ёки арқон)га бириктирилган, кўпинча, бирор давлат ёки ташкилот белгиси бўлган бир ёки бир неча рангдаги мато. Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи — байроқнинг бутун узунлиги бўйлаб ўтган тўқ мовий ранг, оқ ранг ва тўқ яшил рангли учта эндан ҳамда иккита қизил чизикдан таркиб топган тўғри тўртбурчак шаклидаги матодир. Байроқнинг юқори қисмида ярим ой ва 12 юлдуз тасвири туширилган. Ўзбекистоннинг Давлат байроғи Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистоннинг Давлат байроғи халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республика-

сининг тимсоли бўлади. Ўзбекистоннинг фуқаролари, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар Ўзбекистоннинг Давлат байроғини ҳурмат қилишлари шарт.

БАНДЛИК — меҳнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан машғул бўлиши; фуқароларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган ва қонунга зид келмайдиган, меҳнат даромади берадиган фаолияти.

БАНК — тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган фаолият турлари мажмуини (юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланишни, тўловларни) амалга оширадиган юридик шахсдир. Ўзбекистонда ташкил этилган ҳамма банклар банк фаолиятининг субъектларидир.

БАНК ТИЗИМИ — у ёки бу давлатда муайян бир тарихий даврда мавжуд бўлган турли шаклдаги банклар ва банк институтларининг ўзаро боғлиқ бўлган мажмуи. Банк тизимларининг ўзига хос хусусияти, банк концентрацияси билан бирга, уларнинг марказий, тижорат, инвестиция, ипотека, жамғарма ва бошқа банк ташкилотлари шаклида кенг ихтисослашуви ҳисобланади. Бир томондан, омонатларни жалб этиш, фойдали ва ишончли мижозлар ҳамда юқори даромад олиш учун банклар ўртасида рақобат юзага келиши, иккинчи томондан, банклар фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни кучайтиришга интилиш мана шундандир.

БАРҚАРОР ИҚТИСОДИЙ ҲАМ ИСТИҚБОЛ — бу иқтисодиётнинг узоқ вақт давомида юқори суръатлар билан ўсиб боришидир.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ — бу шундай ривожланишки, у аҳолининг ҳозирги эҳтиёжларини қондиради ва келажак авлоднинг ўз эҳтиёжларини қондириш имкониятини хавф остига қўймайди.

БИРЛАМЧИ ТИББИЙ САНИТАРИЯ ЁРДАМИ (БТСЁ) — тиббий санитария хизматининг муҳим шакли бўлиб, аҳоли ва мамлакатнинг имкониятларидан келиб чиқиб, аҳолининг, жумладан, ҳар бир инсоннинг фаол иштирокида унинг эҳтиёжига кўра кўрсатиладиган керакли ва муҳим ёрдам ҳисобланади. Аҳолини бирламчи тиббий санитария ёрдами билан таъминлаш давлат сиёсати ва тактикаси бўлиб, мамлакат ривожланишининг ҳар бир босқичида, ижтимоий адолат руҳида аҳолига иложи борича яшаш ва иш жойига яқин жойда, жамоатчиликнинг барча кучлари ёрдамида кўрсатиладиган соғлиқни сақлаш чора-тадбирларидир.

БИТИМ — фуқаролар ва юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳаракатлар. Битимлар бир тарафлама, икки тарафлама ёки кўп тарафлама (шартномалар) бўлиши мумкин. Битим тузиш учун қонун ҳужжатларига ёки тарафларнинг келишувига мувофиқ бир тарафнинг хоҳиши зарур ва етарли бўлса, бундай битим бир тарафлама битим ҳисобланади. Шартнома тузиш учун икки тараф (икки тарафлама битим) ёки уч ёхуд ундан кўп тараф (кўп тарафлама битим) келишиб, хоҳиш билдирган бўлиши керак.

БОЖ — Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан товарлар олиб ўтилаётганда божхона органлари томонидан ундириладиган тўлов. Ўзбекистон Республикасида импорт божи, экспорт божи, мавсумий ва алоҳида (махсус, антидемпинг, компенсация) бож қўлланилади. Импорт божи халқаро шартномаларга

мувофиқ белгиланади. Импорт ва экспорт божининг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори билан белгиланади. Мавсумий божлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиб, товарлар олиб кириш ва олиб чиқишни тезкор тартибга солиш учун қўлланилади. Бунда бож тарифида назарда тутилган бож ставкалари қўлланилмайди. Мавсумий божлар улар белгиланган вақтдан эътиборан олти ойдан ортиқ амал қилиши мумкин эмас. Алоҳида божларнинг қўлланилиш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ — эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга йўналтирилган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

ВАЗИРЛИК — республиканинг марказий ижро этувчи органи. Давлат бошқарувининг тегишли тармоғига (соҳасига) раҳбарлик қилади, шунингдек, қонунда белгиланган доирада тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади.

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР — ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВ ОРГАНИ — бу ҳокимият органлари тизимининг бир қисми бўлган, қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ижро этиш ва ижросини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ташкил этиладиган, бошқарув ҳаракатларининг махсус шакл ва услубларидан фойдаланиб, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида бошқарув функцияларини амалга оширадиган, тегишли тузилишга, ваколатларга ва давлат хизматчилари штатларига эга бўлган ташкилотдир.

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ — давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

ДАВЛАТ ИЖТИМОЙ ЁРДАМИ — меҳнатга лаёқатининг йўқлиги, ишсизлиги, даромад манбаи мавжуд бўлмаганлиги сабабли мустақил равишда ўзини моддий таъминлай олмаган шахсларга давлат томонидан бериладиган ёрдам.

ДАВЛАТ ОРГАНИ — давлат томонидан ташкил этиладиган, давлат номидан иш кўриб унинг манфаатини қўриқлайдиган тузилма. Давлат бошқарув органи давлат аппаратининг бир қисми бўлиб, ўз бурчларини бажариш учун давлат томонидан фармойиш бериш ҳуқуқига эга.

ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ — давлатнинг бошқа давлатдан, унинг ички ва ташқи ишлари ҳамда ташқи муносабатларида тўла мустақиллиги. Суверенитет давлат ҳокимиятининг муҳим белгиси саналади.

ДАВЛАТ ТИЛИ — давлат ҳокимияти органлари, муассасалар, корхоналар ва ташкилотларнинг расман иш юритиш тили, муайян мамлакатда қонун чиқариш, ижро этиш ва суд ҳокимиятлари фаолиятида, умумий ўрта таълим, ўрта махсус ва олий таълим муассасаларида таълим бериш учун расмий белгиланган тил.

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСИ — бу Ўзбекистон Республикаси ҳудуди доирасини (қуруқликда, сувда, ер остида, ҳаво бўшлиғида) белгиловчи чизиқ ва бу чизиқ бўйлаб

ўтувчи вертикал сатҳ. Давлат чегарасини белгилаш ва ўзгартириш Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига асосан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Давлат чегараси жойларда аниқ кўриниб турадиган чегара белгилари билан кўрсатиб қўйилади. Чегара белгиларининг шакллари, ўлчамлари ва уларни ўрнатиш тартиби қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан белгиланади. Давлат чегараси орқали шахслар, транспорт воситалари, товарлар, бошқа мол-мулк ва ҳайвонларни ўтказиш белгиланган ўтказиш пунктлари орқали амалга оширилади.

ДАВЛАТ ҲУДУДИ — қонуний равишда давлат суверенитети остида бўлган ер қуррасининг бир қисми. Давлат ҳудуди таркибий қисмларига давлат чегараси доирасида жойлашган қуруқлик, сув, ер ости ва ҳаво кенгликлари киради.

ДАРОМАД — бу ишлаб чиқарилган маҳсулот нархининг уни ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатларидан ошиши, шунингдек, ҳар бир синф, ижтимоий гуруҳ ёки алоҳида шахснинг янги яратилган қийматда мавжуд бўлган ва улар томонидан ўзлаштирилган улуши.

ДЕМОКРАТИЯ — конституциявий тузумнинг халқ ҳокимиятчилиги ва сиёсий плюрализм, фуқароларнинг эркинлиги ва тенглиги, инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги кабиларни эътироф этишга асосланган давлатнинг сиёсий режими.

ДЕПУТАТ (лот. *deputatus* — вакил) — қонунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига сайланган шахс, аҳолининг маълум қисми — ўз сайлов органи сайловчиларнинг ёки бутун миллатнинг вакили. Депутат — бу Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес, тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон фуқароси. Депутатнинг ваколатлари у тегишли Олий Мажлисга, Жўқорғи Кенгесга, халқ депутатлари вилоят, туман ёки шаҳар Кенгашига сайланган кундан бошланади. Депутатнинг ваколатлари янги чақириқ Олий Мажлис, Жўқорғи Кенгес, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари сайланган кунда ёки „Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида“ги Қонунда назарда тутилган ҳолларда тугайди. Депутатнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас. Депутатлар ўз ваколатларини, қоида тариқасида, ишлаб чиқариш ёки хизмат фаолиятини тўхтатмаган ҳолда амалга оширадilar. Депутат сайловчилар олдида масъул ва ҳисобдордир. Депутат муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан баён қилган нуқтаи назари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

ДИНИЙ ТАШКИЛОТ — фуқароларнинг динга эътиқод қилиш, ибодат, расм-русумлар ва маросимларни биргаликда адо этиш мақсадида тузиладиган кўнгилли бирлашмалари (диний жамиятлар, диний ўқув юртлари, масжидлар, черковлар, синагогалар, монастирлар ва бошқалар).

ЖАМИЯТ — тарихий тараққиётнинг муайян босқичида вужудга келган ижтимоий муносабатлар маҳсули. У кишилар ўртасидаги ўзаро ҳаракатларнинг маҳсули, улар ҳаётининг маълум бир ташкилийлиги, моҳият жиҳатидан кишилар ва уларнинг гуруҳлари ўртасидаги турли хил (иқтисодий, оилавий, маънавий, синфий, диний ва бошқа) муносабатлар ва алоқалар йиғиндиси.

ЖАМОАТ БИРЛАШМАСИ — ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма. Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари, деб эътироф этилади.

ЖИНОЯТ — Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавfli қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик).

ИЖТИМОЙ СОҲА — аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуаси. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, таълим, спорт, маданият муассасалари ва бошқа тузилмаларни киритиш мумкин.

ИЖТИМОЙ ФАОЛЛИК — одамлар томонидан амалга оширилувчи фаолият тури сифатида намоён бўлади. Айни вақтда ижтимоий фаоллик муайян одамнинг у ёки бу тарзда амалга оширилган фаолиятининг жамият манфаатига йўналтирилганида намоён бўлади.

ИККИЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКА — касалликларнинг асоратини, сурункали ҳолатга ўтишини, меҳнат фаолияти пасайишининг олдини олишга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик ва бошқа чора-тадбирларнинг йиғиндисиدير.

ИШ БИЛАН БАНДЛИК — бу иқтисодий фаол аҳолининг қонун ҳужжатларига мувофиқ, даромад келтирадиган фаолиятга эга бўлишидир.

ИШ БИЛАН САМАРАЛИ БАНДЛИК — бу аҳолининг иш билан бандликка эҳтиёжининг мавжуд иш ўринларига мувофиқ келишининг сифат хусусияти бўлиб, иқтисодий нуқтаи назардан меҳнат ресурсларидан энг оқилона фойдаланишни, ижтимоий жиҳатдан меҳнат фаолиятининг инсон манфаатларига энг мувофиқ келишини билдиради.

ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ёки даромад келтирадиган фаолият.

ИШ ЎРНИ — тегишли равишда жиҳозланган ва иш қуроллари билан таъминланган, миқдор ва сифат тавсифларига эга бўлган, белгиланган меҳнат меъёрига кўра ишлаб чиқариш топшириғи ёки функциясини бажарувчи ходимнинг ёки ягона ишлаб чиқариш топшириғини ёхуд технология жиҳатдан ажралмас функцияни бажарувчи ходимлар гуруҳининг меҳнат фаолияти амалга ошадиган макон тушунилади.

ИШ ҲАҚИ — бу, ёлланма ходим даромадининг элементи, унга тегишли ишчи кучига бўлган мулкчилик ҳуқуқини иқтисодий жиҳатдан рўёбга чиқариш шаклидир.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ АҲОЛИ — меҳнат билан банд бўлган фуқаролар ва ишсизлар.

ИҚТИСОДИЙ ФАОЛ БЎЛМАГАН АҲОЛИ — ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олаётган ҳамда иш ҳақиға ёки меҳнат даромадига эга бўлмаган ўқувчилар ва талабалар; ишламаётган учинчи гуруҳ ногиронлари; уй бекалари ҳамда болаларни парвариш қилиш билан банд бўлган ишламаётган аёллар; кўчар ва кўчмас мулкдан даромад олаётган ишламаётган шахслар; ихтиёрий равишда меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.

КОНСТИТУЦИЯ — мамлакатнинг олий юридик кучга эга бўлган бош қонуни. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси олий юридик кучга эга бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида қўлланадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

МАДАНИЙ МЕРОС — тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ансамбллар, диққатга сазовор жойлар ва ёдгорликлар (моддий-маданий мерос); тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз, рақс, мусиқа, томоша санъати), шунингдек, улар ҳамда халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати билан боғлиқ билимлар, кўникмалар, асбоб-анжомлар, артефактлар, маданий маконлар (номоддий маданий мерос).

МАНСАБДОР ШАХС — ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик ваколатлари берилган ва масъул мансабдор шахс аломатларига эга бўлмаган шахс.

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТ — давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан олинган тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади. Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши вилоят, туман, шаҳар бюджети ва унинг ижросига доир ҳисоботларни тасдиқлайди. Вилоят, туман, шаҳар бюджети лойиҳаларини тайёрлашни ва унинг ижросини ҳоким амалга оширади.

МЕҲНАТ — бу инсоннинг бирон-бир мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали фаолиятидир.

МЕҲНАТ БОЗОРИ — бу меҳнатга қобилиятли аҳолининг фаол (иш билан банд ва меҳнатга муҳтож аҳоли) қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солувчи, „меҳнат қобилияти“ни сотиш-сотиб олишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита барқарорлаштирувчи кўп омилли, мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тизимидир.

МЕҲНАТ КООПЕРАЦИЯСИ — бу меҳнат фаолияти жараёнидаги алоҳида ихтисослаштирилган ижрочилар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилиши ва меҳнат фаолиятининг ташкил этилишидаги энг муҳим элементлардан биридир.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ — меҳнатга лаёқатли ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ҳамда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва катта ёшдаги ишлаётган шахслар.

МИНИМАЛ ИСТЕЪМОЛ БЮДЖЕТИ — шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмол товарлари ва хизматлари турларининг қиймати.

МОЛИЯ ТИЗИМИ — турли молиявий институтлар мажмуи. Ўзбекистон Республикаси молия тизими қуйидаги бўғинлардан ташкил топган: а) давлат бюджети, унинг тузилмасига кирувчи республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар; б) давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари жамғармалар; в) хўжалик юритувчи субъектлар ва иқтисодиёт соҳалари молияси; г) кредит (давлат кредити ва банк кредити); д) мулкӣ ва шахсий суғурта.

МУЛК — ер, ер ости бойликлари, сувлар, ҳаво бўшлиғи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар, корхоналар, ашёлар, шу жумладан бинолар, квартиралар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, хом ашё ва маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар ва бошқа мол-мулк, шунингдек, интеллектуал мулк объектлари. Мулк дахлсиздир ва қонун билан қўриқланади. Мулкнинг дахлсизлиги мулкдорга қарши турган барча субъектларнинг мулк ҳуқуқини бузишдан ўзларини сақлашларидан иборатдир. Мол-мулк мулк ҳуқуқи асосида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ шахсларга қарашли бўлиши мумкин. Мол-мулк фуқаро, юридик шахс ёки давлатнинг мулки бўлишига қараб, мулк ҳуқуқини, мол-мулкка эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш ҳуқуқини вужудга келтириш ва бекор қилиш хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан белгилаб қўйилади. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир.

МУЛҚДОР — мол-мулкка ўз ихтиёрига қўра эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга бўлган шахс. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. Ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулкдор зиммасидадир.

МУХОЛИФАТ — янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган, ўзларини „мухолифат“ деб эълон қилган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар. Ўзини парламентдаги „мухолифат“ деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда ҳуқуқларга ҳам эга. Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

НАФАҚА — фуқароларга қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда қисман ёки тўлиқ меҳнатга лаёқатсизлик, оғир моддий шароит, болали оилаларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, қариндошлардан бири вафот этган тақдирда мунтазам ёки бир марта бериладиган пул тўловларидир.

ОҚСОҚОЛ — фуқаролар йиғини раиси. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда эса фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

ПАРЛАМЕНТ — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади.

ПРЕЗИДЕНТ — давлат раҳбари. Бу атама лотинча *praesidens* сўзидан келиб чиққан бўлиб, „олдинда ўтирувчи“ деган маънони билдиради. Америка Қўшма Штатлари президентлик лавозимини таъсис этган дунёнинг биринчи мамлакатидир. Ўзбекистонда Президент лавозими 1990 йил 24 мартда таъсис этилди. Ўзбекистон Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон худудида муқим яшаётган Ўзбекистон фуқароси сайланиши мумкин. Ўзбекистон Президенти 5 йил муддатга сайланади.

РАТИФИКАЦИЯ — Ўзбекистон Конституциясига мувофиқ Ўзбекистоннинг халқаро шартномалари Олий Мажлис томонидан ратификация қилинади. Ўзбекистоннинг халқаро шартномасини ратификация қилиш тўғрисидаги Олий Мажлиснинг тўхтами — қарор шаклида қабул қилинади. Ўзбекистоннинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномалари; давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг мудофаа қобилиятига дахлдор масалалар бўйича шартномалар; куч ишлатишдан ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилишдан ўзаро воз кечиш тўғрисидаги шартномалар; тинчлик шартномалари ва коллектив хавфсизлик тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан ҳудудий чегараланиши тўғрисидаги шартномалар; Ўзбекистоннинг давлатлараро иттифоқларда, халқаро ташкилотларда ва бошқа бирлашмаларда иштироки тўғрисидаги шартномалар; ижроси амалдаги қонунларнинг ўзгартирилишини ёки янги қонунлар қабул қилинишини тақозо этадиган, шунингдек, Ўзбекистоннинг қонунларида назарда тутилганидан бошқача қоидаларни белгилайдиган халқаро шартномалар ратификация қилинади.

РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ — давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

РЕФЕРЕНДУМ — Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муқим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир. Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида ўтказилади. Ўзбекистон Республикасининг бутун худудида жорий этилган ҳарбий вақт ёки фавқулодда ҳолат шароитларида, шунингдек, ҳарбий вақт тугаган ёки фавқулодда ҳолат бекор қилингандан кейин, уч ой давомида референдум ўтказилмайди. Референдум натижалари расман эълон қилингандан кейин бир йил давомида мазмун ёки маъносига кўра худди шундай савол қўйилган референдум ўтказилмайди. Референдум фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Қонунлар белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг референдумини ўтказиш йўли билан қабул қилиниши мумкин.

САЛОМАТЛИКНИ МУҲОФАЗАЛАШ — бу бутун жамоа, оила, алоҳида шахс саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, фаол узоқ умрни қўллаб-қувватлашга,

тиббий даволаш профилактик ёрдамни кўрсатишга қаратилган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, маданий, тиббий, санитария-эпидемиологик тадбирлар мажмуидир.

СЕНАТ — ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланадилар. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар сайланганидан сўнг бир ой ичида улар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ва алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Сенатнинг ваколат муддати — беш йил.

СЕНАТОР — Ўзбекистон Олий Мажлисининг Сенатига сайланган ва „Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек, Ўзбекистон Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон фуқароси. Сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон фуқароси Сенат аъзоси бўлиши мумкин. Сенатор Сенатнинг ваколатлари муддатига сайланади (тайинланади). Сенаторнинг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас. Сенатор қонун ҳужжатларига мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи сенатор ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас. Сенатор Сенатнинг мажлисида кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича ҳал қилувчи овоз ҳуқуқидан фойдаланади.

СЕССИЯ (лот. *sessio* — мажлис сўзидан; инг. *session*) — айрим давлатларда парламент (ёки унинг палаталари) ишининг асосий ташкилий шакли ҳисобланади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ — Ўзбекистон фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир. Ўзбекистон фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партияга аъзо бўлиши мумкин. Сиёсий партияларга аъзолик якка тартибда қайд этилади. Сиёсий партиялар Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

СОЛИҚ — Солиқ кодексига белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўлови. Ҳар бир шахс қонунда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар аниқ бўлиши керак. Солиқ солиш умумийдир. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар

бўйича имтиёзларни белгилаш ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши керак. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича яқка тартибдаги хусусиятга эга бўлган имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

СОЛИҚ ТИЗИМИ — Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида барча солиқ тўловчиларга нисбатан ягона бўлган тизим.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ — тиббий ёрдамни ташкил этиш, касалликларнинг олдини олиш, аҳоли саломатлик даражасини яхшилашга қаратиладиган ва ижтимоий-иқтисодий характерга эга бўлган давлат ва жамият чора-тадбирлари йиғиндиси.

СПИКЕР — сайловдан кейинги биринчи мажлисда Қонунчилик палатасининг депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколат муддатига сайланган Қонунчилик палатасининг бошлиғи. Қонунчилик палатаси Спикери ўз вазифасини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ҳамда сиёсий партия фракцияси ва депутатлар гуруҳи таркибига кириши мумкин эмас. Спикер Қонунчилик палатаси кўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас. Спикер яширин овоз бериш орқали Қонунчилик палатаси депутатларининг учдан икки қисмидан кўпроғининг овози билан қабул қилинган Қонунчилик палатаси қарорига биноан муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин. Спикер ўз ваколатига кирадиган масалалар юзасидан фармойишлар чиқаради.

ТАДБИРКОРЛИК — тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

ТИББИЙ ЁРДАМ — олий ва ўрта махсус тиббий билимга эга бўлган шахслар томонидан туғуруқда, касалланиш, шикастланиш ва захарланишда амалга ошириладиган даволаш, профилактик чора-тадбирлар йиғиндиси.

ТУРМУШ ДАРАЖАСИ — аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланиш ҳамда уларни истеъмол қилиш даражаси.

ФРАКЦИЯ — сиёсий партиядан кўрсатиладиган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси. Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутат фақат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин. Қонунчилик палатасининг камида тўққиз нафар депутати фракцияни тузиш ҳуқуқига эга. Фракциялар рўйхатдан ўтиши керак.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ — аҳоли манфаатларини ифодалаш ва унинг номидан тегишли ҳудудда амал қиладиган қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга йиғин. Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ

фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар. Фуқаролар йиғинида шаҳарча, қишлоқ ва овул, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшаётган, вояга етган шахслар қатнашадилар. Шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини тегишли равишда шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларига қонун ҳужжатлари билан берилган исталган масалани ўзи кўриб чиқиш учун олиш ва ҳал этиш ҳуқуқига эга.

ХУСУСИЙ МУЛК — ўз мол-мулкига хусусий тарзда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидан иборат. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор ўз мулкидан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва шу тартибдагина маҳрум этилиши мумкин. Хусусий мулк фуқароларнинг ёлланиб ишлашдан, тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланишдан олган даромадлари ҳамда кредит муассасаларига қўйган маблағларидан, акциялар ва бошқа қимматли қоғозлардан келган даромадлардан, мерос бўйича ва амалдаги қонун ҳужжатларида ман этилмаган ўзга асосларга мувофиқ мол-мулкка эга бўлишлари ҳисобига ҳосил этилади ва кўпайиб боради. Фуқароларнинг хусусий мулки уларнинг давлат мулкани хусусийлаштиришда иштирок этиши ҳисобидан вужудга келтирилишига ҳам йўл қўйилади. Хусусий мулк бўлиши мумкин бўлмаган объектлар Ўзбекистон қонунлари билан белгилаб қўйилади.

ШАРТНОМА — икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув. Фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркиндирлар. Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари мумкин. Шартнома тузилган пайтидан бошлаб кучга киради ва тарафлар учун мажбурий бўлиб қолади.

ШИКОЯТ — фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилган мурожаати.

ЮРИДИК ШАХС — ўз мулкида, ҳўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот.

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ — фуқароларнинг Ўзбекистон қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир. Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ҳамда ўзларининг сайлаб қўйиладиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришни амалга оширишда тенг ҳуқуқларга эгадир. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

ЎРТАЧА УМР — чақалоқ туғилган йили мавжуд бўлган ўлим даражаси, сабаби ва таркиби унинг бутун умри мобайнида ўзгармас ҳолда сақланиб қолганда чақалоқнинг ўртача яшаш йиллари.

ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ — иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг миқдор ва сифат жиҳатидан ўзгариш даражаси.

ҚОНУН — энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан ёки референдум ўтказиш орқали қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари қонунлар ҳисобланади.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ — Ўзбекистон Олий Мажлиси — қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикасининг олий давлат вакиллик органи бўлиб, икки палатадан — Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси (қуйи палата)дан ҳамда Олий Мажлиснинг Сенати (юқори палата)дан иборат бўлади.

ҚЎШМА МАЖЛИС — бу Олий Мажлис палаталари (Сенат ва Қонунчилик палатаси) аъзоларининг бир мажлисда биргаликда иштирок этиши. Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлислари Ўзбекистон Республикаси Президенти қасамёд қилганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг, ички ва ташқи сиёсатининг энг муҳим масалалари юзасидан нутқ сўзлаганда, чет давлатларнинг раҳбарлари нутқ сўзлаганда, Бош вазир ва Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида $\frac{1}{3}$ қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилганда ўтказилади. Палаталарнинг келишувига биноан қўшма мажлислар бошқа масалалар юзасидан ҳам ўтказилиши мумкин. Палаталарнинг қўшма мажлиси очиқ ва ошкора ўтказилади. Палаталарнинг қўшма мажлиси, агар унда тегишлича Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади. Палаталарнинг қўшма мажлисларида, агар қўшма мажлисда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, Қонунчилик палатаси Спикери ва Сенат Раиси навбатма-навбат раислик қилади. Палаталарнинг қўшма мажлисида эшитилган масалалар муҳокамаси натижалари юзасидан палаталарнинг қўшма қарори қабул қилиниши мумкин. Бунда овоз бериш, қоида тариқасида, алоҳида-алоҳида ўтказилади.

ҲОКИМ — бу тегишлича вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси ва айни бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимият бошлиғи. Вилоят ҳокими, Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Президенти ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордирлар. Туман, шаҳар ҳокими юқори турувчи ҳоким ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши олдида ҳисобдордир. Вилоят, туман, шаҳар ижроия ҳокимиятига ҳоким бошчилик қилади. Ҳоким Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган миқдорда биринчи ўринбосар ва ўринбосарларга эга бўлади. Халқ депутатлари Кенгаши ва ҳоким вилоят, туман ва шаҳар учун умумий бўлган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш вазифалари амалга оширилишини, жойларда қонунлар, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган ҳужжатлар, юқори турувчи халқ депутатлари Кенгашлари ва ҳокимлар қарорларининг ижросини, Ўзбекистон давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари

билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги алоқаларни, аҳолини вилоят, туман ва шаҳарни бошқаришга жалб этишни таъминлайди. Вилоят, туман, шаҳар ҳокими қарорлар қабул қилади ва фармойишлар чиқаради. Ҳоким ўз ваколатлари доирасида қабул қилган ҳужжатлар вилоят, туман, шаҳар ҳудудида жойлашган барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир. Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари ҳамда ўринбосарлари ҳоким томонидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти билан келишилган ҳолда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади, бу хусусда қабул қилинган қарор тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритилади.

ҲУҚУҚ — давлат томонидан бутун жамият миқёсида ўрнатиладиган ва муҳофаза қилинадиган ҳамда бажарилиши барча учун мажбурий бўлган тартиб-қоидалар, нормалар тизими.

Фойдаланилган манбалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2012.
2. *Каримов И.А.* Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2013.
3. *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2010.
4. *Каримов И.А.* „Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти“ мавзусидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқ. // „Халқ сўзи“, 2012 йил 18 февраль.
5. Бош мақсадимиз — кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. / Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // „Халқ сўзи“, 2013 йил 21 январь.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида“ги Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 майдаги „Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги Қарори. // „Халқ сўзи“, 2011 йил 13 май.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг „Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили“ Давлат дастури тўғрисида“ги 2011 йил 7 февралдаги Қарори.
9. „2011—2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида“ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ—1442-сонли Қарори.
11. *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш — давр талаби. Асарлар, 5-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1997.
12. *Каримов И.А.* Аҳмад Фарғоний ҳайкалининг очилишига бағишланган маросимда сўзланган нутқ. // Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999.
13. *Каримов И.А.* Илм-фан имкониятларидан тўлароқ фойдаланайлик. // Ўзбекистон ССР Фанлар академиясида бўлиб ўтган учрашувда сўзланган нутқдан, 1989 йил 28 ноябрь. // *И.А. Каримов.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. / — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
14. *Каримов И.А.* Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади. / *И. А. Каримов* Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.

15. *Каримов И.А.* Тарихдан сабоқ олиб, замон билан ҳамқадам бўлиб яшаш — бугунги ҳаётнинг ўткир талаби. // „Халқ сўзи“, 2012 йил 15 май.
16. *Каримов И.А.* Халқ иродаси билан танланган йўл. // *И.А. Каримов.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
17. *Каримов И.А.* Ўзбекистон дунё харитасида ўзига муносиб жой олди. // *И.А. Каримов.* Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2011.
18. *Абдураззоқ Самарқандий.* Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн. К. II / Форс тилидан тарж., сўз боши ва изоҳлар муаллифи *А. Ўринбоев*; Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2008.
19. *Абдурахмонов А.* Улуғбек академияси. — Т.: Қомуслар Бош таҳририяти, 1993.
20. *Адилкариев Х.Т.,* Очиллов Б.Э. Основополагающие принципы современного международного права. — В кн.: Международное публичное право. / Отв. редактор: д.ю.н. *Х.Т.Адилкариев.* — Т.: Zarqalam; ТГЮИ; ЦИПЧГП, 2003.
21. *Азамият Зиё.* Ўзбек давлатчилиги тарихи: Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар. / Масъул муҳаррир: *Б.Аҳмедов.* — Т.: Шарқ, 2000.
22. *Алиев Б.А., Раҳмонов А.Н.* Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг юксак натижалари. — „Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан“ (илмий-оммабоп рисола). — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2011.
23. *Алимова Д.А., Буряков Ю.Ф., Раҳматуллаев Ш.М.* Самарқанд тарихи: Қадимги даврлардан бугунги кунгача. — Т.: ART FLEX, 2009.
24. *Алишер Навоий.* Лисон ут-тайр: (Насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: *А.Қаюмов* ва бошқ.; Тузувчи: *Н. Раҳмонов*; Сўз боши муаллифи, изоҳ ва луғатлар тузувчиси: *В. Раҳмонов.* — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
25. *Алишер Навоий.* Садди Искандарий (Насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: *А. Қаюмов* ва бошқ.; Масъул муҳаррир: *Қ.Тоҳиров.* — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
26. *Алишер Навоий.* Тарихи анбиё ва ҳукамо: (Пайғамбарлар ва ҳақимлар тарихи) (Сўз боши *Б.Валихўжаев* ва *Қ.Тоҳиров*ники). — Т.: Самарқанд: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти бўлими, 1990.
27. *Алишер Навоий.* Фарҳод ва Ширин (Насрий баёни билан) / Таҳрир ҳайъати: *А. Қаюмов* ва бошқ.; Тузувчи: *А. Эркинов*; Масъул муҳаррир: *В. Раҳмонов.* — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.
28. *Алишер Навоий.* Қаро кўзим. / Таҳрир ҳайъати: *А. Қаюмов* ва бошқ.; Тузувчи: *М. Раҳматуллаева*; Масъул муҳаррир: *В. Раҳмонов.* — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
29. Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / *Руи Гонсалес де Клавихо.* Буюк Амир Темур тарихи (1403—1406); Таржимон: *У. Жўраев.* — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар. Таржимон: *Б.Эрматов*; Масъул муҳаррир: *А.Х.Саидов.* — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.
30. *Аҳмедов А.* Аҳмад Фарғоний (тах. 798 — тах. 865 йиллар) / Масъул муҳаррир: *А.Азизхўжаев.* — Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 1998.

31. *Аҳмедов А.* Улуғбек: ҳаёти ва фаолияти (1394—1449). — Т.: Фан, 1991.
32. *Аҳмедов Б.* Амир Темурни ёд этиб. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
33. *Аҳмедов Б.* Улуғбек (Эссе). — Т.: Ёш гвардия, 1989.
34. *Аҳмедов Б.* Ўзбек улуси. — Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1992.
35. *Аҳмедов Б.* Ўзбекистоннинг атоқли тарихшунос олимлари: (Био-библиографик маълумотнома). Тарихшунослар ва тарих муаллимлари учун қўлланма. — Т.: Чўлпон, 2003.
36. *Бараташвили Д.И.* Равноправие и право народов распоряжаться своей судьбой. — В монографии: „Во имя мира (международно-правовые проблемы европейской безопасности)“. — М.: Наука, 1977.
37. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг низоми ва Халқаро Суд Статуси. БМТнинг Ўзбекистондаги ахборот маркази ва Ўзбек халқаро ҳуқуқ ассоциацияси. — Т.: 2002.
38. *Валихўжаев Б.* Хожа Аҳрор тарихи: Тарихий-оммабоп бадиҳалар. — Т.: Ёзувчи, 1994.
39. Великий ученый средневековья ал-Хоразми / Материалы Юбилейной научной конференции, посвященной 1200-летию со дня рождения Мухаммада ибн Мусы ал-Хорезми. — Т.: ФАН, 1985.
40. *Воҳидов Р.* Биз билган ва билмаган Бобур (Адабий ўйлар). — Т.: Маънавият, 1999.
41. Действующее международное право. В 3-х томах. / Составители: *Ю.М.Колосов* и *Э.С.Кривчикова*. Том 1. — М.: Издательство Московского независимого института международного права, 1999.
42. *Джавахарлал Неру.* Взгляд на всемирную историю: Письма к дочери из тюрьмы, содержащие свободное изложение истории для юношества. Том 1. — М.: Прогресс, 1977.
43. *Джавахарлал Неру.* Взгляд на всемирную историю: Письма к дочери из тюрьмы, содержащие свободное изложение истории для юношества. Том 2. — М.: Прогресс, 1977.
44. *Джавахарлал Неру.* Открытие Индии. Кн. 1. — Пер. с англ. — М.: Политиздат, 1989.
45. *Додонов В.Н., Панов В.П., Румянцев О.Г.* Международное право. Словарь-справочник / Под общей ред. акад. МАИ, д.ю.н. *В.Н.Трофимова*. — М.: ИНФРА — М, 1997.
46. *Жабборов И.* Ўзбек халқи этнографияси / Масъул муҳаррир: *К.Ш.Шониезов*. — Т.: Ўқитувчи, 1994.
47. *Жалилов С.* Бобур ва Юлий Цезарь: (Қиёсий ҳаётнома). — Т.: Янги аср авлоди, 2001.
48. *Жўраев Н.* Тафаккурдаги эврилиш. — Т., Шарқ. 2010.
49. *Жўраев Н.* „Мустақил Ўзбекистон тарихи“. — Т.: Фафур Фулом номидаги НМИУ. 2013.
50. *Заҳириддин Муҳаммад Бобур.* Бобурнома. / Таҳрир ҳайъати: *Абдуғафур Абдурашидов, Бобур Алимов* ва бошқ. / Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: *Саидбек Ҳасанов*; Масъул муҳаррир: *Ваҳоб Раҳмонов*. — Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2002.

51. *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Бобурнома. / Таҳрир ҳайъати: *А. Қайюмов, Х. Султанов, Б. Алимов* ва бошқ.; Халқаро Бобур фонди. — Т.: „Ўқитувчи“ НМИУ, 2008.
52. *Заҳириддин Муҳаммад Бобур*. Девон. / Масъул муҳаррир: *А.П. Қайюмов*; Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи *А. Абдуғафуров*. — Т.: Фан, 1994.
53. *Иброҳимов А.* Бизким, ўзбеклар... Миллий давлатчилигимиз асослари ҳақида мулоҳазалар. / Сўз боши: *И. Фафуров*. — Т.: Шарқ, 2001.
54. Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар: тўплам / Ўзбекча нашрининг масъул муҳаррири *А.Х. Саидов*. — Т.: Адолат, 2004.
55. *Ирисов А.* Ҳаким Ибн Сино. Ҳаёти ва ижоди. — Т.: Ўзбекистон, 1992.
56. *Кадыров А.А.* История медицины Узбекистана. — Т.: Изд-полигр. об-ние им. Ибн Сины, 1994.
57. *Каримов Э.* Хўжа Аҳрор: Ҳаёти ва фаолияти. / Масъул муҳаррир: *Д.А. Алимova*. — Т.: Маънавият, 2003.
58. *Мамадазимов М.* Улугбек ва унинг расадхонаси. — Т.: Ўзбекистон, 1994.
59. *Маматқулов А.* Халқаро ҳуқуқ. — Т.: Адолат, 1997.
60. Международное право: Учебник / Под ред. *Г.И. Тункина*. — М.: Юрид. лит., 1994.
61. Международное публичное право. Учебник. / Под ред. *К.А. Бекяшева*. — М.: ПРОСПЕКТ, 1999, стр. 70; *Раҳимова М.* Халқаро ҳуқуқ. — Т.: Akademiya, 2005.
62. *Мирзо Улугбек*. Тўрт улус тарихи. / Б. Аҳмедовнинг кириш сўзи, изоҳлари ва таҳририда; Форс тилидан *Б. Аҳмедов* ва бошқ. тарж. — Т.: Чўлпон, 1993.
63. *Миркарим Осим*. Карвон йўлларида: Сайланма: Тарихий қиссалар. / Сўз боши муаллифи: *М. Сатторов*; Тўпловчи: *Н. Норқулов*. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987.
64. *Мирмуҳсин*. Хўжанд қалъаси („Темур Малик“): Тарихий роман. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.
65. *М. Абдуллаев, М. Абдуллаева, Ф. Абдуллаева, Г. Абдураззоқова* ва бошқ. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп лугат. *Р. Рўзиев* ва *Қ. Хоназаров* умумий таҳририда. Тўлдирилган учинчи нашри. — Т.: Шарқ, 2006.
66. *Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий*. Танланган асарлар: Математика, астрономия, география. / Масъул муҳаррирлар: *С.Ҳ. Сирожиддинов, У.И. Каримов, М.М. Хайруллаев*. — Т.: Фан, 1983.
67. *Муҳаммад Ҳайдар мирзо*. Тарихи Рашидий. / Таржимонлар: *Ваҳоб Раҳмонов, Янглиш Эгамова*. Масъул муҳаррир: академик *Азиз Қайюмов*. — Т.: Sharq, 2010.
68. *Мўминов И.* Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли: Ёзма манбалар маълумоти асосида. 2-нашри. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ФА „Фан“ нашриёти, 1993.
69. *Низомиддин Шомий*. Зафарнома. — Т.: Ўзбекистон, 1996.
70. *Одилқориев Х.Т., Очиллов Б.Э.* Ҳозирги замон халқаро ҳуқуқи (халқаро оммавий ҳуқуқ). — Т.: ХЕГА-ПРИНТ, 2002.
71. Она тили — Давлат тили (ўқув кўлланма-мажмуа). Ўзбекистон Республикасининг „Давлат тили ҳақида“ги Қонунига оид ҳужжатлар. / Тузувчилар: *Н. Жумахўжа, Р. Жомонов*. — Т.: Адолат, 2004.

72. *Орипов А.* Танланган асарлар: 4 жилдлик / Сўнгсўз муаллифи: *Д. Бегимқулов*; Таҳрир ҳайъати: *О.Шарафиддинов, М.Қўшжонов, Э.Воҳидов* ва бошқ. — Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. — 1-жилд: Шеърлар ва дostonлар.
73. *Отахўжаев А.* Абу Али ибн Сино (рисола). / Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир: *Қ.К.Ражабов*. — Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2011.
74. *Отахўжаев А.* Абу Райҳон Беруний (рисола). / Лойиҳа муаллифи ва масъул муҳаррир: *Қ.К.Ражабов*. — Т.: ABU MATBUOT-KONSALT, 2011.
75. *Радий Фиш.* Жалолиддин Румий: Тарихий-биографик роман. — 2-нашр. / Масъул муҳаррир: *Абдумурод Тилаов*; Русчадан *Жамол Камол* таржимаси. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2005.
76. *Раҳимова М.* Халқаро ҳуқуқ. — Т.: Akademiya, 2005.
77. *Раҳмонов А.Н.* Инсоннинг асосий ҳуқуқлари — олий қадрият сифатида. // Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ташкил этган „Инсон манфаатларининг ҳимояланиши — фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили“ мавзусидаги республика илмий-назарий конференцияси материаллари. — Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2007.
78. *Раҳмонов А.Н.* Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўрганиш: ноюрдик олий ўқув юртларининг талабалари учун схемали ўқув қўлланма. — Т.: Янги аср авлоди, 2013.
79. *Раҳмонов А.Н.* Ўзбекистон ва Германияда парламентнинг ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳуқуқи (қийосий таҳлил). // Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари“ мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. — Т.: Иқтисодиёт, 2011.
80. *Раҳмонов А.Н., Абдурашидов Т.* Ўзбекистонда сайлов тизимининг конституциявий асослари. // „Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари“ мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. — Т.: Иқтисодиёт, 2011.
81. *Раҳмонов А.Н., Ҳасанова З.* Давлат бошқарувини демократлаштириш — давр талаби. // „Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-ҳуқуқий ва маънавий омиллари“ мавзусида республика илмий-амалий семинари материаллари. — Т.: Иқтисодиёт, 2011.
82. *Руи Гонсалес Де Клавихо.* Самарқандга — Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403–1406) // Масъул муҳаррир: *Муҳаммад Али*; Сўз боши ва изоҳлар муаллифи: *М.Сафаров*; Таржимон: *О.Тоғаев*. — Т.: „Ўзбекистон“ НМИУ, 2010.
83. *Саидов А.Х.* Халқаро ҳуқуқ. Чизмалар ва таърифларда. Ўқув қўлланма. Т.2. / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. *У.Тожихонов*. — Т.: Адолат, 2001.
84. *Сирожиддин Саййид.* Кўнгил соҳили: Тўртликлар. — Т.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2004.
85. „Совет Ўзбекистони“ газетаси, 1990 йил 24 март.
86. Темур тузуклари. // Форсчадан *А.Соғуний* ва *Ҳ.Кароматов* тарж.; *Б.Аҳмедов* таҳрири остида. — Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991.
87. „Темурнома“: Амир Темур Кўрагон жангномаси (Ҳикматлар: Ўрта ёшдаги мактаб болалари учун). / Сўз боши муаллифи ва луғатлар асосида нашрга тайёрловчи: *П.Равшанов*. — Т.: Чўлпон, 1990.

88. *Турғун Файзиев*. Мирзо Улуғбек авлодлари. — Т.: „Ёзувчи“ нашриёти, 1994.
89. *Тўлепберген Қаипбергенов*. Аждодларимиз тарихи саҳифалари. / Ушбу манбага сўз бошидан: *Фулом Карим*. Соҳибқирон ва аллома: Тарихий қиссалар. — Т.: Шарқ, 2002.
90. *Мирзо Улуғбек*. Илми нужум. / Таржимон, изоҳлар муаллифи ва нашрга тайёрловчи: *А. Аҳмад*. — Т.: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.
91. *Файзиев Т.* Темурийлар шажараси. — Т.: Ёзувчи, 1994.
92. *Фахруддин Али Сафий*. Рашаҳот (Оби ҳаёт томчилари): Тарихий-маърифий асар. — Т.: Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2003.
93. *Шарафуддин Али Яздий*. Зафарнома. / Сўз боши, табдил, изоҳлар ва кўрсаткичлар муаллифи ва нашрга тайёрловчилар: *А.Аҳмад, Ҳ.Бобобеков*; Масъул муҳаррир: *Б.Эшпўлатов*; Нашрлар ва матбаачилар гуруҳи: *И.Шоғуломов* ва бошқалар. — Т.: Шарқ, 1997.
94. *Хайруллаев М.М.* Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври маданияти. — Т.: ФАН, 1994.
95. Халқаро Суд қарорлари: ICJ Reports 1970, S. 1 [32]; ICJ Reports 1986.
96. „Халқ сўзи“ газетаси, 2013 йил 1 сентябрь.
97. *Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор*. Табаррук рисоалар. / Нашрга тайёрловчилар: *Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умрзоқ, Ҳамидуллоҳ Амин*. — Т.: Адолат, 2004.
98. *Шарафуддин Роқимий*. Тарихи Томм. — Т.: Маънавият, 1998.
99. *Шармазанашвили Г.В.* От права войны к праву мира. — М.: Международные отношения, 1967.
100. *Шермухамедов П.* Даҳонинг туғилиши ёхуд Абу Райҳон Беруний қисмати (Илмий-маърифий қисса). / Масъул муҳаррир: *М.Маҳмудов*. — Т.: Ворис, 2009.
101. *Шониёзов К.* Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. / Таҳрир ҳайъати: *Д.А.Алимова, Э.Х.Арифханова, У.С.Абдуллаев* ва бошқ. — Т.: Шарқ, 2001.
102. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 9-жилд. Тўйчи Ҳофиз — Шаршара. / Таҳрир ҳайъати: *А.Азизхўжаев, Б.Алимов, М.Аминов* ва бошқ. — Т.: „Ўзбекистон миллий энциклопедияси“ Давлат илмий нашриёти, 2005.
103. Ўзбекистон Республикаси: мустақил давлатнинг бунёд бўлиши. / *Қ.А.Аҳмедов*-нинг умумий таҳрири остида. — Т.: Ўзбекистон, 1992.
104. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги „Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси“ мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. — Т.: „Иқтисодиёт“ нашриёти, 2010.
105. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг Ведомостлари, 1990 й., 31—33-сон, 375-модда.
106. *Ўринбоев А.* Хожа Аҳрор. // „Буюк сиймолар, алломалар“ тўплами. — Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.
107. *Қодиров А.А.* Тиббиёт тарихи: Тиббиёт олий билимгоҳлари талабалари учун дарслик. — Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1993.
108. *Қодиров А.А.* Ўрта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши. — Т.: Ибн Сино номидаги нашриёт, 1990.
109. *Қориев М.* Танланган асарлар. Ибн Сино: Тарихий роман. Иккинчи жилд. — Т.: „Шарқ“ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 2000.

110. *Қутибоев З. Хожа Аҳроп Валий.* – Т.: Фан, 1996.
111. *Фиёсиддин Бин Ҳумомиддин Хондамир.* Буюклик хислати: Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ҳақидаги боблар. / Масъул муҳаррир: *Д.Юсунова*; Форс тилидан таржима, кириш сўзи ва изоҳлар муаллифи: *И.Бекжонов*; Бобур жамоат фонди. – Т.: Sharq, 2011.
112. *Ғулом Карим.* Турон қоплони (Олти қисм, ўн саккиз кўринишдан иборат драматик қисса). // Соҳибқирон ва аллома: Тарихий қиссалар. – Т.: Шарқ, 2002.
113. *Херман Вамбери.* Бухоро ёхуд Мовароуннаҳр тарихи. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.
114. Ҳуқуқшуносликка оид ўзлашма терминлар. / Тузувчилар: *Бектемиров Ҳ., Холмедов Ҳ., Содиқов С.* – Т.: Адолат, 1999.

МУНДАРИЖА

Сўз боши (С.Т.Саидолимов)	3
1-БОБ. Мустақиллик — ҳуқуқ демакдир (Б.Алиев, А.Н.Раҳмонов)	9
2-БОБ. Ўзбекистонда мустақилликка эришиш арафасидаги ўта оғир ижтимоий-иқтисодий вазият (Ў.В.Фафуров, М.Амонбоев)	40
3-БОБ. Мустақиллик йилларида ижтимоий-иқтисодий соҳада эришилган ютуқ ва марралар (Н.Т.Шоюсупова, Х.Х.Абдураманов)	54
4-БОБ. Дунёда „Ўзбек модели“ деб эътироф этилган тараққиёт стратегияси ва „Обод турмуш йили“ ғояларининг уйғунлиги (А.А. Маврулов)	71
5-БОБ. Беғамлик ва бепарволикка йўл қўймасдан, ҳушёрлик ва уйғоқлик билан яшаш — ҳаёт талаби (А.Мухторов, Т.Султонов)	82
6-БОБ. Соғлом ва баркамол авлод — келажаги буюк Ўзбекистонда ривожланган фуқаролик жамиятини яратишнинг ҳал қилувчи кучи (М.М. Қаҳҳорова, И. Остоноқулов)	96
Хулоса (С.Т. Саидолимов)	114
Назорат саволлари	116
Тест саволлари	118
Глоссарий	128
Фойдаланилган манбалар рўйхати	141

Президент Ислом Каримовнинг

**„МУСТАҚИЛЛИК – БАРЧА ЭЗГУ РЕЖА ВА
МАРРАЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ МЕЗОНИДИР“**

*рисоласи – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг
йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги
табрик сўзини ўрганиш бўйича*

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Нашр учун масъул илмий-ижодий гуруҳ:

М.Комилов, У. Фафуров, М.Амонбоев

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2013*

*Муҳаррир Л. Жўраев
Бадий муҳаррир Ш. Хўжаев
Техник муҳаррир С. Набиева
Саҳифаловчи К. Ҳамидуллаева
Мусаҳҳиҳ Т. Мирзаев*

Нашриёт лицензияси АИ №161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 07.11.2013. Бичими 60x84 1/8. Кегли 12 шпонли. Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Босма т. 19,0. Шартли б.т. 17,67. Ҳисоб нашриёт т. 10,34. Адади 3500 нусха. Буюртма № 289-13.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент — 129. Навоий кўчаси, 30-уй. // Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1-уй. Шартнома № 07-135-13.

66.3(5Ў)0
Ў32

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг „Мустақиллик — барча эзгу режа ва марраларимизнинг мустаҳкам мезонидир“ рисоласи — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма / нашр учун масъул илмий-ижодий гуруҳ: М. Комилов, У. Ғафуров, М. Амонбоев; Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги. — Т.: „О‘qituvchi“ НМИУ, 2013. — 152 б.

ISBN 978-9943-02-664-3

УЎК:323(575.1)(075)
КБК 66.3(5Ў)0уа722

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

© „O'qituvchi“ NMIU
100206, Toshkent sh., Yangishahar ko'chasi, 1.
Tel.: (+99871) 224-04-12
E-mail: info@oqituvchi.uz
Web-site: www.oqituvchi.uz

